


**Тұлқин ҲАЙИТ**

# **СИЗДАН БОШҚА КИМИМ БОР**

*Хикоя ва қиссалар*

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбая ижодий уйи  
Тошкент – 2012



УДК 821.512.133-3

84(5Ў)7

Х19

КБК 84(5Ў)7

Ҳайит, Тўлқин

Ҳайит, Тўлқин


Сиздан бошка кимим бор: ҳикоя ва қиссалар / Т.Ҳайит. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 228 бет.

ISBN 978-9943-03-488-4

10 44200  
38,

Машхур ёзувчилардан бири Юхан Борген: «...бадиий ижод одамзодни янада фаол этмоқ, унинг кобилиятлари, хаёлот кучини рагбатлантирмогу ҳамда унга ато этилган ҳайтии тўлаконли яшаш учун керак», дейди. Бори ҳам шу: адабиёт одамни ҳам жисмонан, ҳам маънан кучга тўлдиради. Ёзувчи эса ана шу курдатни яратиш учун ҳар бир асарига бор кучини, билимини, меҳрини беради, демак, у бутун бойлигини сизга ҳадя этади, зоро, битта яхши ҳикоя ёзиш учун ўн марта ўлиб-тирилиш керак, деган гапда ҳакикат бор, албатта.

Эътиборли асарлари билан тилга тушған Тўлқин Ҳайитнинг нафис туйғуларга йўғрилиб, таъсирчан воеалар асосида яратилган қисса ва ҳикоялари сизни ҳаяжонга соглаш ва ўзингиз гувоҳ бўлган ходисалар, турили тафсилотлару таниш чехраларга ошно эгади ва «Инсон бу дунёда кандай яшаши керак?» деся ўйлантириб кўяди. Дарвое, биз ҳам бу китобга беҳуда тартиб бермадик, азиз китобхон!



УДК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

© Тўлқин Ҳайит, 2012

© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2012

## БИЗДАН ҚАНДАЙ ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ?

(Сўзбоши ўрнида)

*Ҳаётда ҳар бир инсонга бир амал, бир вазифа юқланади, деган гап бор. Улуг аждодларимизнинг ҳаёт түлларига нозар ташлар эканимиз, бу фикринг нечогли түғри экантигига шоҳид бўламиш. ҳатик қаҳрамони Жатолиддин Мангуберди ватанпарвар, довюрак, жасоратли, мард ўғлон сифатиди кўз олдимиздан гавдатанса, Ҳўжса Аҳорори валий ҳазратларини маъзумларнинг ҳимоячиси, жсангу жадалларнинг олдини отувчи отиҳиммат инсон, деб билгамиш ва, шунингдек, ҳар бир улуг аждодимизнинг ҳаётда ўзига хос тарзда қолдирган ишларини ҳурмат ва эъзоз билан тилга оламиш. Қатам аҳлига эса энг буюк ва шарафти вазифа инъоми этилсанки, улар ўзларининг ёзган асарлари билан инсониятни маърифатга, тирикликтининг моҳиятни англашга, яхшилик билан ёмонлик устидан галаба қозониб, ҳаётни давом этитиришига ундаидилар ва шунга ҳаракат қиладилар.*

*Ҳаётдаги янгиликлар, ихтироатар ҳам дастлаб адабиётда бўй кўрсатиб, сўнгра реал ҳаётга кўчади. Эртакларимиздаги «Учар гулам», Алишер Навоий ҳазратларининг «Ойнаи жаҳони» бугун ҳаётда амалий вазифасини ўтамоқда.*

*Албатта, асар битиш, одамларга янги гап айтни осон эмас. Ижодкор аҳли, худди ихтироочилар каби, битта асари устидада йиллаб ишлайди, ҳамто шундай ёзувчишар борки, битта китобни йигирма-йттиз йиллар давомиди ёзганлар. Бошқани билмадиму, киен битта ҳикояни ҳам йиллаб ўйтайман. Сиз шунчаки эрмак учун қўлингизга қатам олмайсиз, кўз олдингизда инсон, унинг қалб олами, орзулари, тақдирли туради. Нафақат инсон, балки набобат оламига, дунё ва тирикликка, Она Сайёра тақдирига ҳам бефарқ бўлгатмайсиз. Менинг «Асалбог»имни ўқинг. Битта инсоннинг қалбини тушунни учун Ҳайдаровлар керакни, тошлиқ ёвойда боз яратган одам қанақа инсон, деган саволлар қўйнида ўйга чўмшинингиз аниқ. Албатта, унинг таг заминида нима борлигини ҳам англайсиз. «Анатольнинг отасига раҳмат» ҳикоямда китоб шайдоси бўлган инсон қиёфасини чизишга ҳаракат қўйдим. Унинг китобига меҳри шу даражадаки, ҳамто дала шийнонида ҳам кутубхонаси бор, китоб ўқшишига қараб ишчи*

тапталайди. У сизга ҳамма нарасасини, ҳатто қалбини ҳам берши мүмкін, аммо битта китоб сұраб күринг, солиб юбориш ҳақида әшитишни ҳам хоҳламайди. «Ҳаёт» газетаси бу ҳикояны жон деб босди. Раҳмат. Кейинги сонида бир отақоннинг «Анатотынинг отасыга ҳам раҳмат, муаттифға ҳам» деган акс-садоси ҳам берилди. Миннатдорман. Ҳикоя устозлар, дүстіларшыға ҳам маңызды бўлди. Шунча ҳикоя ёзib, бу дараражада шиқ сўзлар әшитмаган эдим. Уларни нима тўлқинлантириди? Китобга бўлган меҳр! Аслида, биз энг зарур нараса – китобдан узоқлашиб, қатбанизни чўлга айлантириб қўймаяптизми? Кимматбаҳо чинни буюлтар учун миллионларимизни аямаймиз, бир шиша ичимлик учун маблагимизни сарфлар эканмиз, китригимиз қулт ҳам этмайди, китобга келганда эса ҳасислик қичамиз. Бизни инсон сифатида танитган ҳам аслида китоб эмасми?! Китоб бўлмагандан, инсоният ҳеч нарсага эришигимасди.

Овчигар ҳаётидан ёзитган «Қор ғуллаган кун» ҳикоясининг қаҳрамони Ҳасанбой овчи, лекин нега кўз ўнгидан турган оқ айиқни отолмай, қўли қаттирайди?! Ваҳатанки, унинг асосий мақсади шу эди-ку! Шубиргина айиқни отса, рўзегорини буттиши, болагарини едириб-ичириши, тузукроқ қийинтириши ҳам мүмкін эди. «Жинқарча»ни айтинг. Ожиз инсонлардан. Аммо кичик жуссати бу йигит курашда голиб чиқади. Нима учун? Ёки «Насиба»даги татаба қиз нима учун бошқоронги аёлни деб ҳаётини гаровга тикади?! «Одамнинг яхшиси» ким? «Сабрия ҳоним»-чи? Нега шундай сутув қиз ногирон йигитга меҳр қўйиб, унинг учун барча нарсадан воз кечди?! «Дилижон»нинг изтироблари-чи? Ана шу ўйлар билан қаҳрамонларимизнинг қараб олатмига назар салар эканмиз, бизни яратишдан мақсад не ўзи, ўзимизни англаб етдикни. Машраб нега бошини дорга тикди, Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Усмон Носирларнинг мақсади нима эди, деган саватлар хаёлимиздан ўтади. Ҳикоялар сизни гоҳ табиатга, гоҳ мозий тонон бошласи-да, аслида ҳам масининг моҳияти бир, буни ўзингиз тўпланини ўқиб чиққач, теранроқ ҳис этасиз, деган умиддаман.

Умуман, мен танлаган қаҳрамонлар ҳам осмондан тушган эмас: улар орангизда, ёнингизда. Мақсад нима, мақсад?! Ҳамманизни «Биздан қандай яхшилик қолади?» деган савон кўпроқ ўйлантиримаяптими?! Демакки, барча улуғлар, буюк зотлар инсон қатбига беғуда бот-бот назар салган энастар! Бунда ҳам жуда капита маъно, моҳият бор.

Ёзганларимни ўқиб, бир лаҳза бўлса-да, бебаҳо бойлик – бетакрор ҳаётининг гўзатлигидан ҳузур, баҳра олиб, «мен инсонман, яратилганимга, шу ёруг дунёни кўриши шарафига муссар бўлганинидан баҳтиёрман», дейишингизни истаб қоламан.

Сизни яхши кўрувчи  
Тўлқин Ҳайит

ХУКОЯД



## АСАЛБОҒ

- Мехмон, уйқунгиз чала бўлди-я?!
- Йўғ-э, яхши ухладим, – деди Ҳайдаров ҳеч нимага тушумай.

Амир коровул кўлини пахса қила гапира кетди:

- Ҳасан чўлок – бемаза одам! Бемаза бўлмаса, кечаси минан ер чопармиди? Ўйламайдими, пикр қилмайдими, маҳаллага меҳмон келган, ҳеч бўлмаса, шу кеча тинч ўтирай, демайдими?! Кечаси минан миямми қоқиб чиқди-я! Ҳаҳ номард!

Ҳайдаров ҳазил аралаш деди:

- Кечасиям ер чопса, меҳнаткаш, ўта зўр дехкон экан-да!

Амир коровулнинг мўйлови ўнг ёнга қийшайди:

- Бе-е-е! У дехконми?! Дехкон эмас! Дарёнинг бўйида тошлок ер бор эди. Биз айтдик, ўв, Ҳасан, кўй шу ишингни, ҳеч замонда ҳам тошлок ерда дараҳт кўкарадими?! У bemaza қулок солмади. Кайтага денг, гапимизни эшитиши минан нос чекдида, ўша захоти туфлаб ташлади. Сизларди шу гапларинг бир отим носимга арзимайди, дегани бу унинг... ке-кейин билсам!

Ҳайдаров хихилаб куларкан, сўради:

- Нечун унга ғашингиз келади?

Амир коровул гавдасини тик кўтарди:

- Шу-у... халиги, ўтган йили эчкимиз боғига кириб, учтourt дараҳтни гажиган экан. Ҳайвон-да! Ҳайвонга акл ўргатиб бўладими? Шу арзимас нарса учун Ҳасан чўлок келиб биззи роса ғажиди! Ӯшандан буён гаплашмаймиз!

- Хапа бўманг, – деди Ҳайдаров қулиб. – Эчкингиз унинг дараҳтларини гажиган бўлса, у Сизни гажибди! Бир-у бир! Ничия! Аммо гапингиздан англадимки, Ҳасанбой боғ яратган, шундайми?

– Шундай, шундай, – деди Амир коровул хушламайгина.

- Бас, шундай бўлса, мени боқка олиб борасиз! Қолаверса, маҳалладаги ҳамма билан таништирдим, деган эдингиз, сирингиз очилиб қолди!

Амир коровул паст кетгиси келмади шекилли, асабий холатда күл силтади:

– Унинг нимаси қизик! Бўлмағур одам! Сиз эса ёзувчисиз, Тошканни манман деган катта одамисиз! Сизга тўғри келмайди у! Китоб ёзаман десангиз, ана Содик геройни кўрдингиз, канака зўр одам, немисди танкасини асир олган, ўшани ёзинг!

Мехмон ҳам қайсарлар зотидан эди:

– У билан албатта танишишим керак! Бунақа типлар камдан-кам топилади!

Амир коровулнинг кўзлари косасидан чикиб кетар даражада катталащи:

– Унақа деманг, меҳмон, у тиф эмас! Биззи маҳалладан ҳали бунака bemаза касал чиқмаган!

Хайдаров жилмайди:

– Мен тиф демадим, тип дедим. Тип – одамнинг бир тури, бир хили дегани!

Амир коровул отдан тушса ҳам, эгардан тушмади:

– Ман ўқимаган одамман, типнингизни каёқдан биламац! Аммо ўзингиз «тифф» дедингиз-да!

Мехмоннинг дами ичига тушиб кетди: «Ҳакикатан шундай нотўғри талаффуз килдимми-а?! Мен-а?!»

– Қаричилик-да, – деди у ўзини оқлаш учун. – Кемтиқ тишнинг орасидан бехос чикиб кетгандир! Аммо илтимос шуки, мени ҳозирок унинг олдига бошланг, жуда кизикиб қолдим унга!

Амир коровулнинг мўйлови қанот ёзди:

– Бажонидил, меҳмон! Бир оғиз сўзингиз!

Эрталабки ҳаво салкин, анбар хиддек кўнгилга майин ўтиради. Қўёшнинг тонгги шаффоф нурлари оппок либосларга ўралган дараҳтларни кизганиб ўпади. Чумчуклар асаларилардан рашқ қилгандек, ҳавони виз-виз кесади, хўроллар чўзиб-чўзиб кичкиради. Ўзокдан подованнинг овози эшитилади:

«Кўй-кўзиларни хайдангларо-о-о! Кеч ко-ол-ди-и-к!»

Хайдаров хузур қилиб керишади.

– Кишлопқ эртаси мазза-да, биродар! – дейди завкланиб.

Амир коровул ҳавони исказиди, носковок бурнини жийиради. «Нимаси қизик! Қизик-пизик эмас!»

Ҳасан чўлоч берилиб ер чопаяпти, ўтган-кетган билан иши йўқ.

Амир коровул лаганбардорлик бўлса-да:

– Ҳорманг! Ҳорманг, ҳорманг! – деди чап қўлини кўтариб.

Ҳасан чўлоч уларга тикилди, кетмонини ерга кўйди-да, нос отди. Бир муддат лабини чўччайтириб турди-да, сўнг томогини каттиқ қириб, туфлади.

Ҳайдаров ҳиринглади. Амир коровул эса қовогини уйди.

Бир тавакали ёғоч дарвоза ёнидаги катта бахайбат тош устига тарвуздек чакмоқ тош кўйилганди.

– Бунақасини биринчи кўришим, – деди Ҳайдаров унга завқланиб тикиларкан.

Ҳасан чўлоч оч қизгиш белбогини ечиб, гижим қоғоздек кир пешонасини артди.

– Ҳасан жўра, бу киши меҳмон, – деди Амир коровул шошиб. – Тошканнан келганлар! Зўр журналист!

Ҳасан чўлокнинг пешанаси ялтиллади:

– Меҳмон денг! Журналист денг! – У тупроқли кўлларини белбогига артиб, кўришишга чоғланди. – Ассалому алайкум, меҳмон, келинг, хуш кўрдик!

Амир коровул қаддини кўтарди. «Ҳайрият!»

Ҳайдаров Ҳасан чўлоч билан узок сўраши, унинг кўллари анчагача кафтлари орасида турди. «Боғ яратган кўллар, – ўйлади у. – Одамларга ризқ берган кўллар! Аммо нечун шундай зар кўллар эгаси ўзини одамлардан олиб кочади? Бунинг сири нимада?»

– Қани, марҳамат, чиқинглар!

Амир коровул типирчилаб колди. «Кўрган-билганлар нима дейди? Амир кечагина у билан ит-мушук эди, бугун оғизбурун ўпишяпти, дейишмайдими?!»

– Сила ўтириб туринглар! – деди у. – Ман отимни сугоришим керак!

– Майли, майли, Сиз bemalol! – Ҳайдаров бепарволик билан кўл силтаб кўйди.

Ҳасан чўлоч оқ сопол пиёлада унга чой узатди:

– Қани, меҳмон, олинг!

Ҳайдаров боғ томон тикилди:

– Жуда ажойиб манзил бўпти, – деди уни гапга солиш учун.  
– Мендан ҳеч бўлмаса, шу боф қолсин, дейман, ака!  
– Боф яратган элда азиз хисобланади!  
Ҳасан чўлок беихтиёр хўрсинди.  
Ҳайдаров пайтдан фойдаланиб унинг кўнглига кўл солди:

– Шунча катта меҳнат қипсиз, тер тўкибсиз. Сизни газетага ёэса арзиди!

– Мани эмас, Асални ёзинг, ака, Асални!  
– У ким? – ҳайрон бўлиб сўради Ҳайдаров.  
– У-ми? У менинг жуфти ҳалолим эди. – Ҳасан чўлок пешо-насини артди. – У бебаҳо аёл эди!

Ҳайдаров Ҳасан чўлокнинг кўзларига тикилди, нигоҳи ҳорғин, юзини изтироб тумани коплаб олган эди.

– Маҳалла оқсоқоли Маҳкам ака бош-кош бўлиб, уни менга олиб беришганди, – давом этди у. – Икки дунё обод бўлиб, кўзларим нурга. белим куч-куватга тўлди. Бир йил роҳат-фароғатда яшадик. Тузукрок уй-жой қуриш, унга шоҳона либослар, олтин узуклар ҳадя этиш ишикли ёнардим. Йигитлар билан маслаҳатлашиб. Владивостокка карам ортдик. Иш билан овора бўлиб, икки ой деганда қайтиб келдим. Келдим-у, кишлоқдаги дув-дув гапларни эшлиб чидолмадим. Асал кўшнимиз тракторчи билан гап-сўз бўлган экан. Орим келди. Сабрим чидамай кишлоқдан кетдим. Бош олиб. Қолсан, Асални, бир балога гирифтор қилишим аниқ эди, шундан кўрқдим. Гуноҳ қилган бўлса, эртага ўзи жавоб беради, уволига колмай дедим. Тўғри военкоматга бориб, ариза ёздим, ҳеч тўхтамай мени армияга олишди. Олти ой тайёргарликдан кейин Афғонистонга жўнатдилар. Асал ҳар куни йиглаб-сиқтаб хат ёзиб турди. «Сизни кутаман, соғ қайтинг, акажон», дея нола қилиб хат ёздики, ҳар гапини ўқиганимда багрим эзилиб кетарди. Лекин жавоб ёзишга ғурурим йўл кўймади. Бир йил шу йўсинда ўтди. Сўнг хат келмай кўйди, ақлдан озаёздим, ҳар холда хатлар мени овутиб турган экан.

Нима қилишни билмай бошим қотди. Шу орада бир кун каттиқ жангга кирдик. Бир жанг бўлди-е, Худо кўрсатмасин! Кечкурун эди, ортга қайтаётган эдик, гумбур этганини биламан, осмонга кўтарилганимни ҳам эслайман. Кейин... кейин!..

Ака, қолганини айтиш мен учун азоб, жуда катта азоб! Ҳали бу түғрида бирор кишига оғиз очганим йўқ, журналист экансиз, майли, айтай: кўзимни очганимда, туғилганимга пушаймон едим, чунки снаряд парчаси эрқаклигимни юлиб кетган эди. Ўзимни ўлдирмокчи бўлдим, кўлимдан келмади. жон ширин экан. Асални топаман, эрга теккан бўлса, тортиб оламан, дея қишлоққа келдим. Афсус, Асал мен овсаннинг дардида ёнаённа оламдан ўтган экан. Шундагина унинг оҳи мени урганигини тушундим. Мен нодон, мен ландовур шу нарсани тушунмабман. Бечоранинг умрига зомин бўлдим. Шундан буён ғарিবман, тўйларга боролмайман, элга кўшилолмайман, якка-мохов бўлиб қолганман, жон ака!

Ҳайдаровнинг тили тош котди, сухбатдошининг кўнглини кўтариш учун лоакал бир сўз ҳам айттолмади.

Ҳасан чўлок дараҳтларга тикилди:

– Боғни Асалга бағишладим! Номи ҳам Асалбоғ! Рухи шод бўлсин, деган ниятдаман. Боя ҳеч бўлмаса, мендан шу боғ колсин, деганимнинг боиси ҳам шу!

Ҳайдаров бокка кўз югуртирди: атроф тош девор билан ўралган, дарё томонга икки катор ёнгок кўчатлари экилган, шафтолилар кийғос гуллаган, анор дараҳтлари пушти либос кийган, кўм-кўк бедалар кўзни кувонтиради, бирон жойда катта кесак кўрмайсиз, дараҳт ослари, ариқ бўйлари хафсала билан чопилган, тупроғи майнин.

«Боғ жуда гўзал, – ўйлади Ҳайдаров, – аммо Асал йўқ. – У билинар-билинмас хўрсинди. – Бир кам дунё! Шу бечорадан бахтингни аямасанг, садағанг кетармиди?!»

Дарвоза олдида Амир коровул кўринди.

– Мехмон кетдикми?

Ҳайдаров ўрнидан турди. Ҳасан чўлокнинг қўлини кафтла-ри орасига оларкан:

– Асал ҳакида албатта ёзаман! – деди қатъийлик билан.

– Сизга ишонаман. – деди Ҳасан чўлок. – Асалимнинг боғи ҳакида хикоя килинг. Лекин сиримни ёзманг, ака, ярам тир-налмасин!

– Хотиржам бўлинг, кўнглингиздагидек ёзаман! – ишон-тириди Ҳайдаров. Дарвоза ёнидан ўтаркан, чақмоқ тошга яна

сукланиб тикилди: – Тошкентта олиб кетса бўларкан, – деди беихтиёр.

Ҳасан чўлок эшиитмаганга олди.

Амир коровул унга «очкўзлик қилма» дегандек ишора килди.

– Бу кишлокнинг бойлиги, – деди Ҳасан чўлок қўрслик билан. – Уни бирорларга ҳадя этиб бўлмайди.

Амир коровул зарда билан қадамини тезлатди.

Ҳайдаров мийигида қулиб қўйди.

Амир коровул тепаликка чиқкач, ёрила колди:

– Айтдим-ку уни одам эмас деб. Битта тошини сиздан кизганди-я, номард!

## ЕТИМЧАНИНГ ҚАЛАМИ

– Қаламим қани?

Жўравой меҳмонхона остидаги учадан эшиитилган бўғриқкан товушга эътибор ҳам бермади. Хизматкор бола Жамолнинг хар кунги жаврашига ўрганиб қолган. Унинг кўк қаламини кеча гилам остига ўзи яшириб қўйган эди. Узидан кўрсин: тунов куни Садбаргойим Жамолни сўраб қолганда, у кечаси билан расм чизиб, эрталаб ухлаб колди, бирга ишлаймиз, яхшимас, деб ўйлади ва уни сотмади, ха сотмади, лекин «сувга кетди» деб ёлғон гапирди. Одамнинг виждо ни кийналади шундай пайтларда. Бугун Садбаргойимнинг меҳмонга кетганини билиб, Жамол яна кулбасида расм чизиши билан овора, ундан кўра, козонни ювса бўлмайдими?!

Озғин, жиккаккина Жамол ҳовлига югуриб чиқди, зина айланиб ўтаётганда, кўк кўйлагининг енги темирга илиниб, шир йиртилди. Етимнинг қўли кўйса кўйсин, кийими йиртилмасин, ҳах аттанг, бир ойлик йиққан пулига бозордан кеча харид килган эди-я!

– Ака-а-а?

Жўравой унга тиржайди:

– Ҳа, жўжаҳуроз?

– Кўк қаламим қани-и-и?

– Осмонда!

- Ерга тушириб беринг!
  - Вож, зорманда-ей, гапниям тешворасан-а!
  - Ҳали шошмай туриң!
- Жүрөвай етимчанинг дағдағасидан чүчи迪, ё күнглини оғритмай дедими, ишқилиб, дархол паст тушди:
- Кекирдагингни чўзмасдан гиламнинг остига карасанг-чи, мишики!

Жамол кичкина хонасига қайтиб кирди: ўнг ва чап томонда иккита диван-каравот: киришдаги – уники, тўрдаги – Жўравойники; ерга сарғиш гилам солингган, деворга гул қофоз ёпиштирилган, шаркка караган дераза. Унинг остида темир иситгич – уйнинг бор жиҳози шу; у Жўравойдан кейин келган, тўрт йил бўлди шу уйда хизмат қилаётганига. Садбаргойим – яхши аёл, томоқдан аямайди, лекин айтганларини бекаму кўст бажариш керак. Жамол ишдан эринмайди, тонг сахарда туриб, ховли супуради, чой кўяди, ошхонада нонушта тайёрлашда Жўравойга ғинг демай карашиб туради. Кейин мактабга бориб келади.

У сарғиш гиламнинг учини кўтарган эди, катта кўк қаламни кўриб суюнди. Шу ерга яширган экан, хаҳ, ҳали караб турсин.

Жамол қаламни қўлига олиб, чангини пуфлаб артди, сўнг кўз олдида ўйнатиб, ўзича қувонди. Мовий рангни яхши кўради. Бу қалам билан завкланиб расм чизади. Қаламни уч ой олдин расм дарсида Зебо ўқитувчиси совға қилган эди. «Яхши расм чизар экансан, шу қалам сенга совға, буни Тошкентдан харид қилган эдим», деди. Қаламни кучоқлаб ухлаб қолган кечаси онаси тушига кирди. Уйқудан туриб, бир оз ўйланиб ўтириди, кейин хомуш тортди, сўнгра «шу мовий қалам билан ойижонимнинг расмини чизаман». дея аҳд килди. Ўзиям, эртакеч онасини ўйлади, бир кўришга интиқ-интизор, кўргиси келади, аммо иложи йўқ: икки яшарлигида вафот этган. Етим қолгач. Зухро холаси боқиб катта килди, едириди, ичирди, тарбиялаб, суягини котирди: энди у хам кариб қолди. Бундан тўрт йил олдин Садбаргойим «Шугинангизни беринг, хизматимни қилиб юрсин!» деган экан, ризкини териб юрибди.

Уч ойдирки, онасининг расмини чизиш билан овора. Эрта чизади, кеч чизади, лекин сира ўхшатолмайди. Ҳар гал чизганларини Зухро холасига ийманиброк, кимтиниброк кўрсатади.

Холаси расмга карайди-ю, «бўлмабди» дегандек бошини сарак-сарак килади. «Қўй шу ишингни! – дейди унинг кийналганини кўриб. – Аслида чизмаганинг яхши, руҳини безовта қилиб нима киласан!» – дея ўзича насиҳат ҳам килган бўлади.

Жамол кеча чизган расмини газетага ўраб. ташқарига чиқди:

- Жўра aka?
- Яна нима гап?
- Ман Зухро холамникига бориб келай! Айтманг яна!
- Ҳай, ўрток командир, айтмаймиз!
- Айтган нима?
- Ҳар нарса! – Жўравой кулишдан ўзини зўрға тийди. Унга шунака деб турмасанг, беғубор бола-да, хафа бўлади: етим-да, кўнгли яримта.

Зухро хола товукларига дон берадиган эди. Расмни кўрди-ю:

- Сал ўхшабди! – деди лабини тишлаб.

Жамол билдики, бу сафар ҳам расм кўнгилдагидек чикмаган.

– Онам кимга ўхшар эдилар, хола? – деб сўради токати ток бўлиб.

– Онангми? – Холаси бир зум ўйланиб қолди. – Онанг... онанг Шодмонбойнинг келинига ўхшар эди. Қариндошимиз-ку улар!

Жамол ура ташқарига отилди. Шодмонбойнинг уйи холасиникидан тўрт ҳовли нарида, шаршаранинг бўйида. Келинини яхши танийди. Сарвара – қишлоқнинг энг сулув кизи. Мирзабойнинг ўғли – Ҳалим дўхтири «оламан» дер эди, кучи етмади, Шодмонбойнинг кенжаси – Иzzатилла уни илиб кетди.

Шаршара суви тепадан тушиб, катта туйнукдан Шодмонбойнинг ҳовлисига кириб кетади. Жамол туйнукка эгилиб, ичкари мўралади. Сарвара бошини юваётган эди. Қоп-кора сочи жуда қалин ва узун эди, бир тогорага зўрға жойлашди. Кулча юзи офтобда опплок кўринади. Қора киприкларининг сояси ковокларига чизиқ тортади. Жуда чиройли-я! Онаси ҳам шунака чиройли аёл бўлган экан-да! Ана энди ўхшатади, бу кеча, албатта, ўхшатади.

Ортдан тап этган товуш эшилди:

– Ха, ярамас! Кимни пойлаяпсан, итялеки!

Үгирилиб қараган эди, Шодмонбойнинг жияни – дўкон мудири – лунжлари осилган, қорача Қодиркул аввал баша-расига тарсаки тортиб, сўнг бор кучи билан бикинига тепди. Жамол қушдек учиб, шаршарага қулади, ўнг бикини каттиқ санчиб, юзи ловиллаб ёнди. Кийимлари шалаббо бўлиб, сувда зўрга ўзини ўнглади. Изиллаб йиғлаганча: «Ман ҳеч нарса қилмадим, амаки!» деди, кирғоққа чиқкан эди. Қодиркул югуриб келиб, ёқасидан бўғди:

– Кани бу ёкка юр, ҳароми!

Жамолнинг лабидан қон сизиб чиқди:

– Унақа ҳақорат қилманг, амаки!

– Ху, ярамас! – Қодиркул унинг корнига тепди.

Уч-тўрт киши югуриб келди:

– Ҳой, Қодиркул, ўзингизни босинг, етимни хўрлаш гунох!

Қодиркул ўзини оқлашга тушди:

– Буни қаранг, бунинг ишини қаранг: уялмай-нетмай бош юваётган келинимизга кўз тикиб туриби.

Тепада томоша қилаётган хотинлар лабларини буриб, кўзларини олайтиришиди:

– Ҳай, етимча бўлмай ўл! Бунакаларнинг бошини силасанг, бошингга чиқади!

Жамол ўнг бикинини ушлаганча таппа ерга йикилди, оғзидан кўпик келиб, кўз олди қоронгилашди. Уни тезда дўхтирхонага олиб бордилар. Шифокор текшириб кўриб, жигарни эзилганини аниқлади ва милицияга хабар берди.

Жамол тонггача алаҳсиради ва туш кўрди. Зухро холаси унинг чизган расмини қўлига олиб: «Қойил, жияним, худди онангнинг ўзини чизисан! Энди ўҳшатибсан!» – дея мақтади.

– Кўк қаламим қани?

Кимдир: «Алаҳсираяпти!» – деди раҳмдил оҳангда.

Зухро холаси: «Тузалиб кетадими?» – деб сўради йигламсираб.

Жамол бўғриқди:

– Кўк қаламим қани?

Юмшоқ қўл унинг шишган бармоқлари орасига катта кўк қаламни тиқиб кўйди.

## ЭСКИ ДҮППИ

Катта, кенг, ёруғ дераза ёнида хомуш ўтирган Шавкатнинг кора чарм китобтўрваси очик турар, дафтарлар устида буқлаб кўйилган эски дўппи ҳам бор. Дўппининг кезаклари униккан, юлдуз ва ой нусха нақшларининг ранги ҳам хира тортган. Жамалак сочли, оқчили юз Ирода оёқ учидаги юриб келиб, китобтўрвадан дўппини олди. Дераза тепасидаги тарновдан тушаётган ёмғир томчиларига караганча хаёлга толган Шавкат кизнинг келганини ҳам, дўппини олганини ҳам сезмай колди.

– Вой-бўй, бу нимаси?.. Кизлар бу ёкка қаранглар?

Ҳангоматалаб шаддод синфдош кизлар бир зумда Ирода-нинг атрофини ўраб олишди. Дўппи кўлдан кўлга ўтди.

Шавкат синфдаги энг оғир ва босик бола. Шу дамгача унинг бирон марта бирорга овозини баланд кўтариб гапирганини, бирор билан сўз талашганини кимса кўрган эмас.

Ирода уни масхаралаб:

– Бу антикварми, Камолов?! – дея сўради.

Шавкат ўрнидан туриб, дўппига қўлини чўзди:

– Беринглар уни бу ёкка! Беринглар!..

Ирода – синфбоши, катта гапиришга ва пичингта ўч. Бирор гапнинг учини топса, шунака томоша қўядики, бунакасини Тошкент циркида ҳам кўрмайсиз.

– Нега кизишяпсиз, жаноб Камолов?!

Шавкатнинг икки ёноги кизарди:

– Беданадек сайрама! Дўппимни олиб бер!

Кизлар хохолаб кулишди:

– Боплади!

– Вой, бу бечорада ҳам тил бор экан!

– «Тирилган мурда» тилга кирди!

Пичинг ва кулгидан Шавкатнинг жаҳли чиқди:

– Яхшиликча беринглар дўппимни!

Кизлардан бири дўппини отиб юборди.

Шавкатнинг кўллари баланд кўтарилди:

– Отманглар уни! Отманглар!..

Ирода уни илиб олди:

– Ёшлигиде шуни кийиб юрганми, дейман! Ве-эй, роса антика эканми, зорманда!

Шавкат ўшкырди:

– У зорманда эмас!

Синфга отилиб кирган йигитлар таққа жойларида түхташи. Шавкат бакиряптыми? Индамас Шавкат-а?

Унинг паргаюш ўртоғи ўртага сукилди:

– Нима бўляпти ўзи?

Ирода дўлпини боши узра кўтарди:

– Мана шу эски дўппи бизлардан азиз эмиш!

Шавкат бўғриқиб деди:

– Ҳа, сизлардан азиз!

Ирода кўлини кўтарди:

– Стоп, стоп! Так вот, орамизда оғир, босик Шавкат бор эди... унинг никоби йиртилган кўринади! Болалар, кани, ўтиринглар. Буни муҳокама қилиш керак! Эртага бу гап бутун мактабга достон бўлса, ҳаммага кулги бўламиш!

Ҳамма жой-жойини эгаллади. Факат Шавкат ўртада қолди.

– Бер дўппимни! – деди у ўшқириб.

Ирода кош-ковоғини уйганича шангиллади:

– Болалар, эшитдинглар-а?! У мени ҳақорат килди.

– Сени ҳақорат килаётганим йўқ.

– Унда нега сенлаяпсан?.. Бу ҳақорат эмасми? Сен мени ҳеч қачон сенлаган эмассан!

– Бер дўппимни.

– Шу мендан, биздан азизми?

– Азиз!

– Болалар, эшитдинглар-а?.. Энди буни тушунтириб берсин!

– Эшитдик, эшитдик! Тушунтириб берсин!

Шавкат сёқтиради:

– Ҳеч нарсани тушунтириб бермайман, беринглар дўпимни!

Ирода муштини дўлайтирди:

– Эгоист!

Шавкат ҳам бўш келмади:

– Ўзинг эгоистсан!

Ироданинг калин лаблари кўкариб, кўзлари қисилди:

– Болалар синф раҳбаримиз – Нодира Юсуповани чақириб келинглар, тарбиявий соат ўтказамиз. Орамизда жаҳолатчи пайдо бўлиби!

Бу гап Шавкатга оғир ботди. Отасини эслади: майор Камолов Ҳисор тоғларига ўрнашган жангариларга карши курашга кетаётган куни дўпписини унинг бошига кўндириб: «Келгунимча хидимни йўкотиб қўйма!» дея кулганча кўз қисиб қўйганда. Шавкат буни ҳазил ўрнида тушунган эди. У хозир ўша кунни, отасининг кулиб турган ҳолатини эслади. Отаси оқчил юз, оппоқ тишли, истараси иссиқ, кувнок киши эди. Ишдан келган заҳоти уни даст кўтариб, ҳовлини айлантирап, якшанба кунлари кўчага олиб чикиб ўйнатар, айтган нарсаини, истаганини олиб берар, нима деса, йўқ демасди. Токқа урушга кетгач, бир хафтадан сўнг... бир хафтадан сўнг уни тобутга солиб олиб келдилар. Шавкат олдинига тушунмади. Ҳовлини йиги-сиғи тутди..

Ироданинг овози уни ўзига келтирди:

– Уни каранглар: кап-капта йигит йиғлаляпти... йиғлаляпти!

Шавкат тобутда ётган отасини эслади. дўппининг хиди димогига урилди:

– Бер дўппини, бу ёкка бер! У отамдан қолган азиз дўппи! Билдингми? У отамдан қолган!


Ироданинг кўллари шалвираб икки ёнига тушди.

Синфга югуриб кириб келган Нодира Юсупова Ироданинг кўлидан дўппини олди-да, кўзларидан шашқатор ёш оқаётган Шавкатни бағрига босди:

– Йиғлама, ботир болам! Йиғлама, сен отангга муносиб ўғилсан! Муносиб ўғилсан!

Шавкат устозининг кўлидан эски дўппини юлиб олди-да, йиғлаганича ташқарига отилди.

Ёмғир эса челяклаб қуймоқда эди...



## ҚОР ГУЛЛАГАН КУН

### 1

Оч кумуш туман ёпирилиб келган кунда, унинг ортидан совук шамол хазонбаргларни учириб ўйнаган пайтда, баланд-паст Ҳисор тоғлари бағридаги кичкина Манзилобод шаҳарчаси узра бойвучча Савлатойимнинг янги ниятлари ҳакидаги мишмишлар томдан-томга, ҳовлидан-ҳовлига ўтиб, ялтур-юлтурга ўч хотин-халажнинг юракларига тоғдек армон. рўзғор ғамида юрган эркакларнинг чўнтакларига эса ташвиш уругини сепди. Савлатойим деганлари ният килибдиларми, эркакларнинг пашшадек жонларига энди филнинг иши юқланди, деган гап: танноз хонимлар караб туради, дейсизми, ок айик терисидан тикилган пальто модага айланса, то унга эга бўлмагунча эрларининг ҳолжонига ҳам қўйиб бўптилар, энди жонни-ку, ўртаниши тайин, суяқ илигининг ҳам қовжираши аниқ.

Куз ўрталарида Ҳисор тоғларида ок айик пайдо бўлди-ю, Савлатойимнинг ҳаётидан ҳаловат кочди: ўтган йили хориждан келган меҳмонлар орасида назокатли бир жувоннинг эгнида ок айикнинг терисидан тикилган пальтони кўриб, юракчалари сув кетган эди. Ўша кечаси ўзи учун саховатпеша эрларининг митти кулокларига шу тўғрида танбур чертган эдилар, эр ҳам «хўп» деб ваъдан куюк килди, аммо ок айикни топишдан кўра, ўлим осонрок экан. Ана сизга тоғдек муаммо. Мирзабой бечора бир йил ҳасрат «арияси»ни эшитишга мажбур бўлди-ей ўзиям. «Ҳов барака топкур, ўша хорижникидан олиб берай!» дея жон куйдириб нола қилса ҳам, кайсар хонимча нозик оёқчаларини босган жойидан жилдиришни истамади. Нима эмиш, у кишига оригинални керак экан: оригинал курғур деганлари Ҳисор тогининг ок айиги эмиш. Пальтомисан пальто бўлармиш-да, дунёда битта. Мирзабой Ҳисор тоғларида ок айик йўқ, деб ўйлар ва «хотиним бугунми, эрта хорижнинг ок пальтосини харид қилишга розилик беради», деган хом хаёлда эди. Ок айик пайдо бўлди-ю, Мирзабойнинг пешанасига ташвиш мухр босди. Шаҳарча эса ковоғини уйди, ҳатто кора қарғалар ҳам корасини кўрсатмай қўйди, эркаклар-

нинг қовоклари осилиб, хотинларнинг армонлари буулутлардан ўтиб, қүёшга етди, ариклардаги сувлар хомуш боқди, дараҳтларнинг ялангоч кўллари кор учкунларига киё ҳам бокмади, ҳатто шамол ҳам уларни отиб ўйнашдан бўйин товлади.

Ана шу лаҳзада Ҳасанбой овчининг уйи ёнида, икки тавақали кичикрок кўк дарвозадан берироқда қора «Тойота» машина кўндаланг тўхтади ва Савлатойимнинг эри – сувсар телпак, чарм куртка кийган, башараси тунд Мирзабой кабинадан тушиб, оғзидағи тамакини ташлаш учун у ёк-бу ёкка қаради-да, битта тортгач, тош уюми ортига отиб юборди. Унинг ҳайдовчиси қўнғизмўйлов йигит машинадан шошиб тушиб, ичкари кирди ва хаял ўтмай барваста, келбатли; ўsic кош, бургут кўз Ҳасанбой овчини бошлаб чиқди.

Мирзабой унга умид билан боқди:

– Овчилик қилиб турибсизми, ака?

Ҳасанбой кўлларини кўксига қўйди:

– Худога шукр, шу тириклигимиз бор! Қани, бой ака, уйга марҳамат! Хуш кўрдик!

– Тўғриси, Ҳасанбой ака, шаҳарда ов киладиган одам ҳам колмабди. Фақат сиз овга чикиб турар экансиз! Эплайсизми, ок айиқни?

– Таваккалнинг боши... ялтирок, ака! – ҳазиллашди у. – Ҳали айиклар уйкуга кетган эмас, эпласа бўлади, ургочини!

Мирзабой дум-думалок қорнини силкиллатиб кулди:

– Овчи десам, асқиячи ҳам экансиз! Ҳай, гап бундай: у чўнтагидан бир тахлам пул олди-да, унинг қўлига тутқазди. – Бу ҳисобга кирмайди, ака! Эплаб келинг, канча десангиз бераман, хотиннинг овози ўчса, бас!

Ҳасанбой овчи бу сафар букилишни ор билди.

– Худо кўлласин! – деди майнингина овозда.

Карғалар қағиллаб ерга тушди.

## 2

Ховлида рўзгор юмушлари билан ивиrsираб юрган Гулзода ая омборхонадан қўшофизли милтигини олиб чиқаётган эрини кўрди-ю, товок юзи шафтоли қоқидай буришди:

— Яна ўша зормандани об қопсиз, дадаси, яна улоқишгами?

Ҳасанбай овчи бироз ранжиди. «Улоқишга эмиш. Занғарнинг шу сўзи одамни ўсал қилади-ёв доим. Ух, сани! Аввал нима гаплигини сўра, нодон!»

— Сен, онаси, сув кўрмасдан этик ечма! — деди у хотинининг ғазабини кўзғатмаслик учун бироз босик ва юмшоқ оҳангда. — Бу гал омад келиб турибди.

Хотини дўрдок лабини бурди:

— Омад дейсиз-а, дадаси, шунча йил тоғу тош ошиб, иккита какликдан бошка нарса келтирган эмассиз уйга! Кўйинг, шу совукда, бошидан колсин ўша ови!

Ҳасанбай овчи хотинини кўндириш учун мақсадини яширамади ва чайналиб деди:

— Онаси, шу десанг, ҳалиги. Мирзабой бор-ку, шунинг эрка хотини оқ айик терисидан пальто тикитирап эмиш. Шунга дедиларки, Ҳасанбай ака, сиз эркак, ман эркак, шу хотин оллида мани шарманда қиманг. ов қилишнинг кийинлигини биламан, Ҳисор тоғида оқ айик пайдо бўлган эмиш, шунинг терисини шилиб келинг. ман сизга айтганингизни бераман, деди! — Кўз олдида даста-даста пул кўриниб, «ҳали кўраман шодланганингни» деб ўйлади. — Ўзинг тушунасан, болаларга этик, пальто олиб беришимиз керак, киш қаттиқ келадиганга ўхшайди!

Гулзода аянинг лаблари осилиб, кўкарган олд тишлари аниқ кўзга ташланди:

— Савлатойимнинг кўнгиллари нималарни истамайди! Ойни ҳам олиб берасиз, дейишдан тоймайди эрига! Зорманда қолгур-а. аёл дегани сал эрини ҳам аяши керак-да!

Ҳасанбойга шу гап керак эди, хотинининг жонидан тутди:

— Ҳамма аёллар сенга ўхшагандами, онаси, бу оламда эркак зотига ташвиш қолмасди.

— Сизга шунака ҳазил бўлса, ордона колсин! — Гулзода ая ошхонага кириб кетди. Бу унинг «кетсангиз кетаверинг» деган арази эди. Ҳасанбай мийигида қулиб, яна омборхонага кирди. Ёз бўйи дала-дашт деб овга ҳам боролмади: олмазор бу йил тўкин ҳосил берди, коровулмисан, карашинг керак. Ўқтам фермер: «Бир дона олма ҳам йўқолмаслиги керак, эрта-кеч кўз-кулок бўлинг!» деб амри олий берган эди. Бошлиқка кулок

солмаганинг холигавой! Ўқтам фермер ҳам кечирадиганлардан эмас! Нима қилсин, ёз бўйи боққа боғланиб, ов хумори тутса ҳам, бир ёкка боролмади.

Гулзода ая ошхонадан тугун кўтариб чиқди:

– Кетяпсизми, дадаси? Буни олинг, нон, гўшт, бир ёғлигидан ҳам кўшдим!

– Яша, онаси!

– Бўйинли жемперингизни, ичи юнгли курткангизни, қўлкопингизни ҳам олинг. Оғир бўлади, деб эринманг. Тогу тошда, совук, ҳали сиз бизга кўп керак бўласиз!

Ҳасанбой овчи эриб кетди:

– Бу бошка гап, онаси! Болаларга кўз-қулок бўл. Ҳакимни тергаб тур, кўп эркатойлик килмасин. Кечагина олиб берган патинканинг расвосини чиқарибди. Буларингга оёқ кийим бир ойга ҳам чидамайди-я!

Она-онада, дархол боласининг ёнини олди:

– Ўғлимни айбламанг, дадаси, оёқ кийимларнинг ўзи сифатсиз, бир коптоткепса, йиртилиб кетади!

Ҳасанбой овчи бу сафар сал баланд келди:

– Сен ҳам тўки, палсафангни қара-ю! – У ов халтани елкасига олар экан, чўнтаигига қўл тикиб, бир сиким пул чикардида, хотинига узатди:

– Келгунимча эплаб тур!

Гулзода аянинг лаблари гезарди:

– Шунча узок кетасизми?

Ҳасанбой овчи гапни калта қилди:

– Худо, де, тез қайтай!

– Эгамнинг ўзи ишингизни осон килиб, овингизни бароридан келтирсан!

Ҳасанбой остона ҳатлади. Осмоннинг юзини хира булатлар тўсган, намчил кун. Дўкондан мой олиб қайтаётган Қудрат чол олдидан чиқди. Сичқон кўз, доимо тиржайиб юрадиган, пи-чингчи чол.

– Яна овгами, Ҳасанбой?

– Бир айланиб келай! – деди у сир бой бергиси келмай.

– Туя отасизми, фил?

– Худо бергани-да, отахон!

— Ҳай, ҳай, түя отсангиз, терисиний оп келинг бизга, бир отим амирикон нос бераман ҳакига! Ҳи-ҳи!

Ҳасанбой овчи юзини тескари ўғирганча қадамини тезлатди. «Одам ҳам шунча сассик гап бўладими? Овга кетаётган менман, сенга нима? Бу ҳам етмагандай, хозир чойхонага чикиб, роса гапиради. Ҳасан яна овга кетди, хали умрида битта бўри отганини бирор кўрган эмас, дейди. Мен уни роса ўсал килдим, деб мақтанади ҳам. Сатқаи одам кет!»

Юраги ғашланган одамнинг оёғи зиркираб, кўнгли хира тортади. Ҳасанбой овчи ҳам шу ҳолатга тушди. Бир қадам кўймасдан бу нохуш ҳолатга дуч келди, бу яхшилик аломати эмас, ови ўнгидан келмаса, нима қиласи?! Э туф-э, туф!

Мактабдан чиккан шўх, ўйинқарок болалар бир-бирларини қувлашиб келишар, кўплари унинг каршисига етгач, сал ҳайикиб, салом бериб ўтишарди-да, яна бир-бирларини туртиб-суртиб, бакириб-чакириб, катта кўчани шовкин-суронга тўлдиришарди. Ҳасанбой овчи уларга завкланиб тикиларкан, «болалик энг яхши давр экан-да» деди ўзича. Ана шу лаҳзада ён томондан ўғли Ӯлмасжоннинг овози эшилди:

— Дада, овга кетяпсизми?

Ҳасанбой овчи қўйкўз Ӯлмасжонни кўриб, жилмайди, саломига алик олгач:

— Ҳа, овга кетяпман, ўғлим! — деди ийманиброк. Кудрат чолнинг пичинги қулоги остида янграб, юраги кисилди.

Ӯлмасжон уни кучиб олди:

— Дада, менга каклик олиб келинг!

— Хўп, ўғлим! Сен ойингга қарашиб тургин! Хўпми?

— Майли, дада! Ана у-чи, ана у! Бугун Ҳакимнинг патинкасидан сув ўтибди. Дадам менга патинка олиб бермайдилар, деб йиглади.

Ҳасанбой овчининг юраги қаттиқ тепиб, аъзойи бадани какшади.

— Овдан қайтай, олиб бераман, ўғлим! — деди касал одамдек бужмайиб. Бундан ортиқ азоб борми ота учун. Ўғил шундай дея изза килиб турганда, кайси отанинг жони бўғзига келмайди. — Олиб бераман, ўғлим. Сизларни деб юрибман-ку! — деди ва ўзини окламокчи бўлганидан уялиб, кўзларини олиб кочди.

Кўз олдида Мирзабойнинг данғиллама ҳовлиси, кизғиши тунука томли уйи, ялтур-юлтур кийинган хотини жонланиб, яна ўртанди. «Нега у шунака эмас, нега унинг сира омади келмайди? Неча йилдирки, ов килади, аммо ҳали бирор марта айик отиб, терисини сотиб, қўли пул кўрган эмас. Шу гал омади келиши керак. Албатта, албатта, омади келиши керак!»

– Ўғлим?

– Лаббай, дада?

Ҳасанбой чўнтағидаги бор пулини ўғлининг қўлига тутқазди:

– Укангнинг патинкасини этиқдўзга олиб бориб, яматиб бер! Оёгидан совуқ ўтмасин! Хўпми? Мен келгунча бешлиарни ҳам кўпайтири. Сендан умидим катта!

– Хўп, дада!

Ҳасанбой овчи ўрнидан оғир қўзгалди.

Ўлмас қўл силкиди:

– Дада, яхши бориб келинг!

### 3

Ҳасанбой овчининг кўнгли ҳазон каби ковжираб, кўз денгизига ҳасрат зардолари куйилди ва бу зардоб шайтонга айланниб, бутун танасидаги севинчларни тўкиб юборди: кўз олдида ўғиллари, қизлари-ю, жовдираб турган аёли жонланиб, «нега мен бунчалик омадсизман, шу сафар ҳам ишим ўнгидан келмаса, нима деган одам бўламан?!» дейя яна ташвиш ботқоғига ботди, дарё ёкалаб юриб, тепага, сўқмок йўлга кўтарилди, кечакор ёққан бўлса-да, эриб кетган, нишаб йўлларда юриш учнчалик кийинчилик туғдирмайди. Пастда дарё шовуллайди. Тик ўсган кўкимтир арчаларни кор босган, совуқ шамол аралаш хушбўй хид димокка урилади, кўкимтир тик коя ёнидан ўнгга бурилгач, кизил тог бошланади, бу ерларнинг тупроғи ҳам кизил, тарам-тарам ёрилган тог жинслари майдаланиб пастга тушиб, сўқмок йўлни босиб колган. У илдам қадам босиб, тогнинг тепасига чиқди: ёқимли, гуррос шамол, худди ўйин килгандек, ёқасини юлкиб кочди; ҳаво очик, олдинда учта кўкимтир тог, учинчи тог чўккиси ок қалпок кийган, ўнг то-

мон арчазорли дара, дарёнинг шовуллаши баралла қулоқка ча-  
линади. Ана энди пастга қараб кетади, нафасини ростлар экан,  
елкасидаги ов халтанинг оғирлигини сезди. Бир оз толикди.  
Уч соатдан бери тинмай йўл босишнинг ўзи бўладими?!

Ҳисор тогининг Қора дарасидаги катта горга қош  
корайганда етиб келди. Энди у анча чарчаган, танасида оғир  
чарчок сезиб, ўзини ланж, беҳол сезмоқда эди.

Фор ичи иликрок, кўл чирогини ёккан эди, оёқ изларини  
кўриб, бу ерда кечагина кимларнингдир тунаганини сезди.  
Ўзига таниш танча ёнига етганда, катта тошга қатор териб  
кўйилган ўтинларни ва ўртадаги бир уюм кул орасида чўғ  
учкунларига кўзи тушиб, «балки оқ айикни изидан келишган-  
дир, эҳ. мендан олдин отиб кетишимасайди», деган хавотирга  
борди. Тош токчада кичкина шишада туз, ёнида гугурт бор  
эди. Овчиларнинг одатлари шунақа: ҳар жойда котган нон, туз,  
гугурт, ўтин колдириб кетишади. У жунжиқди, оёкларининг  
уюшганини ҳам ҳис этиб, олов ёкиш тараддулага тушди. Бу  
кечани шу ерда ўтказишга мажбур. Эрталаб кун исиганда оқ  
айикни излашни бошлаб юборади. Ўтин ёнида ҳас-хушак  
ҳам бор эди. Бир қучогини кул устига ташлади-да, ўтинларни  
калагач, гугурт чақди. Ҳас-хушак тутаб, лов ёниб, гор деворла-  
рида нагма кўрсата бошлади. Катта ғўлани устига босган эди,  
шашти қайтди. Ғўла эрталабгacha ёнади, гор иссик бўлади.

«Ҳакимбек нима килаётган экан, онасиға арз-дод қилиб  
ўтирганмикин? Ўлмас-чи? Ишқилиб, унинг ботинкасини яма-  
тиб бердими?! Қизлари-чи? Нигора дарс тайёрлаётган бўлса  
керак. Шахло кўғирчогини ўйнаб: «Дадам қачон келадилар?»  
деб вижир-вижир қилаётгандир».

Ҳасанбой овхалтасини очди, гор ичидаги зира ва гўшт хиди  
таралиб, иштаҳани китиклади. Юмшок нонни ушатиб, икки  
бўлак гўшт еди. Қанийди, бир пиёла чой бўлса! Лекин қачон  
чой қайнайди-ю, қачон маза қилиб ичади. Уйқу курмагур ҳам  
босиб келяпти. Бошини хашакка кўйгани эсида, кўзини очга-  
нида кўёш терак бўйи кўтарилган эди. Кўз олди тиниккан, та-  
наси енгил, рухи тетик эди. Овчи деганида шижаот ва тетиклик  
бўлмаса, пашша ҳам овлашга курби етмайди. Оқ айикнинг  
уяси иккинчи тог оралиғида бўлиши керак. У томонга унча-

мунча одамнинг ўтиши қийин, дарёга яқин жой. Айқлар сувга яқин, овлоқроқ жойда уя куради. Ёла мил-мил ёниб турар, фор иликкина, ташқари чароғон; у атрофга аланглаб. **Утиннинг тагини кўтарган эди, тўнтариб қўйилган қора кумғонни кўриб, кўлига олди ва ўрнидан туриб.** дарёга тушди-да, апил-тапил ювинди, сўнг кумғонни тўлдириб ортга қайтди. Бир пиёла чой ичib олсин, у ёғига худо пошшо!

У йўлга тушганда, куёш анча кўтарилиб қолган эди.

Туя чўққи икки ўркачли тик қоядан иборат: бири тўк кўк рангда, иккинчиси худди ховучга ўхшайди, беш бармок юкори кўтарилиган, кафтида ок кор, музлик; гув-гув шамол эсиб туриди, юкори кўтарилиган сайин қор қалинлашмоқда, у арчаларни бир-бир ушлаб, тик кўтарила борди, бу ерларга одам у ёқда турсин, бирор ҳайвоннинг ҳам оёги тегмаган, паст – тубсиз жарлик, гоҳо тошлар ўрнидан кўчиб, кўчки бошланиб, акс-садо беради. Шундай пайтларда кўнгилни ваҳима босади. Одам тош эмас-ку: чўчиди, шубҳага боради, аммо қўркув унга бегона, ҳакикий овчи кўрқмайди, кимдан кўрқади, табиатданми, она ердан-а?! Уят-э, она ердан кўрқканга! Беихтиёр жилмайди: бармок қоя ложувард товланмоқда: шу гўзалликдан кўркиб бўладими, **Хасанбой**?!

У яна болаларини эслади: **Ҳакимбек хурсандмикин?!** Үлмасвой – ота ўғил, укасини хурсанд килган бўлиши керак. Шу ўғлидан умиди катта. Қанийди, илмли одам бўлиб етишсайди! Кўшни Жўравой тракторчининг ўғли курувчиликка ўқиб келди. Кам бўлаётгани йўқ. Ҳам курувчи, ҳам фермер. Олтмиш бешга кирган Жўравой мошинда юради. «Ўғлим, тўрт уканг, олти синглинг сеники энди, уларга бош бўл!» дебди. **Ўрганчасини мединститутда, кейингисини иқтисодда, кизларни эса пединститутда ўқитяпти.** Келажаги бор уларнинг Үлмасвой ҳам шу ишларни зиммасига олса, улар ҳам зиёли оила бўлишади. Илмдор оилаларга кўп хаваси бор-да унинг! Яқинда ўғилларига рубоб, доира, най олиб берди. Зиёли оила санъатни ҳам севиши керак экан. Янги китоблар чикибди, деб эшитса, бозордаги китоб дўконига дархол югуриб боради. Үлмасвой мук тушиб ўқийди китобни. Завқи келади. Ярим кечада ҳам китоб ўқийди. Барака топсин. Одам бўлсин ишкилиб!

У белини кўтариб, арчага суюнди, бир оз нафасни ростлаш керак.

Ҳакимбойга велосипед, копток бўлса, бас! Овқатини еб бўлдими, телевизорга ёпишади, кейин эрталаб ётиб қолади. Бир куни ҳеч ким сезмаган, тушгача ухлабди. Нега мактабга бормадинг, деб сўрасангиз, баҳонаси ёнида тайёр: «Бош оғриди, отавой!» дейди ёлғондан тап тортмай. Унга каттиқрок туриш керак. Ўқийман деса, калласи дуппа-дуруст олади. Қайтиб борса, уни каттиқ тергаб қўйинши бор.

Елқадаги халтасини бир силтаб, камарини тўғрилаб олдида, юкори интилди. Шу бўйи тепага чиқди, қуёп оғаётган пайтда, пастга энкайиб туша бошлади. Худо унга илмдан бермади, мактабда зўрға учга ўқир, ўқитувчилардан доимо дакки эшитгани-эшитган эди, отаси дала қоровули эди, гоҳо овчилик ҳам килиб турарди. Кирчангги отлари бўларди, шунга меҳрини берди. Отасининг бод касали қўзғаб ётиб қолганда, далага чикиб, олмазорни қўриклиди. Қўшоғиз милтиқни эгарга куйиб, эртакеч дала айланди, гоҳо кирғовул, товушкон отиб келди. Отаси кирғовул гўштини яхши кўрарди. Бир гал қирғовул гўштидан тайёрланган шўрвани ичиб: «Яшанг. ўглим!» деб мактади ҳатто. Гулзода гузардаги Саттор тракторчининг кизи эди. Отаси дўстимнинг кизи деб уни келин килди. Ҳасанбой фик этмади, уни оламан, буни оламан, демади ҳам. Ота «баҳтли бўлинглар!» деб дуо берди. Шундан бери шу яхши аёл билан яшаб келяпти. Тўрт фарзанди бор. Ёмонми?! Эртага улар ўқиб, одам бўлишса, у ҳам кун кўради, яхшилар қаторидан жой олади.

Кеча ёмғир ёққан, тог жинслари нам эди. Пастда илон изи оқаётган дарё майнин шовуллаб, кенг дарани бир маромда аллайди. У катта тош ёнидан ўнгга ўтди, тог тик тушган. Шу ердан эҳтиётлик билан пастга тушиб олиш мумкин. Қизғиш тошлар ёрилиб тўқилиб, майда шағалга айланган. Оёқ қўйган эди, бирдан сирпаниб кетди. Ҳаловона параха тошни ушлаб, илиниб қолди. Худо кўрсатмасин, тог кўчкисига учраса борми, ўзини ўнглаши жуда қийин. У қўлини қўйиб юбориб, ўнг томонга ўтди: тош парахасига ўнг оёғини маҳкам босиб, пастга осилиб тушди.

Хотинининг норози бўлгани дилига ғашлик солди. Йўқ, бормайсиз, деб оёқ тирамади-ку ҳар ҳолда. Пулни эшитиб,

шаштидан тушиди. Ҳар қалай, эрим беҳуда жон койитмаяпти, деб ўйлади шекилли!

Теладан тош күчди, у ўзини четга олди, лекин шу лаҳзада кизгиш шағал тарс-турс бошига тўкилиб, кўз олди тинди ва куттилмаганда пастга ағанади. Бу кўз очиб юмгунча содир бўлди: қўлидан милтиги учиб кетди, овхалтаси ҳам сирғалиб тушди, елкаси билан паражали тошларга урилди, чап оёғи шилиниб, оғрик турди. Эвоҳ, бу кўргилик ҳам бормиди хали?!

#### 4

Кўзини очганда, ўзини шоҳ-шабба ва шағал ичида ётганини кўриб, эси чикиб кетаёзи: оёқ ё қули синмаганимкин ишқилиб?! Оёқларини кимирлатиб кўрди, тиззалари зиркираб оғриди, ўнг оёгини катта тошлар босиб қолган эди. Шу лаҳзада тоғ бўрилари ёпирилиб келса борми, тайёр гўштда: бурда-бурда килиб ташлашади. Бўри дегани овчини курса, ваҳшийлашиб кетади. У тошларни илдамлик билан олиб ташлаб, ўнг оёгини ҳам тортиб олди-да, пайпаслаб кўрди, тўпиги сал оғриди. Йўқ, лат емабди. Ўрнидан турган эди. тўпиги какшаб оғриди. Синганмикин? Утириб, бир оз силади. Синмаган, лекин сал лат егани аниқ. Осмон очик, юлдузлар кўл етгудек яқин. Соат неча бўлдийкин? Енгини суриб, ўнг қўлидаги соатни қулогига тутган эди, шиша синиклари қаттиқ ботди. Эҳ, синибди. Юрмаяпти. Соатсиз қолганга ўхшайди. Ўрнидан турди, оёғи оғриганига парво ҳам кильмади. Милтикни, овхалтани топиш керак, бўлмаса ҳароб бўлади.

Дарё гувиллаб, шовқин солар, совук шамол қаттикрок эсмоқда эди. Яхшиямки, хали куз, қаҳратон кунлар бошланган эмас. Бу кун энди шу ерда колади, бошқа иложи йўқ. У шағал уюми устидан, шоҳ-шаббани нари суриб пастга тушди. Милтикни, овхалтани узоқ қидирди. Қани энди, топила қолса, қаёқда колдийкин-а?! Шағал уюми олдига келди. Шоҳшаббаларни олиб ташлаб, тошларини нари-бери сурди. Ҳаёлида милтик ҳам, овхалта ҳам шу атрофда эди. Узокдан айиқнинг ўкиргани, чиябўриларнинг улигани эшитилди. Топила қолсанчи! Бир нима кулига илинди. Бу овхалтанинг камари эди. Су-

юнганидан зарб билан тортган эди, камар чирт узилиб, ўзи тошлар устига қулади. Оббо, ярамас! У илдам ўзини ўнглаб, тошларни суриб ташлади. Овхалта бус-бутун эди. Хайрият, деди-ю, лекин суюнмади, унга хозир милтиқ керак, милтиқ! Овхалтани четга олиб күйгач, уюм атрофини гир айланиб, шагални титкилай бошлади: тирноклари қонаб, зирқиради, лекин илож қанча, бу кимсасиз жойда фақат қўшоғиз милтиқ жонига оро кириши мумкин.

Тун унинг ҳаловатини ўғирлагандек эди, кўзларидан тамом уйқу қочган, танаси қалт-қалт титрар, оёклари зиркираб, қулоклари совукда тараша қотмоқда эди. Шағал уюмни титкилаб ташлади, аммо на ерда, на кўқда милтиқ курғурдан дарак йўқ эди. Охири, ҳолдан тойиб ўтириб колди. Энди нима килади? Милтиқсиз овчи – юраксиз одам. Уйга икки қўлини бурнига тиқиб борадими? Хотинининг туршак башараси кўз олдида жонланиб, бутун баданига чаён ёпирилгандек ичичидан безовталанди. Бошини қайси деворга уради энди?

Совук шамол эсиб, жони қақшаб, корни қулдиради. Ошкозонни алдаш керак. Овхалтани қўлига олиб, улкан тош панасига ўтди, ой секин кўтарилиб келяпти, атроф ёришгач, яна қидириб кўради. Олов ҳам ёкиш керак. Дарё лабига бориб, қўлини ювди, шилинган тирноклари ачишиб оғриди. Сув ҳам муздек экан, совук белига ўтди. Ҳа, олов ёкиш керак. Жойига қайтгач, овхалтани очиб, бир бурда нон, бир бўлак гўшт олиб, чайнаб, лукка-лукка ютди. Ширин нон таъми, гўшт оғзига маза бериб, юраги қувватланиб, оёкларига мадор кирди. Бу кечаги совукдан жон саклаши учун чайла ҳам ясashi зарур. Шарт ўрнидан туриб, катта тошларни қоя тагига тўплаб, калин килиб терди-да, устидан шох-шаббани қалаштириди, кенг пана жой – бошпана ҳосил бўлди. Овхалтани олиб келиб, тошчайладан икки метрлар нарида арча шохчаларини тўплаб, остига қофозни тикиб, гугурт чақди. Аммо гур эсган шамол ўтни шу заҳоти ўчирди. Яна гугурт чақди, бу сафар кафтларини зич тутди, қофоз ўт олиб, арча шохлари чирсиллади, «хайрият» дея суюнди-да, жон холатда оловни пулфай бошлади, ўтин узок тутади ва кўп ўтмай аланга олди. Бу пайтда ой баланд кўтарилиб, атроф ёришиб қолган эди. Олдинга юриб, арча шохчаларини

синдира бошлади. Тошга кокилиб, беихтиёр сўкинди. Тупиги, тирноклари зиркираб оғриди, елкаси ачишди. Тизза бўйи тошдан ҳатлаб ўтиб, яна олдинга юрган эди, оёғига бир нима илинди. Нима экан? Совук нарса. У қувончдан бакириб юборди:

– Милтиқ!

Товуши кояга акс-садо бериб, даранинг кўксини муштлади.

Милтиқнинг кўндоғи синган, оташи бутун эди, шунисига шукр деди ва дарҳол ишга киришиб, овхалта камари билан кўндоғни кисиб боғлади, ҳар ҳолда овга ярайди.

Шоҳ-шабба ташлаган эди, гув этиб шамол эсди ва олов гурдилаб ёнди. Муз котган оёқ-қўлларини иситди, танасига ҳам жон кирди. Тонгга якин кўзи илинди. Тушига оқ айик кирди. «Рахмат, одам боласи!» дер эмиш у. «Нега раҳмат дейсан, мен сени отгани келдим», деса ҳам, оқ айик кулармиш, худди одамдек! Тик этган товуш кўзларидаги уйку тўрини сидириб ташлади. Тепадан қум ва тошлар юмалаб тушаётган эди, нимадир юрибди шекилли. Атроф ёришган, оёқ ости тош ва кизгиш қум, дарё тўлиб окмоқда. Соҳилнинг нариги томони тошзор, ундан нари тик арчазор. Уша томонга ўтиб, оқ айикни кидириш керак. Ортига караган эди, пастда, ўзидан тўрт-беш метр нарида кичкина ғорга кўзи тушиб: «И-и-эй!» деб юборди. Кеча кўзи каёқда эди?!

Кеча тўсатдан йикилиб, талвасага тушган, хаёlinи йўқотиб, бу тўғрида ўйламаганидан афусланди, аввал атрофни кидириш хаёлига ҳам келмаганидан ранжиди, энди бу ташвиши ноўрин эканлигини ҳам яхши билади. Шу ўйлар билан судралиб ғорга кирди, оғзи кичкина бўлгани билан ичи кенг экан: димогига қандайдир хид гуп этиб урилди, бу юнг ва аллакандай ҳайвон хиди эди, кўз олди ойдинлашгач, айик юнгларини кўриб. «қайсиdir айик ташлаб кетган ғор бўлиши керак», деган тахминга келди, сўнг ичкари юрди, кичик ғор ичкарига кенгайиб кетган, оёқ ости майда тошчалару майин кумдан иборат, у ер-бу ерларда катта-кичик суюклар кўзга ташланади. Ғор ичкарирок бориб, кичик туйнукка туташган. Кейин бу томонларни кўрарман, деган ўй билан ортига қайтиб, милтиғи ва овхалтасини олиб келди. Иштаҳаси бўғилган эди. Милтиғини тозалашга киришди. Оташига қум, тошчалар ки-

риб қолган, ечиб олиб чўпга латта боғлади-да, эринмай тозалади, сўнг жойига қўйиб, тепкини босди. Зарби жойида, ишлатса бўлади. Иккита патронни жойлаб, деворга суяб қўйди, тасодифларга тайёр туриши керак, овчи дегани бепарво бўлмайди. Овхалтасини очиб, егуликларини кўрди: ҳали тўрт дона нони, бир елим халта котган нон, беш бўлак гўшт, майиз, ёнғоғи бор; игна, ипи, сочик, совун ҳам ҳали ишлатилган эмас; бенхтиёр ёнидаги суяқ дастали пичогини ушлаб кўрди – у ҳам жойида, хотиржам тортгач, овхалтани баланддаги катта тош устига яшириб, кийимларини тўғрилади-да, ташкари чиқди.

Хаво иликрок. Дарё бўйига бориб, нариги кирғокка ўтиш учун саёз жой қидирди, сув кўп, факат оёқ кийимни ечиб ўтиш мумкин. Икки соат соҳил бўйлаб юрди. Кенг дарага етди. Бу ерда дарё ёйилиб оқар, сувнинг шашти суст, тошлардан сакраб ўтиш мумкин эди, кеч тушгунча нариги кирғокни кўриши керак, таваккал килмаса бўлмайди. Дарёнинг ярмига бориб, бироз нафасини ростлади. Тошлар силлик, аммо омади келяпти, ярмини босиб ўтса, олам гулистон. Кирғокка якин колганда, тош ораси узоклик килди, сакрамаса бўлмасди. Бир, икки, уч. Оёгини қўйган эди, гавдаси оғирлик килди, силлик тош думалаб кетиб, ўнг ёни билан гурс йиқилиб, эгни-боши шалаббо бўлди. Ана энди, додини кимга айтади. Гуррос шамолда шамоллаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас, оркага қайтишдан бошқа иложи йўқ, милтиққа сув кирди. Энди унга барибир: этиги билан сув кечиб, ортга кайтди.

Куёш чўқкига бош қўйиб, дарага соя тушган, совук манзарали пайт. Юраги негадир хомуш тортиб, оёклари зирқиради. Фор оғзи атрофида айик изларига кўзи тушди-ю, чўчиб, ортга тисарилди. Ичкарида нимадир карс-курс этарди. Айик! Бирорта ўлжа олиб келганга ўхшайди. У милтиқнинг тепкисини тортди, отилмаса, хароб бўлади!

Айик ўқирди, салдан сўнг баҳайбат қора хайвон гордан сирғалиб чиқди. Ҳасанбой овчи умрида айикни бундай яқиндан кўрмаган эди: кўллари, оёклари дир-дир титради. Кўзлари катта қора тугмадек, қора юнглари хурпайган, тирноклари узун. Қаттиқ ўқирган эди, дарани ваҳима босди.

Ҳасанбой овчи айикни калласидан отиш керак, деб күп зыштган. Милтиқни түғрилаб, унинг катта, қора бошини нишонга олиб, тепкини босган эди, гумбирлаган товуш чоратрофни ларзага келтирди, кўркканидан иккинчи тепкини ҳам босди. Баҳайбат айик жойида калқиб, тизза бўйи кўтарилиб, оғир ғингшиди-да, юз тубан йикилиб, жон ҳолатда ўқириб, ўзини ҳар томонга урди.

Ҳасанбой овчи гилофдан ўқни зўрга олди, кўллари дирдир титрап, ўқни оташга жойлолмай овора эди. Айик яна бир ўқириди-ю, катта калласи шилк этиб тушди: оғзидан қора кон кум устига оқди.

Ҳарчанд уринса-да, Ҳасанбой овчи хадеганда ўзига келомади. калтирок тоборә кучая борди. Ахволинг шуми, деди ўзига ўзи. Ким сени овчи дейди! Ўзингни боссанг-чи!

Айикнинг ўлганига ишонч хосил қилгач, ўпкаси жойига тушиб, қалтироғи босилди. Тоғ полвонининг олайиб қолган кўзларига караб: «Бўлганинг шу экан-у!» деди ва «ниҳоят, айик ҳам отдим!» деди керилиб. Анча дадиллашиб, пичокни ёнидан суғурди-да, жониворнинг терисини шилишга тутинди.

## 5

Кечаси аввал ёмғир, сўнг кор ёғди, эрталаб қаҳратон совук турди, у айик терисига ўралиб олди, лекин сал ўтмай иссиги кўтарилиб қайт килди. Уч кундирки, шу оғир ахволда: гоҳ иссиги чикади, гоҳ аъзойи-бадани қақшаб оғрийди, бурнидан тинмай сув оқиб, атрофи кичишади, бир пиёла чой берадиган меҳрибони йўқ, турай деса, мадори етмайди. Дарёга йикилиб шалаббо бўлган куни билинмаган экан, ярим кечаси кўзини очганда, иссиги чикиб, бопни зирқираб оғримокда эди. Тонг саҳарга бориб, ҳарорати янада кўтарилиб, ётиб қолди.

Кечаси бўри келдими, шоқолми, роса суяқ талашди-я! Шунака улидики бири, вахимада милтигини кўлтиқлаганча форга кирса, шарт отаман, деб кутиб турди. Одамнинг иссиги чикиб турса, гинг деган товуш ҳам ёқмайди. Ўзиям миясини арралашиб-я увлашиб.

Айик териси иссиқ, бир зумда кийим-боши жиқка хўл бўлиб, безовталанди ва устини очиб ташлади: на иссиқ ёқади, на совуқ. Кеча ёққан олов тутаб турар, ғор ичи аччик тутунга тўлган эди. Чўғ устига ўтин ташламаса, учиб колади. Инкиллаб ўрнидан турди-да, қалин арча шохларини чўғ устига териб кўйди. Сувдонига ҳам арча солиб, чўғга кўйди. Ичсин-чи, шамоллаши сал босилади ҳар ҳолда.

Тушдан сўнг иссиғи тушиб, танасига қувват кирди.

Гулзода роса хавотир олди-ёв! Ўлмасбек, Ҳакимбек, кизлари Нигора, Шаҳло йўлига кўз тикиб ўтирганлари рост. Ўзиям уларни роса соғинди. Овни теззлаттирмаса бўлмайди.

Кечаси ғор оғзига катта-катта тошларни қалаб, устидан шох-шабба босиб, хотиржам ётди. Эртага қийин бўлиши аниқ. Қандай бўлмасин, ок айикни қидириб топиб, ишни якунлаш керак. Бу ахволда кун кетидан кун ўтаверади.

Тонг сахарда барвакт уйгонди. Эрталабки ишнинг баракаси бўлади. Сувдондаги арча чойни ичиб, гўшт ва нон егач, чўнтағига тўрт-бешта ёнғок, майиз солди-да, милтигини олиб, ташкари чиқди. Ҳаво булуғли, илик шабада эсмоқда эди. Бир соат йўл юрди. Тепага караб борар, кўнглида «оқ айик шу томонда бўлса керак» деган ишонч бор эди. Ҳар замонда дурбин билан атрофни кузатар, тик этган товушга сергаклик билан қаради. Тушликда дарёнинг саёз жойидан арчазор томонга ўтди. Қорни очикқан эди, овхалатасини очиб, тамадди килиб олди. Худди ана шу лаҳзада, қуёш дарани ёритган пайтда ок айик икки оппок болачасини етаклаб келиб қолди. Ҳасанбой овчи ҳаяжонидан ўрнидан туриб кетаёзди. лекин тезда ўзини ўнглаб, бутазор оркасига яширинди.

Ок айик жуда гўзал эди: тумшуғи бир текис, кўзлари мулоим бокади, юнглари гард тегмаган кордек оппок, қуёш нурида янада окариб кўринади; оёклари ҳам ок, нозик, охиста одимлайди. Шунча назокат бахш этилган шу жониворга ҳам.

У нима қилишини билмай ҳайрон эди. Юраги гурс-гурс урди. Оқ айикни нишонга олди, аммо тепкини босгиси келмади. Кўз ўнгига Ўлмасбек, Ҳакимбек, Нигора, Шаҳло жонланди. Оқ она айик унга томон илкис назар ташлади. Икки боласини ҳам сувга пишиб олгач, қуюқ арчазор ичига ўзини

урди. Ҳасанбой овчи туш кўрдими ё бу воқеалар ўнгида содир бўлдими, англолмай колди. Ок айикнинг сехру жодуси бор эканми?!

«Эртага ўзи келар, ўшанда отаман!» деди-да, горга кайтди. Чой ҳам ичмади, нон ҳам емади, горнинг оғзини кечагидек маҳкамлади-да, ярим тунгача ок айикни ўйлаб ётди, тонгга яқин эса уйқуга кетди. Ок айик яна тушига кирди ва бу сафар ҳам унга «раҳмат» айтди. Яна худди одамдек гапирди. Тушидан хайратланиб кўзини очди ва анчагача хаёл суриб ўтириди. Бу ерда қандайдир сир бўлиши керак, деб ўйлади. Кўнглидаги одам «отма уни, яхшиси, бу ердан кет!» деб ундади. Лекин у эркак, Мирзабойга сўз берган, «шер изидан, йигит сўзидан қайтмайди», шу ишни уddaлаб боролмаса, нима деган одам бўлади. майли, пулни кўя туринг, пичингларга қандай чидайди? Қудрат чолга ўхшаганлар Мирзабойга: «Ўшанга ишондингми?» дейишмайдими?! Дейишади. Калака килишади. Яхшиси, бугун ок айикни қўлдан чикармайди. Уни, албатта, отади.

У яна эрталаб йўлга тушди. Тушгача арчазор оралаб, ок айикнинг уясини осонгина топди. Худди ўчакишгандек, «отсанг от» дегандек, ок айик ҳам уясидан чикиб, унга томон кела бошлади. Бутазор орасидан уни аник кўрди: чиройли ок тумшуғи, нозик оёклари яккол кўзга ташланди. Она айик оппок, жуда гўзал эди. Гўё у атайин шу арчазор, шу гўзал табиат учун яратилгандек эди. Ҳасанбой овчи унга ҳавас билан боқди. Қанчалик чиройли маҳлук, деди ўзича севиниб. Шу лахзада фикрлари ҳам тиниклашди. Хўш, уни отди ҳам, дейлик. Мирзабойдан жарак-жарак пул ҳам ундириди. Тўхта, тўхта, Ҳасанбой! Шошма! Савлатойимнинг тўймас кўнгли учун гунохга ботишинг шартми? Болаларингга ҳаром пулни едиришинг, шу гўзалликни маҳв этиб, бир умр вижданан азобланишинг яхшими? У бўшашиб жойига ўтириб колди.

Чўкки томондан кора булат босиб кела бошлади. Она айик ортга кайтиб, болаларини эргаштириб чиқди ва дарё лабига тушди. Ҳасанбой овчи улар билан изма-из борди.

Узоқдан момақалдироқ гумбирлади.

Она айик болаларини дарёда чўмилтириб, ортга кайтди.

Ҳасанбой овчи ҳам ғорга кайтиб келди-да, ўрнига чўзилди.  
Нима килсин, икки ўт орасида колди, қандай карорга келиш  
керак? Қайси бир фикри тўғри?!

Кечаси қор ёғди.

Еттинчи кун. Ташкари чикқанида у ҳайратдан ёқа ушлади:  
кор гуллаган эди. Одатда, оқ накшли кор ерга тушиб, эриб ке-  
тарди, бу сафар кор накшлари тараша котган эди. Қўлига олиб  
кўрди: ажаб мўъжиза, оқ накшлар, худди шиншадан ясалгандек,  
ховучини тўлдирди. Умрида бунака нақшни кўрмаган, лекин  
кор гуллайди, деган гаплар қулогига чалинган эди. Қорнинг  
гуллагани шу экан-да!

Оқ айикнинг бўғиқ овози уни ўзига келтирди: дарё  
лойжаланиб тўлиб окар, миттивой айикчалар сув юзида  
қалқиб-қалқиб борар, она айик эса соҳил бўйлаб югурмоқда  
эди.

Ҳасанбой овчи елкасидаги милтиқни ерга қўйиб, дарё то-  
мон чопди. Сув тиззасига урди. Оқ айикчалар лойка сувда бир  
кўриниб, бир кўринмас, она айикнинг ўқирган товуши дарани  
титрокка солаётган эди.

Ҳасанбой овчи эгнидаги пўстинини ечиб, кирғоқда  
колдириди-да, сувга кирди. Совуқ оёғидан тутди. Ҳайкирган  
тўлқин уни суриб кетди. Қулоч отиб, айикчалар томон илдам  
сузди. Биттасини тезда ушлади, иккинчисини ортидан борди  
ва муюлишига етганда унинг оёғидан тутди.

Кор гупиллаб ёға бошлади. Қирғоқка чикқанида қалт-  
қалт титрар, айикчалар ҳам қалтирап, оқ юнглари лойка сув-  
да қорайиб колган эди. Ҳасанбой овчи айикчаларни қирғоқда  
колдириб, яна ўзини сувга отди ва зумда нарига соҳилга сузиб  
ўтди. Зумда етиб келган она айик болаларининг юнгларини  
яларкан, унга томон ўқтин-ўқтин караб қўймоқда эди.

Ҳасанбой овчи тагин шамоллаб қолмай деб, ғорга то-  
мон жадал юрди. Тепадан шовуллаб тошчалар тушди. Ик-  
кита баҳайбат бўри унга томон от қўйиб келмоқда эди. Ана  
энди, расво бўлди. Битта оқ айикни деб жонига қасд килди-я!  
Милтиқ ҳам узокда. Умри шу ерда тугайди энди!

Кимдир кимгадир гүнгир-гүнгир гап қотмокда, гоҳо чакалоқнинг ингаси қулоққа чалиниб, гоҳо тап-туп оёқ товушлари эшитилади, сут ва нон хиди димоғига урилиб тамшанади.

– Ўзига келяпти! – дейди кимдир. Нотаниш овоз. Ким экан? Англолмайди.

Жарангдор овоз унинг хаёлини суриб ташлайди:

- Оқ айик бўлмаганда, бечора оч бўриларга ем бўлар экан!
- Узок ёдингларми?

– Узокда эдик, Шўроб адири устида. Дурбинда кўрдим: оқ айик болаларини четта кўйиб, бўриларнинг олдини тўсиб чиқди. Бир ургочи, бир нар бўри экан. Оқ айиқнинг юнглари кизил конга бўялди. Лекин кучли айиқ экан, иккала бўрини ҳам ер тишлатди: нарининг бўйини узиб ташлади, ургочисини ярадор килди. Сўнг дент, бечора овчини судраб келди-да, ғорга олиб кирди. Оқ айиқ дегани жуда раҳмдил бўларкан. Гоҳо одам одамга ҳам шунчалик раҳм қилмайди. Оқ айик болаларини эргаштириб, арчазорга кириб кетгач, биз ёрдамга шошилдик!

Ҳасанбой овчи кўзини очди: оч ҳаворанг шифтдаги юзлик чирок кўзини қамаштирди. Ўнг қўлини кўтариб, пешанасига соябон килди-да, ёнидаги одамларга каради: бирори янги дўппи кийган, чўқки сокол чол, иккинчиси – кетмон юз, тирсак қош гавдали киши.

- Кўзингизни очинг, ака! Ҳаммаси ортда қолди!

Ҳасанбой овчининг боши гувиллаб, кўзи тинди. Қаерда ётиби, кимнинг уйи бу?!

– Сиз?..

- Мен Раҳматжонман, шу кишлоқнинг оксоколи!

– Раҳмат сизга!

- Оқ айикка раҳмат, дент, овчи ака!

– Оқ айик?

- Ҳа, у сизни кутқариб қолди.

Ҳасанбой овчи гавдасини кўтарди, шу заҳоти унга бир пиёла асал чой ичирипди.

Чол хириллаганча:

– Ок айкни сира кўрмаганман! Лекин уни жуда чиройли дейишади, тоғда шундай айиклар пайдо бўлган йилларда сув мўл. баракали йил бўлади, деб эшигтганман!

– Бунисини билмадим-у, лекин у хақиқатан чиройли экан! – деди Раҳматжон оқсокол.

Ҳасанбой овчининг ёноклари дув қизарди. «Уятга қолди, уятга! Пул учун, пул учун ок айкни отмокчи бўлди-я! Ҳай аттанг, аввалрок ўйлаб кўрса бўларкан!»

## БАХТЛИ ҚИЗ БЎЛАСАН

Куз каримоқда, дараҳтлар енгил-енгил силкиниб, ложувард барглари билан она ер багрига кизгиш гилам ёпяпти. Ана шу пайтда калдирғоч учиб келганини кўрганмисиз? Ишонаманки, кўрмагансиз.

У окиш юз, кўзлари тим кора, кўғирчоқдек киз, аммо кўзи кўр. Кенг, ёруғ дераза раҳига суюниб туарар. калдирғочларнинг айвонга ин қураётганини сезмасди.

Окиш иягиде митти холи бор Роҳила опаси уни секин ўзига тортди, юмшок диван оғир ғижирлади.

– Гули!

Киз кўлинини ортга чўзди.

– Опажон?

– Гули! – Опаси унинг қўлидан тутди. – Баҳром сенга бўйинг баравар оппок гул қолдириб кетди. У сени жуда севади. Унга раҳм қилсанг бўларди.

Киз кўлларини тортиб олди:

– Унга отамнинг пули, машинаси керак. Кўйинг, опа! Устига-устак, кўзим ожиз, ногиронман. Унга тан маҳрамликка ярамайман.

– Унака дема, Гули! Сен дунёдаги энг баҳтли киз бўласан!

– Кўйинг, опа, шу эски гапларни. Лоақал, Сиз бошқаларга ўхшаманг!

Роҳила уни багрига босди:

– Жон синглим, сен менга ишон. Ичимда бир овоз янграйди доимо. Айтадики, ҳм, ҳалиги...синглинг баҳтга эришади, сабр қилсин, дейди.

- Энди буни топдингизми?
- Нега ишонмайсан, синглим?! Мен чин айтаяпман! Рост, ишон!

Қалдирғочлар айвон шифтига ёпишиб, ин қуриш билан овора эди.

Гули диванга чўзилди. Баҳром қанақа йигит? Ҳамма уни яхши йигит дейди. Кўзи очик бўлгандаими?!.. Кўзи очик бўлганда, унинг юзини, кўзини – жамолини кўрарди. Опаси ҳар қандай кишини бир кўргандаёқ кимлигини биламан, дейди. Эҳ, унинг ҳам кўзлари очик бўлганда эди, дунёни кўрар эди. Инсон бўлсанг-у, кўрмасанг, бундан ёмони бўлмайди.

Кечқурун Баҳром келди. Қиз унинг овозидан таниди. Бебош йигит экан, ори ҳам йўқ экан. Нега келди, дея хафа бўлганча, зумда опасини йўклиди.

Роҳила унинг хонасига кирди:

- Гули, синглим, чакирдингми?
  - Опажон, у нега келибди? Бостириб келиши нимаси?
- Ярамга туз сепмокчими?

Опаси уни яна бағрига босди:

- Отам кеча унинг ҳимоясида қатнашган эканлар.
- Қанақа ҳимоя? Тушунтириброк айтинг, опа!
- Баҳром кеча диссертациясини ёклабди. Ўша диссертация бутун жаҳон кўз шифокорларини қизиқтираётган эмиш. Ўша Баҳроминг сунъий кўз яратадиган эмиш. Отам гаплашган экан, у очиқласига «Бу ишни Гули учун киласяпман» деб айтибди. Бечора ўн йилдан бўён шу иш устида машғул экан. Сени деб ёши ҳам ўттизга етибди. Отам: «Агар арзанда Гули қизимни деб шунча меҳнат қиласяётган экансиз, ташаккур сизга» дебдилар ва бу кечқурун бир пиёла чойга таклиф қилганлар. Ўшанга келди.

Гулининг лаблари тамшанди, кўнгли асал таъмини туйди. Баҳром уни илк марта бағрига босганида ана шу таъм димогида қолган эди. Қандай ажойиб хид. У яна тамшанди ва фикри яшиндек чакнади. Баҳром яхши йигит! Опасининг «Ўша Баҳроминг» дегани ҳам унга мойдек ёқди. Опажониси бирорларни беҳудага мақтамайди.

Роҳила уни бағрига қаттикроқ босди:

- Кўлингни сўраса, хўп дегин.
  - Қариндош-уруғининг таъна-дашномларига қандай чидайман, опа!
  - У албатта кўзингни очади. Сизлар энг баҳтли оила бўласизлар.
- Ичкари уйдан отасининг овози эшитилиб, кизлар нафасларини ичларига ютишди.
- Бунга қанча пул керак, ўғлим?
  - Ҳозирча икки юз эллик миллион керак. Восит Ақбарович! Лекин бу пулни менга ким беради? Кичик сумма эмас.
  - Сиз бу масалани менга қўйиб беринг, ўғлим. Яна шунчакетса, топиб бериш менинг бўйнимда. Хорижга қачон кетасиз?
  - Маблағ масаласи ҳал бўлгач, тезда учаман.
  - Бу масала ҳам ҳал. Қачон учасиз?
  - Восит Ақбарович, мени хижолатга қўйманг!
  - Хижолатли жойи йўқ, ўғлим. Қизимнинг кўзи очилса, бас. Боримни шунга сарф этишга қарор қилдим.
  - Восит Ақбарович, мени маъзур тутинг. Уришмасангиз...
  - Тортинманг, ўғлим! Дилингизда борини айтинг!
  - Қизингиз масаласида... ҳалиги... мен, нима десам экан?
  - Ўғлим, мен ҳаммасини тушунаман: қиз катта бўлса, узатилади, йигит улгайса, уйланади. Эшиздим, қизимга жуда кўп меҳрибончиликлар килибсиз. Раҳмат, ўғлим!
  - Гулини ҳам ўзим билан олиб кетсан... ўша томонларда кўзини даволаттириб кайтмоқчиман.
  - Ўйдагиларингиз нима дейишади? Улар розими?
  - Восит Ақбарович, ёлғиз онам ва синглим бор. Улар рози бу ишга. Онамнинг дуосини олганман.
  - Бўлмаса, мен Гули қизим билан гаплашай. Розичилик яхши нарса, ўғлим. Кейин урф-одат деган гаплар бор. Уларни ҳам ўрнига қўйишимиз керак.
  - Онам келсалар уришмайсизми?
  - Восит Ақбарович беғараз қулди:
  - Сиз ёшлар яхши орзу-ният килар экансизлар, нега уришишимиз керак. Сира хижолат бўлманг, ўғлим!
  - Роҳила синглисинг юзларидан чўлп-чўлп ўпди:

– Айтганларим рост, Гулижоним, сен энг бахтли киз бўласан!

Отасининг овози эшитилиб, кизлар яна жим бўлишди.

– Бўлмаса, мен вазирингизга айтаман, у киши ҳужожатларни тезлаштиради. Маъқулми?

– Раҳмат сизга, Восит Акбарович! Сиз отам каби менга яхшилик киляпсиз. Кизингизни бахтли қилишга ваъда бераман. Андишасизлигим учун кечирим сўрайман.

– Очик йигит экансиз. Мардлар ҳудога ҳам ҳуш ёқади, ўғлим. Мартабангиз улуғ бўлсин, илоҳим!

– Энди менга рухсат, Восит Акбарович!

– Овқат тайёр бўляпти.

– Вактлирок бормасам бўлмайди, онам хавотир оладилар.

– Баракалла, ўғлим! Онани ўйлаган йигит сира ҳор бўлмайди. Онангизнинг дуосини олинг!

Баҳром кетди. Гули унинг қадам товушларини сезиб турди. Унинг қадам товушлари билан бирга юраги ҳам кетганга ўхшади. Қайтсин, қайтиб келсин, деб ич-ичидан нола килди. Касалхонада ётган кунларини эслади. Куз пайти эди. Кўзлари кичишиб оғриди. Отаси уни касалхонага олиб борди. Мулойим овозли йигит уни кўриқдан ўтказди. «Тузатамиз» дегани унга ёқди. Яхши йигит экан, дея кўнглидан ўтказди. Кечкурун у яна келди. Ўзини таништирди. Бугун навбатчиман, деди. Анча гаплашиб ўтиришди. Баҳром адабиётга кизикар экан. Навоийдан байтлар ўқиди. «Сиз ҳам Навоийни яхши кўрасизми?» деб сўради. Гули Навоийни кўп ўкишини айтди. Баҳром битта ғазал ўқинг, деб туриб олди. Гули аввалига уялди, сўнг ўзи яхши кўрган ғазални ўқий кетди.

*Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд этмас.*

*Мени истар кишининг сұхбатин кўнглім писанд этмас.*

Баҳром карсак чалди ва «кўп яшанг» деб мактади.

Кейинги навбатчилигига улар ярим тунгача гаплашиб ўтиришди. Учинчи, тўртинчи навбатчилигидан сўнг Гули йигитни интиклик билан кута бошлиди, аммо биринчи бўсадан сўнг «мен унга муносиб эмасман» дея ўз-ўзидан эзилиб юрди.

Баҳромнинг бугун унинг уйига келиб, отаси билан очик гаплашгани унга ишқнинг янги эшикларини очди. Тун севги куйини чалиб, кизнинг дилини ёндириди, шамол унинг тафтини узокларга олиб кетди. Эрталаб у жуда тетик эди. Опаси уни айвонга олиб чиқди. Қалдирғочнинг овозини эшишиб, бир оз тетикланди.

– Қалдирғоч ин куряптими, опа? – сўради жилмайиб.

Опаси тасдик берди.

– Қалдирғоч баҳорда келарди, опа, ҳозир баҳор эмас-ку!

– Бу яхшилик аломати, сингилжоним!

Бир неча кун ўтиб, қалдирғоч болалади. Гули опаси билан ҳар куни эрталаб айвонга чиқиб, қалдирғоч болаларининг овозларини эшишиб завқланар, опасидан уларнинг тумшуклари, кўзлари, қанотлари ҳақида кизикиб сўрарди. Бу орада совчилар келиб, нон синдириб кетишиди. Бир куни кечқурун Баҳромни телевизордан кўрсатишди. Унинг жарангдор овозини эшишиб билан ўрнидан туриб, телевизорга яқин борди. Ёш ўзбек олимнинг бу ютуғи жаҳонциумул аҳамиятга молик воеа эканлигини айтишиди. Гулининг юраги ёнди. Ўша кун қачон келади? Баҳром акасининг ўзи унга сунъий кўз кўяди. У ҳам дунёни кўра бошлайди. Ота-онасини кўради. Қайнонасини танийди. Баҳромни-чи? Баҳром акасини ҳам кўради. Чиройли йигитмикан? Албатта, чиройли йигит. Опаси уни кўзга яқин, дейди.

Бу кеча ҳам тун висол кўшигини куйлади, Гули ухламай, эрталабгача яратганга ҳамду сано айтиб чиқди. Тонғга яқин майин шамол аллақаерлардан анбар ҳидларни олиб келиб, димогини китиклади. Гули энтиқди.

Опаси бирдан кичкириб юборди:

– Гулижон, қалдирғочларинг учди, учеб кетди!

Қиз бир кадам олдинга босди ва каравотдан пастга йикилди.

Онаси додлаб юборди:

– Қизим, болагинам!

Гули бир силтаниб бошини кўтарди ва беихтиёр заррин нурлардан кўзлари қамашди. Аввал хира тасвиirlар кўриниб, бир оздан сўнг қаршисила рўмол ўраган сулув қизни, кўзойнак таққан кишини ва тўладан келган аёлни ҳамда айвон бурчаги-

даги қалдирғоч уясини күрди. Дунё шу экан-да. Қизик, қизик дунё экан. Опасининг юзи силлиқ, онасининг лаблари, кўзлари атрофини ажин босган эди, бу нарса уни ҳайраттга солди.

Қизнинг кўзларини катта-катта очиб, ҳайратланаётганини кўриб, таажужубга тушдилар.

– Гули! – деди опаси уни бағрига босиб.

– Мен сизларни кўряпман, опажон!

Опаси уидан чётланди:

– Наҳотки, Гули, наҳотки?!

– Ҳа, мен кўряпман! Онажон, отажон, сизларни хам кўряпман.

Баҳромга қўнгирик килдилар. У етиб келганда, Гули ҳовлини айланиб юради. Йигит унинг ёнига югуриб борди. Қиз унга ҳайратланиб қаради. Унга ўрта бўйли, бўлик юз, ча-рос кўз йигит жилмайиб турарди.

– Гули.

Қиз уни дарҳол таниди ва юраги гурс-гурс ура бошлади:

– Сиз... Баҳром ака?!

– Ҳа, мен, Баҳромман!

Қалдирғоч болалари уларнинг боши узра чулдираб айлана бошлади. Куз охирлаб борарди.

## КОТИБА

У кенг, ёруғ ва мўл-кўл қабулхонанинг ўнг бурчагидаги тошойнага нозиккина қадди-қоматига ички гурур ва ҳавас билан караганча «барно қадди-қоматим, хипча белим, бўлик оёқларим ҳар кандай эркакни маҳлиё этиб, оғзининг танобини қочиради», дея завқланиш ва лаззат оғушига ғарқ эди: сурма тортилган оҳу кўзларининг хумор сузилиши, қоп-кора, узун киприкларининг капалак қанотидек енгил ёпилиб-очилиши, нозик елкалари, кувача кирмиз лаблари ўзини хам маҳлиё этарди. «Қўғирчоқдек қизман, ҳамманинг кўзини ўйнатаман» дея ўйларкан, яна шодлик отига миниб, ишва бир хаёл ила дунё осмонида кеза бошлади ва ўзини қабулхонада эканлигини ҳам унутди; оппоқ отда учиб кетяпти, пастда одамлар унга ҳавас билан қараб туришибди, ҳамма: «Ана, дунёнинг энг

гўзал кизи!» дея уни кўрсатмоқда. У эса мағур, шод, терисига сигмайди...

Эшик қарс очилиб, Пўлат Бузругович ичкари кирди.

– Гулипайкар?

Бошлиқнинг овози жарангдор эди: номи қўнгироқдек жаранглаб, унга завқ берди ва ўзи истамаган ҳолда ишва билан ўғирилиб:

– Яхши келдингизми, Пўлат Бузругович? Чой дамлаб кўйганман, олиб кирайми? – деди бийрон ва ширин тилда.

Бошлиқ эшикни оча туриб, унга хаёлчан тикилди:

– Ҳозир бир жойга борамиз, шарт эмас!

Гулипайкар ўзини ортга олди. Қаёкка олиб боришлари мумкин? Қаёкка? Бу киши ҳам уларданмикин?!.. Бунақаларнинг бари шу кунгача уни тўшакка бошлиашган. Балки бу киши ҳам: танаси бўйлаб чаён ўрмалагандек, нохушлик сезиб, юраги кисилди. Пўлат Бузруговичнинг ялтироқ силлиқ соchlарига, соддадил юзига боқди-ю, йўғ-э, бу одам ҳеч качон унака эмаслар, деган хаёлга борди ва бунга негадир ишонди. Ишга келганига олти ой бўлди, аммо бу одамнинг мунофикалик килганини бирор марта ҳам кўргани йўқ. У стол устида турган чойнак қопкоғига қўлинни қўйди: иссиқкина, келгунларича совиб колди, дамламай турса бўларкан...иссиқ унинг нозик қўлларини сал куйдира бошлади, у киши келган кунда ҳам шу ҳолат рўй берган эди: аллақачон олти ой бўлибди-я! Вактнинг ўтишини!

Олти ой бурун уни Оқсадаф маҳалласида яшовчи бойвачча Теша акаси чақирди: тансоқчи билан «Мерси»ни юборган экан, борди; қўлинг ўргилсин дастурхон тузатиб кўйган экан: еди, ичди, саунага тушди, сўнг хорижнинг ҳар хил киноларини кўрди, ана мазза-ю, мана мазза деди ўзича; факат унга сасиб-ачиган Теша акасининг тегажоқлик қилгани ёқмади, бирор ишни қойиллатган бўлсаям гўрга эди... эрталаб аъзойибадани қакшаб оғриб турди. Хайр-маъзурни насия қилиб суриб юбормоқчи эди, аммо...у гўрсўхта яна ҳузурига чақирди. «Гули, бир гап бор, текинга эмас, бажарасанми?» деб сўради. Кимга пул керак эмас, кимга? «Ёмон иш бўлмаса, бажараман!» деди у ҳам дангалига. «Яхши иш!» деб тиржайди Теша акаси,

унинг хунук тиржайиши ёқмаса-да, тишини-тишига қўйди. «Биттасига котиба тушасан!» деди тиржайиб. Гулипайкар жилмайди ва: «Бори шуми?» деб сўради. Теша акаси дангалига ўтди: «Бизга баъзи ахборотларни етказиб турасан, ҳакини яхши тўлайман, балки машиналик, уй-жойлик ҳам бўлиб коларсан!» Унга шуниси керак эди. ҳеч нарсани ўйламади, бирор бошқа хавотирга ҳам бормади, «Бўйтни, розиман» деди.

Уч кундан сўнг шу қабулхона сохибасига айланди. Биринчи кўрганда, кўзойнак тақкан, коп-кора сочи кенг пешанасига тушиб турган, ўртабўй, оч кизгиш юз ўрта яшар бошлиғи кўнглига унчалик ўтирумади. Пўлат Бузругович эса у билан юзма-юз туриб қуюқ сўрашиб, бу ернинг маъқул келган-келмагани билан кизиқди. Гулипайкарга унинг бу муносабати ортиқча, ғалати ва эриш туюлди. Бир кўришда ёкиб қолдим, ўйнаш тутмоқчи, тушини сувга айтсин, дея бурнини жийирди. Бошлиқ бўлсанг, кабинетингга ўтиб кетавермайсанми, деди ичиди. Боз устига Теша акаси ҳақида сўрагани энсасини котирди. Фирт анков экан, дўст билан душманни ажратмас экан, дея уни мазах ҳам килди. Ўша куни кечкурун уни Теша акаси чакирди ва «Етти юлдуз» ресторанига олиб борди, алоҳида жой тайёрланган экан, дастурхон ноз-неъматга тўла эди, у эркаланиб жилмайди. Бирор сийлаб турса, кўнглинг ўсади: у эркаланиб аввал унга, сўнг казо-казо эркак ва аёллар билан тўлган катта залга нозланиб қаради, бугун залда шаҳарнинг аслзодалари йиғилишган эди. Бир оздан сўнг машхур кўшиқчи аёл – Сарвиноз Ойдин кириб келди. Кўп орзу килган, интилган, лекин уни якиндан кўриш насиб бўлмаган эди: бугун юзма-юз бўлди, шунданми, ташна юраги ҳаприқиб, чапак ҷалди. Унинг тонг юлдузи каби жилоланиб, ёниқ табассум ила шод бўлганини кўрган Теша акаси хўрор юриш килиб ёнига келди-да, хонандага қараб, «маъқулми» дегандек имо килди. Гулипайкар қўйиб берсалар, уни чўлп-чўлп ўпишга тайёр эди, аммо ўзини босди, қиз дегани сал нарсага эшилиб кетмайди, дея ҳаприқаётган юрагининг тафтига босиқлик музини босиб, бир оз совитди, лекин: «Сиз жуда кўнгилни топадиган инсонсиз!» деб уни мақташни ҳам унутмади. Шўх мусиқа садолари катта зални ларзага келтириб, кулоқларни зиркиратиб юборди. У қип-қизил ги-

лосларни биттама-битта оғзига ташлаб, ҳузур килиб, эрка-  
ланиб, оёқчаларини узатиб, ястаниб, ўзи севган қўшикларни  
мирикиб эшитди ва ўша куни чиндан ҳам ҳузур килди, лекин  
бундай катта «зиёфат» оргида қандайдир мухим «бўри» бор-  
лигини ҳам биларди. Ҳаммаси яхши эди-ю, ана шуниси... шу-  
ниси унинг юрагига пичоқдек оғир ботарди ва ўйлаганидек,  
эрталаб Теша акаси кўлига бир варак қогоz тутказди. Қоғозда  
бор-йўғи учта ракам бор эди: 3, 13, 23. Тушунмадим деган-  
дек елка қисган эди. Теша акаси: «Жавондаги папкаларнинг  
ана шуларидан кўчирма оласан, эҳтиёт бўл!» деди. Бундай  
калтис ишни кутмагани учун ўша лаҳзада нафаси ичига ту-  
шиб кетди. Бу папкалар бошлиқнинг хонасида. жавонда ту-  
ради, уларни олиб бўлармикан?! Теша акаси унинг коп-кора  
соchlарини, оппок митти бўйини силаркан: «Кўркма, қушчам,  
эрта-индин бошлиғинг катта делегация таркибида Олмонияга  
жўнаб кетади, ишни бамайлихотир бажарасан, у ерда сендан  
бошқа хўжайин йўқ!» деда хотиржам этди. Бу гапни эшитган  
Гулипайкарнинг кўнгил осмони ёз кунидек чараклади. Бўлди,  
бажаради, гап-сўз бўлиши мумкин эмас! Айтилгандек, тўрг  
кундан сўнг Пўлат Бузругович хорижга жўнаб кетди. Гулипай-  
кар қабулхонани ичкаридан қулфлаб, бошлиқнинг хонасини  
очди-да, учта папкани бамайлихотир кўчирди. ҳар учала папка  
ҳам аллақандай хисботлар, турли чизмалар билан тўла эди.  
уларнинг нималигига ақли етмаслигини билиб, «Менинг нима  
иншим бор!» деди ва топширикни бажариб, учта кўчирма пап-  
кани ўша куни кечкурун Теша акасига етказди ва бунинг эва-  
зига қалин тилла занжир бўйини безади.

Эртаси Сожида деган синфдош дугонасининг тугилган ку-  
нига борганла, бўйнидаги тилла занжирни кўрган кизларнинг  
оғзи очилиб қолди, ҳатто бир-иккитаси: «Бундай зўрини  
каердан топдинг?» деда сўроклади ҳам. У эса: «Топдим-да!»  
деди тиржайиб ва кўзларини олиб кочди. Сожида: «Бунақаси  
факат хорижда бўлади!» деди. Гулипайкар бу гапни кутмаган  
эди, индинига мавриди келиб, Теша акаси билан учрашганда,  
шу тўғрида сўраган эди. «Сен учун атайнин топтириб келтири-  
дим, садоқат билан хизмат килсанг, бундан ҳам зўрларини  
олиб бераман!» деди. Лекин тилла занжир ортидан дард кириб

келиб, уни анча овора килди: ўша куни дала ховлидан түгри ишхонага борди, тушилқда товук гүшти билан тузланган бодринг еди, орадан икки соат ўтиб, бадани кичий бошлади, кечаси эса кизил тошма тошди. Эрталаб Теша акасига йиглаб телефон килган эди, таниш дўхтирга учрадилар. Икки-уч соат яхшилаб текширишди ва дори-дармон ёзib беришди. Шу билан икки ҳафта ишга чиқолмади. Кейинги гал Нодира деган дугонаси түғилган кунига айтганда, тилла занжирни такиб бормади, кизлар сўраган эди, «сотиб юбордим» деб кўя колди.

Ишга чиқкан куни Пўлат Бузругович уни ўзи билан бирга олиб кетди. Ҳокимиятда ўтказилган мажлисда бошлигининг ёнида ўтири, гоҳида сўраган қоғозларини, ташрифномаларни узатиб ҳам турди. Тушдан сўнг кафеда бирга овкатландилар. У «гаройиб одатли» бошлигини кузатаркан, бу одамнинг ундан нима исташини англоимас. Эркакларининг дардини тор маънода тушунгани ва шунга амин бўлгани учун ҳам Пўлат Бузруговичнинг «хушомадлари»ни ҳазм қилолмаётган эди. Қора «Ласетти» га ўтириб, шаҳар ташкарисига йўл олишаркан, «Ана энди кўлга тушганим аник, бирор хилват жойга олиб бориб, чиркин ниятига етса керак» деб ўйлади-ю, киз бўлиб түғилгани учун пушаймонлик остонасида бўзлаб қолди. Машина шаҳардан чиқиб, аинчадан кейин Озод кишлоғига етди, ўйдим-чукур йўллардан ўтиб, тор кўчага бурилди-да, ланг очик турган катта қизгиш дарвозадан ичкари кирди: дов-дараҳтлар соя ташлаган кенг ховли; баланд, сершоҳ нок дараҳти остидаги тахта каравотда кариялар, ёшлар; мармар зинапоядан кўтарилиб бораётган қадди-комати келишган, оппоск юзли аёл уларни кўриб тўхтади ва кўлидаги пахта гулли икки чойнакни деразадан ичкари узатиб, ўзи пастга тушди-да, сўнг: «Ҳай, хўжайин, Пўлат Бузругович келдилар!» деб товуш берди.

Гулипайкар димиқсан хонадан тоза ҳавога чиққандек енгил нафас олди. Пўлат Бузругович бошқа одамларга ўхшамайди, уни бу ерга тўйга олиб келган кўринади.

Тепакал, думалоқ юз киши ўнг томондаги уйдан отилиб чиқиб, Пўлат Бузруговични бағрига босаркан: «Келганингиздан бағоят хурсандман!» деб таъзим килди.

Пұлат Бузругович маңнодор жылмайиб: «Келин муборак!» деди ва ён чүнтагидан конверт олиб, унинг чап чүнтагига тиқди. Сүнг Гулипайкарға ўгирилиб: «Бу синглимиз!» деб күйди, кейин хурсандлигидан учишга шай турған ҳалиги аәлга қараб: «Нозима синглим, сизге қайноналик муборак!» дея ҳазиллашди. Аәл қўлини қўксига қўйиб, миннатдорчилик билдириди. Унинг ниҳоят даражада ялтоқланиб, таннозланиб туриши Гулипайкарға ёқмади, аммо шу билан бирга ўзининг бошлиги бўлмиш Пўлат Бузруговичнинг келишидан унинг миннатдор бўлгани қалбига хузур бағишлади. Демак, бошлигининг обрўси жойида, бундай одам билан бирга келиш фахр. Қайси бошлиқ ўз котибасини тўйга олиб боради?! Аәл уни кўлтиқлаб олди ва: «Қани, юринг, синглим!» дея зинадан олиб чиқиб, ичкари бошлади: кенг дахлиз, ерга чўғдек гиламлар солинган; ўнг томондаги оппоқ ганчкор кенг уйга киришди, шифтда иккита зарҳал биллур кандил осилган; узун хонтахта атрофига ўрта яшар аәллар, барининг нигоҳи жиддий: Гулипайкарға сукланиб тикилишди, киз тор юбкасидан уялиб, ўзини аәлнинг ортига олиб, салом берди; уни бошига оқ рўмол ўраган кампирнинг ёнига ўтқазишиди. Ҳамма у билан сўрашди. Бунақа жиддий даврага илк келиши эди, ўзини кафасга тушгандек оғир сезди, нега келдим, юр деса, келаверсанми, дея юрагини эзган бўлди. Ёнидаги кампир бир нималарни сўйламоқда эди. Шундай пайтлар бўладики, бир даврада ўтиранг-да рухинг бошка томонда бўлиб, ўзгалар колиб. ўз дунёнгда яшайсан ва бошқаларнинг ҳар қандай мухим гаплари ҳам қулогингга кирмайди. У ҳали ҳамон бошлигининг бу ерга нима учун олиб келгани ҳақида ўйлар ва ўйининг тагига етолмай овора эди. Нега олиб келди? Максади нима? Ё бу ердан бошка ёққа олиб кетармикан? Кўп маротаба шундай бўлган: Теша акасининг ўзи ҳам, ҳамтоворклари ҳам уни бир неча марта ресторон, кафеларга, тунги барларга олиб бориб, сўнгра дала ҳовлисига олиб кетишган эди.

Кампирнинг оқ рўмоли учи беихтиёр унинг юмшоқ, момиқ бўйнига тегиб, кил ялаб ўтгандек, сал озор берди. «Кечирасан, қизим! – деди кампир унга ва сўзида давом этди: – Ҳозирги башни кизларимиз калта юбка, тор шим кийиб, эркакларни йўлдан

уряпти. Бундай шармсиз қызларни күрган эркак зоти борки, уларни ёмон, деб тушунишади». Чеккадаги тилла тишли семиз аёл билтур идишдан қызыл олма ола туриб: «Бузуки, денг, бузуки-ку улар!» деди пишиллаб. Ёнидаги оппоқкина, нозиккина жувон күзларини ерга тикиб: «Хай, хай, овсин, уят-а!» деди танбек берган бўлиб. Бошқалар ҳам уни кувватлади. Семиз аёл унга қараб, лабини бурди ва карсыллатиб олмани тишлади; Гулипайкар гулдор кўрпачага қалишди, назарида, тор юбка эмас, типратиканнинг терисини кийиб олгандек, бўлик, нозик оёклари, хипча белига ўнлаб ниналар карт-карт санчилди. Ўша куни аёллар даврасидан етти букилиб чиқди, машина-га ҳам истар-истамас ўтириди.

Энди дала ҳовлига олиб кетади, қисматим шу экан, дея саккизинчи марта ҳам букилди. Йўлда Пўлат Бузругович катта, қуббали зиёратгоҳга олиб кирди. Бу бинони телевизорда кўп кўрган, жуда катта авлиё отанинг зиёратгоҳи. Кирибчиқадиганлар кўп. Нега мени таклиф этмади, деб хайрон колди. Пўлат Бузругович ўн дакиқалардан сўнг ортига қайтди, унинг юзида нур ўйнар, кайфияти жойида зди. «Сизни ҳам дуо килдилар, номингиздан садақа ташладим», деди унга. Гулипайкар бошликка ғалати қаради, ҳали бунака эркакни умрида учратмаган зди, назарида, ундан факат яхшилик нури таралиб турар ва бу нур уни оппоқ, нурафшон, покиза боғ томонга бошламоқда зди, фикрчан қиз эмасми, яхшиликка кўл берди: ўша эрта уйғонганида танаси енгил зди, эзгу фикр шамоли кўнглидан ҳаёсизлик туманларини узоқларга суриб кетмоқда, покланган қалби эса ёш боладек қиқирлаб қуларди; апил-тапил нонушта килди, нима ҳам ер зди, бир тишилам нон, бир пиёла сут ичди-да, тошойна олдида ҳар доимгидек узок пардоз-андоз килди, ўзининг қиличдек қадди-қоматига, ойдек юзига кааркан, умрида илк бор «Нега мени бунчалик гўзал яратди, Тешаларга майна бўлиш учунми?!» деган савол кўнглидан ўтди-ю, ўрнидан туриб, тор ва калта юбкасига ижирганиб қаради ва олд кора тугмачаларини шарт-шарт узив ечди-да, оёклари остига ташлаб, алам ва зарда билан тепкилади. «Тор юбка кийгани шу бўлсин, буни аҳмоқ қизлар кияди, у эса аҳмоқ эмас! – Лов этиб қизарди, курук ўтингидек гу-

риллаб ёнди, иситма тутган одамдек қақшади. – Шунча хато килибди, күзи қаёқда эди, қаёқда эди?!» Уйдан чиқиб, қай холда ишга борганини, қабулхонага кириб кай йўсинда жойига ўтирганини ҳам сезмади, фақат бошликтининг кўнғироғи уни ўзига келтирди, эшикни очиб ичкари кирганда, Пўлат Бузругович унга самимий жилмайиб қаради, лекин қараши бугун сал бошқачароқ эди. «Кийинишинг жуда бинойидек! – деди илтифотли оҳангда, сўнг кўзини ерга тикканча: – Балки мен замондан оркада колгандирман, аммо сендеқ барно қизларимизни доимо гўзал кўринишда юришларингизни истайман!» – дея қўшимча қилди. Мактоб ҳам, бу гаплар ҳам Гулипайкарга ёқди ва у бу гал самимий табассум билан қабулхонага чиқиб, бошлиққа меҳр билан қаҳва тайёрлади.

Ўша кечаси туш кўрди. Юзида Ой балқиб тураг, ўзини ойнада кўриб, кўкдаги ой ўзим эканман-да, дея хурсанд холда қикирлаб кулди, чиннидек овози юлдузларни чўчитиб юборди, ҳатто туннинг қора пардаси ҳам тўлқинлар каби ҳалқа-ҳалқа бўлиб ёйилди, ногаҳон, бойўғлининг хунук товуши эшитилиб, унинг ўзи ҳам сесканди ва юзидағи Ой бирдан думалаб ерга тушиб кетди-ю, бирдан кинолардаги арвоҳ кампирга айланиб қолди; атрофни қандайдир вахима, куюқ кўкиш туман босди, кимдир йинглади, кимдир қикирлаб кулди; туман орасидан гурс-гурс, так-туқ овоз эшитилди, бирор кахқаха отиб қулди. Пўлат Бузругович Ойни кўлида тутиб колиб. Гулипайкарнинг юзига ўрнатди. «Рахмат сизга!» деди у миннатдор бўлиб. Пўлат Бузругович туман орасига кирди. «Яхши киз бўл!» деган овози эшитилди ортидан. «Яхши киз бўламан!» деди Гулипайкар унинг ортидан интиқ қараб коларкан ва шу лаҳзада йиғлагиси келди, лекин йиғлолмади, негадир нафаси бўғилди. Алаҳсираб кўзини очганда, хонада ёлғиз ётар, уй ичи димиқкан, момақалдироқ гумбирлаб. ёмғир чепаклаб куймоқда эди. Беихтиёр оёкларини кучоклади ва неғадир ўзи истамаган ҳолда бир эркакнинг ҳидини согинди: бу эркак қанақа бўлиши керак? Кўчаникидан, ўзганикидан фойда йўқ! Энг яххиси, ўзиники бўлсин. Ўзингники. «Қанийди, ўз севган ёринг бўлса-ю, иссик бағрида хотиржам ётсанг!» Ички бир хўрсиниш қалбини киринди каби тирнаб ўгди. Шунча йил

яшаб, биревга суюкли ёр бўлай, рўзгор тутай деб ўйладими?!  
Туши ҳам беҳудага эмас. Ойнинг юзидан тушиб кетиши,  
Пўлат Бузруговичнинг ёрдамга келиши огоҳлик эмасмикан?!  
Огоҳлик, огоҳлик. Кўзингни катта оч, Гулипайкар!

Шундай ҳолатда юрган қунларининг бирида уни яна Теша  
акаси чакирди. Бу сафар Ғазалкентдаги дала ҳовлисига олиб  
кетди. Кечагина Бельгиядан келган экан, унга катта кўзли тил-  
ла зирак совға килди. «Олмайман!» деб оёқ тираган эди, «Сен  
ҳам ноз қиладиган бўп колдингми?» деб жеркиб ташлади ва:  
«Шу сеники!» дея сумкаласига солиб қўйди. Икки соатдан  
сўнг машина уни уйига келтириб ташлади. Кун булутли эди.  
Нотўгри иш қилдим шекилли, деган хаёлга борди ва бир то-  
мондан ёлғизлик, иккинчи томондан, ўйламай иш тутиб, ёмон  
отлик бўлгани, баҳтсизлиги ва, устига-устак, бугунги қилган  
иши унинг юрагига юқ бўлиб тушди, хаёл суриб, бир оз ўтириди,  
қилаётган ишларини тош-тарозига солиб кўрди: Теша акаси-  
дан айрилган бўлиши мумкин, лекин Пўлат Бузругович бор-  
ку! Яхши одам. Керак бўлса, ёрдам беради. Шундай ёрдам бе-  
радиган одами бор экан, нимадан кўрқади. Эртаси инга бориб,  
Пўлат Бузруговичга меҳр билан қаради, чойни ҳам, қаҳвани  
ҳам меҳр билан тайёрлади, ҳатто тушликка егулик ҳам кел-  
тириб берди. Хосхонасига таклиф этса, кириб бирга ўтириши  
ҳам мумкин эди, аммо Пўлат Бузругович суюқ одам эмас, унга  
инсон сифатида қарайди. Энди нима бўлса ҳам унинг этаги-  
ни қаттиқроқ тутгани маъкул... кутилмаганда, кўл телефони  
хаёлинин пахтадек титиб ташлади. Кўнғироқ қилаётган Теша  
акаси эди.

«Ўзингга келдингми, попукча?!» деди эрка оҳангда. Гу-  
липайкарнинг кўнгил осмонида күёш чараклади. «Жаҳли  
чиқмаган экан!» дея хурсанд бўлиб, ўзига келди, гўё яна бит-  
та орқа тоғ орттирган одамдек кеккайди: Пўлат Бузруговичга  
қаттиқ боғланиш шарт эмас, деб ўйлади ва гўшакни қулогига  
маҳкам босди. Теша акаси зарур гап борлигини, ишдан сўнг  
олиб кетишини айтди. Негадир у йўқотган нарсасини топган  
кишидек жуда суюнди. Негалигини ўзи ҳам билмасди ва тезроқ  
кеч бўлишини кутди. Иш тугаши билан уйга келиб, тилла зан-  
жирини ва узугини тақиб олди. Теша акаси айтилган пайтда

уни бекат ёнида қаршиларкан, тақинчоқларга ишора килганча: «Жуда ярашибди!» деди. Гулипайкар ўзида йўқ севинди. Бир ярим соатдан сўнг Бўстонлиқдаги дала ҳовлига кириб бордилар. Хизматкор бир кўйни сўйиб, дастурхон тузатиб кўйган экан. Тоза ҳаво, боз устига кайфиятининг аъололиги унинг иштахасини очиб юборди. Қиттак отгиси ҳам келди. Пўлат Бузруговичга ёкишим керак, деб ҳар нарсадан ўзини тортиб, роса кисилган экан, озгина олгандан сўнг баҳри-дили очилиб, яйрай бошлади: дастурхонда нима истаса, бари мухайё эди ва бу зиёфатнинг ўзи учун эканлиги ҳам аён эди. Шаҳарнинг манаман деган одами унинг учун шундай дастурхон тузатади-ю, кувонмасинми?! Унинг эркалиги тутди ва ҳатто рақсга тушиб, бир оз хуморидан ҳам чиқди. Кечкурун икки киши келди. Улардан бири тепакал, иккинчиси узун бўйли озгин эди. Тепакал: «Ҳаммаси ҳал, ўшани қўлга киритсан, ўн беиш кунда ишдан пишт бўлади», деди. Гулипайкар Пўлат Бузругович ҳакида гап кетаётганини сезди. Негадир унга юраги ачишди. Негалигини бу сафар ҳам англай олмади. У киши ёмон эмас. Шундай яхши одамнинг тагига сув қўймоқчилар, нега жим юришмайди-я! Бир раҳбарнинг афсус билан: «Бизниkilар бир-бирларининг тагига сув қуишиш жуда уста!» деганини ҳам эшиштан. Нега эркаклар шунаقا?.. Тепакал уни олинг, олинг, деб бирга қадаҳ уриштириди. Бир олди, икки олди, сўнг.. эрталаб кўзини очгандা, Теша акаси айвонда тамаки тутатмоқда эди. Қаршисида баланд қизгиш адир, ундан нарида қорли тоғ, боғлар кўзга ташланаб туарди. Теша акаси: «Яхши ётиб турдингми?» деб сўраган эди, тумшайди. «Ҳа, яна нима бўлди?» деб унга ўгирилди. Гулипайкарнинг ғаши келиб: «Нега қолдириб кетдингиз?» деди. Теша унинг қўлидан тутди. «Қўрқма, сенга қўлини ҳам тек-кизгани йўқ, мени хурмат килади!» Қиз сал ўзига келди. Теша акаси нариги адирликдаги дала ҳовлини кўрсатди: «Ҳов ўша сеники бўлишини истайсанми, номингга ўтказиб бераман!» Гулипайкар ноз билан: «Бехудага эмасдир!» деди. Теша акаси қўли билан унинг бармоқларини силади: «Ўзинг тушунадиган, акли, фаросатли қизсан, мени кечир, бошлигингни қайсиdir папкасида «б-тс» рақамли кўк қофоз бор. ана ўшандан нусха керак! Уч кун муҳлат... кейин сенга бошқа иш буюрмайман!»

Гулипайкар: «Бошлигимга нима бўлади?» деб сўради. Теша акаси унинг гапини чўрт кесди: «Тепакалга котиба бўласан!» Қизнинг ичидаги илон қимирилади: «Шунаками? Нега, нега?» деган савол товонигача болта урди.

Эртаси ишга келганда ҳам шу оғир зарб унга тинчлик бермади. Тушда йўлнинг нариги томонидаги ошхонага ўтиб, «Лола» тортидан харид килиб, тезда ортига қайтди. Бўлажак воқеалар кўз олдидан бир-бир ўтди: ана, Теша акаси, тепакал одам Пўлат Бузруговични мансаб столидан ағдариб юбормокчи, кейин... юкоридан ҳаворанг «Нексия» учеб келаётган эди, киз оркага кайтишга улгурмади, чирпирак бўлиб асфальт йўлга тарс йиқилгани эсида. Ҳушига келганда, ўзини оппок хонада кўрди. Бошида нотаниш кампир. «Менга нима қилди?» деб сўради ваҳима билан ва баданларини пайпаслали. Кампир унинг кўлидан тутди: «Сенга ҳеч нарса бўлгани йўқ, кизим, чўчима, ўнг оёгинг, тирсакларинг сал тирналган, холос, қаердадир айтганинг бор экан!» Қизнинг бошида «қаерда?» деган савол гир-гир айланди ва «Шунаками?» деган сўз қулоги остида кайта садо берди. Балки шу биргина сўз уни саклаб қолгандир. У кампирга каради: «Пўлат Бузругович келдиларми, момо? Сиз?..» Кампир унинг кўлларини силади: «Мен Пўлагжоннинг онасиман! Ўғлимнинг «котибамни машина туртиб кетибди!» деганини эшитдим-у, дархол ёнингга келдим, тез согаясан, кизим! Биз бормиз, кўнглингни чўқтирма!» Бу гаплар қизнинг кўнглини кўтарди ва у бошини кўтариб: «Моможон, тезда Пўлат акамни чақиринг, зарур гапим бор!» деди. Кампир: «Шунчалик зарурми?» деб сўради ва қизнинг: «Зарур, зарур!» деб типирчилаганини кўриб, кўл телефонини олди. Пўлат Бузругович йигирма дақиқалардан сўнг етиб келди. Гулипайкар бор гапни очиқ айтди ва енгил тортди. Пўлат Бузругович унинг кўлини кафтлари орасига олиб: «Мен сенга ипонар эдим, синглим!» деди. Кампир бир унга, бир ўглига каради ва Пўлат Бузругович чиқиб кетгач: «Қизим, тўгрисини айт, баъзи бошликларнинг котибалари билан гаплари чиқиб туряди, ўғлим канака?» деб сўради. Қиз бошидан ўтганларни кайта айтиб берди. «Шукр, шукр, берган сутим ҳалол экан!» деди кампир мамнун бўлиб.

Бир ҳафтадан сўнг Гулипайкар касалхонадан согайиб чиқди. Эрталаб ишга бораётиб, анхор ёқалаб юрди. Кун салкин, атроф жимжит эди. Кўприк остига етгач, ҳаворанг темир тўсиқка суяниб, сумкасини очди-да, тилла занжир ва зиракни олиб, кўлида бир дакиқа ушлаб турди-да, «Бу ҳаром матоҳларни бирорларга совға ҳам килиб бўлмайди, касофати уради» дея ўйлади ва иккиланмай уларни сувга улоқтирди. Енгил тоза ҳаво юзига урилиб, тўйиб нафас олди. Қуёш баланд дараҳтлар ортидан қизариб чиқиб келаётган эди. Янги кун бошланмоқда. Гулипайкар учун бу энг мусаффо тонг эди. Қуёш ёғдулари сув юзида кумушдек жимиirlаб, кўзини қамаштирди. У қикирлаб кулди. Кулгиси узок-узокларга кетди.

– Ўзим кўрдим, тақинчоқларини ташлаб юборди! – деди кимдир.

Қиз тепага каради. Дўппили киши ва сийрак соч йигит унга караб туришарди. Дўппили киши унга кўлини пахса қилди:

– Ҳов, она қизим, ўзини ўлдириш гуноҳ, ундей кила кўрма!

Қиз ширин жилмайди:

– Қўркманг, отахон, ўзини ўлдирадиган аҳмок йўқ. Мен яхши бир одамнинг котибасиман. Ишга кетяпман!

– Қўрқитиб юбординг-ку, она қизим! Қаерда ишлайсан?

Қиз айтди.

– Пўлат Бузруговичнинг кўлида ишлайман, дегин!.. Бизга ҳам бошлиқ бўлиб ишлаган эди. Яхши одам. Салом айт!

Гулипайкар шўх оҳангда сўради:

– Кимдан, амаки!

– Теша акадан дегин!

Қиз каловланганча жойида тўхтади. Бир лаҳза юзини хира туман босди. Сўнг «У Теша акаси билан бу одамнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор» деб хаёлидан ўтказди-да, яна боягидек гул-гул очилиб: «Албатта, саломингизни етказаман!» деди ва кора сумкасини ўйнатиб, бетон зиналардан чопқиллаганча юқори кўтарилди.

## ОТА ЎГИЛ

Кеч куз хазонбаргларини сочиб, ер билан ўйнашади, баланд тоглар хўмрайиб бокади, тун соchlарини юлиб, соj вахимали шовуллаб, оғзидан кўланса арок хиди анқиб турган отасини зўрга кўтариб келаётган боланинг оғрикли юрагини бўридай гажишни кўзлади, патила булултар орасидан гоҳ-гоҳ кўриниб қолаётган тулин ойгина унга меҳрибон онадай куйманиб қараб, ўз нурлари билан тер оқаётган юзларини охиста силаб кўяди.

Ундан кейинроқда бир гуруҳ одамлар гўнгир-гўнғирлашиб, тўйдан қайтишмоқда.

Дўнглиқдаги симёғочга ўрнатилган катта чирок атрофни сутдек ёритади. Бугун маҳалла монтёри ўнг томони билан турган шекилли, чирокни эрта ёқибди.

Боланинг оёклари зиркираб оғриб, қўллари толди: отаси – суяги катта одам, анча оғир, тўйхонадан шу ергача дам олмасдан кўтариб келянти; йўлда дам олса бўларди, аммо ори келди, битта-яримта оғзига кучи етмаган отасини ҳақорат қилса, чи-даб туролмаслигини билади, яхиси, кўришмагани маъкул, деб ўйлади ва ҷарчаб колса ҳам тўхтамади, дўнгликка чиқиб олса, бу ёғи ўзларининг маҳалласи, бирпас хотиржам дам олади.

Отаси ўқчиди, бола уни ерга қўйишга улгурмади, бадбўй куски шариллаб ерга тўкилди, атрофга қўланса ҳид таралиб, боланинг кўнгли озди.

Ортдан келаётган икки хотин, бир йигит четланиб ўтишди. Бола уларни таниди: маҳалла бошида турадиган Шерхоновлар, савдогарчилик қилишади. Семиз хотин – Насифа «доллар»: лакаби шунака, факат доллари бор аёллар билан гаплашади.

– Ичмай ўл! – деди жовдираb. – Хотини, ўглига қип-қизил но-тавон бу! Бунақа эрлар оиласи расво қилади. Башаранг курсин!

Узун бўйли йигит – унинг ўғли Калта мато:

– Хурмачангта сиккунча иссанг бўлмайдими, алкаш! – деб ғудранди.

Бола йиртиқ шими чўнтагидан ок рўмолчасини олиб, отасининг мўйловига ёпишган куски юқларини артиб ташларкан:

– Ўзинг алкаш! – деди унга ўқрайиб.

– Нима дединг, мишиң! – Йигит кела солиб, уни бир тепди. Бола юзи билан ерга йикилди. Лабларига оккан иссик қон юрагини күйдирди.

– Караб тур, катта бўлай, кўрсатиб кўяман!

Калта мато ортига ўгирилиб, уни яна бир тепди.

Боланинг отаси унга қўлини чўзиб, бир пима деб минғирлади. Нима деди, ҳатто ўғли ҳам тушунмади, аммо уни химоя қилиб, қўл чўзганини сезди. Сезди-ю. юраги гуп-гуп ура кетди. Отаси ичмаганида, ҳозир маст бўлмаганида Калта матони чирпирак қилиб отиб юборарди! Эҳ! Бола хўрсинди. Сой ҳам хўрсинди, тун яна соchlарини юлди, ой қоп-кора булатлар ортига яшириниб олди.

Бола отасини кўтариб йўлга тушди. У тезрок уйга етишни кўзлади. Уйга олиб бориб ювинтиради, бир коса қатиқ беради. Қатиқ арокни кесади, дейишади.

Тоғ томондан майнин шамол эсади: тандир гўшти ҳиди димогига урилиб, қилт югинди: тўйдан ҳеч нарса ея олмади, тортинди, боз устига, даврани айланиб, отасини топгунча анча овора бўлди. Эҳ, отаси, отаси! Ичмаганида, унга бу кеча тандир гўнит олиб берармиди?!

Дарвоза ичкаридан кулфлоглиқ эди. Онаси, укалари ухлаётган бўлишса керак, вакт ҳам алламаҳал бўлиб қолди-ёв! У отасини деворга суюнтириб қўйди. Отаси уҳ тортди. Ачимтир ҳид боланинг кўнглини оздирди. Қўланса арокни нега ичишади? Нега? У зарда билан деворга ёпишиб, пардага энди қўлини чўзган эди, ичкаридан онасининг овози эшитилди:

– Ким у? Ким?

Бола тап ерга тушди.

Онаси Ҳосила ая зориллаб додлади:

– Уйинг куйгур, ўгрилар! Келиб-келиб мани молимга кўз олайтирасанлами?! Ё ҳеч кими йўқ буларнинг деб тепкиламоқчимисанлар! Ҳа, уйинг куйгурлар! Ҳали болам катта бўлар мени ҳам!

Боланинг корни оғиб, гуёки иккита оғир қўл унинг ошқозони, жигар ва ичакларини тортқилаб пастга босди. Чидаш керак. У тишини-тишига қўйди. Оғиз саройи додлаб юборди. Онасини ёмон одамлар кўркитибди. Қандай даҳшат!

– Онажон? – йигламсираб бакирди у.  
Ит хурди. Дарвоза қулфи шараклади.

– Санмисан, болагинам!  
– Мен, менман, онажон!  
– Эсон-омон келдингми, болам!

Бола онам кўркмасин, дея тез жавоб қилди:  
– Отамни олиб келдим, отамни!

Ховлидаги икки туп ўрик дарахти енгил силкиниб, боланинг қайнок юраги тафтини босишга уринди, шамол унинг оғир юқдан қизариб, оғриб турган бўйини силаб ўтди. Сой ёқимли хиргойи қилди, бўрибосар ити эса унинг оёкларини ялади, отаси ўқчиган эди, бир сакраб нари кетди. Шу ит ҳам унинг отасидан ҳазар қилиб, норози бўлди. Отасидан-а! Кўлидан нон, гўшт еган бўлса-да, ундан жирканди.

Узун бўйли Самандар коровул отни етаклаб келмоқда эди. Димогдор одам, отасини месимайди. Бола шунинг учун ҳам уни ёмон кўради, аммо саломини канда қилмайди.

Бу гал қоровул саломга алик олмади, ҳатто қайрилиб ҳам карамади. Бола алам билан лабларини тишилди.

Дарвозадан чиқсан онаси:

– Нега юзинг, кийимларинг қон, болам? – деб сўради ташвишланиб. – Яна бирор урдими?

– Йўғ-э! – деди бола, лекин ёлғон гапирганидан уялиб, тишилари худди муз теккандек зириллаб кетди ва отасини елкасига олиб, кўтарганча ичкари кирди. Бирор урди, деб айтиб бўладими? Уят-ку!

– Она?

– Ҳа, болам?

– Қатик олиб келинг, отамга ичирамиз, ўзларига келадилар!

Ҳосила ая ошхонага кирди ва зум ўтмай косада катик келтирди. Ўғлининг жовдираганча қатикқа ёпишиб, отасига қошиқда тутганини кўриб, юраги алланечук безовта урди. Кирқ йилдан буён Аливой билан яшаб келяпти. Унга турмушга чиққач, орадан тўрт-беш йил бола кутдилар. Кун ботди, тонг ёришиди, фасллар алмашди, яна баҳор келди, ховлисидаги гуллар қайта-қайта очилди, аммо унинг на юраги кулди, на баҳти очилди. Маҳаллада гап-сўз кўпайди. Бирор хотини тугмас

деди, бошқаси айб Аливойнинг ўзида деди. Аёл—аёл-да: куз ёш тўқди. Аммо Аливой сўзида турди. «Ман сани бир умр хотин киламан, деганман, кўнглингни иккита қилма!» деди.

— Бола олсак-чи?! — деди бир куни.

— Нимайди? — сўради кизиқсиниб.

— Бола олиб боксак, фарзанд бериши ҳам мумкин экан!

Хотин рози бўлган эди, эрнинг оғзи қулогига етди. Орадан уч ой ўтиб, маҳалла дўхтири ўргага тушиб, уларга бола олиб берди. Унга Аливойнинг ўзи Алишер деб исм кўйди. Алишер «дада» деб тил чиқарган куни чунонам хурсанд бўлди, кўйиб берсалар, оламга жар солишга тайёр эди. Кейинги йили суннат тўйи қилдилар. Ўша йили энди бизга битта қиз ҳам кепрак деб, яна маҳалла дўхтирига учрадилар. «Пул бўлса, чангальда шўрва!» Дўхтир опа бир хафта деганда, уларга яна бир чақалоқ келтириб берди. Унга Ойбека деб ном бердилар. Аливой ҳам, хотини ҳам гап-сўзлардан кутулиб, икки бола билан ўралашиб қолишиди. Аммо бу дунёда пасткаш одамлар ҳам бор экан. Бир йили товуклари Самандар коровулниги ўтиб колган экан, икки ўргада ғиди-биди бўлди. Ҳарчанд кечирим сўраса ҳам, Самандар коровул пастлигига борди. Сўкинди, ер тепинди, товукларинг яна меникига ўтса, сўйиб ташлайман, йўқотаман, дея дағдаға қилди. Бунисига чидаш мумкин эди, аммо «сен ҳам эркакмисан, ҳезалак» деб ҳакорат килгани ошиб тушди. Бир зум кўз олди коронгилапиб, жойида гир айланди, сўнг томирлари ҳаракатга келиб, боши чўгдек қизиди: бундай пайтларда тил жонивор ўз-ўзидан эшилиб кетади, қўл-оёқ ҳақида айтмаса ҳам бўлади.

— Ҳов, нима деяпсан? Оғзингга қараб гапир!

Иккиси тор кўчага чиқиб, ёка бўгишди. Ўргага хотинлар суқилишиди. Томонлар то ҳовуридан тушгунча чор атрофни одам босди. Кўшнилар ўргага тушиб, бир илож килиб, ҳар икки томонни ҳам уй-уйларига киргизиб юбордилар. Шу билан иш ҳал бўлса, кошки эди-я, эй курмагур одамлар-а! Ҳовуридан тушгунча кўнгил дунёсини вайрон этишади. Аливой эрта ётиб ух, деди, кеч ётиб, ох урди. Алами кундан-кун зўрайиб, восвос касалига йўлиқди. На ейишда, на ётишда ҳаловат бор. Хотини ҳарчанд уринмасин, овутолмади. Асранди болалар ҳам кўзига

күринмай колди. Гүёки назарида, ёз, куз ўтиб, киш бошланган ва уларга бўлган меҳри ҳам узок ўлкаларга учиб кетгандек эди. Эркак киши уйдан ҳаловат тополмаса, кўчага чиқади. Кўчага чиқиб, яхшига учраса, хўп-хўп, ёмонга учраса-чи?!.. Аливой кўчада уч-тўрт арокхўрнинг қўлига тушди-ю, ичишга берилиб кетди. Қишлоқда лақаб орттириб олиш жуда осон. Ҳар оқшом уйга кайтарди. Катталарни қўйинг, болалар ҳам «алкаш» деб масхара киладиган одат чиқаришди... Ӯғлига, яъни биз билган Алишерга азоб эди, азоб эди. Бола пақирнинг боши ҳам бўлиб колди. Синфда миқ этмай ўтирап, устози сўраса, жавоб берар, кўнғирок чалинган захоти китобни қўлтиклаб, уйга ура кочар, отасининг қаердалигини билишга ошикар. маст ҳолда кўча-кўйда колган бўлса, дарҳол уйга судраб келарди. Икки йилдирки, аҳвол шу: на кўчада тинч юради, на уйда ва на мактабда! Нима қилишга ўзи ҳам ҳайрон!

Бугун қишлоқни айланиб, отасини тополмади. Дўконга кирди – йўқ, дала шийпонга борди – йўқ. Кўшни қишлоқдан карнай-сурнай садолари эшитилиб турарди. Тўйдан қайтаётган болалардан сўраган эди, биттаси: «Алкаш отанг ўша ерда. борақол!» деди масхара қилиб. Кесатик гап юрагини тилиб юборди. Лекин чидашга мажбур. Ҳадеб ёқалашини ҳам яхши эмас.

...Ҳосила ая кўзи ер чизиб қолган ўғлига ҳоргин бокқанча, илиқ сувга ҳўлланган оқ сочиқ билан қон теккан бурни, лабларини оҳиста артди:

– Ҳафа бўлма, ўғлим, отанг бир кун инсофга кириб колар!

Алишер бетга чопар бола эмас: юрагини «қачон?» деган ўткир савол тилиб, азоб берса-да, онасига қарши бирор сўз айтмади, қайтага «онам ҳам қийналиб кетдилар, отамни бу йўлдан қандай қайтариш мумкин?» деган ўйга толди. Қандай қайтариш мумкин?!

Кўз олдига тог, ўрмон, ярадор оҳу кўринди. Онаси ана, ўша ярадор оҳу. «Одамлар, мен сизларга нима ёмонлик кильдим», деб турибди. Отаси эса... отаси бир чеълак шарбат ичиб, кутуриб юрган айик!

Кўшнилари Рисола кампирнинг кўнғироқдек овози эшитилиб, унинг хаёли бўлинди. Үялганидан ичкари уйга кириб, каравотга таппа ташлади.

– Ҳай, Самандар қоровул ўғлига от олиб берибди. Шуни ҳозир менга мақтади. От мошинмиди, мақтанади. Күёвим Ко-милжон неварамгага «Нексия» олиб бераман, деяпти. Қўйинг, керакмас болани бузманг десам, гапимга қулок солмаяпти.

Алишер беихтиёр хўрсинди. Ана, қандай зўр оталар бор. Ко-мил машина олар экан-да. Олади у. Олади. Чунки унинг ақлли отаси бор. Ўзи ҳам кийимнинг энг олдини кияди, чўнтағидан сира пул аримайди.

Эрталаб ҷелакнинг даранглаган овози уни уйғотиб юборди. Отаси ким биландир ади-бади айтар, олапар эса ғингшиб ақиллар эди. У юзини апил-тапил ювиб, ҳовлига чиқди. Остонада бошига олача дўппи кийган, кора соколли киши кизариб бўзарив турар, важохати ёмон эди.

– Сизда инсоф йўқ, орадан икки ой ўтиб кетди, дўконди карзини беринг! – дер эди қўлини пахса қилиб.

Отаси нимадир деб мингирилаган эди, соколли киши тутакиб кетди:

– Э, қанақа одамсан ўзи, эрқакмисан?

– Оғзингга қараб гапир! – деди отаси.

Алишер югуриб бориб, ўртага тушди:

– Амаки, отамни ҳакорат қилманг! Қарзни кайтариб берамиз!

Соколли киши уни итариб ташлади.

– Сан нари тур, мишики! – дея отасининг ёқасидан олди. – Тўлайсанми, йўқми, алкаш!

Алишер пешанасидан мушт еган кишидек қалкиб кетди. Бир зум кўз олдини коронғилик босди ва бир зумда ўзига келди-да:

– Отамни ҳакорат қилманг! – дея ўшқирди.

Соколли унинг ёқасидан олди:

– Шу сани отангми? Отангми? У...

Алишер уни гапиргани кўймади.

– Ҳа, шу одам мани отам! Ҳакорат қилдириб кўймайман. Қарзингизни мендан оласиз. Кетинг ҳозироқ бу ердан. Ўзим сизга бир соатдан сўнг етказаман. Кимсиз ўзи?!

Оғилхонада сигир согаётган Ҳосила ая бошидаги ок рўмолини тутганча югуриб келди:

– Ҳай, ўғлим, ўзингни бос, бакирма!

Алишер соколли кишига ғазаб билан боқди:

– Бу одам отажонимни ҳақорат килмасин! Қарз берганман деб тұхмат килаётгандың үшшайды.

Соқолли киши ховуридан тушиб, күлини күксига қўйганча Ҳосила аяга таъзим қилди:

– Тұхмат килаётганим йўқ, опа. Қўшни қишлоқдаги магазинчиман, эрингиз мендан қарз олган эди, давлатти пули, шуни деб келган эдим!

Алишер ҳали ховуридан тушмаган эди.

– Шунга отамни ҳақорат қилишингиз шартми? – деди зарда билан.

Соқолли киши бўйинни зғди. Алишер бошини баланд қўттарди:

– Бошқалар ҳам билиб қўйишин. Бу киши мани отам! У кишини ҳақорат қилишларига йўл қўймайман!

Отаси унга мулзам боқди.

Алишер соколини туртиб:

– Қанча қарзмиз? – деб сўради.

Отасининг сарғайган киприклари пир-пиручди. «Қарзмиз?» деб сўради-я! Отам канча қарз олганлар, деб сўраши мумкин эди. Шу ерда ҳам мени аяди. Мени аяди. Ўғил... Ҳакикий ўғил.

Соқолли кишининг юзи ёришди:

– Уч бутилканинг пулинин берсангизлар бас, розиман!

Алишер зимдан отасининг лов қизарган юзига бир назар ташлади. Ҳар калай, уялдилар. Отасида имон бор. У киши яхши одам.

Она-ўғил уйга кириб, бор пулларини қўшиб-чатиб, соқолли кишини рози килиб жўнатдилар.

Отаси кўчага чиқиб кетиб, бир соатлардан сўнг маҳалла оқсоқоли Элмурод чол билан Самандар коровулни бошлаб келди. Айвондаги каравотга дастурхон ёзилди. Бир пиёладан чой ичгандан сўнг:

– Мен шундай яхши ўғил ўстирган эканман, оқсоқол фотиҳа беринг, бундан кейин бу уйга меҳримни бераман, – деди бошини кўйи эгиб.

Оқсоқол иягини қашиди. Қишлоқдошлари унинг бу одатини яхши билишади. Отаси ҳам билар экан.

— Бундан кейин ичмаганим бўлсин!

Бу сафар оксоқол беғараз кулди:

— Нимани?

— Арогни!

— Шундай дeng-да!

Самандар коровул оёгини уқалади:

— Ҳовли олма, қўшни ол, дейдилар. Ичмаслигингиз рост бўлса, бундан кейин ака-ука бўламиз!

— Сўз бердимми, бажараман. Шундай ўғилга, – у Алишерга каради. – яхши ота бўлишим керак!

Ҳосила аянинг кипригида ёш томчилари муаллақ туриб колди. Асранди ўғлини бағрига босаркан: « Отангни нотавон дема, у киши яхши одам! » деди. Буни ўтирганлар ҳам эшитди.

Элмурод оксоқол Самандар коровулга маъноли каради:

— Эрни хотин мактадими, ишонаверинг, у яхши одам!

Бу гап Алишерга ёқди. Енгил нафас оларкан, шунча йиллардан сўнг биринчи марта хузур килиб жилмайди.

## ҲАСРАТ МОМО

Куёш чўгдек кизиган нурлари билан нафасни бўғиб, юракни азоблар ўтида ёндиromoқда: какроқ, такир, хатто ҳайдалган ерлар ҳам ҳансира бўлға нафас олади, катта-кичик довдараҳтларнинг яшилранг юзлари окариб, бошлари эгилиб қолган. Одамлар-чи?!.. Эй, одам жонингга ҳам раҳминг келсин, дейдиган меҳрибон йўқ. Бугдойи ўрилган тепалиқдан тушиб, ғалла майдони четидаги қамиш капа томон юрдик. Тутзор ёнида иккита сигир бузокчалари билан ўтлаб юрар, ундан нарида оқ от боғлаб қўйилган.

— Ҳасрат момо-ку! – деди шеригим, йўл-йўл кўк кўйлак кийган Сарварбек. У менга ҳамроҳлик қилиб Тоғкишлоқдан келаётган эди. Бундан уч кун олдин уларнинг қишлоғига, қадимий шажарани кўргани борган эдим. Қайтишда қишлоқ оксоқоли мени ёлғиз юборишни истамай уни ҳамроҳ этиб жўнатди. Сарварбек гапдонрок бола экан, йўл келгунча зериктирмади.

— Момони танийсанми? – деб сўрадим номини нотўгри айтмаяптими деган ўйда.

– Танийман, танийман, – жавоб қилди у ва худди саволимни анлагандек, – ҳозир сизга ҳам ҳасратларини түкиб соладилар, – деди япаски бурнини ишқаб.

«Бир кампирнинг дардини эшитиш шунча оғирми?» деб ўйладим ва кун тандирдек кизиб турган бир паллада шу монинг бир коса чалобини ичиб, дардини эшитиш осонрок туялди назаримда.

Момога одоб ва тавозе билан салом бердик. Мени оксоколнинг меҳмоними, деб сўраган эди. Сарварбек тасдик ишорасини қилди.

– Тошканнамисиз, болам? – деб сўради момо.

Юрагим-ку ёняпти, чўғдек кизиган тупрок оёғимни ҳам куйдира бошлади. Иссиқка сал тобим йўқ. «Бир коса муздек чалоб берсангизчи, момо!» дея хайкирди юрагим. Яхшиям, тилим бор. Юрак гапирадиган бўлганда, онамни кўрар эканман.

– Тошкентданман, она, Тошкентданман! – дедим қаловланиб.

– Иссиқ урмасин, болам, чайлага кир, чалоб килиб бераман!

Кўзларим чараклаб равshan тортди. Хайрият, тушунадиган кампир экан. Кўлимдаги папкага қааркан:

– Мухбирмисан, болам? – деб сўради дардчил кўзларини кисиб.

– Мухбирман, мухбирман! – дедим «момога фольклоршунос билан мухбирнинг фарқи йўқ» деган ўйда.

Момо ичкари киринглар дея қўли билан имо қилди-да, ўзи тўргта тол ёғочга ўрнатилган сўкчак томон кетди. Сўкчак ёнида сарғиш тулум осилиб туради. Булар катиқни тулумда сақлашади. Даشت қатигини ичмабсиз дунёга келмабсиз.

Чайлага ўзимни урдим. Ичкарида катта паррак овозисиз юмшоқ айланиб туради, ҳаво бироз мўътадил. ҳар калай ташкаридан анча салқин эди. Ўнг томонда, икки қамиш орасида чарос хушсурат кизнинг кора тасвирли расми илиб кўйилган. Расмнинг ости қайрилиб, ўнг томони сал куйган. Момонинг қизи шекилли, деб ўйладим. Сарварга ким дея имо қилсан, «ўзлари айтадилар» деган ишора билан биз томон келётган момога ишора қилди.

Момо ичкари кириб, оstonага омонатгина чўқди: енгил, қизгиш кўйлаги этагини тўғрилаб қўйгач, бурчакда тур-

ган сарик сирли товокни олиб, унга чинни косада келтирған қатикни солди-да, чўп кошиқ билан айлантира бошлади. Даشت одамлари чалоб тайёрлашга уста. Шунча йилдан бүён кишлоқма-қишлоқ, далама-дала юриб, уларнинг яшаш шароитлари, овқат тайёрлаш усулларини ўрганиб кетганман. Мени лол қилгани – булар шаҳарликларга ўхшашмайди: содда, кув, тўғрисўз кишилар: алдашдан кеч туғилганлар, бегонага ҳам, меҳмонга ҳам астойдил хизмат киладилар.

– Қизингизми? – сўрадим сабрим чидамай расмга ишора қилиб.

Кампир ялт этиб менга каради: кўзларидаги ҳасрат янада корайиб, ковок ажинлари таранглашиб хунуқлашди.

– Келиним эди, раҳматли! – деди хўрсиниб.

Нафасим ичимга тушиб кетди. Мендек кап-катта кишининг дашти кампир олдида ковун тушириши жуда уят эди: юрагим музлаб, таъбим тирриқ тортди: чалобга ҳам хохишим сўниб, кампирнинг дардини янгилаб кўйдим, деган андиша билан бўйнимни қисганча жим колдим.

– Мухбир бўлсанг, дардимни ёз, болам, ҳеч бўлмаса, шу билан таскин топарман. Мен бир ахмоклик қилганманки, болам, буни ўзимдан бошқа ҳеч кимга раво кўрмайман. Ўн йилдирки, одамлардан узоқда, ғариб ҳолда яшайман. Ўзимга ўлим тилаб, ўлолмайман, худо жазосини кўрсин, деган эканми?

Бу гап мени ўйлантириб кўйди. Бир томондан, хижолатдан кутулган бўлсам, иккинчи томондан, бир соатдан сўнг шаҳарга, бекатга этиб олиб, Тошкетга кетишим керак, момонинг дардими эшитадиган бўлсам, бугун қолишга тўғри келади.

Момо чайилган қатикқа туз солди-да, бир-икки айлантириб, бир пиёла сув қўшиб, яна чая бошлади.

– У кишлоқнинг энг сулув кизи эди, ошиклари сочидан кўп эди. Келиб-келиб ёлғиз ўғлим унга ошику бекарор бўлди. Кўпчилик оғиз урган кизни келин килишга ор килардим. Мен унга карши турсам-да, ўғлим бошқасига уйланмайман, деб туриб олди. – Момо катикқа уч-тўрт пиёла сув қўшли. – Кейин де, болам, тўй қилдик. Яхши базм бўлди! – Ташкарида ит хурди. Момо чайладан бош чикариб, кимгадир кўл силтади. – Утиб кетавер, болам, тегмайди. Арслон, жойингга ёт! – Момо

чалобни менга узатди. – Ич. болам, тафтигни олади. Роса бўғриқиб қолибсан. Шахарликлар нозикрок бўлишади. Гапимдан хана бўлма, болам!

Муздек чалобдан зўрга икки ҳўплам ичдим. Иштаҳам бўғилса, қайтиб очилиши қийин. Буни тарки одат, дейдилар. Чалобни Сарварбекка узатдим. У бир кўтаришда товоқни яримлатди.

Кампир кўз ёшларини артди-да, ўрнидан туриб, тўрдаги эски сандикни очди:

– Момонг ўлсин, мухбир, болам! Момонг иш килдими?!  
Момонг иш килмади, гўр килди, каро ер қилди! – Сандикни титкилаб, эски қалин дафтарни олди-да, кўзига суртиб, йиглади.  
– Ах, болам-а! Болам-а! – Дафтарни менга узатди. – Гапириб беришга юрагим қолмаган, болам. Айтишга тил бормайди.  
Санга буни ишониб беряпман!

– Менга ишонаяпсиз, онажон! Омонатга хиёнат қилиб бўларканми?

– Имонли йигитга ўхшайсан. Кўнглим сезиб турибди, болам! Газетингга чикарсанг, менга хам юбориш эсингдан чиқмасин! Бу дафтарни Тошкентдан бирорта мухбир келса, ўз қўлим билан топшираман, деб саклаб юргандим. – Кампир енги билан кизарган кўзларини артиб олди.

Ўн дакиқалардан сўнг кампир билан хайрлашиб, йўлга тушдим. Шаҳар бекатига келсам, поезд жўнаш арафасида турган экан. Патта олиб, поезд вагонига кирдим. Йигим-терим даври бўлгани учун вагонда уч-тўрт йўловчи бор эди, холос. Мен тушган купеда эса ёлғиз ўзим эдим. Купе кондиционери бир маромда ишлаб турар, хона озода ва салқин эди. Сарварбек билан хайрлашгач, пардани тортиб ёпдим-да, жойимга чўзилиб, кизиқиши билан дафтарни очдим:

«Бугун онам яна жанжал кўтардилар. Шарифа битта нонни куйдириб кўйган экан. «Бу танноз хотининг одамни гадо килади!» деган танбехлари менга оғир ботди. У кишини жонимдан ортиқ яхши кўраман. Мени туккан, тарбиялаган шу онажоним. Аммо битта нон учун хотинимни шу даражада изза килиш, килдан кийик ахтариб, ҳар куни таъбимизни тиррик килишлари шартмикан?! Икки йилдирки, шу ахвол. Бошим

оғриб, юрагим кисиладиган бўлиб колди. Ҳозир отам ишдан қайтадилар. Тўртталамиз дастурхон бошида жамулжам бўламиз. Онам аввал кўйган нондан гап бошлайдилар, сўнг яна бола ҳакида гап очилади. Шарифани туғишни хоҳламайсан, дея тақрор изза қиласидилар. У эса яна кечаси билан ҳўнграб йиғлаб чиқади. Шу билан тонг отади. Яна дастурхон ёзилади. Шарифа нонуштага келмайди. Онам отамга жаврайдилар: «Кўрдингизми, кечаги бир оғиз гапим учун хотини ковогини уйиб олди. Эрта туриб, чой-пой тайёрлаш унинг вазифаси эмасми?! Нонни куйдирма деган бўлсам, эртасини кўзлаб айтдим. Ҳали у ҳам буви бўлади. Пишиқ бўлсин, яхши нон ёпсин десам, бунинг нимаси ёмон?! Нимаси ёмон! Бу тенгилар икки-учтадан невара туғиб беришди. Унга ўйин-кулги бўлса, бас! Бошидан айтдим бу болага. Бўлмайди бу топганинг! У сен ўйлаган киз эмас, дедим, кулок солмади!»

Шарифа хеч нима емай ишга кетди. Эрталабдан кайфиятинг ўлса, кун бўйи ишингда ҳам барака бўлмайди, бундай кунларда одам тез толикади...

Биринчи кор. Дарё музлади. Дала-кирлар, кирғок атрофи шундай чиройлики, ўтган кунлар ёдга тушади: хушбўй атирахиди димоғимда қолган, ўшандан биз дарёдан сув ташир эдик, бир куни икки челакни кўтариб, дарёга тушдим. Шарифа ҳам дугонаси билан сувга келган экан. Челакларни сувга тўлдириб, бирга қайтдик. Уйларимиз тепаликда. Қизлар ярим йўлда дам оламиз, деб тўхташди. Мен: «Сизлар дам олиб туринглар, мен челакларни бир зумда тепага чиқариб қўйман!» дедим. Шарифа инжиклик килган эди, билганимдан колмадим. То икки дугона кимларнидир гийбат килгунча, мен олти челакни тепага кўтариб чиқишига улгурдим, сўнг қўярда-қўймай Шарифа билан дугонасининг кўлидан тортиб, юкорига судраб чиқдим. Йўлга сув тўкилган экан, музлаб қолибди. Шарифа дугонасига караб кула туриб, беихтиёр музга оёқ қўйган эди, сирпаниб кетди. Мен унга томон чакқон ташланиб, кўлидан тутдим. У шу заҳоти бағримга сингиди. Хушбўй атирахиди, димоғимга урилиб, ғалати бўлиб кетдим. Юмшок, момик ва иссиққина эди у. Ажиб туйғу аъзойи баданимни камраб олди. «Во-о, юмшоққина қиз экан!» дея роҳатланди юрагим. Кечаси

у тушимга кирди. Қор қоплаган адирликда учиб юрибмиз иккимиз. Ўрмонларни кезиб, икки дарёдан ўтдик. Сўнг... сўнг у фариштага айланиб учиб кетди...

Тушимни ҳеч кимга айтмадим. Иримчи йигит эмасман, тушга нималар кирмайди.

Ҳар куни Шарифанинг сувга чикишини пойлайдиган одат чиқардим. У бирам чиройли куладики... ёқимли кулгиси юрагимни сув килади. Бугун ҳам уларнинг чеълакларини тепага олиб чиқдим. «Энди йиқилмайман!» деб ҳазиллашди Шарифа.

– Битта йиқилинг! – дея ҳазиллашдим.

– Ёқмай ўлсин! – деди у. Дугонасининг олдида жуда қизардим.

Кечқурун уни дарё бўйига чақирдим. Ўзи ёлғиз келди. Бирга сув олиб қайтдик. Тепаликнинг ярмига етгач, тўхтадик. Совук шамол эсиб турар, атроф ойдин эди.

– Совуғ-у! – деди қўлларини ух-ухлаб.

– Иситиб қўяйми?! – дедим қўрка-писа. У индамади. Хушбўй атир хиди мени маст килди. Юмшоқ, нозик, иссиқкина қўлчалар, ўтли қараашлар! Мен осмонга учдим, йўқ-йўқ, мен ўзга дунёга саёҳат килдим. Йўқ, мен баҳт күшининг қанотлари остига кирдим, иссиқкина, юмшоқкина қанотлари остига.

– Уяксиз экансиз! – юмшоқкина, таннозгина овоз, гинали, аммо беозор оҳанг, унинг биринчи ширин танбехи! Оҳ-ҳо, танбех ҳам шунча ёқимли бўлар экан-да!

Унга хат ёздим:

«Мен Сизни севаман!»

Жавоб келди:

«Яланғоч сўздан уялинг!»

Баҳоргача бир сўз ёзолмадим. Апрелнинг илиқ кунларида унга бир кучоқ лолақизғалдок совға қилдим.

– Лолани яхши кўришимни қайдан билдингиз? – дея ҳайратланди у.

Мен ўзимни доно ҳисобладим.

Туғилган кунида шаҳарга тушиб, бир кучоқ оқ гул олиб келдим. Эртаси у менга нима деди, денг!

– Совғалар ичиди энг зўри сизники экан. Оқ гулларни ёқтиришимни қайдан билдингиз?

Мен суюндим ва етти карич ўсдим, ёлғон бўлса ҳам.

Раиснинг ўғли унга совчи қўйди. У алкашни уриб пачагини чиқаргим келди. Аммо эшиздимки, отаси совчиларни қайтарибди. Кейинрок маълум бўлдики. Шарифа шу дароз, шу алкашга берсангиз, ўзимни осаман, деган экан. Бекор гап. У мени яхши кўради. Мени деб шундай деган. Унга тан бердим ва уни янада яхши кўриб колдим.

Ўқишига киролмадим. Кузда ҳарбийдан чакирув қоғози келди. Жўнаш олдидан уни дарё бўйига чакирдим. Мени кутмасанг, у ёқдан ўлигим келади, дедим. У чиппа ишониб, кўз ёши килди. «Унака деб қўрқитманг!» деди хатто, лекин «мен ҳам сизни севаман» деб айтмади. Шуниси алам килди. Симли рўмолча тиккан экан. «Бу ёнингизда юрсин», деди. Бағримга босай, десам, қўймади. Катта йўл олдидан гуноҳга ботманг, деди бир самимий, бир дилкаш оҳангда. Бу гапларни қайдан топади, хайронман. Опаси ўргатганмикан?!

Ундан хат олдим. Биринчи хат.

«Мендан етиб бориб маълум бўлсинким. Азамат солдат акам соғ-саломат юрибдиларми?..» кулгим кистади. Биринчидан, солдат эмас, иккинчидан, хатни кимга ёзяпти ўзи?!

Мен жавобни котирдим:

«Ушбу нома етиб бориб маълум бўлсинким. Сиз сўраган солдат эсон-омон юрибди ва у киши сизга икки тонналик салом айтдилар!»

Жавоб келди:

«Икки тонналик салом йўллаган ҳарбий акамга соғинчли икки юз тонналик саломлар йўллайман!»

Икки йил шу тарздаги ҳазил-хузул хатлар ёзиш билан ўтди. Эрга тегиб кетса керак, деб йўллаган эдим, йўқ, қишлоқнинг манаман деган одамлари ўртага тушса ҳам, биттасига кўнмабди, хабарчи курғур хатларимизни очиб ўкиб, одамларга гап таркатган экан. Ҳарбий хизматдан қайтган куним онам: «Ана ву танноз суюкка яқинлашма!» дедилар. Нега бунақа дедилар, дея бошим гаранг бўлди.

Бир ҳафта ўтди.

Шарифа билан уйлари ортида ғўзапоя ёнида ҳар кечкурун учрашиб турдик. Бундан онам хабар топиб, мени уришган

бўлдилар, баҳтимга, отам ўртага тушиб, вазият сал юмшади. Шу кундан эътиборан бирор баҳона билан дастурхон бошидан кочадиган бўлдим ва олти ойни шу тариқа ўтказдим. Бир куни амаким қўйнимга қўл солдилар. Дардимни очиқ айтдим. Нима бўлади, хайронман.

Август ойида тўйимиз бўлди.

Жуда баҳтлиман. Қўйнимда севган ёrim, ёнимда меҳрибоним. Шоир бўляпман шекилли!

Бир хафталик келинчак эрталабгача изза-изза йиғлаб чиқди. Онам уни «ўлиб-тирилиб, бошини айлантириб, ўғлимга тегиб олдинг!» дея чакиб олибдилар.

Шарифа ошни шўр килибди. Бу кеча ҳам йиғлаб-йиғлаб ётиб қолди.

Кор ёғди. Биринчи кор. Шарифага корҳат ташладим. У менга ўғил ваъда қилди. Онам унга корҳат ёзганимни эшишиб, жигибийрон бўлдилар. Чой дамлаган эди, қайнамаган сувни солибсан, деб тўкиб ташлаб, ўзлари кайтадан чой дамлаб келдилар. Қўшни хотин: «Қайнонангизга бундай муносабат қилманг, қизим», дея Шарифани тергади.

Баҳор келди.

Унга бир кучоқ лолақизғалдок совға қилдим. Онам мени уришиб бердилар. Шарифа йиғлади.

Нима килишга хайронман. Онамга бундай қилманг, десам, мендан хотин яхши эканми, дея хафа бўладилар. Отам ҳам хеч нарса кила олмаяптилар.

Икки йил ўтди. Шарифани дўхтирга кўрсатдим. Тошкентга олиб боринг, ўша ерда даволашади, дейишди. Онамлан рухсэт сўрасам, шу ерда ҳам яхши дўхтирлар бор, дедилар. Тумандаги гинеколог Хайрния опага учрадик, дори-дармон, укол ёзиб берди.

Қиши каттиқ келди.

Ўйга келсам, Шарифа ўтин ёряпти. Ҳар замон битта-битта ўтвалиб қўяди. Болтани қўлидан олдим-да, бор, сандалга кириб дамингни ол, дея уйга киргизиб юбордим.

Онам қўшнимизнига ўтган эканлар. Неваралик бўлишибди. Қўлларида иккита патир, оқ рўмол.

– Таннозчанг яна сандалга кириб кетдими? – дедилар киноя билан.

– Йұталаяпти, мазаси йўқ! – десам, бобиллаб бердилар. Шарифа ташқари чиқди. Ранги бўзариб турарди.

Онам ўчокка ишора қилдилар:

– Олов қўйинг, яхши ният билан кулча пиширинг, қўшнига чиқарамиз!

Шарифа кечаси билан босинқираб чиқди. Эрталаб уни кишлоқ амбулаториясига олиб бордим».

Кундалик шу ерда узилган эди.

Орадан икки ой ўтиб, мен яна ижодий сафарга чиқдим ва момони излаб келдим.

– Момо қазо қилди! Уни ҳасрат тугатди! – деган совуқ хабар юрагимни музлатиб юборди.

– Қанақасига, соппа-соғ эдилар-ку! – дедим ишонкирамай.

Оқсоқол бўйнини эгди.

Буғдойзор ҳайдалган, чайла ўрни куйган, атроф файзсиз, совуқ эди. Дала айландик.

– Оналарни айблаб бўлмайди, болам! – деди оқсоқол паст, сўник оҳангда. – Оналар ҳам болам, дейди, боласини кизғонади... Худонинг ишларига аралашиб бўлмас, аммо бу воқеа менга ҳам сабок бўлди. Инсонга кўп зулм ҳам килиб бўлмайди. Эгаси ташлаб кўймас экан.

– Ўғли онаси танлаган қиз билан яшаган-да...

– Қайнонанинг ёш қиз билан пачакилашиб юриши уят! Кечирасиз, оғзимдан чиқиб кетди. Қўйинг, ўғлим, шу тўғрида гаплашмайлик. Ҳаётда бундай воқеалар оз эмас. Яхши кайноналар ҳам кўп. Хуллас, бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деганлар.

Кариянинг гаплари мени ўйлантириб кўйди. Нима ҳам дердик. Эсиз, гулдек қиз! Тақдир деб ўзимизни овутишдан бошка илож йўқ.

Кечаси Сарварбек билан бир уйда ётдик.

– Шарифа қишлоғимизнинг энг гўзал қизи эди, – деди у ҳасратли овозда. – Ўша куни амбулаторияда унга нотўғри укол қилиб қўйишибди, иссик уколни юраги кўтаролмабди. Ўз оёғи билан юриб бориб, тобутда уйига кайтди. Бутун қишлоқ йиғлади. Ҳатто бир яшар болалар ҳам хўнграб йиғлашди, ака!!! Мен ҳам йиғладим. Уни яхши кўрардим.

— Эри қандай? Бечорага қийин бўлгандир.  
— Айтишмадими?  
Юрагим увишиб, кўркув елкамдан тишлади:  
— Нимани?  
— Эшитмабсиз-да, ака! У ўша кечаси уксус ичиб ўлди.  
Айтаяпман-ку, бутун қишлоқ йиғлади, деб! Тохир-Зухро эди  
улар, ака!.. Сиз ёздингизми?

Мен гуноҳкор қиши каби бўйнимни згдим. Ёзишим керак  
эди. Бепарво қарадим. Кампирга берган сўзимнинг удласидан  
чиколмадим. Эҳ, аттанг!

Кечаси ғалати-ғалати тушлар кўрдим. Адир ортидан кам-  
пир чиқиб келиб, бир сўз демасдан гуноҳкорона бош эгиб тур-  
ди. Шарифа билан эри олдимга учиб тушиб, бизлар баҳтлимиз,  
деди. Қуёш далага кўниб, атрофга бокди. Унинг кўзларига  
караган здим, йиғлаётганини кўриб, ажабландим. Қуёш  
ҳам йиғлар эканми, деб ўйладим. Ҳўнг-ҳўнг овоз юрагимни  
сел килди. «Қуёш йиғлама!» дедим ва ўз овозимдан чўчиб  
уйғондим. Дераза тавақалари очик, ой хира булутлар орасидан  
Шарифа киёфасида мўраламоқда эди.

## ШУБҲА

Жилвагар қуёш ибо билан жилмайганча кўз қисиб, ётоғига  
бош кўймоқда. Ним кўкимтир кенг осмон кора сочини ёйиб  
юборди: шамол эсиб, янги тунни қутлади, қовун тилиминга  
ўхшаш олтинранг ой ёнидаги чароғон юлдуз билан бирга оламга  
салом берди. Ерда эса, бунга тескари ўлароқ, дайди шамол тинч  
заминнинг чаккасига қаттиқ тарсаки урди, гарк мева туккан да-  
раҳтлар дув этиб кўз ёш тўқди, сувлар хайқирди, яшил барглар-  
нинг нозик томирлари дир-дир титрар эди. Тор темирийўл бўйлаб  
симларини шалдиратганча елиб келаётган кизғиш трамвай  
хамиша бир жойда савлат тўкиб турадиган кўшқаватли уйлар-  
нинг юрагига гулгула солиб, силкитиб ўтди. Бешинчи қаватдаги  
икки хонали тор уйда озғин, кўзи қисиқ киз унсиз йиглар, эшик-  
дан кираверишда, ўнг кўл томондаги кичкина хонада бир киши-  
лик дивандачувак кампир – қизнинг онаси мангу уйқуга кетган,  
лаблари кўкариб, ковоқлари чўйкан эди. Қиз ярим кўркув, ярим

ҳаяжон ила мурдага қараркан: «Наҳотки, ўлган бўлсалар», дея кўнглидан ўтказар, бунга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасди.

Телефон тинимсиз жиринглар, шубҳа, ташвиш ва қўркув қизнинг юрагини шарт чанглаб олган эди. У югуриб чарчаган кишидек ҳансираганча, титроқ кўллари билан дастакни кўтарди.

– Зухрушка?... Эшитяпсанми, бу мен – Олимжонман!

Қизнинг кўз олди коронгилашиб, боши айланиб, деворга суюниб қолди. Яхшиямки, девор бор. бўлмаса... уни ким суюб қоларди? Яккаю ёлғиз суюнчиғидан айрилди. Ҳеч бўлмаганда, тўйини кўриб кетгандарида ҳам бошқа гап эди.

– Зухрушка! – вигиллади гўшак. Зухра тўлғанди. Қанақа йигит ўзи бу?! Нима бўлди, дея кўнгил сўраш ўрнига... У ўз йигитидан чинакамига ғижинди. «Йўқ. боролмайман, боролмайман!»

Институтни битирганларига беш ой бўлди. Иккаласи ҳам шаҳар драма театрида ишлайди. Хозир улар театрнинг «Кетма, йигит» спектаклида дублёрлик килишмоқда. Ёшлар театрида иш бошлаган дугонаси Санобар «Сой кўшиғи» спектаклида бош ролни ўйнамоқда. У-чи? У качон бош ролни ўйнайди? «Кетма, йигит»да бош ролни ижро этаётган дугонаси Салима бир марта касалман, дея баҳона қилса бўларди. Бу гап унинг хаёлига ҳам келмайди. Олим эса бир гал ўйнади. Ашур дўсти унга йўл берди. Йигитлар мард бўлади, деганлари рост экан. Шўри курсин аёлларнинг, гап ташишдан бошқасини билишмайди.

– Зухрушка?!

Қиз сергак тортди. Нималарни ўйлаяпман, бу ёқда онам... Мен девона, мен бебурд нималарни хаёл қиласяпман? Менга деса, бошидан колмайдими ўша спектакли!

Бугун у Олим билан Чирчиқقا айланишга бормоқчи эди. Дарё бўйи, соя-салқин жойлар мазза, жоннинг роҳати. Унинг кўз олдини қора булатулар тўсди. «Боролмайман, боролмайман!»

– Зухрушка, ўзинг ваъда берган эдинг-ку. Кўнглимни колдирмокчимисан?

Қизнинг юраги изтироб қозигида осилиб қолди. «Боролмайман!»

– Асалчик, жиннилик килма! Давай, бўлақол!

Аччиқ аламли күз ёшлар қизнинг титраб турган лабларини күйдирди.

Телефон яна дод солди. Зухранинг жони хикилдоғига келди. «Қанака одам үзи бу?» У дастакни шарт күттарди-да, Олимни уришиб ташлаш учун оғиз жуфтлади.

— Она қизим? — директорнинг мулойим овози эшилди. — Тез етиб келмайсизми? Салима бугун Сизни саҳнага чиқсин, деялти. Биз ҳам унинг бу фикрини кўллаб турибмиз.

У тупугини ютди:

— Хўп, ҳозир, ҳозир бораман!

Театр эшиги олдида Олимга тўқнаш келди:

— Юзинг окариб кетибди, Зухрушка, тинчликми?

У сир бой беришни истамади. Узун бўйли, кенг пешанасида тирнокча кора холи бор, истараси иссик киши — директор уларга караб келаётганди.

— Келдингми, она қизим, мазанг йўкми, рангинг окариб кетибди? Ҳа, айтмокчи, Салимани шахсан үзим кўндиридим. Сен каби ажойиб ёшларга ҳам үрин беришимиз керак. Бу Сен учун катта имоният. Яхшилаб тайёрлангин, она қизим! Яхшилаб!

Зухра директорнинг баландпарвозда сўзларини совук тинглади. Унда на ҳаяжон, на қўркув бор эди. Нега шундай? Буни үзи ҳам тушунмас, тушунолмас, идрок этолмасди, бутун хаёли онасида эди. «Катта саҳнага чиққанингни бир кўрсам эди, армоним қолмасди», дер эдилар доим. Афсус!

Кенг зал томошабинларга тўла эди. У саҳнага чиққанимда, ҳаяжон босиб қолмасайди, дея ташвишланди. Ташвишланмай бўладими? Минглаб кўзлар, ўткир нигоҳлар сенга қараб турганда, томирларингда ҳаяжон тўлқинлари жавлон уради. Боз устига, у азадор, ғамга ботган. Шундай аҳволда ўз роли ни эплармикин?! Лекин у саҳнага чиқиб, ўзига қаратилган нигоҳларга боқаркан, на ҳаяжон босди, на қўркув. Қалби тошдек метин эди. Нимага ҳаяжонланиши керак?! У ўз ролини хотиржам, самимий, худди ҳаётдагидек ижро эта бошлиди. Спектаклдаги бош қаҳрамон — Садбарг роли эмас, гўё бу воқеаларни ўз бошидан кечираётгандек эди: институтни битирган Садбарг қишлоққа қайтади. Онаси бетоб. Она деб

турмушга чиқмай кари қизга айланади. Севган йигити – Ботир полвон бошқа қизга улланиб кетади.

Кенг залда факат пиш-пиш нафас олишлар эши билар, барча нигохлар Зухрага қаратилган. Қыз эса кенг, ложувард саҳнада эмас, ўз уйидаги юмуши ва дарди билан овора эди.

Директорнинг юрагидаги ёниқ ҳаяжон юзига уриб, кўзлари тонг юлдузидай ёнди.

– Ана талант, ана истеъод!

Пакана бўй, тепакал режиссёр ҳам ҳаяжон ила пичирлади.

– Билмай юрган эканмиз, Ботир Аъзамович, индамай юрсада, дарди ичида экан.

Зал сув қўйгандек жимжит. Садбаргнинг онаси ҳаёт билан видолашмоқда.

– Қизим, айланай сендан, мани деб турмушга чиқолмадинг. Аммо ҳали ёшсан. Йилимни бергач, хоҳлаганингга турмушга чиқ. Лекин қулоғингда бўлсин: лабзингни ҳеч қачон ҳаром килма.

– Онажон!

– Юзингни тут, болам, сўнгги бор битта ўпай.

– Онажон! Жоним онажоним! Мени ташлаб кетманг!

«Зал»нинг кўзидан ёш оқади.

Директор терисига сиғмайди.

– Янги кашфиёт! Офарин, Зухрушка, офарин!

– Онажон! – Зухра сочини юлиб фарёд қиласди.

Директор ўрнидан туриб кетди.

– Йўқ, буни ҳеч ким ўйнолмайди. Зухрушка, байроқ сенда кетди. Браво, браво!

«Зал» узвос тортиб йиғлади.

Яқиндагина онасидан айрилган режиссёрнинг кийик кўзларида ёш кўринди.

Директор ажабланди:

– Сиз ҳам йигляяпсизми?

– Ҳа, Ботир Аъзамович, йигляяпман, – деди режиссёр соддадиллик билан. – Йигляяпман. Бу қизингиз бало чиқди. Буни қаранг-а, бутун «зал» йигляяпти!

Парда ёпилди.

«Зал» кўзда ёши билан қарсак чалди.

\* \* \*

Дайди шамол девор, эшик, деразаларга тарсаки уради, яшил баргларни юлиб отади. Олимнинг ўпкаланган овози эшитилди:

— Нега қочиб келдинг, тентаквой? Очақол эшикни!  
— Кетинг, Олим ака! Кетинг! Бу кеч мени безовта килманг!  
— Тушунмаяпман, Зухрушка, бунака одатинг йўқ эди. Мени алдаяпсан!

— Кетинг, Олим ака! Кетинг!

— Нима? Битта-яримтаси?!..

Зухра бўғриқиб бакирди:

— Кетинг деяпман, Олим ака!

Олим тутакди.

— Очмасанг, очма! Бакиришини! Майли, кетдим. Битта-яримтаси юрагингдан уриб колган бўлса, тўғрисини айт-да! Кетсам-кетдим! Мана!

Тап-тап оёқ товуши қизнинг асаб томирларига болға уради. Совуқхона. Бир тирик жон, бир ёнда мурда. «Олим ака, онамдан айрилганман, тушунсангиз-чи! Оқ шохи парда ҳам, гулдор гилам ҳам қиз билан бирга сим-сим эзилиб йиғлайди. Кулоқлар остида аччик таъна асабга алам тигини санчади: «Битта-яримтаси, битта-яримтаси!»

Трамвай қўшкаватли уйнинг юрагига вахима солиб ўтиб кетди.

## ОДАМНИНГ ЯХШИСИ

Тут шохлари чирсиллаб ёниб, қуюқ қора тутун тун қўйнига сингийди, узок-узоклардан гоҳо отнинг пишқириб кишнагани, гоҳо қўй-қўзиларнинг маъраши қулоққа чалинади, гоҳо ёнгинизда чирилдоқлар чириллаб, ёшлиқ паллаларини, ажиг туйғуларни, иссиқ ёз оқшомларини ёдга солади. Бундай пайтларда инсон дегани ҳардамхаёл бўлиб, ўтган завкли дамларини бот-бот қўмсайди.

Адабиёт ўқитувчиси Пардаев тамаки тутатаётган шериги Содик атторнинг чўтири юзида лоп-лоп ўйнаётган олов шуъла-

сига боқаркан, шу дамда ҳамиша қалампирнусха дўппи кийиб юрадиган Камтар Камоловни эслади. Ўшанда, ўша ёз оқшомида ҳам худди шундай тутун ёнида, фақат унда чойхонада, кабоб-паздан ўн метрлар берироқда мана шу одам – Содик аттор билан сұхбатлашиб ўтирганди: ўшанда ҳам от кишинаши эшитилган, чирилдоқлар кулоқни қоматта келтириб, ёшлигидаги ёз палласини, қишлоқ пастидаги бедазордан келаётганды ажыб ҳидни ёдига солған эди. Табиатта яқин киши эмасми, ўтган йили құшниси дарё бүйидаги ҳовлисими сотаманга тушганда, дархол харидор бўлиб, қарз-ҳавола қилиб, кенггина жойни кўлга киритди. Ўн беш сотихли унумдор ер: олмазор-у шафтологор: икки уй, бир айвон, яна нима керак?! Дарсдан чиқиб, түгри шу ёкка келади. Замон экан, ҳаво телефоны ҳам бор, ўйлаб топганинг отасига раҳмат, уйга қўнғироқ қилиб, ҳовлига ўтятпман, деса, бас, хотини ё кизи, нон-чой, овқат тайёрлаб келади. Дўст-ёрлари ҳам келиб-кетиб туришади. Эркак зоти кўча учун яратилган. «Ҳорманг» деб келадиганлар кўп. Шу баҳона ўзи ҳам қўнгил ёзади, дам олади. Бугун Содик аттор келди. Яхши одам. Дўконда газета сотади. Чекишини ҳисобга олмаганда, бошка заарали одати йўқ. Сұхбатни ҳам қийворади, зерикмайсан. Яна бир яхши одати, кайфиятингга қараб гапиради, мабодо, сұхбат жонингга текканини кўрса, хайрни насия қилганча жўнаб қолади.

Гуррос шамол эсди. Содик аттор қўлидаги тамакисини оловга ташлади:

– Шу қургурдан ана қутуламан, мана қутуламан деб, сира уддасидан чиколмаяпман!

Пардаев унинг асабига таъсир ўтказиш учун:

– Сизда ирода кучли, албатта, ташлаб юборасиз! – деди.

– Болтаев ҳам шунақа деди.

– Болтаев билан кўришдингизми?

– Нимайди?

– Ҳалиям мени ёмон одам деб юрибдими?!

Содик атторнинг корамагиз юзини олов қизил тиллари билан ялаб-юлқар эди.

– Тавбасига таянибди! Уйи куйгандан сўнг дедики, мен шу одамнинг дилини оғришига сабабчи бўлдим. Хонавайрон бўлганим ҳам шундан, деди.

- Шунақа дедими?
- Шунақа, деди! – Содик аттор шеригининг ғам босган нигохига қаради. – Аслида нима бўлган эди?

\* \* \*

Болтаев ҳам она тили муаллими эди. Сал пулга ўчроқ эмасми, хидини олдими, дарсни ҳам ташлаб кетар, «Пардаев бизнинг дарсни ҳам эплаб туринг!» деб илтимос килар ва бу илтимосларнинг сира кети узилмасди. Замон ўзгариб, одамлар тоифа-тоифага ажраб кетди. Болтаев мактабни ташлаб, ўзини бозорга урди. «Замон ўзгарди, одам ҳам ўзгариши кепрак, унда килинг, топиб енг» дейдиган бўлиб қолди. Хотинини ҳам боғчадан олиб, бозорга кўйди. Ўғлига ҳам бир дўкон очиб берди. Сал ўтмай дангиллама уй қурди, орадан бир йил ўтиб, машина олди.

Пардаев ундан кутулганига шукр килди, аммо унинг кундан-кунга қучайиб бораётганини кўриб, «тавба, худо бераман» деса, ҳеч гап эмас экан-да, дея гоҳо ҳасад ҳам килди. Одамнинг ичида ҳасад яшайди, сал эрк берсанг, юрагингни чайнаб ташлайди. Назарида, у ҳаммадан орқада қолаётгандек эди. Ҳақиқатан ҳам у ортда қолмоқда эди.

Санам қишлоқ кунма-кун, соатма-соат ўзгариб борди. Эски бойлар янада қучайиб, алохида гурух ташкил қилдилар: энди уларнинг туйлари ҳам, меҳмондорчиликлари ҳам ана шу тор доирада давом этар, минг ўргилиб куйсин, ўртаҳоллар уларнинг орасига киромасди.

Ўртаҳоллар ҳам ўзларининг гап-гаштакларини бошлаб юбордилар. Бу тоифа ҳатто қуий табакага қиз узатишни ор биладиган бўлиб қолди.

Пардаевга ўхшаганлар ойлик билан тирикчилик қилишар, илгаригидек, тўй-сурларга чақиришиб, иззатини жойига кўйишмас, нари борса, қариндош-уруглари билан борди-келди қилишарди, холос. Юқори табаканинг ўғил-қизи ҳам улар билан зўрга муомала қилар. «баҳонгизни яхшилаб кўяберинг, маълим, отам рози қиласилар», дея баланддан келишарди. Ана шундай пайтларда Пардаев тутакиб кетар, қўйиб берса,

жўжахўроздинг патини юлишга шай туар, аммо ғазабини ичи-га ютиб: «Отангга айтиб кўй, мен, Пардаев факат дарсга караб баҳо кўяман!» дер эди лабларини каттиқ тишлаб. Бир гал Болтаев уни уйига чакирди. Эски қадрдон бир йўқлабди, дея кош кайирмай борди. Уникига бу якин орада келмаган эди. Баланд кўнгир дарвоза, мармар девор, остоная кора мармар терилган. Шуниси ўтиrmабди. ҳеч замонда остоная хам кора мармар ётқизадиларми?! Остона – пок жой, оқ жой, унга фақат оқлик ярашади. У ичкари кирди. Кўғирчоқдек ҳовли. Мармар йўлак тўрдаги икки қаватли данғиллама уйга олиб боради. Ӯнг томонда мойи артилмаган «Ласетти». Янги машина олибдими?! Содик аттор уни кўриб, шошилмай шиппагини кийди ва худди ўшандай шошилмай пастга тушиб, унинг етиб келишини кутиб турди. Бирор амалдор бўлганда, итдай ялтоқланиб чопиб келарди. У ким бўлибди, нари борса, бир муаллим-да. Пардаев ичи-дан зил кетиб, ўсал тортган бўлса-да, синик ҳолатини сездир-масликка ҳаракат қилиб, ошнаси билан илиқ сўрашди.

Болтаев унга бошдан-оёқ разм солди ва менсимай қўл узатди:

– Ошна, яхшимисиз? Қани, оёқни ечинг, киринг! Мана, бу ерда умивалник: қўл ювиб олишингиз мумкин.

Эски ошнаси бу гапни тўғри маънода айтгандир, аммо умивалникни кўрсатгани унга чинакамига алам қилди. Нима, у бирор марта қўл ювмаган эдими?! Қолаверса, илгари пайтларда меҳмон қелгач, уйга офтоба олиб кирилиб, дашниқда қўл ювиларди. Энди бу нимаси?!

Пардаев кўлинни илиқкина сувда ғижиниб чайди ва бехудага келибман, деб яна ўқинди.

Ичкари кирдилар: узун коридор, ерга қизғиш гилам солинган, тилларанг деразали тўқ жигарранг ялтироқ эшикдан кенг залга ўтдилар. Тўрда катта экранли телевизор, шиша тагкурсида бир эмас, иккита радиокарнай. Шифтда тилларанг қандил. Ўртада жигарранг стол ва стуллар. Пардаевга бир нима етишмагандай кўринди. Олифталик бор, лекин файз йўқ. Етишмаган нарса – шу! У зарҳошияли стулларда ўтирган икки меҳмонга салом берди.

Меҳмонлардан бири – тепакал, семиз юз нотаниш киши, эгнига сўнгги моддадаги йўл-йўл кўйлак кийган; иккинчиси,

корни семиз киши, собик хўжаликнинг собик раиси, лақаби ҳам раис; Пардаев улар билан қўл олиб кўришгач, тилла ҳошияли юмшок ўриндикка оғир чўқди, гўё тиканнинг устига ўтиргандек ич-ичидан оғринди, Болтаев беҳудага чақирмаганини сезиб, келмасам бўларкан, дея пушаймон қилди. Алам қилган жойи, уларнинг иккиси ҳам уни менсимай совук карши олди, семиз юзнинг кўз қараси ёқмади, раис эса мийигида тиржайганча кўл узатди. «Пардаев сиз ҳам бормисиз?» дегандек эди назарида. Раиснинг ўғли енгил машинада келади, дарс кўзига ёмон кўринади. Қайси куни яхшилаб тергаган эди, эртаси дарсга келмади. Ўшандан буён корасини кўрсатмайди. Балки ҳозир шуни муҳокама қилгани чакиргандир.

Стол усти ноз-неъматга тўла: африка бананидан тортиб, эрон хандон писта, олмасигача бор: Пардаев бурнини жийирди, одамлар қалбакиликка кўнишиб боришяпти: бу мева-чеваларда таъм йўқ, барибир, ўзимизникига етмайди; у Самарқанд нонларига кўз тикди, бўрсилдоклигини, хидини қаранг, есангиз, тўймайсиз.

Болтаев унинг олдига пахта гулли тақсимча, тилла санчқи кўяркан:

– Қани, олинг, одамнинг яхшиси! – деди ярим ҳазил оҳангда ва меҳмонга ишора қилиб, уни танишитирди. – Бу киши танишимиз – Маннол ака, катта бизнесмен, Малайзияда ҳам дўконлари бор.

Семиз юз маънодор жилмайиб, бош ирғади.

Болтаев Пардаевнинг олдидаги биллур қадаҳни олиб, «Подшоҳ» виносидан тўлатди-да, унинг олдига қўйди:

– Олинг, ошна! – У раисга ялтоқланиб қаради. – Қани, раис ака, бир ширин қилиб беринг!

Раис қадаҳни кўтариб, узок сўз айтди: аввал меҳмонни хўб ўхшатиб мактади, унинг Тошкентда бир эмас, иккита данғиллама ҳовлиси борлигини, у бир ҳафта меҳмон бўлиб, француз лифтida чикиб-тушганини, учинчи қаватда сауна қилиб, бильярд ўйнаганини ҳам завқ билан гапирди.

Пардаев ўзининг сувоклари тушган кўримсиз уйини, тоб ташлаган деразаларини кўз олдига келтирди-ю, уялгандек бўйнини қисди. Бизникини кўрса, товук катак деб кулади шекилли!

Раис гапини тугаттач, «кани, сиздан бўлсин!» дея мәҳмоннинг оғзига тикилди. Манноп ака кувача лабларини чўччайтириб, бир хўплам олди:

– Жигарнинг мазаси йўқ! – деди юзини буриштириб, – дўхтирлар ичманг, факат суюқ овқат ичиб юринг, дейишган. Ҳамма нарса бор-у, соглик йўқ, давления ҳам бошга уриб турибди.

Раис бир кўтаришда қадаҳни бўшатди:

– Дўхтирлар гирт ваҳимачи бўлишади, – у тилла санҷқига бир бўлак банинни илиб олди. – мана, бизди буйракда ҳам тош бор. Бир табибга учровдим, тушириб юбораман, деяпти, дўхтирлар эса операция қилмаса бўлмайди, дейди.

Болтаев унинг гапини илиб кетди:

– Дўхтирлар ваҳима килиб турмаса, мулла жирингни ким беради уларга!

Қах-қах қулишди.

Пардаев бошини, белини ушлади, худога шукр, соппа-сөғ, тўрт мучаси жойида.

Манноп ака кўй чой сўради:

– Бизди хотиннинг ҳам давленияси бор... Кўй чой яхши-да, одамни ёзади... Қайсан куни икки юзга чиқиб кетди, денг. Ўлиб қоладими, деб кўрккан эдим, йўқ. ҳар тутул туриб кетди.

Пардаев боғчада ошпаз бўлиб ишлайдиган орик, лекин чаққон, улдабуррон хотинини, тикувчилик килаётган суксурдай қизини кўз олдига келтирди: иккиси ҳам соглом, кўз тегмасин, ҳали бирор марта бирор жойим оғрияпти, деб шикоят қилишмаган, шикоят ҳам қилишмасин.

Болтаев қадаҳларни тўлдирди.

Манноп ака Пардаевга ғалати бокди:

– Олмаяпсиз, маълим?

– Ман ичмайман, жаноблар! – жавоб қилди у шартакилик билан.

– Яхши одам оз-оз олиб туради!

Пардаев чаён чаққандек, оғир тўлганди:

– Шуни ичиб яхши бўлгандан кўра, ёмон одам бўлиб юрганим яхши.

Болтаев гапни ҳазилга бурди:

— Ошнам ёмон одам, Манноп ака, ичмайдилар, чекмайдилар, юрмайдилар... Ҳе-хе-хе!!!

Раис пик кулди, Манноп ака эса семиз корнини силкитиб-силкитиб хиринглаганча:

— Одамнинг яхшиси деб бехудага айтишмас экан! — деди оппок рўмолча билан кўзларини артиб. Унинг бу галида пи-чинг ҳам, гараз ҳам, истехゾ ҳам қоришган эди. Тиржайганча раисга кааркан, давом этди: — Битта тарихчи ошнам бор, жуда билимдон, ўша айтиб берганди: қадим замонда сарой хизматкорларига сиздай кишиларни олишаркан! Ҳе-хе!

Пардаев унинг пичингини тушунди. Қадимда сарой хизматкорларини бичиб қўйиншганини ўзи ҳам билади. Сен бичилган экансан демоқчими?! Кимсан Пардаевни-я! Бир пайтлар Санам кишлоқда ундан обрўли, ундан иззатли киши йўқ эди. Шу раис ҳам унинг кўлида ўкиган.

Болтаев вазиятни юмшатиш учун яна орага сукилди.

— Ошнам, ҳакикатан одамнинг яхшиси, Манноп ака! — деди бегараз оҳангда, «одамнинг яхшиси» дея қайта таъкидлаши ҳеч кимнинг кўнглига ботмади. — Хуллас, бизнинг бивший партнёр — жаноб Пардаев одамнинг шундай яхшисики, ҳатто аъло ўқисин деб раиснинг ўглини ҳам қийнаб турадилар.

Манноп аканинг дўрдок лаблари кийшайиб, тилла тишлари хира торти:

— Замонга караб оёқ узатинг-да, ўрток Пардаев! Болани қийнашнинг кераги йўқ, сиз беш қўйдингиз нима-ю, икки қўйдингиз нима, ҳозир бунинг аҳамияти борми?.. Ҳечам-да, ҳозир ҳамма масалани мулла жиринг ҳал қиласди. Мана, бизди ўғил, институтни битирди, тагида машина, бир корхонанинг бошлиғи, умрим бўйи китоб ушлаганини кўрган эмасман!

— Унинг бирор касали йўқми? — сўради Пардаев хиёл кулимсираб.

Манноп ака бундай очиқ саволни кутмаган эди, юзи қизариб, кўзлари жовдиради.

— Йў-ўқ, касал эмас, лекин эрка ўстирганим рост, уйланмайман, деб қийнаб юрибди! — деди сувдан курук чиқиш учун.

Раис унга қовогини уйди:

– Домла, ҳамма тан олади, ҳақикатан сиз одамнинг яхши-сисиз! Келинг, ўзингизни ҳам қийнаманг, бизни ҳам. Дарё бўйидаги ҳовлингизни Манноп акага сотинг, хоҳласангиз, битта қора «Мерс» сизники! Кеча жойингизни кўрган эдик, меҳмон акамизга ёкиб колибди. Дача қиламан, деялтилар!

Пардаевнинг кўз ўнгида театрнинг саҳнаси кенг очилиб, раис билан Болтаевнинг никоби йиртилди. Шунинг учун чакиришган экан-да! Максадни каранг! Келиб-келиб, шу бир парча ер уларнинг кўзига тушибдими?! Накадар пасткаш бўлмаса булар!

Болтаев унинг елкасини силади:

– Йўқ, деманг, ошна! Бу ҳам бир келган баҳт! Шу баҳона янгамга, қизингизга янги иш топилиб, қўйнингиз мулла жирингга тўлиб қолса...

Пардаевнинг қовок-тумшуғи осилиб тушиб, ўтирган жойида ўзини омонат сезди.

– Отам ҳеч қачон ер сотма, деганлар! – деди у вазмин, аммо бироз титрокли овозда, – мен омонатга хиёнат килолмайман!

Манноп aka корнини силкитиб ҳиҳлади:

– Маълим, билсайиз, биз шу баҳона сизга ёрдам бермоқ-чимиз, қачонгача судралиб юрасиз, орка тоғингиз бўлсанк ёмонми?

– Мани орка тоғим сизлардан юз баробар одил ва юз баробар зўр!

Раис сассиқ кекириб кесатди:

– Билмаган эканман! Ўшанинг учун бизди тойчокни қийнар экансиз-да!

Пардаев аланг аланга олди:

– Сизнинг тойчогингиз масаласига келсан, унга биз тўғри йўлни кўрсатишимиш керак, сизга ўхшаганлар, жаноб раис, ёш болаларни бузаяпсизлар. Ким қўйибди ўкувчига машина ми-нишни. Аввал у ок-корани танисин, пул топишнинг қадрига етсин!

Раис зарда билан кўлидаги қадаҳни тўнтарди:

– Ўғлимнинг сизга оғирлиги тушаётгани йўқ!

– Тўғри, оғирлиги тушаётгани йўқ! – деди Пардаев самимий оҳангда кизишмасдан. – Лекин болалар учун биз масъул-

миз. Эртамиз шуларга боғлиқ экан, мен ҳеч қачон ўз йўлимдан чекинмайман. Шу касб эгасиман, шу касбни ардоқлайман, вазифамни ҳалол адо этаман. Худога шукр, топганим етиб турибди, камчил жойим йўқ!

— Бу одам кип-кизил девона экан-ку! — деди Манноп ака жигибийрон бўлиб. — Э, намунча осмондан келмасанг!

Давра ҳарорати пасайиб, совук оқим ёпирилиб кирди. Манноп аканинг ўзи ҳам, раис ҳам, хатто Пардаев ҳам аллақандай жунжиккандек, бўйинларини ичига тортиб, буқчайишиди.

Пардаев қўлини фотихага очди:

— Омин, берган тузларингга рози бўлинглар!

Болтаев ҳайхайлаганча ўрнидан қўзғалди:

— Яхши иш қилмадингиз, ошна!

Пардаев унга қўлини узатди:

— Биз бошқа-бошқа одамлармиз, жаноб Болтаев, сиз ўзга йўлни танлабсиз, омадингизни берсин!

\* \* \*

Пардаев хикоясини тугатиб, билинар-билинмас хўрсинди.

— Кўнгил – худонинг уйи, одам жудаям оғринмаслиги керак экан, деб ўйлайман. Манноп ака йўлда аварияга учраб оламдан ўтди, раис қасалхонада ётибди. Болтаев ундан юз минг карз олган экан, уйи билан ёниб кетди. Юраги ёмон бўлиб, қасалхонада ётибди.

Содик аттор:

— Берганидан колдирмасин! — деди.

Дарвоза очилиб, Пардаевнинг хотини билан кизи кирди. Хотинининг қўлида термос, катта оқ тугун, кизникида эса катта тарвуз.

Хотини –чувак юз, истараси иссиқ аёл салом бериб, тугуни тахта каравот устига кўйди:

— Дадаси, овқат сал кеч колди.

Пардаев жилмайди ва:

— Жуда яхши, — деди ўсмоқчилаб, — ёмон одам эдик, энди битимиз тўкилиб, яхшига айланамиз!

Содик аттор пихиллаб кулди.

Пардаев ҳеч нима тушунмаган хотини ва қизига маънодор каради. Қизининг қўлидан тарвузни оларкан, ийиб кетиб:

– Яша-а, она қизим, асал қизим, дадангта овқатдан сўнг тарвуз **хуш ёқишини биласан-а!** – деди шод ва қўтаринки оҳангда. Шу аснода Содик атторга караб киноя килди. – Мен ёмон одамман!

– Сиз дунёдаги энг яхши отасиз! – деди кизи ва юзидан упди.

Содик аттор яна пихиллаб кулди. Ўтин чирсиллади, узокдан отнинг кишинаши эшитилди, дарё эса майин шовулламоқда эди.

## ЖИНҚАРЧА

- Жинқарчанинг оти нимайди?
- Ажиб савол булди-ю! Жинқарча-да номи, яна нима бўлиши мумкин?!
- Асл номини сўраяпман. Билмайсизми?
- Билганда нима?! Жинқарча-да, тагин ким бўларди!

Жинқарча озгин, митти, муштдеккина сичконкўз ўсмир, лекин тилими?! Тили, воҳ, воҳ, тилими, тошни ёради, тошни! Астагфируллоҳ. Сиз уни бир кўрсангиз, одатини кейин биласиз. Бир куни, денг. Шоймардон шопур деганларининг оғзи чатоқ... шу одам, денг, полвонларни кўшни қишлоққа тўйга олиб бораётганда, жинқарчанинг ялпайиб ўтирганини кўриб: «Сенга нима бор, мишиқи?!» деса бўладими мулзам килмоқчи бўлиб. Жинқарчадек йигит келиб-келиб кийимидан бензин хиди анқиб турган найновдан дакки ермиди?! «Хов, шопур, оғзингизга караб гапиrint!» деди қилтирик бўйинни ғоздек чўзиб. Шоймардон шопур калака бўлишини истамади шекилли, унинг гапини шарт илиб олиб: «Сан ҳам саригвойлардан экансан, гапим тегиб кетдими, хафа бўлма, Жинқарча!» деди ва зўраки хиҳилаб кулди.

Жинқарчанинг кўллари мушт тугилди: тагин жигига тегсалар, жанжал кўтариши тайин эди, шундан чўчиши шекилли, бошка ҳеч ким унинг асабига тегмади.

Мен уни кейинроқ кўп тўйларда кўрдим: бўлар-бўлмасга жанжал қилиб, ўргага тушар, сўнгра йиқилиб, кийимлари тупрокка беланиб, шармандаларча даврадан чиқиб кетарди.

Бир гал нос чекиб олган Шоймардон шопур ярим йўлда яна унга ташланиб қолди, денг! Қаҳратон тун, ташқарида корбўрон ўйнайди.

— Ов, бола, неча марта айтдим, кўлингдан келган ишни килсанг-чи! — деди у ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда. — Ўзи чумчуқча гавданг бор-у, керилишинга ўлайми?!

Тўйдан голиб бўлиб қайтаётган йигитлар ҳоҳолаб қулишиди.

Ойнадан уни кузатиб тургандим. Сичқон кўзлари қаҳрли ёниб, қўллари мушт бўлиб титгради, сўйлок тишлари каттиқ ботиб, бир лаҳзадан сўнг нафис лабларидан қон сизиб чиқди. Мен кўркиб кетдим, денг, бир кори ҳол рўй бериши мумкин. Одам дегани тахкирга бир чидайди, икки чидайди, охири тарс ёрилиб, ўзини унутиб, хар бало килиши мумкин.

Жинкарча бирданига келиб, рулга ёпишиди-да:

— Машинангни тўхтат, энагар! — деб сўкинди.

Шоймардон шопур ундан бундай кўполликни кутмаган экан, талмовсираб, гангиг қолди: машина яхмалак йўлда наридан-бери бориб келди.

Үтирганлар шовқин-сурон қилишиб, уни бўралаб сўкишиди. Тўғри-да, машина ағдарилиб кетса, нима бўлади.

Жинкарча машина эшигини очиб, тушди-кетди. Ичкарига совук хаво ёпирилди.

Ғулом полvon дегани бор эди, денг. «Ака, яхши иш килмадингиз! — деди у жигибийрон бўлиб. — Қайсарни энди машинага чиқариб бўлмайди. Бўри еб кетса, номимизга иснод тегади. Сизлар кетаверинглар, мен у билан қоламан!» — дея у ҳам машинадан тушиб кетди.

Икки ошнаси ҳам унинг ортидан эргашди. Ўша кечаденг, ҳаммалари пиёда келишибди. Кейин эшилдим, уч полvon шамоллаб, касалхонада ётиб чиқди, лекин Жинкарчага бало ҳам урмади.

Ўшандан сўнг Жинкарча кўринмай кетди. Жуда кўп кишилар уни уялгани учун хорижга кетиб қолди, деган тахминга боришиди, аммо орқаворотдан эшилдимки, у Тангри Тоғдаги «Шалола» калъасига бориб, у ерда Мерган ота деган полvonга шогирд тушиб, кураш сирларини ўрганган эмиш.

Мен бу гапга ишондим, чунки бундай кайсар, ўжар йигитлар күнгил орзулари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдилар ва охир-оқибат, жонларини минг бир азобга қўйиб бўлса-да, мақсадлари чўққисига чиқадилар.

Биз тўйхонага кирдик, кенг ҳовли текисланиб, супурилиб-сирилиб, сув сепилган, оёқ ости ёғ тушса ялагудек, топ-тоза; болалар, катталар, полвон йигитлар даврани тўлдиришган. Бе-ихтиёр шеригим мени турткиласди. Дарвоза ёнида мўйловли дароз йигит у билан ади-бади айтиб турган экан, гаплари кулогимга чалинди.

Мўйловли йигит қўлини пахса килди:

– Шу ерга ҳам келдингми бурнингни сукиб?! Пишириб қўйибдими?! Барibir сендан полвон чиқмайди?!

Жинкарча бўш келмади:

– Сенинг ишинг бўлмасин! Ҳали санлага кўрсатиб кўяман!

Мени бирга олиб юрган шеригим Асил ака: «Айтганини қилади у!» деди кулогимга шивирлаб. Куёш чўкиб кетди. Кумуш окшомнинг фараҳбахш нурлари, шўх мусика садолари юракка қувонч солиб, кўзларни яшнатди. Оксоколлар чўғдек гилам устида давра қуришиб, курашни бошлашга дуо беришиди. Даствор икки оксоқол, ундан сўнг болачалар кураш тушиб, ирим-сиirimни амалга оширидилар. Чор-атрофни қий-чув кулги тутди. Қиз болалар, аёллар ҳам курашни томоша қилишга келишган, бундай даврани биринчи қўришим эди. Кўп жойларда аёллар курашни эркаклар иши, деб билишади.

Болалар, ўсмирлар ҳақларини олиб, жой-жойларига бориб ўтиришгач, елкадор полвонлар ўртага чикиб, кураш туша бошладилар. Асил ака ўнг қўли билан имо килиб, оксоқоллар ёнида ўтирган Жинкарчага ишора килди:

– Тавбасига таянган қўринади. энди даврага чиқмаса керак!

Мен бояги ўйларимни, одам боласининг қайсарлиги хақидаги фикрларимни эсладим ва нотўғри ўйлаган эканман, деб ўзим уядим. Бундай вазиятда ҳар қандай киши тилини тишлаб қолади. Нафасим ичимга тушиб, оғзимдаги гапимни ҳам ичимга ютдим. Орадан чамаси икки соатлар ўтиб, ўртада факат Ғулом полвон қолди. Оксокол қўлини кўтариб: «Яна талабгор борми?» деб уч қайта сўради. Ҳеч кимдан бирор сас

чиқмади. Асил ака: «Бу ерда Ғулом полвонга тенг келадигани йўқ шекилли!» – деди. Мен шу билан кураш тугар эканда, деб ўйладим, лекин кўнглим бир нимани сезиб, жойимдан кимирилагим келмади. Оксокол: «Демак, даъвогар йўқ!» деди ишонч билан ва Ғулом полвоннинг қўлини юкори кўтарди.

Жинқарча ўртага отилиб чиқди ва: «Даъвогар бор!» деди чийиллаб. Давра бир лахза сукутда колди, факат бироздан сўнг нариги томондан йигитларнинг кулгиси, кизларнинг пичинглари кулокқа чалинди. Ғулом полвон истехзо билан қараб: «Ҳазиллашмаяпсанми?» деб сўради. Жинқарча бошини сараксарак килиб: «Мен ҳеч қачон ҳазиллашмайман!» деди. Давра яна жим колди. Жинқарча кўк нимчани кийиб, даврани етти айланиб келиб, оқсоколлар ёнига чўқди-да, қўлини кўтарди: «Қани, боболар, менга бир дуо беринглар!» Чоллар бир-бирларига карадилар. Узун оппок соқолли бобо дуога қўл очди:

– Полвонларнинг йўли насиб бўлсин, болам!

Жинқарча Ғулом полвоннинг атрофини айланади. Болалар қикир-қикир кулади, денг! Ширакайф йигит: «Қандингни ур, Жинқарча!» деб бакиради. Кимдир: «Ғулом унга онасини кўрсатади!» деб айтади. Ғулом полвон уни месимаган ҳолда тиржайганча устига бостириб бориб, унга мушуквачча билан ўйнашаётган шердек, ҳазиллашиб ҳамла килади, даврани эса яна истеҳзоли кулги китиқлайди. Ғулом полвон тўсатдан унинг белбоғидан ушлаб тортади-да, «мана сенга» дегандек, уни даст кўтариб отади. Ҳамма увлаб юборади, лекин Жинқарча ҳам анои эмас: у бир сакраб, ерга тик тушади. Кимдир: «Қойил!» дейди, кимлардир карсак чалиб юборади.

Тўғримизда болалар орасида ўтирган корамағиз чол дикқатимни тортди: унинг нигоҳи жиддий, бошқаларга ўхшаб кулаётгани ҳам йўқ, полвонларнинг харакатларини зимдан кузатмоқда. Жинқарча ерга тик тушганда, кўзлари бирдан ярақлаб кетди, мен буни аник кўрдим ва тажрибамдан биламанки, одам дегани яқинига шундай жон куйдириши мумкин. Беихтиёр Асил акани туртдим:

– Каршимиздаги хов ана у, болалар орасида ўтирган чолга эътибор беринг! Жинқарчангизнинг отаси эмасми?

Асил ака ўнг қўлини пешанасига кўйиб, чолга тикилди ва:

– Бу Мерган-ку! Бехудага келмаган! – деди бироз ҳаяжонли охангда. – Мен унинг услубини биламан: Жинқарчага кураш сирларининг энг нозик жойларини ўргатган бўлиши керак. «Гап кучда эмас, билимда! Кураш шундай катта билимки, уни билмасанг, даврага чикма!» дейди у.

– Яхши гап экан! – дедим мен.

Жинқарча куличини кенг ёзиб, Ғулом полвонга яқинлашди. Лаби қимтинган, сичкон кўзлари айёrona бокмоқда. Наҳотки, у Ғулом полвонни, ўзидан икки баравар катта кишини йиқитса, деб ўйладим. Физика ўқитувчимизнинг жисмлар ҳақида гапира туриб, инсон боласи мъълум қонунларга амал қилиб, тогни ҳам қулатиши мумкин, дегани эсимда.

Даврада гап-сўзлар тиниб, ҳамма икки гаройиб полвонни кузата бошлади. Ғулом полвон рақиби томон қўлини узатганданча, яна ён-атрофга тиржайиб тикилди, гўёки «биринчи сида тик тушган бўлса, бу сафар унга Учқўргонни кўрсатиб кўяман», деяёттандек эди. Жинқарча югуриб келиб, унинг кизил белбоғидан тортди ва атрофида парракдек тез айланди, кўзи жимиirlаган Ғулом полвоннинг қўллари ҳавода муаллақ қолди.

– Болача уни гангитиб кўйди. – деди ёнимда ўтирган чўкки сокол кария хириллаган овозда.

Жинқарча Ғулом полвонни кўйиб юбориб, атрофида яна парракдек тез айланана бошлади, гоҳо унга ҳужум қилиб, оқ ҳалатидан тортиб, белбоғидан чиқариб юбориб, кийимларини тузатишга мажбур килар, гоҳо худди шерваччадек тишларини қайраб, кариллаб куларди, аммо кўзларida кулгидан асар ҳам йўқ эди. Вакт ўтиб борар, «Ғулом полвон уни бир зумда ер тишлатади» дея ўйлаганлар ҳам аста-секин унга мойиллик кўрсатиб: «Бўш келма, кичкина полвон!» деб олқишлий бошладилар.

Жинқарча югуриб келиб, Ғулом полвоннинг чап қўлига ёпишиб, чап оёғига чил урди ва «Ё пирим!» дея кўкрагидан орқага итариб юборди.

Мен Мерган акани кузатдим, унинг нафис лаблари «балли!» дегандек қимтиниб, соқоли диркиллади. Демак, шогирди-

ни каттиқ тайёрлаган, лекин шундай катта полвонни қаердаги мишики бола ер тишлатса, ажаб ҳангома бўлади ўзиям.

Кучли зарбдан тебраниб кетган Ғулом полвон ўнг елкаси билан гурс этиб ерга кулади. Қизлар қиқирлаб қулишди. Энди давра Жинқарчага истехゾ билан эмас, хайриҳоҳлик ила қарай бошлади: деярли ҳамма у томонга ўтиб бўлган, Ғулом полвонни эса уч-тўрт ўртоқлари олқишлиарди, холос.

Кўнгил деганлари эзгуликни хуш кўради, Жинқарча шунча йилдан бўён эзилиб, қуйиниб шу йўлда юрган экан, нега унинг орзуси амалга ошмаслиги керак. Шу хаёллар билан мен ҳам уни олқишилашга тушдим. Асил ака менга бир-икки қараб кўйди-ю, индамади.

Жинқарча оний тезлиқда айланиб, Ғулом полвоннинг орқа ёқасига ёпишди. Мен беихтиёр Мерган полвонга кўз ташладим: унинг кўзлари яна ярқираб, бир тутам соқолини силаб турган кўллари титраб кетди; Жинқарча «Ё пиrim!» деб бакирди ва Ғулом полвонга орқадан чил солиб, чаккон айлана ҳаракат билан уни ортга яна туртиб юборди, у тебраниб-тебраниб, ерга гуп ағдарилиб тушди. Бир лаҳзада...тушимми, ўнгимми!.. Гул эттан товушни, кейин қуюқ чангни кўрдим. «Ўзи нима бўлдийкин?» деб ўртага кўз тиқдик. Ё астагфуриллоҳ! Неча йиллардан бўён қураги ерга тегмаган Ғулом полвон кўллари икки ёнига шалвираб тушганча осмонга қараб ётарди... «Ҳалол, ҳалол!» деган ҳайқирикларни эшитиб, ўзимга келдим.

Жинқарча югуриб бориб, устозига таъзим қилиб, оқ желаги этакларини кўзига суртди. Бошини ердан кўтарганда, кўзлари жиққа ёшга тўла эди. Йигит кишининг йиғлаши уят хисобланади, аммо шундай пайтлар бўладики, кўздан беихтиёр севинч ёшлари қайнаб чиқади. Унинг ҳозирги ҳолатини фақат қалдан идрок этиб, тушуниш мумкин эди.

Асил ака ўрнидан турди:

– Жинқарча бало чиқди-ю! Бунақа антика қурашни умримда кўрмаган эдим. Юринг, уни табриклаб қўяйлик!

Таклиф маъқул тушиб, мен ҳам ўрнимдан кўзғаларканман, «одам боласининг ҳеч бири билан ҳазиллашиб бўлмайди, айниқса, ўжар, қайсарлари билан» деган фикр хаёлимдан

ўтди. Шамол эсиб, күнглимдаги ғуборларни қувиб юборди, аллақандай енгил тортдим ва шогирдини бағрига босаётган Мерган акага карап эканман, «устози борнинг омади бор» деган гап хаёлим осмонида юлдузdeck чақнади.

Жинқарчага бир түя, бир гилам бердилар. У түя юганини ва гиламни күзига суртди-да, сүнг юганни ёнидаги болага бериб, ўзи гиламни очиб, Мерган аканинг устига ёпди.

– Устоз, бу сизнинг ғалабангиз аслида! – деди тантанавор оҳангда.

Ўртада ҳакамлик қилган оқсоқол:

– Баракалла, полвон болам! – дея бағрига босди.

Қаердандир Шоймардон шопур пайдо бўлди:

– Беҳудага ғашингга тегмаган эканман, ука! «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни» деган гап айнан сен учун айтилган экан. Қани, ке, бир бағримга босиб кўяй, яшавор, Жинқарча укам!

Самими, беғубор кулги қалбларни силаб ўтди. Ҳамма хурсанд эди назаримда. Мен-чи?.. Мен негадир елкасидан тог ағдарилган кишидек енгил эдим.

– Унинг номи нимайди? – деб сўрадим ҳакамдан.

– Номими? – қария менга кулиб қаради. – Отаси унга Бек деган ном берган эди.

– Беҳудага эмас экан, – дедим охиста, – бугун у давранинг беги бўлди.

Ўрнидан турган кария:

– Тўғри айтдингиз! – деди ва Мерган акани табриклиш учун унга томон юрдик.

## САБРИНА ХОНИМ

Кенг деразадан кумушранг Мармар денгиз, катта-кичик кемалар, Европа билан Осиёни боғлаб турган машхур осма кўприк, қизил, оқ томли қатор уйлар, мовий осмоннинг бир парчаси кўзга ташланади; ичкари иссиқкина, унчалик катта бўлмаган хонанинг деворлари алвонрангда жуда нозик дид билан безатилган, ўнг томонда чоғроқкина кизғиши стол, устида тунги ҳаворанг чирок, турли қоғозлар; оқ кўйлак, кизғиши

нимча кийган, хушрўйгина котиба нималарнидир ёзмокда, девор ёнидаги телевизорда мўйловли йигит майнин, ширали кўшик кўйламокда, кизча онда-сонда бошини кимирлатиб, кўшикка жўр бўлади, бизга қараб-қараб кўяди, гоҳ соатга, гоҳ хўжайинининг кора дермантин қопланган эшигига кўз тикади.

Омонбей шивирлаб гапиради, кўз олдимда хали замон чиқиб колиб, биз билан танишадиган Камол оға гавдаланади: уни зуваласи пишиқ, доимо юкори кайфиятда юрадиган, гапга уста одам, дейишади, демак, кенг пешанали, гавдаси йирик киши бўлиши керак, ўлайман ўзимча.

Омонбей таърифини тугатиб, котибани гапга тутади:

- Бий афандим, бу йил нечага тўлдилар?
- Бир кам саксонга!
- Умрлари зиёда бўлсин. Сабрина хоним-чи? У киши неча ёшдалар?

Котиба тиришган лабларини буриб, елка қисади:

- Билмадим, аёлларнинг ёшини сўрамайман.

Ковун туширганини билган Омонбей узр сўрагач:

– Сиз жуда назокатли қиз экансиз, – дейди уни мақтаб, аслида эса хижолатдан чиқиши кўзлайди ва яна гапини давом эттиради: – Сўрамаганингиз ҳам маъкул. Ўзи, аёллардан ёш сўралмайди! Сизлар биз учун ҳамиша ёшсизлар!

Котиба бошини кўтармайди. Мақтов унга ёқмаганлиги аниқ. О, бу котибалар – ғалати олам, кўнгилларини топсангиз, улардан зўр ошна йўқ; мабодо, ранжитиб қўйсангиз, ялтолклини ўтирунг, барибир бефойда!

Эшик майнин шигиллаб очилади ва узун бўйли йигит ногиронлар аравачасини ҳайдаб чиқади. Аравачадаги калласи катта, сийрак соч, лаблари чўзиқ, кўзлари чакнаб турган қария жилмайиб бизга қаради. Котиба бидирлаб бизнинг кимлигимизни, нима учун ташриф буюрганимизни айтди. Мен шундагина ногиронлар аравачасида ўтирган кишининг Камол оға эканлигини англадим, лекин ногиронлиги тўғрисида сира эшитмаган эдим. Шу ҳолида қандай қилиб дунёга довруқ солиб юрибди? Ёки кейинчалик бирор фалокат юз бериб, ногирон бўлиб қолганмикан?!

– Сиз Ўзбекистонданмисиз? – деб сўради у ёқимтой овозда.

Мен тасдиқ ишорасини бердим. У кўлларимдан тутиб, кўзига суртди:

– Фоят азизлар юртидан келибсиз, хуш кўрдик! – У котиба кизга каради. – Менга аввалроқ хабар берсангиз бўларкан!

Котиба мулзам холда тош котди.

Камол оға ҳамон қўлимни ушлаб турар, унинг тараша котган кўллари билинар-билинмас титграрди.

– Минг бор узр сўрайман, азиз меҳмон, мени вазир чақирияпти, сиз билан дилдан сухбатга жуда муштокман! – У яна котиба кизга каради. – Ҳозироқ Сулаймонни чақиринг, булар билан чорбоғимизга бориб туришсин. Мен мажлисдан чикиб, тўғри ўша томонга ўтаман!

– Овора бўлманг, Камол оға! – дедим мен хижолат чекиб. – Сизни бир кўрмокчи эдим, холос!

– Келиш меҳмондан, жавоб мезбондан. Шундай экан, хозирча сизга руҳсат йўқ! Кетсангиз, жуда хафа бўламан!

Омонбей мени кўндиришга уринди:

– Оғанинг сўзини қайтариб бўларканми?! Ҳўп, дея қолинг, азизим!

Гап ортиқча эди. Шундай катта одамнинг таклифини рад этиш ҳам инсофдан змас. Мен ноилож кўндинг. Шукрки, бу инсон билан учрашиб адашмаган эканман. Шу баҳона жуда гаройиб воқеалардан хабардор бўлдим. Бу мен билган муҳаббат қиссаларининг энг зўри эди, десам, ишонаверинг. Камол оғанинг ҳикоялари Сизга ҳам илиқлик бағишласин деб, уларни қоғозга туширдим. Сиз ҳам ўкиб кўринг, шояд, мендан ҳам шод бўласиз, деган умиддаман.

\* \* \*

Мен кичкина тор кўчани, ўн саккиз ёшимни, ёмғирли, коркировли кунни яхши эслайман. Ўша куни ўлиб кетишимга, аникроғи, ўз жонимга қасд қилишимга бир баҳя колган. Пешанамда яшаш бор экан, шукр бугун ўзимга тўқ, бой-бадавлат кишиман. Мени ҳаётга қайтарган Сабринамдан миннатдорман. Шу боис ҳам, ҳикоямни ўша совук, ёмғирли кундан бошлайяпман.

Оилада уч ўғил эдик. Акаларимдан отамнинг умидлари катта эди. Эртага улар улғайишиб, албатта, қўлтиғимдан кириб, оғиримни енгил қиласди, дея уларга кўпроқ эътибор каратар, менга эса шунчаки ногирон, бокиманда сифатида муомала килар, аммо буни сездирмасликка уринарди. Ночор ҳолимдан ич-ичларидан эзилишимни фаҳмлар, англар эди. Ўн саккизга тўлган бўлсам-да, ҳамон менга ёш, дардисар болага қарагандай муносабатда бўлар, бу эса ғашимга тегиб, энсамни котиради. Бир умр унга ортиқча юқ бўлиш мен учун энг катта ҳакорат эди. Шу ёшда, боз устига, Сабрина хонимга ошик бўлиб колганимни айтмайсизми?! Бошқалар билса, ўшанда роса кулги бўлишимни ҳам билардим, аммо бу тўғрида на онамга, на отамга чурк этиб оғиз очмасдим. Зерикканимда аравачамни қўлим билан юргизиб, кўчага чиқиб кетардим. У пайтларда менга қаровчи ёллашга отамнинг маблаги етишмас, катта рўзгорни зўрга тебратар, кечқурун ишдан келиб, гоҳо ҳолимни сўрашга ҳам курби етмай, овқатини апил-тапил еб ухлаб коларди. Бир куни эрталаб кўчага чиқдим. Осмон булат, ҳаво совук эди. Кўнглим хоҳлаб денгиз бўйига бордим. Қанча ўтирдим билмайман, бир маҳал ёмғир ёға бошлиди, парво килмадим, чунки бу пайтда кўнглим бўшашиб, ўзимни дунёнинг энг ғариб одами сифатида кўриб туардим. Ҳей денгиз, ҳатто сен ҳам одамларга азизсан, қадрли ва кераксан?! Мен-чи? Мен кимга керакман?! Ҳеч кимга! Ҳатто ота-онамга ҳам! Бирорта кизга ҳам, ҳатто энг хунук кизга ҳам керак эмасман?! Бу ғам, изтироблар кўнглимдаги орзу-ҳавасларни ерга уриб чил-чил синдирмоқда эди. Ўзимни денгизга ташлаб юборсамми, деган аҳмокона ўйга ҳам бордим. Тўғри-да, одамларга ортиқча даҳмаза бўлиб яшагандан кўра, денгиздаги балиқларга ем бўлган афзал эмасми?! Аммо яхшиямки, инсон кўнглида иккита фаришта бор: бири сени аҳмокона ишларга ундаса, иккинчиси кайтариб қолади. Кўнглимдаги иккинчи имонли фаришта: «Бахтинг олдинда, ўлимни ўйлама, ўзини ўлдирган дўзахга тушади», дея мени тутиб колди. Лекин кайсарликка олиб, ёмғир остида ўтиравердим: кийимларим жикка ҳўл бўлиб, тишларим тақиллай бошлиди. Кўзларимни юмиб олдим, қайнок ёшлар киприкларим орасидан сизиб

чикиб, ковоқларимни, лабларимни күйдирди, аммо мен парво қилмадим. Оёқ товушлари эшитилиб турарди. Кимdir елкамдан туртди: «Бий афандим!». Қиз боланинг янгрөк овози ўзимга келтирди. Беихтиёр бош күтариб қарадим. Катта ҳаворанг ёмғирпўш тутган, корача калта соchlари елкасига тушган, истараси иссиқ қизнинг нигоҳлари жиддий, бокишлари меҳрли эди. «Сизни бирор хафа қилдими? Ивиб кетибсиз-ку, бунақада шамоллаб коласиз!» – деди у меҳрибон оҳангда. Нима дейишимни билмадим, аниги, тилим калимага келмади, негадир бўзлаб йиғлагим, додлагим келди, нимага, ўзим ҳам билмайман; одам дегани ғамга ботиб, тушкунлик ботқоғига ботиб колганда, ўзини йўқотиб кўяди, мен ҳам худди шу ахволда эдим, бундай пайтларда кўнгилдаги галаён бўғзингни тўсиб олади, қани бир оғиз гапириб кўр-чи, гапирсанг, бутун оламинг фарёдга келмаса, отимни бошқа қўяман.

Кўзларимдаги изтироб Сабринанинг юзига кўчганини кўриб, кўнглим баттар бузилди, бир бечора қизга энди ортиқча юк бўлдим, деб ўйладим ва кўнглимдаги ғалаённи зўрга бошиб: «Ҳечқиси йўқ, ўзим шундай, эътибор берманг, сизга раҳмат!» дедим кетаверишингиз мумкин, деган оҳангда, аммо у мени ташлаб кетмади, «Совукда шамоллаб қоласиз-ку, устбошингизни қаранг!» деди куюнчаклик билан, унинг астойдил жон күйдираётгани менга ёқди, ҳатто танамга озгина мадад ҳам бўлди, дунёда меҳрибон одамлар кўп, шунинг учун ҳам ҳаёт давом этмоқда, деб ўйладим, лекин қизни ушлаб колиш ниятим йўқ эди, аммо шу тобда ундан қандай кутулиш йўлини ҳам, қай тариқа унга жавоб бериб юборишимни ҳам билмасдим.

«Бу ерда Сизни бирор кутяптими, бий афандим?» – сўради ўта назокат ва одоб билан. Унинг менга хайриҳоҳ ёқимли овози кўнглимни кўтарди. Уни алдагим келмади ва беихтиёр бироз зарда билан «мени ким ҳам кутарди» деганимни ҳам билмай колдим. Қиз аравачамни йўлга тўғрилади. «Юринг бизникига, уйимиз шу ерда, ҳов ана, яшил дарвоза, бироз исиниб оласиз, кийимларингизни қуритиб бераман». Қизнинг бу гапларидан бошним осмонга етган бўлса-да, аммо уялдим, уйидагилари олдида уни хижолатга қўйиш мен учун азоб, шу боис бунга хожат йўқлигини, ўзим тезда уйимга етиб олишим мумкинли-

гини айтдим. У қаерда туришимни сүраган эди, дархол айтдим. «Вой-бу, жуда узокда турар экансиз, бу ахволда нак шамоллаб қоласиз, бизникига кириб, бироз исининг иссик қаҳва тай-ёрлаб бераман, сўнг кетасиз» деди бийрон сўзлаб, шу гаплар билан унинг дарвозасига етдик, у илдам харакат билан дарвозанинг кичкина тавақаси очилди ва соябон тутган тепакал қария: «Сабринахоним, яхши келдингизми? – деда дарвозанинг катта тавақасини очди. – Онангиз боядан бери хавотир олиб ўтирган эдилар!» деди ва «Бу ким бўлди?» деган маънода менга ўғринча қараб кўйди. Юзим ловиллаб ёниб, кўнглим ғаш тортди. Онаси бобиллаб берса, дардимга дард қўшилади, бехудага келдим, деда ўзимни койий бошладим. Қария: «Буни менга беринг, қизим» деда аравачани унинг қўлидан олди.

Мен яна ўзимни нокулай сездим. Қарияга ҳам ортиқча ташвиш бўлдим, балки оғринаётгандир, деб ўйладим, лекин у мен билан очик, хушчакчак сўрашди ва ҳатто «ивиб кетибсиз-ку, бий афандим» деда ночор ахволимга ачиниб қаради, билдимики, бу анча нуфузли оила, акс ҳолда, осто надаёқ совук муомала килган бўлишарди. Ҳовли анча кенг, ўнг томонда олма, гилос дарахтлари, жимжимадор катор уйлар, ундан нарида ҳовли тўрида икки қаватли, олди ойнаванд бино, ёмғир ювиг турган топ-тоза тош йўлак уйнинг мармар зиналарига бориб туташади. Анча бой-бадавлат оила эканлиги кўриниб турибди. Чап томондаги уйдан, афтидан ошхона бўлса керак, ўрта яшар аёл кулиб чиқди, у семиз, бағбакали, олдига кўк бандбоғ такиб олган, югуриб келиб, қизнинг қўлидан аввал корамтири сумкасини олди, сўнг аравачамни юқори чиқариш учун чолга ёрдамлашди. Мен унга раҳмат айтдим, аёл бошимни силади, ишонасизми, иссик ҳарорат билан бирга қандайдир меҳрни туйдим ва бу менга шодлик хадя этди.

Биз ойнаванд эшиқдан ичкари кирдик, хушбўй атири ҳиди гуп этиб димогимга урилиб, кўнглимни очди. Кенг зал, чап томонда оқ диван, креслолар, ўнг томонда кичкина бар: қизил айланада ўтиргичлар, ўртада катта қизғиши стол, гултувакларда ранг-баранг хонаки ўсимликлар; оқ, сарик, пуштиранг гуллар;

оқ рангга бўялган зина иккинчи қаватга олиб чиқади, тепада икки оқ эшик кўзга ташланади; афтидан, булар оқ рангни яхши кўришади, оқ ранг – эзгулик тимсоли. ёмон одамларга ўхшашмайди, шу дамда қизнинг ота-онаси эсимга тушиб, яна ўзимни нокулай сеза бошладим, хўп, бу қария билан аёл каролларига ўхшайди, мен билан яхши муюмала қилишяпти, ота-онаси-чи, улар мени ёқтиришармикан, ковоқларини уйса, нима қиламан, деган ўйда кисилиб турдим; ўнг томондаги оқ эшик очилиб, ўрта бўй, юзи офтобдай чараклаган, истараси иссик, Сабринага ўхшаш кўхликкина аёл чикиб келиб, у билан кучоқлашиб кўришди. Қиз менга ўгирилиб: «Танишинг, бу киши онам – Хуморойим!» деди кулиб. Мен хали унга ўзимни таништирган эмасдим, шу боис уни хижолатга қолдирмаслик учун бош эгиб таъзим килдим-да: «Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман, исмим Камол!» дея ўзимни таништиридим ва яшаш манзилимни ҳам эслатиб кўйдим.

Сабрина жилмайди ва менга имо қилиб: «Бий афандим денизни томоша килгани келган эканлар, ёмғирда қолибдилар, исиниб оласиз, деб бошлаб келдим», деди. Хуморойим қизини бағрига босди ва: «Одамларга жуда меҳрибон, худди ўзимга ўхшайди», дея менга кулиб каради. Кўнглим баҳор осмонидай тиниклашиб, ёришди. Қандай яхши, меҳрибон одамлар. Хуморойим кўл ковуштириб турган қарияга: «Маъзур тутасиз, бу кишини кийимхонага олиб кириб, уст-бошларини алмаштириб чикинг, янги тоза кийимлардан беринг!» дея жилмайди, сўнг хизматкор аёлга тезда қаҳва ва егуулклар тайёрлашни уқтириди-да, қизини етаклаб, тепага чиқиб кетди. Биз қария билан чап томондаги хонага кирдик, ичкари нимкоронги, чирок ёқилган, ҳаворангдан қўзларим жимиirlади: хона унча катта эмас, тепада деразалар ўрнатилган, қатор қизғиши жавонлар; бу ернинг кийимхона эканлиги шундок кўриниб турар, ўнг ва чап томонлардаги зангор илгакларда баҳор, ёз ва қишлиқ уй кийимлари осиғлик эди.

Қария тўғридаги жавонни очиб, менга мос кийим қидира бошлади, мен совукдан жунжика бошлаган эдим, имилламанг қария, дегим келарди, унга қараб ўтирасдан уст-бошимни еча бошладим: аввал таги йиртилган туфлимни, сўнг ўтган йили

тоғам совға қилған шимимни, чүнтаклари уникиб, чоклари йиртилған пиджагимни ва уч ой олдин онам туғилған күнимда совға қилған кулранг күйлагимни ечиб, қарияга тикилдим. У «картиниб олинг» деб, менга катта оппок сочик берди. Сочик иссиккина, юмшоқ эди, танамга илиқлик югурди. Артиниб бўлгач, ичи юнгли кулранг енгил уст-бошни кийдим-у, танамга жон кирди, лекин она-боланинг кўзига қандай карайман, деган андишага бориб, бироз хижолатда колдим, қария аравачани олдинга итарди, биз эшиқдан чиққанимизда Сабрина қизгиш халатда, уй кийимида онаси билан диванда сухбатлашиб ўтиради.

Хуморойим менга тикилиб жилмайди ва ўрнидан туриб, ёнидан жой кўрсатди, қария аравачани унинг ўнг томонига буриб кўйди, ёрдам беришмокчи эди, ўзим дедим-да, кўлларимга таяниб, аравачадан диванга ўтдим, ҳар калай, қаттиқ ўриндан юмшоқ жойга ўтганим менга яна ором багишлиди ва яратганинг бу сийловларидан бошим осмонга етиб, шукроналар айтдим.

Бизга қахва беришди. Нихоятда хушбўй ҳид димогимга урилиб, кўнглим яйради. Қахва қайноқ эди, секин ҳўпладим, биласизми, иштаҳам очилиб, корним таталай бошлади. Қаҳвани бир зумда ичиб кўйганимни ҳам билмай қолдим. «Яна қахва беришсинми?» сўради Хуморойим. Шуниси етади, дедим ва юзим яна повиллаб ёнди. Сабрина менга қараб жилмайди, гўёки ой менга жилва қилди. Юрагим энтиқди, тиник кўзларига тикиларканман, корачиқларидан тараалаётган оппок нурлар юрагимга меҳр ёғдирмоқда эди, йўқ, бу менинг унга бўлган йигитлик ҳавасим эмас, балки унинг одамгарчилигидан мамнун бўлганлигим ифодаси эди. Ҳаммаси меҳрдан бошланишини қаёқдан билибман, денг. Қаҳвадан сўнг суюк таом олиб келишди: аллакандай хушбўй кўкатлардан тайёрланган овқат эди бу, ҳали ҳам мазаси оғзимда турибди; мен оч эдим, овқат шундай маза бердики, гўёки умрим бино бўлиб, бундай таом тановул килған эмасдим. «Жуда ширин бўлибди, раҳмат!» дедим миннатдор бўлиб. «Оиш бўлсин, бий афандим!» деди Хуморойим. Сабрина менга яна ойдай тўлиб жилмайди. «Биласизми, бугун овкатни мен учун ойижонимнинг ўзлари

тайёрлаганлар!» Мен Хуморойимга бош эгиб таъзим қилдим ва «Кўлингиз дард кўрмасин, жуда ширин овқат тайёрлар экансиз» дедим, у хурсанд бўлди, юзи энди очилган атиргулдай барк уриб яшнади.

Иккинчига балиқ келтиришди. Баликни унчалик хуш кўрмасдим. Айникса, қилтиғли баликларни жиним ёқтирамайди, аммо олдимга қўйилган балиқ гўштида битта ҳам қилтиқ йўқ эди. Хуморойим: «Еб кўринг, жуда мазали!» деди олдимга санчқини суриб кўяркан. Ноилож бир бўлак балиқни олиб, оғзимга солдим, хақиқатан жуда мазали эди, яна икки бўлак едим, дастурхондан қўлимни тортдим, тўгриси, ортиқча егани уялдим, гарчи она-бала «олинг, олинг» деб қистасалар-да, мен «раҳмат, едим, жуда ширин тушлик бўлди» деб тортинчоқлик килишга мажбур бўлдим. Сўнгра бизга бир стакандан чой беришди. Чойни хузур билан ичдим. Албатта, бу аъло сифатли чой эди. Бунакасини бир гал ичганман. Ўшанда ишхонадан отамга шунака аъло сифатли чойдан бир кутигина совға килишган экан. Онам уни нозик меҳмонлар учун асраб қўйган эдилар. Бир куни бетоб бўлиб колганимда, эркалик килиб, ўша чойдан ичгим келяпти, деганимда, ойижоним ийиб кетиб, ундан менга дамлаб бердилар. Бу зотлар ҳар куни шундай аъло навли чой ичишса керак, қандай яхши. Мен Сабринага ҳавас билан тикилдим. Ана буни яшаш деса бўлади.

Чойдан сўнг у мени дарсхонасига бошлаб кирди: бу жуда кенг, ёруғ хона бўлиб, деворга ёпиштириб қатор жавонлар терилган; тўрдаги катта деразага ок шохи парда тортиб қўйилган, ўртада катта ҳаворанг оёқли хонтахта ва битта кора юмшоқ ўтиргич, устида тунги қизил чироқ, катта-кичик ҳар хил китоблар, дарс ва расм дафтарлари; мен тўқ жигар, зарҳал ва оқранг китобларни бир-бир ушлаб кўрдим, у пайтларда китобларга у кадар ҳавасим йўқ эди, лекин йигит дегани ғалати бўлади, ёқтирган қизи нимани яхши кўрса, у ҳам ўша нарсаларга ҳавас кўя бошлайди. Унга: «Шунча китобни бир ўзингиз ўқийсизми?!» дея ноўрин савол берганимни ҳамон уалиб эслайман, ўшанда нақадар ғўр йигит бўлган эканман, ҳаҳ дунё-я, дейман гоҳо ва ширин хотиралар билан бирга ўша гўллигимни ранжиб ёдга оламан.

Кенг деразадан қизиқиши билан күчага қараганим ҳам эсим-да: күча, ундан наридаги қызғыш девор, дов-дарахтлар ва эсим-да қолгани унинг деразаси түғрисидаги тахта ўриндиқ, кейин-чалик шу ўриндиқ менинг қувончу қайғуларимга шерик бўлган эди; ха, айтгандай, унинг дарсхонасида уд деган мусика асбо-би бор эди, мен-ку, бу асбобнинг уд эканлигини билмасдим, унинг ўзи бу сознинг қадимилигини айтиб бергач, менда ҳар қалай тасаввур пайдо бўлиб, куй эшитиш иштиёқи туғилди, илтимосим билан у менга ажиб-ажиб куйлар чалиб берди, радиодан кўп куй эшиитган эдим, аммо қуйни жонли эшитиш бошқа экан: ё ўшандада мен қизга маҳлиё бўлиб, сеҳрланиб, ёки бўлмаса, ҳозир айттанимдек, жонли куй ҳақиқатан ҳам мени ром этган эди. Куй чалиб бергани учун унга раҳматлар айт-дим, хизматкор аёл кийимлар қуритилиб, дазмолланганини билдирганда, кетиш фурсати етганини англаб, кўзгалишга изн сўрадим. «Майли, ўзим сизни нарирок элтиб қўяман!» деди, йўқ, десам ҳам кўнмади, қария ҳам бизга ҳамроҳлик қилди.

Сабрина уйимнинг олдигача ёмғирпўшини тутиб борди. Йўлда унинг тибиёт илм даргоҳида таҳсил олаётганини, шу бу йил ўқишига кирганини ҳам билиб олдим: бу хабар мени анча мулзам қилди, мен қаёқда-ю, у қаёқда, дея руҳим тушди, кейинроқ нега ундан хафа бўлишим керак, аксинча, у менга катта ҳиммат кўрсатди, раҳмат айтишим керак эмасми, эй но-дон, дедим ўзимга-ўзим; у аклли, фаҳм-фаросатли қиз эдиким, менинг тушқун кайфиятимни кўриб: «Хоҳлассангиз, ҳар куни тушдан сўнг бизниги келиб туринг!» деди самимий оҳангда. Бу гап кўнглимни ёришириб, менга анча таскин берди, ўзим ҳам ундан дархол айрилгим йўқ эди, бунинг сирини билмасдим, эҳтимол, такдир деганлари шудир! Хуллас, мен уникига ҳар куни эмас, бозор кунлари бориб турадиган ва бир-икки соат сухбатлашиб, сўнг турли китобларни олиб қайтадиган бўлдим: мен учун янги ҳаёт бошланган, у қувонч тонги билан бошланниб, қувонч оқшоми билан тугарди; энди ортиқча вақтим йўқ эди, ярим тунлари ҳам китоб ўкирдим, уйдагила-рим хурсандлигимни ва бойвучча қиз билан танишлигимни билиб, астойдил суюндилар, бу нарса ўзимга ҳам ёқди.

Лекин ҳаёт катта дарёдек бир гап, гоҳо тинч, гоҳо ҳайкириб оқади, мен ношуд эса уни доимо тинч оқади, деб ҳаёл килган эканман, бир куни кучли тўлқинлар мени яна азоблар кирғогига отди. Ўша куни эрталаб туриб, ювиниб-тарандим, янги кўйлагимни кийиб, хушбўй атирлар сепиб, уникига бордим, у мени сал ҳомуш қаршилади, балки кайфияти йўқдир, ҳар қалай қиз бола, деб ўзимни хотиржам тутишга ҳаракат килдим: уйига меҳмонлар келишган, уларнинг орасида узок тоғ кишлоқда яшаётган ҳоласи ҳам бор экан, мен уни кўрдим, бу ўрта яшар, корамагиз, юзи тиришган аёл эди, у менга бошдан-оёқ разм соларкан, кўзларини олайтириб, совук қаради-да, сўнг қарс этиб эшикни ёпди. «Ҳей, Хуморхон, кизингни кимга кўшиб кўйибсан, битта-яримта эшилса, нима дейди. Бўйи етган кизни келиб-келиб, ногиронга кўшиб кўйдингми?!» деган гапи юрагимни тешиб юборай деди. Бу гапларни Сабрина ҳам эшилди. «Ана шунаقا гаплар!» деди ҳомуза тортиб. Очиклиги, ялтоқланиб сирни яширгани унга бўлган ҳурматимни янада оширди. У титради, какшади, унсиз йиглади ва паст овозда: «Мени маъзур тутинг, бу кундаги таъна-маломатлар мени адойи тамом килди, ортиқча гап-сўзларга токатим йўқ!» деди. Мен унинг ахволини тушундим, юрагим изтироб ўтида жизиллаб ёнса-да, тишимни-тишимга кўйиб: «Узр, мен нодон сизни билмай кийнаб кўйибман!» дедим ва аравачамни жаҳл билан юргизиб ташкарига чиқдим, нафасим бўғилиб, кўз олдим коронғилашиб кетди, қандай уйга етиб келганимни билмайман: икки кун иситмалаб ётдим, уйдагилар хавотирга тушиб, доктор чакиришди, аммо мендан бирор қасалликнинг аник белгисини топишолмади. Ўзимни ҳар қанча тетик тутишга, босишга уринмай, юрак қушим кўкрак қафасимда додлаб ти-тиричилаб, унга томон интилмоқда эди. Муҳаббатнинг факат кўзи кўр эмас, қулоги кар, танаси эса дардчил экан. Охири чидолмадим ва кай ҳолатда унинг уйи ёнига бориб колганимни сезмай қолдим. Ўша сизга айтган ўриндиқда, унинг деразаси каршисида тонгни оқшомга улайдиган бўлдим: деразадан биринки караб кўярди-да, дархол пардасини ёпиб олар, бу манзарани кўриш мен учун азоб эди. Шундай ораста, ақлли кизнинг тошбағир чиқиб колиши мени изтиробга солди. Шу зайлда ёз

ўтиб, куз бошланди. Салқин тушган кезларда уйдагилар келиб, мени олиб кетадиган бўлишди. Ота-онам: «Топган кизинг баланд охурлардан ем еган, сенга лойик эмас, уни унут!» деб таскин беришга ҳаракат қилишди, аммо мен ростакамига мажнунга айланган ва энди ҳеч нарса, ҳеч қандай куч мени бу нижтимдан кайтаролмасди, аммо олдимда икки йўл турар, унинг бири – ўлим, иккинчиси – қизнинг меҳрини қозониш эди.

Бир куни тушлик пайтида ўриндикда ҳолсиз ўтирган эдим; корин оч, ичишга бир култум сув ҳам йўқ; шу азобда ўлиб кетаман, деб ўйладим, эй аҳмоқ кўзингни оч, шу киздан бошқаси ҳам бор, деган хайкирик ҳам янгради кўнглим саройида, аммо унга қулоқ солмадим, роса қайсар эканман ўзи ҳам. Осмон хира, салқин шабада эсар, корин қулдираб, лабларим бир бурда нонга зор эди, енгил машина ёнимда тўхтади, бошимни кўтариб қарадим: оқсоч чол машинадан тушиб, ёнимга, ўриндикка чўқди. «Ҳар куни шу ердасан, ўғлим, не дардинг бор?» – сўради у. «Дардимни айтганим билан енгиллашиб колармиди?» дедим бироз истехзо аралаши. Чол елкамга кўлини қўйди: «Бу дунёда яхшилик килиб кетмокчиман, айт, қандай ёрдам берай?» деди у. Нима дейишимни билмай қолдим. Сабринани кўндиринг дейми? Бе, бу афсона, у икки дунёда ҳам кўнмайди. Нима десамикин, дея бошимни ушладим. Чол кўзларимга тикилиб: «Китобни яхши кўрасанми?» деб сўради. «Жудаям яхши кўраман!» деб жавоб килдим. «Шу ерда китоб дўкони куриб берсан, ишлайсанми?» деб сўради яна. Кўзларим чараклаб ёришди. «Бу зўр-ку!» дедим беихтиёр. Чол кўлларимни кисди. «Буни амалга ошиrsa бўлади!» Бир сўзли чол экан, бир ойда ҳужжатларни тўғрилаб, ерга рухсат олиб, кичик дўкон куриб берди, китобларни ҳам ўзи келтирди. Кейин билсан, чол шаҳардаги энг катта ноширнинг отаси экан. Бева-бечораларга, ногиронларга ёрдам бериб юаркан. Нега, нима учун, деган саволлар мени безовта этди. Ёшлигидага чолни бир ногирон аёл бокиб, катта қилган экан. Мени ҳар куни шу ерда ночор ўтирганимни кўриб, раҳми келибди. Бу хайрли ишдан кўнглим ёриншиб, ишга киришдим.

Учинчи куни Сабрина дўконимга келди ва: «Оғажон, дўкон муборак, мени маъзур тутинг!» деди. Уни очик чехра

билан қарши олиб, хижолатга қўймаслик учун бирор ножўя иш қилмаганини айтдим ва қайнок қаҳва тутдим. «Рахмат!» деди ғоят миннатдор охангда. Китобларни бир-бир кўрди, сўнг тиббиётга оид учта китобни танлаб олди, хақини олмайман, десам, қўймади, берди, «бу ўзимга эмас, дугонамга». деди. Шундан сўнг тез-тез келиб турди. Туғилган кунини аниклаб, унга бир қучоқ оқ гул совға қилдим. У эртаси куни китобга келганда, туғилган куни яхши ўтганини, лекин совғалар ичидага энг аълоси мен берган гул эканини айтди, бу гапи меҳрим дарахтини яна гулга ўради: ҳеч ким мени бунчалик мафтун этмаган, бунчалик эркаламаган, бунчалик сийламаган эди, лекин хом сут эмган бандалигимга бориб, нимага унга қаттиқ боғланиб қолдим, баланд дорга осилишдан нима фойда, деб кўп ўйлардим. Унинг яна мен билан ўралашаётганини кўрган кариндошлари тагин тўполон қилишиб, дўконимни бозор яқинига кўчиритириб юбориши.

Мен ўша кунлари бунча бахти каро бўлмасам, деб роса зэйлдим. Дўкондорлик ишларини ҳам ташламоқчи бўлдим, аммо чол мени юпатиб, бу яратганинг синови эканлигини, яна бироз чидасам, ишларим юришиб кетишини айтди. Шунчаки юпатяпти, деб ўйладим. Кўнглим Сабринага интиқ эди. Энди ундан тамом айрилсам керак, деган эдим, аммо бозор куни у мени қидириб келди. Қаердан билдингиз бу ердалигими ни десам, бу сир, деди. Кулишдик. Лекин қайтиб сўрамадим. Эзмаликни ёмон кўраман. Шу-шу у яна келиб-кетиб юрди. Мен келгуси йили туғилган кунида унга Ибн Синонинг «Тиб конунлари» ни-ю ҳамда «Оқкуш мухаббати» деган бир яхши асарни совға қилдим. Арзимас совға бўлди, устимдан кулмасмикан?! Йўқ, у кулмади. Дўконимга кириб: «Бу китобларни қидириб юрганимни қаердан билдингиз?» деб сўради. Худо шоҳидки, мен буларни қидирганим йўқ, кўнглимга келганини килдим ва билдимки, тақдир мени тўғри йўлга бошлияпти. Бу қандай яхши. Қизга бўлган меҳрим яна юз чандон ошиб, туну кун уни ўйладиган, ишқида ёниб-ўртанадиган бўлдим.

Орадан тўрт йил ўтиб, у илм даргоҳини тугатди ва дўконим яқинидаги касалхонага ишга кирди. Биз энди оила ҳақида ҳам гаплаша бошладик. Бир куни дадиллик билан: «Сизни уза-

тишмаяптими?!» деб сўрадим. У мен кутмаган алфозда йиглаб юборди. Кўнглим хира тортди. «Нега йиғлайсиз?» деб сўраган эдим, хонадан чопкиллаганча чиқиб кетди. Шу кетганча уч кун кўринмади. Қидириб ортидан уйига бордим. Бахтимга эшикни қария очди. У мени дарҳол таниди. Сабринани сўрасам, «ичкарида, йиғлаб ўтириби», деди. Нега йиғлашини сўрадим. «Сиз уни нима қилдингиз?» деб сўради. Ҳеч нима, дедим. Қария бошини сарак-сарак қилиб: «Ишлар чаток!» деди. Нимаси чаток, деб сўрадим. «У сиздан бошқасига тегмоқчи эмас», деди ва бу ердан тезрок кетишимни тайинлаб, ичкари кирди. Бошим қотиб қолди. Нима қиласман энди, дея хаёлга толдим. Энг биринчи ўринда Сабринани ўйладим, унга қандай қилиб бўлсада, ёрдам қилишим керак эди. Лекин қандай ва қай йўл билан?!

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Бир куни кечкурун унинг ўзи дўконимга кириб келди: кўзлари хира тортиб, анча озибди, сизга нима бўлди, деб сўрасам, ярамни тирнаманг, деди. Нима дейишимни-ю, уни қандай овutiшимни билмай гаранг бўлдим. На ундан садо чиқди, на мендан. Охири: «Сизни қийнаб юбордим» дедим. «Йўқ, йўқ, нима деяпсиз!» деди у. Энди нима қиласми? дедим беихтиёр. «Айттанларимни бажарасизми?» деб сўради у. Нима қилишим кераклигини сўрадим. У олий илм даргохига кириб, таҳсил олишимни айтди. Бу мен учун қийин иш эди. «Сиз йигит кишисиз, жуда кучли инсонсиз!» деди у. Бу гап менга куч багишлади. «Агар ўқисангиз, иккимизга ҳам яхши бўларди», деди у. Маслаҳати самимий эди. «Менга ёрдам берасизми?» деб сўрасам. «Албатта, ёрдам бераман, кўлимдан келган ҳамма ишни қиласман» деди. Шундагина мени севиб қолганини англадим. «Подшонинг ишки қурбақага тушибди». Дунёнинг заб ишлари бор: бирини кўриб қуласан, бирини кўриб куясан. «Сиз қайси илм даргоҳида ўқишни хоҳлайсиз?» деб сўради у. Мен иқтисодчи бўлишни орзу қилаётганимни айтдим, чунки бир неча йилдан бери дўконда ишлаб, шу соҳага меҳрим тушиб қолган, қанийди, олий маълумот олиб, бундан юқорироқ вазифаларда ишласам-у, Сабринанинг ота-онаси олдида юзим ёруғ бўлса, деган орзу юрагимни ёндирав эди. «Мен ҳам шуни ўйлаёттан

эдим» деди у ва кўзлари яшнаб кетди. Ўша йили мен қаттиқ тайёрландим. Сабрина керакли китобларни, саволларни келтириб турди.

Иигитга бир омад келса, қўша-қўша насиб бўлади. Кейинги йили олий илм даргоҳи талабаси бўлдим. Биринчи ўқиш куни дарсга борсам, энг каттаси ўзим денг. Сабрина кулди-да: «Сўзда қатъий, дарсда аълочи бўлинг!» деб тайинлади. Айтганларини бажаришга тиришаман: тушгача институтда ўқийман, соат учларда дўконга чопаман; талаба дегани пича китобхўр бўлади, мен янги-янги китоблар олиб келаман, қўлма-қўл бўлиб кетади. Ҳам савдо, ҳам илм. Шундай қилиб ишларим юриша бошлади. Иккинчини тамомлаб, учинчи босқичга ўтганимда, Сабрина: «Энди демократлар партиясига аъзо бўлинг!» деб маслаҳат берди. Яна айтганини бажардим. Бир йил партия мажлисларида қатнашиб, сиёсий билимимни мустаҳкамладим. Мажлисда сўз асосий қурол экан. Бир-икки сафар минбарга чиқиб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Бу менга алам килди ва нотиқликка кучни бердим. Ҳар бозор куни денгиз бўйига бориб, уч соат жаъраб қайтадиган бўлдим. Лекин бу ишимни Сабринадан яширдим. Илм даргоҳини тугатиш арафасида сўз бойлигим ошиб, нутқим равонлашди, овозим қўнгироқдек жаранглаб, сафдошларимни ортда қолдира бошладим.

Менинг инсонийлик, давлат бошқаруви, фуқаролар манфати ҳакидаги маърузаларимга одамлар ёғилиб кела бошлади. Бора-бора ҳалқ орасида «Аравачали нотиқ» деган ширин лақаб орттириб, обрўим кўтарилиб кетди. Пул дегани ҳам оқиб кела бошлади. «Аравачани йигиштириб, ўзимга енгил машина ва хайдовчи олдим. Нихоят, сайловлар бошланиб кетди. Қизик, жуда қизик. Омад мени худди паравоздек пишкириб тортиб кетаётган эди, бу орада демократлар номзодимни сайловга кўйишиди. Обрўни кўринг. Диплом кўлда, ёнда Сабрина, дўст-биродарлар-у, кексайиб колган ота-онамнинг кувонганларини айтмайсизми? Уларни етарли маблаг билан таъминлаб қўйганман. Деярли ҳар куни бир жойда маъруза ўқийман, заллар, кинотеатрлар одам билан тирбанд бўлиб кетади.

Шу орада ғанимлар оиласвий аҳволимни ҳам текшира бошлашди. Бир муҳолиф газета ҳали ҳам уйланмаганимни, ёш

маъшуқам борлигини писандада қилиб, катта мақола ёзди. Мишмишлар кўпаймасдан бу муаммони бартараф этишга киришдим ва дўсту биродарларимни тўплаб, Сабринаникига совчи жўнатдим. Хуморойим номимни эшиттгач : «Бий афандим, бизни кечирсинглар, у кишини анча ранжитган эдик!» дебди. Бир хафта ичидаги тўйни ўтказиб, Сабрина билан марказдан уй олиб, кўчиб кирдик. Биз тарафдор журналистлар радио ва телевидениеда тўй тафсилотларини кенг ёритишди. Нега кеч уйланганимни сўрашган эди, бошимдан ўтганларни яширмадим, ёнимда турган журналист киз кўзига ёш олди ва мени салкам қаҳрамонга чиқариб кўйди. Сайлов кунларида эса ана шу чиқишим менга катта фойда берди. Қаерга борсам, халқ мени илиқ карши олиб, ўзининг нажоткори сифатида қабул килди, сўзларимни диққат билан тинглаб, олкишларини аямади.

Сайловда ғолиб чиқиб, парламентда нуфузли ўринни эгалладим. Ҳамма мени ҳурмат қиласар, аравачамни қўлма-қўл кўтариб, керакли жойга етказиб кўйишарди. Сабрина маърузаларимни синчиклаб кўрар, буни гапирманг, буни гапириш керак, деб маслаҳат берарди. Айтганидек, пухта маърузаларим туфайли парламентда ҳам обрўим кўтарилиб, икки йил дегандага иқтисодчилар қўмитасига раис бўлиб олдим. Энди мен билан нафақат ўз мамлакатимдаги, балки бошқа давлатларнинг манаман деган иқтисодчилари ҳам ҳисоблашадиган бўлишиди. Шу билан бирга ногиронларга ғамхўрликни оширдим. Уларнинг нафақалари ўн бараварга кўтарилиб, шарт-шароитлари яхшиланди. Бу менга янада кўпроқ обрў келтирди. Номим газета, радио ва телевидениедан тушмай қолди. Бу орада ўғлим туғилди. Унга яхши ният билан Бахтиёр деган ном бердик. Ундан сўнг Такинахоним, Робияхонимлар дунёга келишиди. Бахтиёр ташки ишлар қўмитаси раиси, Такинахоним университетда – ректор, Робияхоним ҳукумат касалхонасида бош шифокор. Учаласидан ҳам розиман. Сабринахоним эса ҳамон менга меҳрибон, атрофимда гирдикапалак. «Бахтлимисиз хоним, бизни танлаб адашмадингизми?» дея ҳазиллашсам, «Сиз дунёдаги энг яхши отасиз!» деб мақтайдилар. Ростини айтганда, аёл кудрати олдидаги бош эгаман. Агар Сабринахоним

аҳдларида қатъий турмаганларида бунчалик баҳтга эришол-  
масдим. Бу ҳақ гап, худо шоҳид!

– Биз ўзбекларда «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер  
қиладиган ҳам хотин» деган пурмъино мақол бор! – дедим.

Сабрина хоним сутли қаҳва олиб кирди:

– Қани, мөхмөн, олинг! – деди у менга илтифот билан.

Мен ҳис-ҳаяжонимни яширолмадим:

– Матонатингиз олдида бош эгаман, опажон! Юртимга  
қайтиб борсам, Сиз ҳақингизда, албатта, бир нима ёзаман! Ва  
сиздек мўътабар онани ўз юртимга таклиф этаман!

Сабрина хонимнинг кенг пешанасидаги майда чизиклар тўл-  
кинлар каби ёйилиб кетиб, кулча юзида заррин нур жило қилди.

– Ота юртимизни кўриш, тупроғини кўзимизга суртиш на-  
сиб бўлсин. Албатта, борамиз! Нима дедингиз, дадаси?

– Сиз нима десангиз шу, онаси! – Камол оға унинг бужмай-  
ган кўлларини оҳиста силади. – Албатта, борамиз!

## ТИЛХАТ

«Ул кавм (Имомуддиннинг аждодлари) то шу  
замонгача Туркистон диёрида тархондурлар».

Давлатшоҳ Самарқандий.  
«Тазкират уш-шуаро».

Баланд гиштин қўргоннинг икки тавақали кенг, қўнғиртус  
дарвозаси ланг очик. Хизматкорлар ранго-ранг безатилган от-  
ларни етаклаб чиқишияти. Мактабдан қайтаётган бола Темур-  
бек падари бузрукворининг қаёққадир отланаётганини дархол  
сезди. «Отасининг ташвишлари кўп. Хон йўқлаган ёки бирор  
бек тўйга чақирган, балки бирор чўпоннинг бошига ташвиш  
тушгандир. Падари бузруквори етиб бормаса, ул бечора чора-  
сиз қолиб, ғам-андухга ботадур».

Муҳаммад Тарагай ҳовлида эди. Эгнида бухороча оқ шохи  
қўйлак, ним кўкимтирик желак, оёғида янги амири ковуш.  
«Мөхмондорчиликка отланибдурлар, – кўнглидан ўтказди Те-  
мурбек. – Ҳар сафар шундай одми кийиниб борадурлар». У  
қўлини кўксига кўйиб, таъзим қилди:

— Ассалому алайкум, падари бузруквор.  
— Ваалайкум ассалом! Мулло бўлинг, ўғлим! — Мухаммад Тарагай уни кенг, иссик кучоғига босди. — Уйга кириб, устбошингизни янгилаб чикинг, — деди сўнг. — Сизни фозил бир хешингиз бирлан таништиурмен. Бўйингиз ўсиб колди. Бундан буён ёр-биродарларни йўқлаб туриш вазифангиздур!

Темурбекнинг юзида саросималик соясини кўриб, Мухаммад Тарагай ўглида иккиланиш пайдо бўлганини сезди:

— Зарур юмушларингиз борму?!

Темурбек кўзларини пирпиратиб жавоб килди:

— Сайфуддин билан йилқимизни кўргани боришга ваъдалашган эдик.

Мухаммад Тарагай жилмайди.

— Ваъдага вафо килмок эр йигитнинг нуфузини оширадур, ўғлим. Бу хислатингиздан ғоят мамнунман.

Темурбекнинг тиник, бегубор кўзлари пирпиради.

— Мен учун Сизнинг сўзларингиз амри вожибдур, падари бузруквор! Лозим топсангиз, йўлда Сайфуддин дўстимниги кириб, узримни айтиб чиқсан: йилқини кўришга эртага борсак хам бўладур.

Мухаммад Тарагай ўглининг маънодор нигоҳига синчков боқди:

— Сайфуддин оғир олмайдурму?

— Ул хам падари бузруквори сўзини амри вожиб деб биладурғон бола!

Мухаммад Тарагай ўглининг аклли жавобидан суюниб бир баҳя ўсади.

Кенг осмон қизчанинг бегубор кўзидаи тип-тиник, мовий. Кўёш жилва қиласди. Эрталабки ёмғир бутун оламни ювиб, тараб қўйган. Дов-даражтлар ям-яшил, топ-тоза либосларга ўралган. Мурғак барглар юзидан заррин нурлар ялт-юлт товланади. Кенг буғдойзор далалар яшил гилам тўшалгандай: чопқиллаб, юмалаб, иргишлаб ўйнагинг келади.

Темурбек отини жадал хайдаб, Сайфуддиннинг дала ёнидаги боғига тез кириб чиқди, падари бузрукворини куттириб кўйиш одобдан эмас.

Мухаммад Тарагай ўглига синчков қаради:

– Битдими?

Темурбекнинг оқиши, ним пушти юзида қониқиши нурлари жило қилди:

– Битди, падари бузруквор! – У отини жадал хайдади. Сайфуддин дўстига ёлғончи бўлмагани яхши бўлди, огоҳлантирмай кетганида, вижданни қийналар эди!

Отасининг гапи хаёлини бўлди:

– Биласизми, ўғлим, исмингизнинг тарихи фоят қизик. Буни билиб кўйганингиз маъкул! Бир куни уйқумда ёш, чиройли, арабга ўхшашиб йигит менга қилич берди. Мен уни қўлга олиб, хавода ўйнатган эдим, бутун жумлаи жаҳон ёришиб кетди. Ҳазрат пирамиздан таъбир сўрасам, ул зот: «Пайғамбарона туш кўрибсан: Худо сенга бир солиҳ ўғил берур, у жаҳонгир бўлгай», дедилар. Сичқон йили шаъбоннинг йигирма бешида сен дунёга келдинг. Ақика вақтида сени ҳазрати шайхимиз олдига олиб кирганимда, муборак Қуръони каримнинг: «Амантум ман фи-с-сама ан йухифа биқума-л арда фа иза хий тамуру» оятини кироат этиб турган эрканлар. Оятда «тамуру» сўзи бўлганлиги учун сенга Темурбек исмини бердилар.

Улар бир арава сиғадиган тош йўлдан ўнг томонга бурилишиди. Гиштин деворли ховли. Баланд оплок иморат кўзга ташланади.

– Келдик! – деди Мухаммад Тарагай.

Отлар дупурини зішитиб, ичкаридан игнаки дўппи кийган ёшгина йигит чиқди. Салом бераркан, икки тавақали оғир дарвозани зўрга очди.

Қариндошлари хўппа семиз, гундалаккина, бир оз соддарок киши экан. Кучоқ очиб, аввал Мухаммад Тарагайнин бағрига босди. Сўнг Темурбекни даст кўтариб, уч-тўрт бор гир-гир айлантирди.

Мехмонхона кенг, ёргуғ, деразалари баланд, ойналари кўкиши эди. Ўтиришиди. Омин қилишиди. Хизматкор йигит офтобада илиқ сув, мис дашник кўтариб чиқди. Кўлларини ювичиб, сочиққа артишиди.

– Кўп яшанг! – деди Мухаммад Тарагай хизматкор йигитга.

Эгнига йўрма ёқали оқ шоҳи кўйлак кийган чувак юз йигит катта сарғиши дастурхон олиб келди. Мухаммад Тарагай мулоим жилмайиб турган бу йигитга қааркан, деди:

– Имомуддин ака, укаларга ёлчигансиз! Бебаҳо йигитлар улар!

Қариндошлари дастурхонини ёзib, ширмон нонни ушатгар экан, Имомуддин ака жилмайиб бошини қимирлатди:

– Тұғри айтасиз, Мұхаммад ака, йигитларимиз, Худога шукр, жуда одобли! Падари бузрукворларига раҳмат! – Йигит чиқиб кеттак, қалин кора кошларини чимириб құшимча килди: – Худо менга молу давлат берди, аммо уларни сақлашга ожизмен.

Мұхаммад Тарагай унга синчков тикилди:

– Аллоҳ денг, ака, давлатингизга барака берсин!

– Шукр, хешим, минг шукр! – Имомуддин ака ух тортди. – Лекин фарзандларимда салоҳият, чўпонларимизда сабр-тоқат йўқ. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмасин деб қўркаман.

Бола Темурбек отасига таъзим айлаб деди:

– Падари бузруквор, рухсат берсангиз, бир фикр айтсам!

Мұхаммад Тарагай жилмайди:

– Сиз эр йигитсиз, ўглим! Эр йигитнинг катталар билан сўзлашишга ҳақлари бор. Сўзланг, қулогимиз Сизда?

– Амакимга айтар сўзларим бор!

– Сўзланг, бек йигит, сўзларингизни жон деб эшитурмен! – Имомуддин унга қулогини тутди.

– Бек ака, – деди Темурбек бийрон тилда, – фарзандларингизга молларингизни бўлиб беринг ва уларни ўз молларига доҳил килингким, улар ўз-ўзлари билан овора бўлсинлар. Сўнг уч хизматкорга топширинг! Уларнинг ҳар бирини еттигадан қулнинг амири килинг. Кейин етмиш хизматкорга бош бўлган еттига хизматкорни бир-бирига таъзим ва ташрифига буюринг. Уларни кўздан кочирманг, чунки улар бир-бирлари билан кўп сұхбатлашадилар.

Имомуддиннинг думалоқ юзида нур ўйнади, Мұхаммад Тарагайга қараб ҳаяжон ила деди:

– Сизнинг бу фарзандингиз жаҳонга подшоҳ бўлади, унинг сўзларида подшоҳлик амри бор, – сўнг ўрнидан турди-да, токчадан қалам ва сиёҳдон олиб, Темурбекнинг олдига қўйди:

– Бек йигит, ёзинг! Менга тилхат ёзив беринг. Давлат куши бошингизга қўнгач, фарзандларим, зурриётларим ва

яқинларимдан хирож олмасинлар, уларнинг гунохларидан ўтсинлар, қавмимга тархон увони берилсин!

Темурбек жилмайди ва чиройли ҳуснихатда унга тилхат ёзib берди. Имомуддин ўрнидан турди-да, когозни ўнг томонда, бурчакда турган чарм сандиқка солиб, кулфлаб кўйди.

## ХОЖА АБДУЛҚОДИР

Абдулқодир куннинг кўзларидан уялди, майсаларнинг юзиға қаролмаганига ҳам анча бўлди-ёв, дарёлардан ўтаётганда зилол сувлардан ҳам хижолат тортгани эсида.

Ой заррин нурлари билан туну кун сийлаб келмоқда уни, ҳамиша ўз йўлида событ қуёш ҳам унга бир дақиқа хиёнат килган эмас, факат у гўзалликни сотди. Қалбидаги гўзалликни!

– Шундай деб ўзингни овут! Ўз айбингни бирорвга юклаш осон-да!

– Кимсан? Кимсан гапираётган?

Абдулқодир кўзларини юмди, лекин ухломади, қўлга тушса, соғ колмайди.

Бундан бир неча йиллар бурун кенг осмон кўзларини кора булуллар ўраб-чирмаб олган дақиқада, номуснинг қаҳри келиб, қалб дарахтининг яшил қулокларини чирт-чирт узиб олган пайтда, бўғзидан бир нола титраб чиқиб, пастки ингичка шоҳда турган булбулни чўчишиб юборди.

– Оббо!

Кечагина хаттот қўлидан чикқан китобнинг бироз таҳир елим хидидан димоги ачишган Хожа Абдулқодир. юрагининг безовта типирчилаётганини сезиб, чуқур ҳомуза тортди: танасида шу ҳолат бошландими, бор ҳаловатини йўқотади ва, кўрибсизки, бир кўнгилсиз воқеа содир бўлиб, бошига фалокатлар ёғилади; ха ўша кундаги майхўрлик ва раккосанинг кечки макомларидан кейин танасига кириб олган қора шайтон: «Қармоғимга илиндинг, жонинг кўлимда» дея мақтанмоқда ҳар лаҳза.

– Нотўғри иш килди. Гунохи ўзига урмасайди!

Эшик тирқишидан зув кирган совуқ шамол кўксига тушиб турган қалин соқолини тутамлаб тортган эди, бир ҳовуч

нина карт-карт оғритиб, юзини буриштириб юборди, бу дард шамоли шеригини бошлаб кириб, хаёлот осмонидаги қуйни коронгилик түніга ўради.

– Тавба қылдим! – у күксига муштлади. – Бандаман, ожизман, бебурдман! Кечир, ўзинг кечир!

Қалб саройининг тўридан эшилган истехзоли кулги хаёл олами эшигига алпнинг гурзиси каби каттиқ урилиб, етмиш икки томирини зирқратиб юборди. Кўзларини ерга тикканча кўчага чиқаркан, товонида чаён чаккандек оғрик сезди. Оёғи тортмаяпти, нима бўларкин?

Кимдир уни чакирди, беихтиёр чўчиб ортига ўгириларкан, бири ўрта яшар кўк саллали, соколига ок оралаган ва иккинчи – бошига кулоҳ кийган ёшгина йигитга кўзи тушди.

– Мирзо?

Улар Абдулқодирни шундай деб чакиришди, овозларида илтижо ва нола бор эди.

Юрагини ит тирнаётган Абдулқодир нотаниш кимсаларга «Хизмат?» дегандек оғриниб каради: кўзидан дард томиб, кўллари титради, оёғидан мадори қуриб, жони ҳикилдоғига келди. Шу пайтда буларга бало бормиди?!

Йигитча кўлинини кўксига кўйди:

– Бемаврид безовта қилганимиз учун бизни маъзур тутгайлар!

Абдулқодирнинг юраги сал юмшади: бамаъни, тарбия кўрган йигит экан. Дарди бор шекилли!

– Не ташвишда озор чекяпсиз, ўглим?

Йигитча ёнидаги кимсага ишора қилди:

– Бу акамиз мусиқани инсон учун нораво нарса демоқдалар!

Абдулқодирнинг юрагида тагин ғалаён ўрмалади. Одамлар бунча ёмон фикрлашади, нима бало урган уларни?!

– Булбулни ким яратган? Сувнинг шалдираши, шамол, ҳатто довуллар, момақалдироқ, хўроз қичкириғи – буларнинг ҳаммаси мусика. Нега булар яратилган? Нега булар инсонга раво кўрилган? – Ҳасрат шамоли бурнини қичитаркан, улар билан пачакилашишни истамаган ҳолда: – Бу ишларга аралашманглар, қаҳрга учрайсизлар! – деди кескин ва қатъий оҳангда.

Қаердандир карга қағиллади, ит ҳурди, қаттиқ шамол эсди. Абдулқодир ўнг кўксини силаганча жадал юриб кетди.

### **Йигитча шеригига юзланди:**

– Тавба, дейлик, амаки, гапимиздан Мирзонинг жаҳли чиқди!

Кўк саллали киши қўл силтаб, ортга бурилди.

Абдулқодир бу гапларни эшитди, юрагини чангалилаганча сарой томон юрди. Осмон тундлашиб, қовоқ уйди, шамол унинг этакларини тишлиб, орқага торти. Узокдан от дупурлари қулоққа чалинди. Бир нима бўлгани аниқ эди. Ҳонзода бегимнинг Самарқандга кеттанини эшитган эди. Айтишларича, Амироншоҳ Мирзо билан аразлашиб қолган экан. Бир неча ҳафтадирки, шахарда турли миш-мишлар тарқаб юрибди. Амироншоҳ эса ҳар кеча базму жамшид билан овора.

Қизгиш желак кийган киши – сарой табиби ҳовлиқканча одимлаб келаётган эди, уни кўриб, тўхтади: бир тутам соқоли титраб турар, думалок кўзлари чақчайган, соқол-мўйлови орасидан кўриниб турган қалин лаблари оқарган эди.

– У ёқка борманг! Ҳамма зинданбанд қилинди. Амироншоҳнинг ўзлари ҳам!

Абдулқодирнинг эси чиқиб кетаёзди:

– Нима бўлибди ўзи?  
– Хайрингизни берсин, билмадим! Биттаси: «Улуг Амир дарғазаб!» деди.  
– Ўзлари келибдишларми?  
– Амироншоҳимиз омон бўлсин! Ёмонларнинг гапларига кириб, кўп хато қилдилар!

Абдулқодирнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Бу ишларда ўзининг ҳам айби бор. Бир гал уни Самарқандга чақирганларида: «Амирим, мени у ёққа юборманг, сиздек улуг зотнинг қулиман, мени Самарқандга жўнатсангиз, ғанимларингиз устингиздан қулишади!» дегани эсида. Ӯшанда Амироншоҳ: «Мени ким деб ўйлаяпти улар!» деган ва уни саройда олиб қолган эди. Эҳ-хе, яна канча молк-мулк ортириди, кимсан Ҳожа Абдулқодир бўлиб элга танилди. Энди шунча обрў-эътибори бир пул бўладими?! Ҳах, аттантг, уларга кўшилмасдан Самарқандга, Улуг Амир хузурига бориб, ўша срда паноҳ топса бўларкан!

Шамол қулоги остида қах-қах уриб, юрагини роса ўйнатди, танаси зирқираб, бир нохушликни сезиб, күчага чиқди ва узок йўл босиб, иккиланмай Багдодга, Аҳмад Жалойирни книга кириб борди. Агар қўлга тушса, кечиришмайди! Дор кутяпти уни, дор!

Аҳмад Жалойир эндиғина кийиниб уйдан чиқаётган эди, уни кўриб: «Хайрият-э!» деди ва бағрига босди-да, сўнг атрофга олазарак боқиб, дарвозани қулфлагач, ичкари бошлади.

– Сендан хавотир олиб турган эдим, Улуғ амир адолатсизликни кечирадиганлардан эмас. Минг марта айтдим, Амироншоҳга ишонманлар, деб! Мияси айниб қолган унинг Расво килди ҳаммаёкни. Энди кўплар жазога тортилади.

Абдулқодирнинг кўркув тўла кўз ўнгидага дор арқони кўриниб, ранги-кути ўчди. Ҳа, айби кўп, ҳалкнинг нонини түя килди, бу давлатта, элга хиёнат. Оқибати шундай бўлишини ўйлаганда, бу ишларга қўл урмасди. Ҳай, созингни чалиб, даврингни суриб юрмайсанми, нодон, сенга амалдорлик на керак эди?!

– Энди нима қиласан?!

– Энди нима қиласардинг, қаландар бўласан? Шахрингни тарк этасан!

Абдулқодир бўшашиб, ўртанди, ўксинди. Уй-жой, болачака, шунча мол-мулк нима бўлади?! Аҳмад Жалойир унинг фикрини ўқигандек:

– Мен борман, чўчима! – деди ва: – Худо бир яхши йўлни кўрсатгунча яширинишга мажбурсан! Бошқа иложи йўқ! – Уй тўридаги кумушранг сандиқни очиб, ундан қизгиш кулоҳ ва хирқани олди. – Уст-бошингни алмаштири, сўнг орқадан чиқиб кет! Худонинг паноҳига топширдим.

Абдулқодир қаландар кийимларини кўлига оларкан худди минглаб тиконлар суқилгандек оғриниб чийралди. Кимсан Абдулқодир қаландар бўлиб, дашту биёбон кезадими энди?! Фалакнинг шу жазоси ҳам бормиди ҳали?!

Кўчадан отлар дупури, одамларнинг гангир-гунгир товушлари эшитилди.

Аҳмад Жалойир хавотир билан кўча томон қаради:

– Бўлакол, олақарғалар Табриздаги уйингга қидириб борган бўлишлари керак, ҳали замон бу ерларга ҳам келиб қолишади.

– Ёрдамингизга мухтожман!

– Гапир!

– Устозим Сафиуддин Абдулмўмин Урмавий жанобларининг «Шархи китоб ул-авдор» асари уйимда, меҳмонхонанинг юқори токчасида, катта шамдон ёнида турибди. Шуни олиб, беркитиб кўйсангиз, мен унга шарҳ ёзмоқчи эдим.

– Жонингни ўйласанг-чи!

– Ўтиниб сўрайман!

– Хавотир олма, майли, Табризга бориб, китобингни оламан ва саклаб кўяман. Ҳозир эса югур, девордан ош-да, тўрт томонинг кибла, хоҳлаган томонингга кет! Бу талотўплар тингач, қайтарсан. Мен сени соғ қайтишингни кутаман!

Абдулқодир эшиқдан чиқа солиб, ғиштин девор ёнида тараддуланиб қолди. Устидаги кийимлари, бошидаги қалпоғи ғалати туюлар, юраги ҳам гўёки ўзиники эмас, наздида, ҳаммага кулги бўладигандек эди. Умрида дарвозадан эмас, девор ошиб қочаман, деб ўйлаганмиди?! Эҳ, Абдулқодир, нима ишлар қилиб кўйдинг?!

Ёмғир томчилай бошлади. Кун ҳам унинг учун кўз ёши тўкаётгандек, барибир тутиб олишади, деган шубҳа, ташвиш эса миясини арралар эди: деворга зинадан осонгина чиккан бўлса, тушишда анча қийналди, арча ёғочларга осилиб тушгунча тирсаклари шилиниб, оёқ пайлари чўзилиб, каттик оғриди, дов-дараҳтлар, бутазор, ундан нари ариқча бўлиб, зилол сув шилдираб оқиб турар, бахтига бу ерлар тинч, осуда эдиким, у буталар оралаб ўтиб, кўлини, юзини ювди-да, сўнг юз метрлар юргач, калин қамишлар орасига кириб, кеч тушишини кутиб турди.

Орадан бир неча хафта ўтди: шамоллар уни сийлади, күёш иситди, ой кечаларини ойдин килди, хонақоҳларда ётди, саҳийларнинг даврасида таом еди, ҳеч бир нарса унга баҳиллик қилмади, факат имонини ўғирлатган юраги безовта, бетоқат эди.

Бу кеча у йўлдаги карвонсаройда тунади. Кечаси ёмғир ёғди, киши-кировли кунлар ҳам якин, иссик кунларда билинмайди, йўл-чўлми, дала-даштми, тўғри келган жойда бир тунни ўтказса бўлар, аммо умрининг бу ёғи қандай кечаркин?! Кечагина улуғ саройни жозибадор қўшиқка тўлдириб турган

кимсан Абдулқодирнинг аҳволи шуми энди?! Ҳали қиладиган ишлари кўп: «Кўйлаш истаклари» деган бир китоб ёзмоқчи, абжад усулида мусиқий асар битмоқни ҳам хотирасида пишишиб юрибди, ўша қунларга етсин ишқилиб.

Тонг уни нохуш қаршилади. Таҳоратхона ичидаги икки нотаниш кимса унга ўқрайиб қаради. Ортидан тушганлармикин?! Тушишган шекилли, бўлмаса, бунака қарашмасди. Бомдод нализидан сўнг қочиш керак, энг яхши йўл шу!

Ёмғир ёғаётган бўлса-да, кун илик эди, у қаландарлар сафиға қўшилиб, ёпиқ аравада йўлга тушганда, «хавф ортда қолди» дея енгил нафас олди, лекин Табризга кираётганда, соликчилар араваларни синчиклаб текширишди, бу нарса уни унчалик ташвишга солмади, соликчилар одамларни суриштиришмайди, дея хотиржам тортди, аммо кутилмаганда, ортидан тушган ўша икки кимса, унинг кўлтиғидан ушлаб, четта бошлади.

– Овозингни чиқарма, Ҳожа! – деди кенг елкалиси.

Абдулқодир қўлга тушганини, энди қочишга уриниш бефойдалигини англааб, қўл-оёғи бўшашди...

Улуғ Амир кенг оппок саройнинг тўридаги ҳарир ва турли қимматбаҳо пардалар билан ўралган зарҳал кўшқда, катта олтин тахтда кўр тўкиб ўтирас, катта бошида қимматбаҳо тошлилар қадалган олтин тож, кенг пешанаси силлик ялтирайди, юзи оч-қизғиши рангда жилоланади, кўзи шамдек ёрқин нур сочади. У жаҳоннинг энг билимдон ва адолатли ҳукмдори, ҳузурига бош уриб келган ҳар қандай ғанимини ҳам кечира оладиган, инсофли, диёнатли зот, Абдулқодир ҳам доврукли нуқдадон хофиз. Наҳотки, шундай амир уни ўлимга буюрса?!

Ўнг ва чап тарафда иккита ховузда тиник фаввора шовуллаб отилар, зилол сувда олтин олмалар сузуб юрар, ховуз ўртасидаги олтин дарахт шохларида темир қушчалар майин хониш қиласиди. Абдулқодир буларни эшитган, лекин кўрмаган эди. «Шундай Улуғ Амир!..» Уни кучли ҳаяжон босди, кутилмаганда ўзини қирмиз гилам устига ташлаб, Қуръони карим сураларини ажиб хониш қилганча эмаклай бошлади. Саййидлар, уламолар, Амир ул-умаро ва бошка саркардалар ҳам хайрон, лекин унинг хониши, дилбар ва жарангдор овози бутун саройда булбул навосидек янграб, юракларни сел қилди.

Улуг Амир ҳам сураларни шу даражада жўшқин куйлай-диган соҳир овоз соҳибини соғинган эди, унинг ҳам юрагига ором кириб, беихтиёр тебранди ва ўзининг Кеш шаҳрини, отаси Мухаммад Тарагайни, онаси Тегина Моҳ бегимни, бевақт кўз юмган амирзода Жаҳонгир Мирзони, суюкли қизи Тогайшохни соғиниб ўртанди. Бу овоз...бу нақадар ноёб овоз! Абдулқодир яхши ҳам қочиб кетган экансан, сени ўлимга маҳкум этиб бўлмайди, ўзингга гўр қазима, Абдулқодир! У сайийдларга, саркардаларга кўз юргутириди. Абдулқодирни уларнинг жукмидан ҳимоя қилиш керак. Лекин қандай қилиб?!

Абдулқодирнинг соҳир овози сарой дарпардаларини ҳам енгил тебратар, ховузда сайраётган темиркушчаларнинг товушлари унинг олдида гарип навога ўхшарди.

Улуг Амирнинг юзида қизғиш нур ўйнаб, кўзлари янада ёрқинроқ порлади. «Топди! Топди! Энди ҳаммани бир кулдирб, бу вазиятдан ўзи ҳам енгил чиқиб кетади, акс ҳолда уни ўлимга буориш керак!»

Улуг Амир мийғида кулиб, жарангдор овозда деди:

– Абдол зи бийм чанг дар мусхаф зад!

Сарой енгил нафас олди.

Улуг Амир сарой ахлининг юзидаги ризолик мамнунликларини кўриб, уларнинг ҳам Абдулқодир тарафида эканликларини билиб, енгил тортди.

Кимдир шеърни такрорлади:

– Қаландар кўркувдан Мусҳафга чанг солди!

Саркардалар енгил кулишди.

Улуг Амир:

– Ҳофиз, туриңг ўрнингиздан! Гуноҳингиздан кечдик! Сиз озодсиз!

Абдулқодир тиззасини букиб, кўлинини кўксига қўйиб, таъзим қилди:

– Жоним сизга садқа, амирим!

Эртаси Абдулқодир Табриздаги уйида хотиржам китоб мутолаа қилиб ўтиради, хаёлида Аҳмад Жалойир жонланаркан, ноёб китобни олиб кетинг, деб унга бехуда айтганини англаб, афсусланаар, асар ёнида бўлганида, ҳозир унга шарҳ ёзишни бошлаб юборган бўларди.

Кутилмаганда икки навкар ва тунд юз амалдор кириб келди. Абдулқодир ранги оқариб, ўрнидан туриб кетаёзди.

– Келинглар, азизлар!

Амалдор унга бошдан-оёқ қаради:

– Хожа Абдулқодир сиз бўласизми?

– Худди шундай, тақсир!

– Бугуноқ шаҳардан чиқиб кетишингиз керак, фармон шундай!

Энди озод бўлдим, деб ўйлаган Абдулқодирнинг яна юраги кақшади.

\* \* \*

Ахмад Жалойир хузурида катта бошини кичик қилди:

– Не дейсиз, устоз? Не килсам, ожиз қалбимни тирик колдирган Улуғ Амирнинг марҳаматига эришаман?!

– Мен ҳам шуни ўйлаб турибман! Улуғ Амир сени жуда яхши кўрар экан, илмингни қадрлашини кўрдинг. Сен давлатга хиёнат қилған эдинг, шунчалик катта айбинтни кечирди, энди нима биландир унинг кўнглини хушнуд қилишинг керак. Ана шунда атрофдагилари олдида унга ҳам сабаб топилади.

– Не килсамикин, устоз, маслаҳат беринг!

– Ўйла, Абдулқодир, ўйла! Улуғ Амир нимани яхши кўради? Балки бирор қўшик яратарсан?!

– Қўшик билан унинг қалбини забт этиш мумкинми?!

– Бир марта забт этдинг-ку! У жуда яхши тушунади мусикани!

– Тўғри, устоз, бир ўйлаб кўрай-чи!

Абдулқодир якинда сотиб олган туясига миниб, ортга қайтди. Ўзи билан ўзи яшади: хаёлот дунёси оралаб учеб юрди, гоҳо юлдузлар билан сўйлашди, гоҳо майсаларга, хайқириб оқаётган дарёга, осмон равокларида сузиб юрган оппоқ булутларга кўкрак дардини ёрди, шамол уни туясига юзма-юз қилди: бу жониворда ҳикмат борлигини билмасди, тия «бор» дегандек узун тумшугини унинг яғринига суркади, ана шунда...ана шунда ажиб ҳолат рўй берди: тия бўйнидаги кўнгироқчалар жиринглаб, яғринида ўт чакнади ва...

Орадан уч ой ўтди.

Карвонсаройда миш-мишлар қанот коқди:

– Улуғ Амир Бағдодга келаётган эмиш!

Абдулкодирнинг ичини ит тирнади, бу ердан чика солиб, темирчининг олдига югурди:

– Менга турли катталиқдаги қўнғироқчалар ясаб берасиз!

– Бош устига, марҳаматли зот! Биз озига барака, қўпига шукр, деймиз!

– Қоғозда уларни чизганман.

– Яшанг, ишимизни осон қилибсиз!

– Тезда битиши керак!

– Хавотир олманг, йигит ваъдаси битта бўлади.

Орадан уч кун ўтиб, яна Аҳмад Жалойирнинг хузурида бош эгди:

– Устоз, мен «Амали тарона» деган ажиб куй яратдим. Сизнинг ёрдамингиз керак.

– Бош устига, ҳофиз! Нима қилишим керак?

– Сиз карвонни ҳозирланг, Улуғ Амирга пешвоз чиқамиз.

– Бу нима деганинг?

– Темирчига буюриб, куй нағмаларини ҳосил қилувчи катта-кичик қўнғироқчалар ясаттирдим. Уларни тартиб билан түяларнинг бўйниларига осаман. Бу бир ажиб куй бўладики, ҳали бунакасини ҳеч бир подшоҳ эшигтан эмас!

– Офарин, ана бу зўр иш бўлибди! Улуғ Амирга муносиб совға!

– Лекин, устоз, хавотирдаман: у зот шунча қилган меҳнатимни сезармикан?

– Унинг сарой бастакори Хожа Абдуллоҳ Лурийни огохлантириб қўямиз! Ҳар холда у бизни тушунади!

– Устоз, қўнглимдаги гапни айтдингиз! У билан албатта маслаҳатлашиш керак!

– Бунисини ҳам менга қўйиб беринг!

Улуғ Амирни кутиб олишга чиқсан оломоннинг сон-саноги йўқ, кари-ёш борки, унинг охиста одимлаётган улкан филларини, уларнинг устидаги бири кизил, бири яшил, яна бири сарик кўшкларни, шамолда ҳилпираётган оппок ҳарир пардаларини ва шу кўшкларда ойдек нур таратиб ўтирган гўзал маликаларни; карвон олдида келаётган мусиқачиларни, самовий

отларнинг йўрға юришларини, мовий дубулға кийганча саф тортган навкарларнинг кўм-кўк дарёдай оқиб келишини, уларнинг эгниларидағи кумушдай ялтираётган довудий совутларни, дамашқ қиличларини қизиқиши билан томоша қилишарди. Улуғ Амирнинг катта уй араваси эса денгизни ёриб келаётган мовий кемага ўхшар, тунд юзли қўриқчилар ҳайкалдек қотиб туришардики, томошага чиккан болакайлар:

– Уни қара, киприк ҳам қоқмас экан! – дея бақиришарди хайратланиб.

Улуғ Амир аравадаги хос хонасида, юшок кўрпачалар устида, яшил лўлаболишга ёнбошлаганча хаёлга ботган, эртанги режалар хаёли билан банд эди. Ногахонда карвон қўнгироқлари майин шабададек қулогига елиб кирди. Жиринг-жиринг, жаранг-жулинг! Бирдан ўнлаб қўнгироқчалар аввал бараварига, сўнг секинлашиб жиринглади.

– Муганийни чакиринг! – Улуғ Амир оёкларини йигиб ўтириди.

Ҳаял ўтмай бош хонанда Хожа Абдуллоҳ пойгакда ўнг тиззасини букиб, тиз чўқди:

– Хизматингизга мунтазирмиз, Амирим!

Улуғ Амир яна ажиб куйга кулок тутди: ҳали бирор марта карвон қўнгироқларининг бу даражада сеҳрли ва ажабтовор, ранг-баранг, гоҳ ўйноки, гоҳ нолали оҳанга янграганини эшигтан эмас. Бу не ҳодиса?

– Амирим, сўзласам майлими?

– Сўзла, муганий!

– Бир бегуноҳни кечирсангиз, бу сирни сизга ошкор этаман!

Улуғ Амир «айт» дегандек имо қилди.

Хожа Абдуллоҳ мамнун жилмайди:

– Амирим, марҳаматингизга сазовор бўлиб, боши осмонга етган Хожа Абдулкодир ўзининг содиклигини изхор этиш илинжида сиз улуғ зотга бағишилаб куй басталабди.

Улуғ Амир яна бир мuddат куйга кулок солди, жиддий нигоҳида, ой ёнокларида ой шуъласи киприк коқди.

– Мен бу куйни раиятга бағишиладим. Мен Яратганинг кули Темурбек сўзим: Хожа Абдулкодирнинг гуноҳларидан бутунлай кечдим. Тавба қилсин ва қайтиб нобакорлар тобогидан харом лукма емасин!

Катта карвон Бағдодда тантана билан кирди, қүёш майсаларни севиб ўпди, майин шабада Абдулқодирнинг кўксини юмшоқ силади.

## ОЛИФТАНИНГ ХОТИНИ

Олифтами анаву?

Ўша! Нима, танимаяпсизми?

Танигандай бўляпман-у, лекин ёнидагини ўхшатолмай турибман. Хотини Насибами?

– Ўша-ўша!

– Огироёқми, дейман?

– Ҳа, охири берибди-да худо. Эсон-омон кутулиб олсин!

– Яна битта олифта кўпайса, олам гулистон!

Иккала кампир пихиллаб қулишди.

Олифта кулди, кулди-ю, бирдан ичидан зил кетди. Эрта-индин ота бўлади, ўшандаям бу кампирлар уни олифта деб чакиришармикин? Шундай дейишлари турган гап. Ўзиям, номини эсдан чиқариб юборишган шекилли! Ортирган экан-да вақтида бўтқа лақабни! Олифталикка бало бормиди! Ҳамма болалар қатори тупрокқа ағанаб юраверса бўлмасмиди?! Бўларди! Лекин отаси... У кишиниям тушуниш керак: ўғлим яхши бўлсин, одобли бўлсин, деб орзу қилган-да! Отаси кўчага олиб чиқиш олдидан сочини ҳўллаб, тараф қўярди. Бора-бора, шу одатга ўрганиб қолди. Отаси: «Қани юр, ўғлим, кўчани айлантириб келаман» дегунча, у тарогини қўлига олар, сочини ҳўллаб тарамагунча жойидан бир қадам ҳам жилмасди. Ким уни олифта деган эди? Онаси! Онаси меҳри товланиб: «Ўғлингиз олифта бўлади», деганди. Кейин бу гапни қўшни қиз Наргиза айтди. У мактабда отнинг қашқасидек маълум эди: оғзига келганини қайтармасди.

Ўшанда арзимас оқ бўрни деб талашиб қолишган эди. «Олифта, башаранг қурсин», деди қиз. Олифтага бу каттиқ таъсир қилди. Аламига чидолмай дафтар - қаламини йиғишириб, сўнг ойнага караб, сочини таради-да, ёқасини тўғирлагач, чиқиб кетди.

– Олифтанинг аразиям олифта, чип-э! – деди Наргиза.

**Гурр кулги бўлди.**

Олифта уч кунгача дарсга келмади. Унинг орияти кучли эди, шунинг учун ҳам қайсарроқ эди: отаси алдади, онаси алдади – бўлмади. «Наргиза мендан кечирим сўрасин», деб туриб олди. Охири бу масала синф мажлисида муҳокама қилинди, битта Олифтани деб илғорлар байроги қўлдан берилганлиги учун Наргиза яхшигина дашном эшлиб олди ва охири мажбуру бўлиб, кечирим сўради.

Олифта бу воқеани ҳали-ҳали қулиб эслайди. Аммо ўшанда аҳмоқлик қилган экан. Ҳеч ким ўша кунгача уни Олифта деган эмас. Шу-шу ўзига лақаб орттириб олди. Кейин, кейин ҳамма уни Олифта деб масхара қилиб юрди...

Олифтанинг онаси – бошига гулдор, оқимтири рўмол ўраган, гундалаккина кампир сувга чиқаётган экан. Уларни кўриб, жуда очилиб кетди.

– Кимларни кўриб турибман, бўйларингдан айланай, – келинининг юзидан чўлп-чўлп ўпди. кейин унинг бўй-бастига, дўппайиб турган қорнига қараб. – Шунинг учун келмай қолган экансизлар-да, – деди жилмайиб. Сўнгра ўғли томон юрди. Багрига босди, юзларидан тўрт-беш марга ўпди.

– Вой, бормисан, ўғлим, соғинтириб юбординг-ку, – деди ўпкалагандай бўлиб.

**Олифта олифталик қилди:**

- Шу-да, энни момой, ойда-йилда бўлсаям кеп турибмиз-ку.
- Минг қатла шукр, болам, омон бўлсанглар бас!

**Олифта яна юқоридан келди:**

– Келинингизди ой-куни яқинлашувди, юр деб, қабатимга олиб келавердим. Фарзандди ота юртда тутгилгани яхши.  
– Яхши қилибсан, ўғлим!

Отаси уни бағрига босаркан: – Бу ишинг менга маъкул, – деди мамнун бўлиб.

**Олифта индамади. Лекин ўтган йилги гап...**

Олифта яхши кўриб уйлангани йўқ. Отаси айтган эди, фалончининг қизи Насиба қандай деб? У нимаям дерди. Уялди. Индамай кўя колди. Чол-кампир сукунти розилик аломати билишиб, тўйни бошлаб юборишиди. Кўзимиз очиқлигига уйлантириб хотиржам бўлайлик, дейишиди. Лекин Олифта бари-

бир олифталигига борди: уч-тўрт ойда бир келадиган бўлди. Келарди-ю кетарди. Онаям, отаям, хотин ҳам унинг ҳидига тўймай колишарди. Шу йўсинда уч йил ўтди. Келиннинг бўйида бўлавермагач, ота-она ташвишга тушишди. Бунакада бир кор хол рўй бериши аниқ эди. Шахарда минг турли киз бор. Биттаси йўлдан урса борми, додларини кимга айтишади. Караган чоғларида бир балони орттиришмасайди ишқилиб?!

Олифта бир гал уйга келганида отаси ёнига чакирди:

– Бу юришларинг менга маъқул бўлмаяпти, ўғлим! Нима бўлди?

Олифтанинг кирра бурни ёнидаги кора хол беўхшов титради.

Отаси оёғини силтади:

– Ё ундан совидингми, ўғлим?

– Йўқ, ота!

Отаси эзмалик килиб ўтиrmади. Факат кетадиган куни яна ёнига чакириб:

– Келинни олиб кет, ўғлим, вакт ўтмасин, фарзандли бўлишинг керак. Кўзим очиклигига менам невара кўтарай, – деди ва кетмонини олиб, боғнинг тўрига кетди.

Олифта бир нарсадан ҳадиксиради: хотинини шаҳарга олиб кетса, қандай бокади? Ўзини зўрга эплаб юрибди-ю! Бунинг устига жой муаммосиям бор. Ижара ҳаки-чи? Эҳ-хе, бош қотиб кетади буларни ўйлайверсанг! Кейин хотини ўқимаган, ўқиган бўлгандаям бошқа гап эди, бирор иш-пишга жойлаб қўярди. Ҳеч бўлмагандана, ейдиган нонини топиб турарди.

Ҳадеганда бир карорга келолмай турган Олифтага онаси далда берди:

– Биз ҳам қараб турмасмиз, болам, пул-мулдан кўпроқ юборамиз. Кўркма, икки йил ўтади-кетади. Икки йил киймасам, киймасман. Ҳеч нарса қилмайди. Биз не қийинчиликларни кўрмаганмиз. Яхши йигит хотинини ташлаб қўймайди.

Олифтага мана шунақа олифта гаплар наша қилади. У эриб кетди:

– Бўпти, олиб кетаман, она, – деди бошини тик кўтариб.

Худо инсонга ҳамма нарсани ўлчаб берган.

Шаҳарда Олифта унчалик сарсон бўлмади. Ётоқхонада турдиган ўртоғи ижара уй олган экан, раҳми келдими шекилли,

хонадон эгасининг розилигини олиб, уйни уларга колдириди-да, ўзи ётоқхонага чиқиб кетди. Ижараби – инсофли кампир экан: «Кўнглингдан чиқарганингни бериб турарсан, иссиқ-совугимга қарашиб турсангизлар бас», деди. Олифтага шу ке-рак эди, оғзи қулогига етди.

Эртаси дарсдан қайтганда, хотини бир даста пул тутқазди. Олифтанинг энсаси котди.

– Пулни қаердан олдинг? Ким берди? – деб сўради бўғрикиб.

Курбақани боссанг вақ, дейди, Олифтанинг хотини эса вақ дейишини ҳам билмасди! Бошқа хотин бўлгандами...

– Вой, сизни, – деди ерга қараб, – қоқманики бу пул.

Олифта ҳали шаштидан тушган эмасди.

– Қоқманики?! – деди ўшқириб.

– Кампир сотиб бердилар.

Олифта ҳавоси чиқкан пуфакдек бўшашиб деди:

– Бундан кейин, хотинча, мандан бесўрок бунақа номаъ-кулчилик қилма. Эшитдингми?

– Хўп, – деди хотини ва чой дамлагани ошхонага кирди.

Эл ҳамманиям Олифта демайди. Йигитларнинг хўрозини олифта дейди. Ана шундай чиройли йигит бўлгандан кейин хотиниям обрўсига яраша бўлиши керак-да!

Эртаси яна Олифтанинг фифони фалакка чиқди. Ўқишдан келса, хотини уч-тўрт аёлни ёнига йигиб ўтириби.

– Ҳей, менга қара! – деди хотинлар кеттагач. – Она хотин бўлдингми? Нима девдим сенга! Кечаги гапларим қаёққа кетди?

Хотини бўйнини эгди.

– Кўр каламушга ўхшаб, нега чандир бўйнингни эгасан?

Кўтар-э каллангни! Ҳе ўргилдим сендан!

Хотинининг юпка лаблари пирпиради:

– Ман... ман яхши бўлади деб... кўйлак опкелишган эди, ти-киб бердим. Мана пули. Кечиринг, энди тикмайман.

Кампир ичкарига бош сукди:

– Ҳай, келдингми, болам? Бўйларингдан онанг ўргилсин!

Зап келиним бор экан-да, мошинам энди чанг босиб ётмайди. Кўли дард кўрмасин, илойим. Менга бир кўйлак тикиб бердики, ёшариб кетдим!.. Чиқақолинглар, болаларим, чой тайёр.

Овқат кўпчилик минан ширин, айланайлар!

Олифта кийимларини алмаштирди. Хотини нима қиласини билмай серрайиб турарди.

— Пулингни олиб қўй, — деди олифта.

Кечаси ётар пайтида яна бир гап айтди:

— Майли хотин, бичиш-тикиш қиласвер. Лекин, билиб қўй, фақат яхши хотинларникини тикиб бергин.

Орадан йигирма кунми, бир ойми, аллақанча вакт ўтди.

Бир куни хотини уни жуда хушчакчак кутиб олди. Олифта «бир гап бор-ов!», деди ўзича.

Хотини янги костюм-шим, кўйлакни унинг олдига қўйди:

— Токқа қараб кийинг-чи!

Кийди. Лоппа-лойиқ. Яна чет элники. Унча-мунчага топилмайдиган хилидан.

— Савдогар хотинга олтита кўйлак тикиб берувдим, шуни келтириб берди.

Олифтанинг меҳри товланиб кетди. Хотини зўр! Зўр хотини бор! Лекин сир бой бермади. Хотинга ҳадеб тишингни окини кўрсатаверсанг ҳам бўлмайди: мияси суюлиб, ўзидан кетади.

Эртасига Олифта ясаниб ўкишга борди.

Шаддод кизлар уни ўраб олишди.

— О, куёв бола бўп қолибсиз-у! Жа зўр-ку!

— Вой-бўй, шкарни бўп кетибсиз! Тинчликми?

Олифта сўйлок тишларини кўрсатиб илжайди:

— Хотин падарка қилди!

Қизлардан бири пик этиб қулди:

— Хотин ҳам падарка қиларканми?!

Олифта уни жеркиб ташлади:

— Олиб берди-да! Нима энди, шунгаям қилдан қийик ахтариш керакми?

Шундан кейин... э, бу аёл зоти бор-ки, киз зоти бор-ки, бир гапни эшитса, тагига етмагунча тинчимайди. Шу кундан бошлаб, ўтиrsa ҳам, турса ҳам, хотинини сўраб-суринтирадиган бўлишди. Олифта мижговланишни ёмон кўради: айтди қўйди. Ҳаммаси унга ёпишиб олса бўладими? Ё худо! Нимага айта колди?! Хотини бу эчкиларга қўшилса, издан чиқиб кетмайдими! Ундей деди — бўлмади, бундай деди, жон-холига қўйишмади ва охири хотинини таништириди уларга. Хо,

кизларжон-а, қизларжон! Шумтакалар тезда тил топишиб, хар хафта, ўн кунда келиб турадиган бўлишди ва ҳатто бир бозор куни Олифтанинг бошини айлантириб, рухсат паттасини олиб, уни шаҳар айлантиришга олиб кетишди.

Олифта анчагача хавотирланиб ўтирди, ҳатто рухсат берганига пушаймон бўлди. Кейин туриб-туриб, ўзига ҳай берди: аёлни – аёл тушунади, қизни – қиз! Ёмон йўлга бошлашмайди, хар қалай!

Уч-тўрт соатдан кейин қизлар келиб, хотинини «топшириб» кетишди. Олифта назар солди: хотинининг юзи окарган, силликлангандек эди.

– Қаерларни овладинглар?

Хотини жилмайди ва кўлини кўрсатди:

– Қизлар қўйишмади.

Олифта шундагина сезди: шаддод қизлар уни пардоз-андозга олиб боришган: хогинининг оппоққина кўлларига эътибор билан каради, кечагина бу кўллар ғўза ниҳоли рангида кўм-кўк эди, караб бўлмасди, қарасанг юрагинг орқангга тортиб кетарди, кечагина шу бармоқлар тилинавериб ярага айланган эди, баданингга тегса, этингни жимирлатиб юборар эди. Қаралса, пардоз-андоз қилинса, аёлнинг қўлига ўхшар экан! Аёлнинг қўли...

Олифта ҳомузга тортиди ва ўз ўйларидан хурсанд бўлиб, беихтиёр жилмаяркан:

– Яхши, – деди.

Хотинининг нигохидаги кўркув сояси ўрнини қувонч нурлари эгаллади.

Шу-шу хотини тоҳ-тоҳида қизлар билан шаҳар айланадиган бўлди ва қундан-кунга тўлишиб, очилиб борди. Лекин бир сафар кўчадан жуда хафа қайтди.

– Ҳа, нима гап? – сўради Олифта хавотирланиб.

– Женски дўхтир касалсан деди, – хотини кафти билан кўзидаги ёшни артди.

– Даволайман дедими? – сўради Олифта пешанасини тириштириб.

– Ҳа.

– Ундей бўлса, кўз ёши ортиқча! Бунака юмшок бўлма! Инсонмиз! Худонинг бандаси! Иссик тан! Касалам бўламиз,

тузаламизам! Кўй, хафа бўлма! Керак бўлса, ўзим сени даволаттираман. Бизга ҳам фарзанд керак.

Олифта сўз берса, бажармасдан кўймасди: айтганини килди, хотинини катта-катта дўхтирларга кўрсатди. Калиш кийиб, нам, зах ерларда – далада юравериб, хотини ўзини анча олдирган экан. Соғайгандан сўнг янада тўлишиб, очила бордики, бора-бора Олифта унга тикилиб, тўймайдиган бўлиб қолди.

...Отаси келиб ёнига ўтирди. Олифта сергакланди.

– Нега келмай кўйдинг, ўғлим?

– Ўқишиң қийин, ота! Кейин йўл пули ҳам...

– Онанг кў-ўп хавотир олди-да, ўғлим! Хат-пат ҳам ёзмадинг!

Олифта қизарди. Хат ёзсаям бўларди! Калла эмас бу, ошқовок!

– Келинни ташлаб кетасамми, ўғлим?

– Кўзи ёригунча кетмайман, ота.

– Ўқишиңг-чи? Ўқишиңг нима бўлади?

– Эгзаминаларни досрочни топширганман!

– Ҳа-а, ана энди аклинг кирибди, ўғлим: хотинни эъзозланган хор бўлмайди, – деди отаси гавдасини кўтариб, кейин хотинига товуш қилди: – Ўғлинг кўпга келибди, онаси, хавотир олма!

Олифта мийигида кулиб қўйди.

### АНАТОЛЬНИНГ ОТАСИГА РАҲМАТ

Шеригимни эшитиб, хотининг кўзларидаги тонг ўрнини тун эгаллади.

– Келиб-келиб, ўша Гажур билан шиферга боряпсизми? Ишингиз битса, берди худо, битмаса...

Мен унинг гапини ҳазилга бурдим:

– Битмаса, урди хотин!

– Сизга нуқул ҳазил бўлса! – у кўлидаги челякни кўтариб оғилхона томон кетди. Сут соғадиган пайт бўлди. Вактида соғиб олмаса, сигирнинг боласи эмиб қўйиши мумкин. Унда бола-чақанинг ризки қийилади.

Бироздан сүнг күчадан Гажур аканинг хириллаган овози эшитилди:

– Бу қайси бедавонинг иши? Ҳай-ҳай, бу нимаси-а?!

Нима гап? Бирор билан яна тортишиб қолдими?! Ташқари чиқдим. Гажур ака чиқинди ёнида турар, кўлида чанг босган қалин китоб. У мени кўриб, баттар тутақди:

– Қаранг-а, уйингизнинг олдида, нак бурнингизнинг остида шундай ажойиб асар... Ҳалигидақа... хароб бўп ётса-я! Қаёққа карайпизлар ўзи?!

– Битта-яримта ақли ноқиснинг иши бўлса керак-да! – дедим «мендан ва болаларимдан кўрманг» деган хаёлда.

– Одам деганда ақл бор-ку! – баттар тутақди у. – Бош нега берилган? Бўйинда кўтариб юриш учунми ёки... шунака расво ишлар килиш учунми?! Бу бедаволарга қачон ақл киради ўзи?!

Гап-сўзимизни хотин эшиитмасин деб юпатишга ҷоғландим:

– Бедаволарга гап уктириб бўладими, ака! Қўйинг, бехудага ўзингизни қийнаманг!

– Сиз бунақа деманг, сира бунақа деманг! – кўлини пахса килди у. – Уларга бепарво бўлсангиз, ҳамма нарсани расво қилишади.

Бу гапдан энсам котиб, индамай қўя колдим.

Кун кизий бошлади. Марказга салқинда етиб олиш керак, иккинчи томони, гап-сўзни кўпайтирмасдан бу ердан тезрок жилган маъқул.

Гажур ака жавраганча ортимдан йўлга тушди. Жавраса жаврайверсин: тил, оғиз уники, чарчаса, ўзига қийин. Битта китобни деб, асабни шунчалик бузиш шартми?! Китоб «жинниси»... қизик одамлар бор-а!

Унинг китобга ўчлигини бутун қишлоқ билади. Уйида ҳам аллақанча китоби бор. Асар муаллифларини, қаҳрамонларини, ҳатто кичик-кичик воқеаларни ҳам кечаги тушидай тез эслайди. Валломат одам. Қўшнимиз Исмат фермернинг гали билан айтадиган бўлсак, «калласи нак компьютернинг ўзи». Билмаган нарсаси, қилмаган иши йўқ. Даласида ҳам кутубхона ташкил килган. Тўрт йил олдин кирқ гектар ер олиб, фермерликни ташкил этиб, 37 одамни иш билан таъминлади. Қишлоқда: «Китоб ўқимайдиган одамни Гажур ака ишга олмайди», деган гаплар ҳам

таркалган эди. Буни эшитган битта-иккита хангоматалабарнинг уни мазах қилишганини ҳам эшитганман. Лекин шийпонга бо-риб, кутубхонасини кўриб, унга тан бердим. Нак музей дейсиз: бирор гард йўқ, поллар ойнадай яраклади, кўпдан-кўп жавонларда китоблар дид билан қаторлаштириб терилган. Атлас кийган кизча қўлидаги латта билан китобларни артиб юради.

«Ишлар яхшими?» – сўрадим ундан. «Яхши!» – дея ийманиб жавоб килди у. «Ойлик етарлими?!» «Етарли, ака!» – унинг мамнун охангидан англадимки, маоши, иши уни қониктиради. Хозир сарик чақага ишлайдиган ахмок йўқ.

Яна шуни биламанки, Гажур ака кўл остидагиларни китоб ўқийсанми– йўқми деб сира қийнамайди. Бу ердаги мухитнинг ўзи шунаقا: китобни севмайдиган киши келиб қолса, орадан кўп ўтмай китобхонга айланади.

Унинг яна битта яхши одати бор: тонг сахарда дала бошига келиб, ишга келаётгандарни бир-бир кўз остидан ўтказади ва улардан кайси бири сал ғамгин кўринса, чакириб олиб, ҳолахволини сўрайди. Агар уйида нотинчлик бўлса, кечкурун ишдан сўнг хабар олади, ўша кундаги озиқ-овкатини етказиб беради. Бирор нарсага муҳтожлигини сезса, қўлидан келган ёрдамини аямайди. Тўй килишса, ёғини ё гуручини кўтаради. Ўлим-нетим бўлиб қолса, дархол етиб бориб, азадорлар ёнида туради. Шундай одамнинг дала ишлари қай даражада дея сўрарсиз: тўрт йилдирки, белгиланган режалар ортиги билан... бу ўринда гапни қўпиртираётганимиз йўқ, йўлингиз тушса, ўзингиз келиб кўринг, ижобий хислатларнинг гувохи бўласиз: катъий тартибга ўрганган инчилар ҳар бир ишни меъёрига етказиб бажаришади. Қайси далага канча ўғит, канча сув керак? Ҳаммаси олдиндан белгилаб, ҳисоб-китоб қилинган... Гажур аканинг ўзи ҳам караб турмайди, иш кийимларини кийиб, тандирдай кизиб турган далада кетмон чопади, эгатларга сув тарайди, керак бўлса, тракторни ҳам ўзи бошкаради.

Курилиш базаси ёнига етиб келганимизда, у ҳалигача шаштидан тушмаган, ҳамон чикинди ичидан топиб олган китоб ҳақида жаврамоқда эди:

– Китобни олибсан, ўқибсан, номард, чикиндига ташлаганнинг нимаси?! Ҳай, худодан кўркмаган ношукур!

Үнга караб ичим ачыйди. Үндан күра, шиферни ўйласа бўлмайдими?! Иккимиз ҳам баҳорда пойdevor ташлаб, ўй куришни бошлаб юборган эдик: девор кўтарили, тахталар қокилди, шиферга келганда эса ўзимиз «қокилдик». Икки ойдан бўён базага қатнаймиз, ана келади, мана келади билан шифердан дарак йўк, куз ҳам кириб келди, ҳадемай кор-қировли кунлар ҳам бошланиб колса, додимизни кимга айтамиз?!

Кора ойнали уйчадан шоп мўйловли, фўндалак коровул чиқди.

– Шифер келмади, бирров телпон кип қўйсайла бўларкан! Овора бўпсизлар-да яна!

– Уф! – дедим мен. – Қачон келади? Келадими ўзи?!

– Ке-ла-ди, албатта, келади, хотиржам бўлинг! – Мени ишонтиришга уринди коровул. – Пакат документла тўғри бўлмаётган экан. Баччагар... нафси катталар ҳам бор-да. Атанин тўғаноқ бўлишади!

Гажур ака бошини чайкади:

– Ов, коровул ака, бошлиғингиз қанақа латта одам?! Рас эпломас экан, бизга айтмайдими?! Бизни шерик қип борсин ўша шипер заводига! Директори китоп-питоп ўқир ахир! Тилини топар эдик ўшанинг!

Мен индамадим.

Гажур ака яна жавради:

– Далада иш кўп-да! Далада!... Иш қайнайди, бошдан ошиб ётиби, бўлмаса, ўзим Тошкан тушиб, шарт бир вагонини келтириар эдим.

Иккаламиз бозорга кирдик, марказга тушдик, болалар қўлга карайди, майда-чуйда олиш керак.

Кимдир:

– Садир? – дея чакирди.

Ортимга карадим: бошида оҳори тўкилмаган янги дўппи кийган, жигарранг костюм-шимли, озғин киши мен томон халлослаб келаётган эди.

– Танимадингиз, шекилли?! – деди у кела солиб мен билан қўшқўллаб кўришаркан. – Карим акаман, касалхонада бирга ётган эдик.

Эсимга тушди: бурноги йили юракнинг мазаси қочиб, касалхонага тушганимда, учратган эдим. Уни кўпинча бир кишилик кўшни палатада ётиб олиб китоб ўқиётган ҳолатда кўрардим. Мен ундан иккита китоб сўраб олдим. Китоблар бир-икки кун столим тортмасида ётди. Фурсатини топиб ўқийман деган эдим. Учинчи куни китобларини сўраб келди. Қизганчик экан, дея ундан хафа бўлдим ва ўша заҳоти китобларини қайтариб бердим. Уч-тўрт кундан кейин у касалхонадан чиқиб кетди. Ўшандан буён уни кўрмаган эдим.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз? Танидим, Карим ака! – дедим ўзимни оқлаган бўлиб. – Яхшимисиз?

Карим ака мен билан сўрашаркан, Гажур аканинг кўлидаги китобга кўзи тушиб, афти буришди:

– Китобни расво қипсиз-ку, биродар!

Кулгим кистади. Карим ака ҳам Гажур акага ўхшаб китоб «жинниси»га ўхшайди. Ҳозир роса қизик гаплар бўлса керагов. Кулоғимни динг қилиб, уларга тутдим.

Гажур ака китобни силади:

– Буни чиқиндининг ичидан топдик, биродар!

Карим аканинг кўzlари ўйнаб кетди:

– Қайси bemaza ташлабди!

Мийигимда кулдим. «Ўхшатмаса, учратмас!» Буларнинг гаплари ҳам бир хил: биттаси «бедаво» дейди, иккинчиси «бемаза». Топганини карант!

Карим ака китобга кўл узатди:

– Кимнинг китоби экан?

Гажур ака худди ёш боладек кизганиб, китобни ёнига яширди:

– «Уч мушкетёр» экан.

– Сиз уни нима киласиз? Бир ўқиб ташлаб юборасиз. Бунга муқова қилиш керак. Йўқолган варакларини компьютерда териб тиклаш керак.

– Бе, нима деяпсиз?! – Қош қайирди шеригим. – Уйга борган заҳоти бунга муқова киламан. Ўқиб чикқач, даладаги кутубхонамга кўяман.

– Далада ишлайдиган одамлар китоб ўқийдими? Чарчаб келиб ухлаб қолишади-ку!

– Бизниkilар унақа эмас! – бошини сарак-сарак қилди Гажур ака. – Шунака китобларни ўқишганки... ишонмасангиз, бир кун даламга ўтинг!

Карим ака Гажур аканинг қўлтиғидан олди:

- Китобларингиз кўпми?
- Жуда кўп.

– Бариси эски бўлса керак-да?! Далада ишловчилар қўлларининг кирлари билан... а.. ушлаб, расво қилишмайдими?!

Гажур ака хохолаб қулди:

- Балки уларни эшакка тескари минишади, деб ўйларсиз?!

Кулгим қистади. Боз устига. Гажур аканинг хохолаб кулишини биринчи марта кўришим, ажиб кулар экан, гапи ҳам жуда илмоқли. Китоб ўқиган-да. Уста одам.

Карим ака дув қизарди:

- Қўйсангиз-чи?! Жинниманми шундай деб ўйлайман.

Сўрадим-кўйдим-да!

Биз хайр-хўшлашиб кетмокчи эдик, Карим ака уйга борамиз, деб ёпишиб олди. Бундай одамларни тушунса бўлади: дилига яқин киши топилди дегунча ўзларини қўярга жой тополмай коладилар. Баъзан бир баҳона-ю сабаб билан уларнинг кўплари ҳатто ака-ука тутиниб кетишади. Мен «нима қилдик?» деган савол назари билан Гажур акага қарадим. У Карим акага эргашди. Демак, рози. Бошқа жойга деса, ўлигини сургаб бориб бўлмасди.

Гурунг-гурунг билан Карим аканинг уйига бордик. Топган туттанини олдимизга кўйди. Лекин Гажур акамизнинг кўзи аланг-жаланг бўлиб турди, уни таом эмас, кўпроқ Карим аканинг китоблари қизиқтираётгани аниқ эди. Нихоят, у тараддувланиб сўради:

- Сизда том-помлар борми?

– Бор.

– Қанакалари бор?

– Алишер Навоий, Анатоль Франс, Самеюл Смайлс, Ойбек, Жек Лондон, Теодор Драйзер... Шулар! А, сизда ҳам том-помлар борми?

Беихтиёр яна кулгим қистади. Буларнинг гапларини четдан кузатган кишининг энсаси қотади. Ҳатто «иккисининг ҳам томи кетган» деб ўйлашлари мумкин.

– Бор! Бизда том-помларнинг зўрлари бор! – деди Гажур ака димогини кўтариб.

Карим ака унга яқинроқ сурилди:

– Қанакалари бор?

– Менда сизда йўклари ҳам бор. Масалан, Ричард Стил, Франсуа Рабле, Жозеф Киплинг, Дени Дидро, Абул Фараж ҳам бор.

Карим аканинг кўзлари пирпиради:

– Зўр-у!

Гажур ака гавдасини кўтарди. Унинг мағрур қарашларида «сиздан зўр эканманми?» деган маънони укиш мумкин эди.

Карим ака:

– Менга Анатоль Франсни сотмайсизми? – деб сўради.

Гажур аканинг ингичка кошлари чаён думидек хунук кайрилди:

– Мен ҳеч қачон китоб сотмайман!

– Хўп дея қолинг!

Мен тараддуланиб гапга қўшилдим:

– Карим ака, агар шифер топиб берсангиз рози бўладилар!

Гажур ака мени силтаб ташлади:

– Шифер топиб берсалар ҳам сотмайман!

– Менда шифер бор! – деди Карим ака қувониб.

Мен Гажур акага карадим:

– Хўп десангиз-чи?

– Йўк, хўп демайман! – қовогини уйди у.

Хотинимнинг: «Зап одам билан боряпсиз, ишингиз битмайди», деган гапи эсимга тушиб, баттар жигибийрон бўлдим.

– Ака, хўп десангиз-чи?! Иш битиб турганда, ёёқ тирашингиз нимаси? Қанақа одамсиз?! – дедим какшаб-қалтираб.

У менга совук каради:

– Ҳар қалай, фаришта эмасман!

Кўнглим чўғдек қизиди. Бу қанақа одам ўзи? Ҳозиргина ўламан саттор, шифер керак, деб турганди. Энди бу нимаси?

Унинг жавобини зшлиб, Карим аканинг афти буришди.

Анатоль Франсни қўлга киритмагунча тинчимаслиги аникка ўхшаб турарди. У бизни кутубхонасига олиб киаркан:

– Мана, кўринг, хоҳлаганингизга алмаштираман! – деб жовдиради.

Гажур ака кенг кутубхонага, жавондаги китобларга бир-бир кўз югуртириб чиқди.

– Яхши-и! Жуда зўр! Ихм, кутубхонамиз деярли ўхшаш экан! – деди жиддий ҳолатда. – Ҳаммасини ўқиганмисиз? – сўради кейин.

– Ўқиганман! Мен буларнинг ҳаммасидан дарсда фойдаланман!

Уларга қараб турарканман, кўз олдимда хотинимнинг буриштан қиёфаси гавдаланиб, қулоқларим остида унинг: «Яна куруқ келдингизми?» дея жавраган овози эштилиб, юрагим кисилаёзди. Ишқилиб, ишимни ўнглагин, деб яна худога нола килдим ва шу орада Гажур акага вакт кеч бўлаётганини эслатдим.

Карим ака тараддулланди:

– Хўш, нима қилдик?

– Нимани?! – деди Гажур ака бепарво охангда.

«Э худо, – дедим ичимда, – шу Гажур, гапга кўнмас бандангга инсоф бер!»

Карим ака унинг қўлтиғидан олди:

– Анатоль Франсни-да!

Гажур ака:

– Айтдим-ку! – деди яна бепарво охангда.

– Бирон йўли бордир! – дея гапга кўшилдим.

– Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг йўли бор! – деди Карим ака бироз ҳовлиқиброк.

Гажур ака елка қисди. Бу унинг «мен билмадим» деганими ёки «бўлмайди» дея ишора қилганими?!

Карим ака Гажур акага юзланди:

– Бўлти, ман шиферни сизларга сотаман, сиз эса Анатоль Франсни вактинча бериб турасиз!

– Энг яхши таклиф! – дедим мен Гажур ака айниб колмасин деган хавотирда.

– Сизда қанча шифер бор? – сўради у.

– Нимайди? – Карим аканинг диккати ошди.

– Шиферингиз шеригимга ҳам етса, розиман!

– Қанча шифер керак сизларга?

– Саксон бештадан! – дея шарт жавоб қилдим мен.

Карим ака яйраб кулди:

– Иккалаларингга бемалол ётади, ортиб ҳам колади: менда икки юзта шифер бор!

– Хайрият! Худога шукр! – Мен енгил нафас олдим.

Гажур ака менга юзланди:

– Сиз юзта оласизми?

– Берсалар, оламан! – дедим ҳовликиб.

– Мен ҳам юзтасини оламан! – деди Гажур ака жилмайиб ва Карим акага қўл ташлади. – Розимисиз?

– Розиман!

– Эртага машина билан келиб, олиб кетамиз!

Кўчага чиқдик. Мен Гажур акага касалхонадаги воқеани гапириб бердим ва Карим акани ўта хасис одам экан, деб ўйлаганимни яширмадим.

Гажур ака кулдилар.

– Китобсеварлар ёмон одамлар эмас! Қалбларини англаш учун уларга йўлдош бўлиб кўриш керак!

Бу мен учун янги гап эди. Энди хотиним гиринг деса, оғзига боплаб ураман. Шунча илм олиб, ўқиб-ўрганиб, шу гап ёдга келмаганига ҳайронман.

## ЧУЛИ ПОЛВОН

Шудринг тушиб сарғайган майсаларни авайлаб босиб, зилол сув тўлиб оқаётган ариқдан енгилгина ҳатлаб ўтдим: сув шунчалик зилол ва тиники, жимиirlаб оқиши хаёлни олади, кузда сувлар тиникиб оқади, нега, дейсиз-у, саволга жавоб то-пишдан кўра, унинг майин тўлқинлардек фусункор жимиirlа-шига ютоказиз, ташна юрак роҳатни ихтиёр ётади, кўйиб берсалар, шу лахзада ҳовучлаб-ҳовучлаб, ташналигин-гизни қондиришдан ҳам тоймайсиз, аммо яна беихтиёр болалик дамларингиз, дўппингизга сув тўлдириб ичган қуёшли, эҳтиросли онларингиз эсга тушиб, энтикасиз. О, у дамлар, бир тушдай ўтди-кетди.

Куёш эриниб кўз очган келинчакка ўхшайди: юзи хирароқ, узокдан отлар дупури эшитилади, олмалар тўпиллаб ерга тушиди, хушбўй ҳиди димокка урилиб, яна беихтиёр энтикасиз.

Бошига чуст дўппи, эгнига тупроқранг желак кийган қария новвотранг олмани қўлига олади:

— Айтишларича, Чўли полвон эрталаб олма тановул килишни хуш кўтар экан!

— Чўли полвон, дейсизми? У ким? — сўрайман қизиқиш билан.

— Чўли полвонми? Пудина қишлоғида шундай полвон ўтган. Елкаси ерга тегмаган! — Қариянинг пешанаси тиришиб, қисик кўзлари маъюс тортади. — Бу жуда қайғули қисмат, болам!

— Шунчаликми?

— Сўрама, болам!

Кўёшнинг кучсиз нурлари, сарғайган майсалар, қариянинг ҳасратли сўзлари юрагимдаги қайнок тафтни бир ҷелак совук сув куйгандек музлатади: инсон ғалати, туйғуларининг кули. Бу қандай ҳасрат эканки, қария шунчалик қўйиняпти?

— Сизга гапириб бераман, ўғлим! Юрагимни бўшатиб олмасам, тинчимайман!

Пичан ғарами ёнидаги чоғроққина чайлага етдик. Ўнг томондаги тош ўчокда қумғон қайнаб турибди. Алвонранг кўйлак кийган ўн ёшлардаги қизча олмазор четидаги кўйларни ҳайдаш билан овора.

— Бобо, — деди у пахмоқ сочли болага ишора қилиб. — Ана уни қаранг, яна кўйларини олмазоримизга ҳайдабди.

Қария ё унинг гапига эътибор бермади, ё хаёли билан банд эди. Олдинма-кетин чайлага кирдик. Тол ва қамишдан тикланган чайла ичиди иккита қурок кўрпача тўшалган, ўртада тик дастурхон, олма ва нон ҳиди димогимга урилди. Бир лаҳзадан сўнг қизча чой дамлаб келди. Яқин орадаги полизда ковун тарсиллаб ёрилди. Қовун қиёмга етган лаҳзалар. «Қовун есанг, эрта е...» Мен шу ўй куршовида қарияга қарадим. У менга чой куйиб узатди:

— Олинг, меҳмон! Чўли полвон ҳам шундай чайлаларда чой ичган!

— Чўли полвон! Унга нима бўлган?

— «Ичингдаги оладан кўрк» дейдилар, болам! Майли, эши-тинг ҳасратли қўшигимни!

Қариянинг овози олислардан ҳасратли қўшиқни бошлаб келди: дўмбира ва чанковуз оҳанглари, полвонларнинг пишиллаб нафас олишлари, даврадаги одамларнинг кийкириклари – ҳазин оҳанг билан юрак кенгликларига кириб кетди, гўё ёмғир эзиз ёғади, эзиз-эзиз; намлик ортиб боради, томлардан чакка ўтади, ҳатто қўнгиллар ҳам нам тортади.

Оломон тўла кенг давра кичик кулдек чайқалади, хайкириклар дараҳт шохларидаги күшларнинг ўтакасини ёради. Қочинглар, қочинглар, ҳасратли қўшик бошланаяпти.

Кураш якунига етмокда.

Озорлик Амид полвон давра айланади. Бугун у Пудина-да ҳам бутун дунёдан келган полвонларнинг елкасини ерга қапиштириди. Мисрлик, эронлик, дамашқлик, румлик, балхлик полвонларнинг дами ичига тушиб, сувга тушган мушукдек жимгина ўтиришибди.

Баковул, овозинг бунчалар йўғон!

– Озорлик Амид полвонга талабгор борми!

Давра нафасини ичига ютади. Наҳотки, бу юртда унга тенг келадиган полвон бўлмаса! Эй, Пудина, наҳотки бирор мард ўғлинг йўқ!

Амид полвон улкан айиқдек кўкрак кериб, даврага кўз югуртиради.

Якин орадан ит ҳуради, от безовта кишинайди.

– Талабгор борми?

Киличдек ялтираб турган Чўли дадил қадам билан даврага чиқди. Оломон увлаб юборди. Амид полвон қайда-ю, но-расида гўдак қайда! Бир мушт билан нариги дунёга равона бўлади-ю, бечора!

Олдиндаги қаторда ўтирган оқ қош кария ёнидаги чўкки соқол шеригини туртади:

– Бу гўдак нимани ўйлаяпти? Бизни шарманда-ю шармисор қилмоқчими?

– Пудинамнинг обрўсини ерга урса, ўзим чиқаман, жўра!

Афғон подшосининг олакўз полвони қашкирлардек тиширайди. Гўёки кум ғижирлаб, тишингиз зириллаб кетади.

Давра айланаётган Чўли полвоннинг атрофида ҳасратли кўшиқ гирдоб ясайди. Буни хеч ким кўрмайди, сезмайди. Мўйлаби эндиғина сабза урган, қулча юзлари силлиқ, тирсак кош ўсмир нафис лабларини қимтиб, рақибиға кўз тикади. Унинг ожиз жойи қаерда? Қандай қилиб уни маҳв этиш мумкин?

Оломоннинг нафаси ичига тушиб, чор-атрофда сукунат хукмронликни ўрнатади.

Амид полвон мийигида кулади. Бола-ку бу! Бир кўлда ерга қапиштиради уни.

Чор-атрофни исирик хиди тутади. Бир гала оккушлар давра узра айланиб учади. Күёш ёник чараклайди.

Чўли полвоннинг кўзлари давра ўртасида кўр тўкиб ўтирган бўйни йўғон кишига – устозига қадалади. У зот унга ўн йил сабоқ берди. Ўн йиллик сабок бугун натижасини бериши керак. «Чўли... Чўли ҳозир масаланг ҳал бўлади: бутун дунёда донғи кетган Амид полвонга қарши чикяпсан, бу ҳазилакам иш эмас.

Рухга эмас, олий қувватга таян ва сен ўзингда қувват майдонини ҳосил кил. Нафас олишингни қўлга ол. Нафас хужайрани бойитади ва сенда қувват кўпая боради. Ўрни келганда, фикр зарбасини амалга ошир, тананѓдаги ўн тўртта қувват маркази бир пайтда, бир хил ҳолатда ишга тушсин. Билки, ўғлим, куч эмас, акл енгади. Ақлингни ишга сол!»

Чўли полвон устозига «сиз айтгандек иш тутаман» деган маънода имо киларкан, жойида коплондек шишади, йўғон бўйни, кенг елкаси, кўл мускуллари таранглашиб, кўёш нурларида қизғиши ялтирайди.

Қарға кағиллайди, ҳасратли кўшикни эшитаяпти у, узоклардан хид олади, кон ҳидини ҳам сезгандир балки.

Амид полвон айиқдек лапанглаб, кийик боласини тутмоқчи бўлгандек, Чўли полвон томон қўл узатади.

Қария изза тортиб оғринади:

– Чўлинини менсимаяпти!

– Ўзинг шарманда килма!

Амид полвон Чўлинини даст кўтариб, чирпирак қилиб отади. Давра узвос тортиб юборади. Эй бола, нима қиласан ўзингга жавр қилиб?!

Чўли уч айланиб, давра ўртасига найзадек тик тушади.  
Пудиналиклар енгил нафас олади.  
Амид полвоннинг юзи бўғрикиб кораяди.  
Гуп! Ер титрайди. Ер!  
Томлардаги пудиналик болаларнинг қийкириклари кўнгилларга шодлик олиб киради:  
– Чўли полвон йиқди! Чўли полвон Амид полвонни йиқди!  
Қарияларнинг ҳам, полвонларнинг ҳам, оломоннинг ҳам кўзларида ҳайрат қотди. Миттигина бола девдай полвонни ертишлатгани нимаси?! Туш кўришяптими ёки... Болаларнинг қийкириклари уларнинг ҳайрат кушларини ҳайдаб юборди.  
– Устозингга балли!  
– Отангга раҳмат!  
– Пудинанинг юзини ерга қаратмади. Балли, балли Чўли полвон!  
– Бутун воҳани, бутун Турон элинин хурсанд этган полвонга шарафлар бўлсин!  
Чўли полвоннинг устига еттита қалин гилам ёпдилар. У бир силтаниб кўкрак керди-да, гиламларни даст кўтариб. ўртада кўр тўкиб ўтирган устози пойига ёйиб ташлади.  
Кария дуога кўл очди:  
– Курагингиз сира ерга тегмасин, ўғлим!  
Белидан кўра, оёклари калта, елкалари кенг, мушаклари йўғон йигит, измирлик Селим полвон чирт этиб тупурди. Шу гўдак полвон бўптими! Ўтган йилда Бағдодда ўтган курашда маст туюнинг бўйини синдирган эди. Бу гўдакни пашшадек зизиб ташлайди.  
Майдон узра баковулнинг овози янграйди:  
– Пудиналик Чўли полвон ва елкаси ерга тегмаган усмонияник Селим полвон!  
Кураш бошланди.  
Куёш булатлар ортидан чиқди, ҳасратли қўшиқ эса давра айланди.  
Полвонлар икки кўл олиб, бир-бирларини синааб кўрдилар. Тўртингчи қўлда Чўли полвон ракибини бўйи баравар кўтариб ерга урди.

— Ҳа-лол-лл!

Селим полвон бошини кўтарди-да, бир неча лаҳза карахт холда колди. Белини ушлаб ўрнидан тураркан, умрида биринчи марта хўрлиги келиб, йигламоқдан бери бўлди.

Гармсел шамол эсади, баковул қўлини кўтаради:

— Чўли полвонга талабгор борми? Икки нортуя, бир сандик шоҳи соврини бор!

Четда ўтирган олакўз кимса Селим полвоннинг енгидан тортди:

— Бизга қўшилинг, бий афандим, термизакнинг сўровини тўғрилаб қўямиз!

Селим полвон унга нафратли бокди:

— Мен полвонман! Полвонлар бировларга қасд килмайди.

— Бий афандим?

— Мени тинч қўйинг!

Давра узра ҳасратли қўшиқ bemажол учади. Канотлари сувга тушгандек шалвираган, оҳанги совиган ногорадек, пўкиллайди.

Баковул терлаб-пишиб давра айланади:

— Чўли полвонга яна талабгор борми? Румлик полвонлар, эй ахли ажам, сертаманно бағдодликлар! Борми орангизда яна талабгор?

Филдек баҳайбат, итюз полвон ўртага отилиб чиқди:

— Мен талаборман унга!

Давра нафасини ичига ютади. Афгон полвони деб танилган бу кимса билан кураш тушган полвон борки, ё майиб бўлган, ё ўлган.

Чўли хотиржам майдон айлана туриб, афгон полвонининг белбоғидан ушлаб, шарт кўтарди-да, ўнг оёғига чил солди.

— Ё пиrim!

Афгон полвони кутилмаганда унинг ўнг мускулига чанг солиб, бир парча этини узиб олди. «Гирром экансан!» деди Чўли полвон қаҳр билан ва уни даст кўтариб ерга урди. Ҳасратли қўшиқ кўнглини тирнаб ўтди, қуёш булутлар орасига ўзини урди, кушлар безовта чиркираб, итлар аянчли гингшиди.

Бели синган афгон полвонини гиламга солиб, даврадан четга олдилар.

**Баковулнинг овози узокларга кетди:**

– Яна талабгор борми Чўли полвонга?

**Буғдой хиди аралаш ёқимли илиқ шамол эсди.**

**Қиргий кўз, тиниқ юзли туркман беги қариялар орасида**  
**ўтирган Азизхон бобонинг ёнига чўқди:**

– Бобо, ўғлингизнинг куч-кудратига койил колдим!

– Худо берибди, шукр, болам, боши тошдан бўлсин.

– Энди гап бундай, бобожон! Мен жаҳонгашта бир одамман. Кураш бўлади, деб эшитсан, дунёнинг нариги чеккасига бўлса-да, етиб бораман. Ўғлингизнинг илмини хор қилмайлик. Уни менга қўшинг. Дунёни бир айлантириб келай. Қишлоғингизда ўтирганидан фойда йўқ.

– Қариндош-уруг нима дейди, болам? Онаси рози бўлармикин? Боз устига ман сизни яхши билмайман.

– Бобо, мен шу курашни кўраман, деб карвонимдан колиб кетдим. Айтдим-ку, мен ҳам кураш ишқибозиман. Худонинг кули, мўмин бир бандаман. Ўғлингизни астойдил ёқтириб колганимдан шу вазифани бўйнимга оляяпман.

**Мусохон эшон галга қўшилди:**

– Дуо беринг, оқсоқол, бизди қишлоқдан ҳам дунёга донғи кетган полвон чиқсан!

– Бек йигиттга ихлосингиз баланд кўринади! – деди Азизхон бобо хушламайгина.

**Мусохон бобо буни сезди ва:**

– Бекнинг бизга эмас, Кусам шайх авлодларига ҳурмати баланд! – деди ўзини оклаш учун.

Азизхон бобо бу сафар бир нима демади, аммо кўнглида ҳасратли қўшиқ нола қилиб, оёкларини қақшатди.

Орадан ўн йил ўтди. Ҳали Дамашқдан, ҳали Мисрдан, ҳали Румдан хушхабарлар келиб турди: Чўли полвоннинг курагини ерга теккизадиган полвонинг ўзи йўқ эмиш, туркман беги бир ойда ўн карвон молу дунё йиғиби.

Ҳасратли қўшиқ хушхабарлар билан бирга ваҳимали хабарлар ҳам олиб келарди. Бир золим подшо Чўли полвоннинг ортидан ўнта навкар юбориб ҳам мақсадига эришолмабди. Чўли полвон ўн навкарни ҳам чирпирак қилиб отиби.

Бу гап-сўзларни эшигтган онаизор ҳасратли қўшиқ гирдо-біда қийналар, кундузлари юрак ҳовучлаб, кечалари юмшоқ ёстигини кўз ёшлари билан сел айларди. «Насиҳатим эсингдами, болам: бироннинг ҳақига хиёнат қилмаяпсанми, туз еган жойингга тупурмаяпсанми, ёвузликдан нари юрибсанми, ёлғондан ҳазар қиляпсанми?» Ҳасратли қўшиқ она илтижосини бағрига олиб, бўзлаб-бўзлаб унга етказарди. Чўли полвон молу дунё йигиб, тогу тош, чўлу биёбонларни ошиб, согиниб-согиниб, икки дарё оралигидаги ота юргига, Пудинага келганда, онаизор тупроққа топширилган эди.

Чўли полвон кўз ёши қилди, йиглади-сиқтади ва охири тақдирга тан бериб, шогирдлар тайёрлашга киришди. Баҳорий сепларини ёйиб, Наврӯз келди.

Пайшанба тепалигига тонг ҳоргин кўз очди, ўн йилдан бўён қалблар ва далалар аро оралаб юрган ҳасратли қўшиқ бу сафар даврадагиларнинг кўнглини ғашлади. Одамлар ўzlари билмаган ҳолда ҳоргин ва ҳолсиз эдилар, диллари ғаш, кўз олдиларини хира туман қоплагандек эди.

— У зўр бўлса, маст тuya билан олишсин!

Чўли бўғзига ёпишган ҳасратли қўшиқни силтаб ташлади:

— Эл олдида уялгандан кўра, маст тuya билан олишиб ўлганим афзал!

Ҳасратли қўшиқ қора булутларнинг чокини йиртди, олмазор қийналиб шовуллади, тиник сувларнинг юзи қорайди.

Пайшанба тепалигидаги тиконлар ҳам баттол кимсалардан ор қилди, тупроқ эса уларга юмшоқ пояндоз бўлганидан бўзлаб-бўзлаб йиглади.

Кенг майдон қалин панжаралар билан ўралди. Йигирма чоғли эркак занжирлар билан боғланган туяни зўрга ичкари олиб киришди. Масикқан тuya филдек ўкирар, иргишлар ва катта, бакувват туёклари билан Чўли полвонни эзиб, янчиб ташлашга шай эди. Одатда, бундай туяларга кураш олдидан кўкнори пояси едирилади. Нималарни ўйлаб топишмайди баттол кимсалар?! Ҳасратли қўшиқ, сен уларнинг зулмидан яралган ноласан! Пайшанба тепалагидаги майсалар, ҳатто курт-кумурсқалар ҳам сени тинглаб, титроққа тушадилар.

Түя пишқириб унга ташланди.

Туркман беги кўзларини яширди. Тамом, полвонидан энди айрилиши аниқ. Қандай ёмон, қандай ёмон!

Бундай оний, тигиз лаҳзада полвон қайси усулни қўллаши керак? Чўли полвон жуда тез фикрлай бошлади. У ўзини калдиргочдек беозор хисоблади. Аслида туждек жониворга зиён-захмат етказиш нияти ҳам, ўйи ҳам йўқ. Ҳасратли кўшик калдирғоч овозини кўнглига олиб кирди. Қалдирғоч – беозор қуш. Сиртдан нимжон кўринса-да, ўта кучли қувватга эга. Мураккаб тўсиклардан ўта олади. Иккиланмайди, қўркмайди. Унинг уяси беш унсур – ер, хаво, темир, олов ва дарахтдан мужассамлашади. Чўли полвон қалдирғоч киёфасига кирди. Икки кўли жуфт қанотга айланди.

Оломоннинг кўзларидан изтироб ёшлари селдек окиб, ҳасратли кўшик юрагини сичкондек кемирмоқда эди. Баттол кимсалар охири уни маҳв этадилар. Маст туюга бас келиб бўларканми? Уни йигирмата одам занжирлар билан зўрга панжараага киритди.

Чўли полвон қалдирғочдек юқори кўтарилди ва найзадек учеб бир зумда туйнинг бошига кўнди-да, икки-уч бор зарб билан буради, суяклар карс-карс синди. Туйнинг кип-қизил тили осилиб, оғзидан шариллаб кон оқди, гурсиллаб ерга йиқилганда, қуюқ чанг юқори кўтарилди.

Туркман беги бир уриб панжарани синдириди-да, ичкари кириб. Чўлини бағрига босди:

– Полвоним, полвонжоним!

– Бек, жонимни яна бир асрари худойим. Газандалар руҳимни ўлдиришмоқда!

– Сира таслим бўлманг, полвоним!

Чўли полвон кечаси билан босинқираб чиқди. Ҳасратли кўшик унинг уйқусини олиб қочиб, танасига дард солди.

Афғон подшоси Пудинадан кўшни кишлокка ўтди. Кўкнори ичган бир гала сайёкларни топиб, уларга уч тиллодан улашди. «Ҳамир учидан патир бу. Чўлини йўқ килишнинг йўлини топсангизлар, ҳар бирингизнинг кўнжингизни тиллога тўлдираман!» дею қуюқ ваъда берди.

Пайшанба тепалиги уч кундан сўнг, худди аввалгидек, яна хорғин кўз очди. Наврўз қўшиклари осмонга, кўкка учган бўлса, ҳасратли қўшиқ тепаликнинг тупрогига кориши. Кураш бугун якунланиши керак. Бағдодлик бой катта соврин тиккан: уч ҳуқиз, икки учкур от ва иккита бағдодий қилич; жуда катта бойлик бу! Агар бугун Чўли полвонга ракиб топилмаса, уларнинг барига эга чиқади.

Фовур-ғувур бирдан босилиб, оломоннинг кўзи майдон ўртасига қадалди.

– Талабгор борми?

Бирор кишидан садо чикмади, ҳасратли қўшиқ оломоннинг қалбини тирнаб-тирнаб ўтди, аммо ҳеч ким буни англолмас, сезмас эди, фақат айримларнинг кўзларидан қайнок ёш куйилиб келаётганини кўриб, янада ғалати ҳолатга тушишарди, холос.

Сўров яна икки карра янгради. Наҳотки, Чўли полвонга тенг келадиган кимса колмади? Наҳотки?

Давра ортидан дагал овоз эшишилди:

– Талабгор бор!

Қўшни кишлоқлик уч йигит баҳайбат айиқни етаклаганча даврага кирди:

– Кураш тушадиган айигимиз унга талабгор!

Кимдир:

– Эсини еганми булар! – деди ижирганиб.

Чўли полвон айикка бокди:

– Мен ҳакимни доимо ҳалоллаб келаётган полвонман! Курашиш керакми, курашаман. Дев бўлса ҳам! Ҳайвонда куч бўлган билан акл йўқ. Шундай экан, мен инсонман. Демак, уни енгизига кодирман!

Айик етаклаб келган олакўз йигит чирт туфлади.

– Ҳай-ҳай, катта кетма, жўжани кузда санаймиз!

Чўли полвон унга эътибор бермади. У айни пайтда танасини жангга тайёрлашга чоғланаётган эди. Полвон учун танасида илоҳий ҳаракатни вужудга келтириш биринчи ўриндаги муаммо саналади. Неча ўн йилларки, елкаси ерга тегмай келајпти. Бунинг сабаби ҳам шу: у ҳар вақт жанг олдидан танасида

илюхий кучни харакатта келтира олади. У бир лаҳза кўзларини юмди: таваккалчилик, билимсизлик ҳалокатта олиб келиши мумкин. Баҳайбат айкни мағлуб этиш осон иш эмас.

Айик давра айланди. Демак, ўргатилган жонивор бу. Курашнинг оби-тобини олган кўринади. Оғзини очиб, наъра тортганда, даврадаги гўдаклар боболарининг пинжаларига кириб кетишиди. Ҳасратли қўшиқ уларнинг юрагини чангалиб, азоб берди.

Чўли полвоннинг танасига куч сувдай шариллаб оқиб кирди. Елкаси, мускуллари таранглашиб, кучга тўлди. Зув югуриб, айкнинг кўлтигидан кирди-да, даст кўтарганча ўзидан нари итариб ташлади.

Айик қаттиқ ўкириб, ўзини ўнглади ва унга ҳамла қилди.

Ҳасратли қўшиқ Чўли полвоннинг боши узра муаллак турар, гўёки танасига кириб олишга шай эди.

Чўли полвон лапанглаб келган айкни даст кўтариб, бир айлантириди-да, сўнг ерга кўтариб урди. Қаттиқ зарбдан бели қарс синган айик ўкирганча Чўли полвоннинг биқинига ўткир тирноқларини ботирди, қон тизиллаб отилаётганини кўрганлар унга ёрдамга ошиқдилар. Туркман полвон чўкки соқол кишига: «Сиз табибмисиз, ярасини тезда боғланг. Ҳакингизни ошиги билан тўлайман!» деди титрокли овозда.

Чалажон айкни зудлик билан олиб кетдилар.

Фишманлик Эргаш полвон талабгор бўлиб ўргага чиқди. Номарднинг ишини қаранг! Ўлганинг устига тепган эмасми бу!

Туркман беги Чўли полвонга насиҳат қилди:

– Жонингизни жабборга берманг! Талабгор бўлса, ўзига! Соғлигингизни ўйланг, полвон укам!

– Номард дейишларини истамайман. Бу менга иснод!

Ҳасратли қўшиқ унинг юрагига кирди. Ичиди бир нима карс узилди. Лекин у ок нурнинг танасига оқиб кираётганини, билаклари кучга тўлганини аниқ сезди ва ўзига ишонч билан Эргаш полвон томон юрди. Номард номардлигини қилди. Эр-

гаш полвон унинг яра жойидан кисиб ушлади. Чўли полвон жон аччиғида уни боши узра кўтариб ерга урди. Уҳ деган ўлик овоз эшигилиб, оломоннинг дами ичига тушиб кетди.

Кўёш кучсиз нур сочди, кора булутлар бостириб кела бошлади, итлар гингшиб, отлар яна безовта кишинади.

Чўли полвон ҳолсизланиб бораётганини сезди, ҳасратли кўшиқ кулоги остига ўлимнинг совуқ сасини олиб келган эди.

Кимдир бўзлаб юборди:

– Айикнинг тирнокларига заҳар сургиб қўйишган экан, номардлар!

– Табиб, нима дейсиз?

– Конга ўтган кўринади.

Чўли полвоннинг лабидан кон оқди:

– Ўлсан, онажонимнинг ёнига қўйинглар!

Ҳасратли кўшиқ унинг қалбидан чиқиб, зўрға қанот коқди-ю, шу заҳоти ерга кулади. Кўёш корага ўралди, ям яшил майсаларнинг юзларига рутубат қўнди. Пайшанба тепалиги Пудина кишлогининг кўзига қаролмай сарғайган майсадек қовжиради.

## ДИЛИЖОН

Чигит ерга қадалаётган эрта баҳор куни, кеч соат еттилар эди. Тўлин ой жилмайиб туарар, ёқимли чўл шабадаси эсар, даладан чарчаб кайтганимга карамасдан темир каравотда чўзилганча деразамиз ёнидаги оппоқ бодом гулларига тикилиб, хаёл суриб ётардим. Бодом гуллабди, қандай чиройли-я, дея ичимдан суюнар ва бу суюнч мени ширин туйгуларга ошно этган эди.

Тепа каравотда тўқ кўкранг дўппили, новвотранг, чўзик кошлари оқарган Сулаймон ака чап оёгини букиб, тиззасига кўйилган тақсимчадаги кабобни майда чайнаб ўтирас, хўлла семиз, тепакал Азимбой аканинг иктиносид ҳақидаги гапларини унчалик хушламагани учун ҳам зўрма-зўраки эшигигиб ўтирас, тоҳо бош қимирлатиб қўярди.

Озгин, узун бўй Жўра ака эса хуриллаганча уйкуга кетган эди. Ана шу лаҳзада эпик очилиб, ўрта бўй йигит – Нодир озгин йигитни бошлаб кирди: меҳмоннинг митти кўзлари ғамгин, қора соchlари тирсак қошлари устига тушган, ингичка лаб, кичкина иягиде нўхатдек чукурчаси бор эди. У ичкари кириб, аланглаганча ўтирганларни кузатди-да, сўнг қўлларини кенг кўксига кўйиб, ҳамма билан сўрашди. Менга у анча тортичоқ кўринди.

Нодир кавшанаётган Сулаймон акага:

– Акажон, эҳтиёт бўлинг, кўрпага тушмасин, хўжайнин кўриб қолсалар, нақ балога қоламан! – деди дакки берган бўлиб.

Азимбой каравотни ғижирлатиб ўрнидан турди:

– Хўжайнин, дейсан. Нодир! Ўша ухажур хўжайнининг битта сакичга арзимайди?!

Бу гапдан Нодирнинг жаҳли чиқиб, кўлидаги ёкут кўзли узугини стол устига тақ-так урди.

Хўжайнин деганимиз – анча калондимоғ, от юзли, кўзлари қонталаш Исмат олифта эди. Азимбой уни жинидан баттар ёмон кўрар, олдида товонини ялаб, ортидан балчик отарди.

Нодир ғоздек бўйнини чўзиб:

– Ажаб бўпти! – деди қизлардек чийиллаб ва йигитчага қараб: – Хўш-ш, хурматли Дилмурод Отажонов, мана жойингиз! – дея эшик олдидаги каравотни кўрсатди-да, сўнг бизларга ўгирилиб: – Бу кишимга яхшилаб қаранглар, хўжайнининг ўзлари айтдилар! – дея бидирлади, гап оҳангига бироз киноя борлиги сезилди. Ёқтирган кишисига шундай муносабат қиласди. Балки хўжайнининг гапи ёқмагандир.

Азимбой унга ёвқараш килди:

– Қариндошимисан?

Йигитча бошини сарак-сарак қилди.

Сулаймон ака овоз чиқармай елкаларини учириб куларкан, Азимбойнинг жигига тегди:

– Сувга тушган мушукдек шалвираб қолдингиз!

Олмазор боғ томондан енгил шамол эсиб, хушбўй гул хидларини бошлаб кирди. Яқин орада от кишнади. Кимдир:

«Тур, йўкол!» деб бакирди. Бироздан сўнг итниңғ ғингшиб ақиллагани қулокқа чалинди.

Азимбойнинг дами ичига тушиб кетди. Сулаймон ака яна унга гап отди:

– Ака гапдон, сўзланг энди!

Шовқин-сурондан чўчиб уйғонган Жўра ака:

– Ака гапдон, дедингизми?! Лақаб қўйишга ҳам уста экан-сиз! – дея кулди.

Азимбой дум-думалок қорнини тез-тез силади, конталаш лаблари чўччайиб, бир нималар дейишга чоғланди.

Сулаймон ака йигитчани ёнига чақирди ва каравот ёнидаги сарғиши таҳта стулни кўрсатиб, «ўтири» дегандек ишора килди:

– Испинг нима, болам!

– Дилмурод!

– Диљијон йигитчага ўхшайсан!

Жўра ака яна гап ташлади:

– Бугун ҳаммага лақаб кўядиган кун шекилли!

Азимбой қорнини силашдан тўхтаб, йигитга ўгирилиб:

– Диљијон яхши ном! Диљијон, деймиз-да энди сени, ука-жон! – деди хушомад оҳангиди.

Дилмурод яна икки қўлини кўксига қўйди:

– Хўп, ака! Нима десангиз шу!

Сулаймон ака Диљијондинг енгидан тортди ва қўлидаги кабобни унга узатди:

– Шугинани еб ол, болам, кўчадан дилдираб кирдинг, лаб-ларинг кўкариб кетибди!

Диљијон қулимсиради:

– Қорним тўқ, отахон!

Унинг лаблари оқариб турар, юзи сўлғин, афтидан, туз тот-маган кишидек беҳол эди. Очиқиб тургани аниқ, лекин нега қош қайирди, бунисига тушунмадим. Мен учун у қанақадир сирли, жозибали туюлди.

Нодир ўртага бурнини тикиди:

– Кани, бобой, менга чўзинг! Кабоб емаганимга ҳам анча бўлди.

Сулаймон ака қўлидаги кабобни Нодирга тутқазиб, Диличонга чой узатган эди, «раҳмат, ичмайман» дея яна қўлини кўксига кўйди.

Нодир пиёлани юлқиб олди. Иссик чой оёгига тўкилиб, «вой-э, куйдирдингиз-ку, ака!» деди ижирганиб.

Ҳамма кулди.

Дилижон унга маъноли қаради, ким билсин, балки очофатлиги ёкмагандир.

– Қаерликсан, болам? – сўради Сулаймон ака ундан.

– Паркентдан!

– Яхши жойдан экансан! Ишга келдингми?

– Шундай!

– Исмат акага ким бўласан?

– Ҳеч ким!

Азимбой дик ўрнидан турди:

– Исмат олифтага денг!

Нодир мушт ўқталди:

– Ҳой, унақа деманг!

– Сотасанми?! Бор, сот!

Ҳеч кутилмаганда Дилижон сўз котди:

– Сотқинликнинг жазоси оғир, биродар!

Сулаймон ака Азимбойни мазах қилди:

– Яна чакагингиз очилиб қолдими?

Азимбой индамай ўрнига чўзилди.

Сулаймон ака энди Дилмуродни гапга тутди:

– Паркентда ким билан яшайсан?

– Холамникида яшайман.

– Ака-уканг борми?

Дилижоннинг кўзлари жовдиради. Бизларга мулзам бокканча бошини сарак-сарак қилди.

Яна нима гаплар бўлганини эслолмайман, уйқуга кеттанимни сезганим ҳам йўқ.

Орадан уч кун ўтди. Шу йигит сабаб бўлдию, рости, хонамизга аллақандай файз кириб келди. Энди ҳар эрталаб турганимизда Дилижон барча хоналарни-ю, шийпон атрофи ни супуриб-сидирган, ўчоққа олов қалаб, чой дамлаб қўйган

бўларди. Ва бу ҳол ҳар куни одатдагидай тақрорлана бошлади. Ҳаммадан Сулаймон аканинг жонига ором кирди. Чой деса – чой, сув деса, сув берар, бу Диљон деганларидан бирор иш қолиб кетмасди. Бир куни тушликда ош дамлашда унга ёрдамлашдим. Шерикларимнинг ўзлари: «Бориб унга ёрдамлаш!» дея барвакт жунатиб юборишган эди. У қозонни уч марта ювди, сабзини ва тахтачани ҳам уч марта ювиб, сунг зумда бир текис тұғради. Гуручни эринмай тозалади. Мен учун гуруч тозалашдан кийин иш йўқ: ичида курмак ва тошини тозалагунча юрагим қисилиб, тарс ёриламан, у бўлса, эринмай, зерикмай гуручни битталаб кўздан ўтказди. «Ўзи тоза экан!» дедим «Жонингизни қийнамасангиз-чи!» деган маънода. У менга карагани ҳам йўқ, ишида давом этаркан: «Буни одам ейди!» деди. Товонимга игна киргандек, оғрик бошимга-ча кўтарили. «Тили ҳам заҳар экан», деб ўйладим ва ўчокқа олов ёқарканман, бироз ўзимга келгач, унинг эринмай ишлатёттанини кузатиб, «гапи тўғри, ошни одам ейди, таомни эринмай, покиза тайёрлаш керак», деган хulosага келиб, унга энди совук кўз билан эмас, меҳр билан карай бошладим. Гўштни ҳам уч марта тозалаб ювди. Ёғ кизигач, пиёзни қозонга солди.

– Юрагингизда қандайдир дард борга ўхшайди! – дедим уни гапга солиш учун.

– Ҳеч қандай сирим йўқ, – деди у пиёзни қовура туриб. – Ҳамма катори инсонман. Сизга шундай туюлаёттандир.

– Ҳеч ким билан сирлашмайсиз. Бундай очилиб юрсангизчи?! Бирор дардингиз бўлса, мен билан бемалол сирлашинг, енгил торгасиз. Одамнинг тафтини одам олади, биродар!

– Ана чигитта қаранг! – у ўчок ортидаги чигит экилган эзатта ишора қилди. – Чигит тупроқда яширин. Ана шу яширин бўлгани учун ҳам эртага у кўкариб чиқиб, кўзимизни кувнатади.

Бу гаплар менга бироз эриш туюлди, лекин бир неча дақика жим қолиб, сўзларининг мағзини чақсам, унда ўзига хос фалсафа бор эди.

У кашнични юва бошлади. Ҳар бир баргини алоҳида алоҳида ювди. Унинг қўлидан таом еса бўларкан, жуда покиза

йигитга ўхшайди, деган гап кўнглимдан кечиб, унга бўлган са-  
мимиyllигим янада ортди.

– Ким энг азиз туйғуларини яширин саклай билса, муроди  
тезда ҳосил бўлади! – деди у гапида давом этиб. – Мени акл  
ўргатяпти, деб ўйламанг. Комил инсонларнинг қалби сир тўла  
сандиқчага ўхшайди!

Бу гапларни мен ҳеч кимдан эшитмаган эдим. Бир неча  
кунгача шу тўғрида ўйлаб юрдим. Ўзимча мулоҳаза ҳам килиб  
кўрдим, гапида бир олам маъно бор: тилла, кумуш ҳам ер  
бағрида пинҳон бўлмаса, маъдан бағрида парвариш топарми-  
ди?! Орзуларни қалбда пинҳон саклаган маъқул. Ҳасадгўйлар  
туфайли уларга зиён етиши мумкин. Бу йигитда кўп сир борга  
ўхшайди, деган карорга келдим ва уни кузатишда давом этдим.

Ҳар йили май ойида қаттиқ ёғингарчилик бўлиб, ғўзалари-  
мизнинг бир қисмини сел олиб кетар, биз эса худди полапон-  
лардек чиркираб колаверардик, ўша йили ҳеч бир талофатсиз  
чиқдик: ғўзаларимиз ҳар йилгига нисбатан бир текис, баравж  
кўкарди. Шийпон ёнида ҳандалак, помидор, кўкатлар эккан  
эдик, шунақа ҳосил бердики, ердаги баракани кўриб, роса  
кувондик. Ҳаммамиз бу йигитнинг пойқадами ёқканини се-  
зиб, унга бўлган меҳримиз ошди.

Орамизда Нодир уни унчалик хушламас, гоҳо ортидан:  
«Бунча ичимдагини топ йигит-а бу!» дея минғирлаб кўяр,  
ортиқча хушомадгўйликларини кўриб, «югурдак» дейишдан  
ҳам тортинмас эди.

Ой чиққан ёз кечаларида у айвонда чўзилганча юлдуз тўла  
осмонга боқиб, хаёл сурар, гоҳо «Кўргали ҳуснингни зору  
мубтало бўлдум санга» ғазалини ширали оҳангда такрорлар-  
ди. Буни эшитган Сулаймон aka: «Бечора боланинг дарди оғир  
экан-у, билмас эканмиз!» дер эди. Бир кеча уйқум келгунча  
унинг ёнида ўтиридим-да:

– Ойни яхши кўрасизми? – деб сўрадим. Эшитганим бор  
эдики, бўрилар ойга қараб улишади.

– Уни қаранг, олтин товокдек кўзни олади, турган-битгани  
сир! – деди у қўлинин пешонасига тираб. Бошқа ҳеч нарса де-  
мади. Яна бирор гап айтармикин, дея оғзини пойлаб ўтиридим,  
ўтиридим ва охири уйқу устун келиб, жойимга кириб ётдим.

Эрталаб турганимда, у ширчой тайёрлаб қўйган, чор-атрофни чиннидек супуриб-сидирган эди.

Унинг ишчанлигидан Сулаймон ака-ку, ўрнида фойдалар, унга бас қилган, Азимбой эса менинг ҳам ҳаққим бор дегандек, уни зир югуртиришдан чарчамасди.

– Диличон.

– Лаббай, ака?

– Бир пиёла иссик сув беринг!

Диличон шу заҳоти ёнидаги сариқ термосдан иссик сув куйиб унга узатди.

– Диличон.

– Лаббай ака?

– Этигимни, пайтавамни ювиб қўйинг!

– Хўп бўлади, ака!

Мен бу йигитни шунчалик тез бизга эл бўлади, деб ўйламаган эдим. У Сулаймон ака ва Азимбой учун яхшигина югурдак, хаммол бўлса, Жўра ака учун кулги майдонига айланди, гоҳ-гоҳида:

– Бизга ҳам хизмат қилинг! – дея у-бу ишга буюриб турар ва бундан мазза киласди. Улар орасида факат мен бундай хуқуқдан маҳрум эдим. Лекин бир куни... сизга андак маълумот беришим керакки, нимагадир ўша кунларда силлам куриб, тушдан сўнг сургалиб коладиган бўлдим: мазам йўқ десам, Исмат олифтага айтиб, теримга сомон тикишларини билганим учун ҳам тишимни-тишимга қўйиб, ўз ишимни адо этишга тиришардим: челакларга чигит солиб, трактор ортидан югуриш кўзимга балодай кўринар, аммо бу ердан бош олиб, қочиб кетиш мен учун ўлим билан баробар эди. Бир куни тинка мадорим куриб турганда, ёнимга келди-да, «Ака, сиз бироз дам олинг, мен қарашиб юбораман!» деди ва рухсат бермасимдан бурун челакларни чигитга тўлдириб, дала бошига чиқсан экиш трактори томон югурди. Мен ўшанда нафасимни ростлаб, анча ўзимга келдим. Шундан сўнг унга бўлган меҳрим янада ортди.

Биз энди сира зерикмас эдик. Тушликда ҳам, кечкурун ҳам Диличон билан ҳангома қилинар, кулги-кулги билан вакт ўтганини билмай колардик. Бундай пайтларда Азимбой иктисаддан фалсафа сўқишини тўхтатиб, уни гапга соларди.

- Дилижон.
  - Лаббай, Азим ака?
  - Бирор кизнинг қулогини тишлиб қўйганмисиз?
- Дилижон уялганча ерга қараб:
- Йўғ-э, ака, нима деяпсиз? – деганча қўлларини ишқалар эди.

Сулаймон чол:

- Азимбой, қўйинг шу бехуда гапларни! – дея ёқтиргмаган бўлар ва Дилижонни ёнига олиб, қўлига овқат солинган тақсимчани тутқазар эди.

Азимбой то хуморидан чиқмагунча мавзудан четга чиқмас, китигига текканлари учун атайнин гап ковлаб, яна уни саволга тутарди:

- Дилижон.
- Лаббай, Азимбой ака?
- Гапимдан хафа бўлманг, ҳаёт-да бу: истайсизми йўқми, бир кун бўйнингизга олахуржун тушади, биттасини танлаб, кўз остига олиб қўйсангиз, ёмон бўлмайди. Балки Паркентда бордир, а?!

Дилижоннинг юзи қора қозондай кораяди.

Жўра ака яйраб кулади.

Азимбой тиржайганча дейди:

- Кайфиятингиз ўзгарди, уйланиш ёмонми?!
- Сулаймон ака гапни бошка ёққа буради:
- Холангизнинг нечта боласи бор?
- Иккита ўғиллари бор.
- Поччангиз нима иш қилади?
- Билмайман!

Ёқимсиз тиржайиб турган Жўра ака бир нарса деб оғиз жуфтлаган эди, Сулаймон ака «бас» дегандек имо қилди. Шу билан бошқалар ҳам жим қолди.

Душанба кечаси Сулаймон ака иситмалаб чиқди. Дилижон унинг ёнида уйқусиз тунни тонгга улади: «Акажон, яхшимисиз?» деб ҳар замонда оёқ-қўлларини, белларини уқалаб, «эрталабгача яхши бўлиб қоласиз», дея кўнглини кўтарди. Айт-

ганидай, тонгга яқин Сулаймон аканинг иссиғи тушиб, ўзига келди, хатто: «Қизим бўлганида ўзим сени қуёв қилардим», деб ҳазиллашди.

Жўра ака:

— Яхши лақаб қўйган эканмиз сенга, Дилижон! — деди ўрнида мактаб. — Ҳакикий дилижон йигит экансан!

Дилижон унга хўмрайиб қаради-да, ташқари чиқиб кетди. Бу ерда бир гап бор, деган гап хаёлимдан лип ўтди. Нима гап бўлиши мумкин?!

Якшанба куни эди. Ўша куни ёқимли шабада эсди. Биз ташкаридаги, шийпонимиз ёнидаги лой сўри устига жой ҳозирладик. Ой чиқди, заррин шуъласи шийпон ёнидаги ариқда жимиirlаб чиройли акс этиб турар, мен табиятнинг бу гўзал чехрасига мафтун бўлганча хаёл суриб ўтирадим.

Сулаймон аканинг ўғиллари, келинлари, неваралари келишди. Бир зумда гўшамизга байрам руҳи кирди. Нодирнинг хай-хайлаганига ҳам қарашмади: невараларнинг бири қўйиб, бири Сулаймон аканинг бўйнига осилиб ўпган, бошқаси «буни енг» деб олма тутган, яна бири кўлтиғига кириб ўтириб олган эди. Сулаймон ака бундан суюниб, яйраб жилмайганча уларнинг бошини силар, кўзлари қувнаб, ўзини ниҳоятда баҳтли сезаётгани аниқ эди.

Кейинги якшанбада Сулаймон аканинг аёли билан кўхликкина қизи келди. Нозиккина, хипчабел, бўйни эгик ожиза эди у. Менга ёқкан томони, кўзимга жуда уятчан кўринди.

Дилижон пойдарида ўтирган эди, ёнига чўқдим. Менга ўҳшаган йигит ўз тенгдошига нима ҳақда гапириши мумкин? Ҳаёлимда ўша қизнинг нурли кўзи жонланиб турарди.

— Қизнинг кўзида нур бор экан! — дедим уни гапга солиш учун.

У оғир сўлиш олди. Бир дарди борлигини англаб, яна уни қитиқладим:

— Боз устига, жуда иболи экан!

Дилижон менга қаради:

— Ҳа, у жуда иболи экан! Отасини яхши кўтарар экан. Онаси ни ҳам жуда ардоқласа керак!

Бу билан нима демокчи, тўғриси тушунмадим, аммо киз билан бирор алоқаси бор, деб ўладим.

У ака-сингилга жовдираб тикилар, ҳар ютинганда, кекирдаги ўйнаб, кора киприклари пир-пир учар эди. Ҳамма чиқиб кетгач, ичкари кириб, бошини буркаганча ётиб олди ва шу кўйи кечкурунгача ётди. Сулаймон ака овқатга чакирганда, ҳатто овоз хам бермади. Азимбой чойшабни очган эди, зарда билан яна ёпиниб олди, Жўра ака «инدامанг» дегандек имо килди, Нодир келиб, «Сизга нима бўлди, Диличон, хафа қилганни айтинг, терисига сомон тиқаман», дея гап отса ҳам юзини очмади. Унга бир нима бўлган эди. Ўзимизга ҳам бир нима бўлди: ҳаммамиз оғзимизга талқон согандек сукутга чўмган эдик, ҳар қунги ёркинлик, файз ҳам шийпонимизни тарк этгандек, кўнглимиз ўсал эди.

Сулаймон ака каравотда ўтирганча бомдодни ўкир, Азимбой билан Жўра ака чой ичиб, гурунглашиб ўтиришарди. Секин ўрнимдан туриб, ташқари чиқдим. Диличон анча олисада, ховуз бўйида эди. Ёнига бориб, елкасидан тутдим:

– Диличон, нима бўлди сизга? Бирор жойингиз оғрияптими?

У менга қарамади, сездим: йиғлаган шекилли, қизарган кўзларини кўрсатишдан уялди. Бошини сарак-сарак килди-да, сўнг иягини кўлларига кўйиб, жим колди.

Мен унинг елкасини силадим:

– Юринг, Диличон, хонага кирамиз! Ҳозир далага чиқамиз!

У қимир этмади.

– Нима бўлди сизга, айтинг Диличон! – дея ҳол-жонига кўймадим. У bemажол ҳолда менга ўгирилди: кўзлари қипкизил, ранги оқарган эди, ҳик этган товуши юрагимни ўртаб юборди.

У секин деди:

– Бугун ота-онамнинг вафот этган кунлари!

Танам музлади. Бу жуда оғир айрилик. Диличоннинг кора куни экан-да бугун. Хонадагиларга шу ҳақда айтсан, Сулаймон ака унинг ота-онаси ҳакига фотиха ўкиди.

Эрталаб у нохуш уйғонди. Чой ҳам ичмади.

Саман отини жадал хайдаб Исмат олифта келди. Биринчи бўлиб, унга ўшқирди:

– Ҳой, етимча, нега у ерда сасиб ўтирибсан! Етимни бошини силасанг, устингдан мағзава ағдаради. Ялиниб келган эдинг! Қани, тур ўрнингдан!

Ҳамма апил-тапил ўрнидан турди, кўзимга Шарқ осмонида оқ дурдек ялтираётган Зухро юлдузининг ҳам бизга раҳми келгандек туюлди. Чой-нон дастурхонда қолди.

Сулаймон ака унга вазиятни тушунтириди:

– Уни тергамант, Исматвой, кеча ота-онаси вафот этган кун экан!

Исмат олифта оч бўридек гингшиди:

– Ота-онаси ўлган бир уми? Ҳей, санлар нонкўр бўлиб-санлар! Қани, жул-тўқимларингни кўтаринглар-чи!

Барчамиз нафасимизни ичимизга ютдик. Юрагим пичоқ кадалгандек зиркираб оғриди. Ҳай-хай, шу гапни айтмаса бўларди.

Дилижон унга бир ўқрайиб қаради-ю, жадал юриб, дала томон кетди.

Кечаси Сулаймон аканинг яна иссиғи чиқди. Дилижон ўрнидан туриб, унинг бошида, тонггача кўз юммай қўл-оёкларини уқалаб ўтирди, ҳар кўзимни очганимда, аканинг қийналиб йўталганини ва: «Барака топ, болам!» деган сўзини эшитар ва бу йигит бунча меҳрибон, дея ўйлар эдим. Одам гоҳида меҳрни ўзгалардан топади. Аканинг шунча ўғил-қизи, невара-чевараси бўлгани билан оғирига шу бегона Дилижон яраяпти. Ким билади, балки бунда ҳам бир ҳикмат бордир.

Бир тушликда Азимбой унга маъруза ўқиди:

– Дилижон ука, қараб турсам, жуда ишchan, бамаъни йигит экансан. Бу иктисадчи бўламан, деган киши учун муҳим нарса. Агар иктисадни яхшилаб ўргансанг, келажакда бой-бадавлат яшайсан. Акам иктисадчи, ёмон яшаётгани йўқ, ҳатто келинимиз ҳам миннатдор, «а» деса, оғзига «б» деб уриб туради. Эркак деганинг аёл олдида юзи шувут бўлмаслиги керак. Уйланганингда буни тушунасан, ука!

Жўра ака бошини кими рлатиб кулди:

– Диличонга бу фалсафангиз фойдасиз! Қўйинг уни ўз холига!

Июлнинг охирлари эди, адашмасам. Бир кечқурун Исмат олифта ҳаммамизни йиғди. Уч ойлик пулимизни берди. Сунг хар доимгидек сохта ҳисобот варагига кўл кўйдирди. Албатта, бу унинг чойчақаси бўлиб, биз бундан хабардор эдик. У хар йили бир-икки марта шунака ҳисоботларга кўл кўйдирив олар ва бу пулга янги машина ёки от харид килиб, ҳар куни кўча чангитиб мақтанаар эди.

Дилижон сохта ҳисобот варагини қўлига олди-ю, афти буришиб гижинди. «Бу нима?» деб сўради кейин. Исмат олифта: «Суриштирмасдан кўл кўйиб беравер, сўтак!» деди бурнини жийириб. Диличон бошини кўйи зғди ва ўрнидан туриб, дала томон чопиб кетди. «Ғирт жинни!» деди Исмат олифта ва ҳисобот варагини қўйнига тикиб, уйига жўнаб кетди.

Кечаси ой чиқди, енгил шамол эсди.

Дилижон сокин кўйларди. Ойнинг тўлишиб мўлтираши, улкан денгиздек ялтираётган пахтазорнинг майин шовуллаши, чигирткаларнинг бир маромда ёкимли чириллаши ялдо кечани файзга тўлдирган эдиким, оромбахш, хузурбахш палла юракни эркалар эди.

– Диличон, бехуда ранжидингиз!

– У мени гапирдими?

– Йўқ, гапиргани йўқ. Шунчаки ғазаби келди шекилли.

– Отashi йўқ унинг!

Ичимда унинг сўзларини такрорладим: «отashi йўқ унинг», нима демоқчи? Одам эмас у. деганими бу?! Жуда тагдор йигит экан.

– Номингизни ким қўйган?

– Раҳматли бувам!

Ундан бошқа гап ололмаслигимни билиб, тилимни тишладим, боз устига, бунча суриштириб қолди, дея оғринмасин.

Унинг Исмат олифтадан ҳайиқмаганлиги, сохта ҳисобот варагига имзо чекмаганлиги факат мени эмас, бошқаларнинг ҳам кўзини очди. Жўра ака ҳам, Азимбой ҳам қандай бемаъни ишга кўл уриб юрганларини тушуниб, «Оқсоқол, шу норасида гўдак эмас, аслида сиз бу номақбул ишлардан бизни қайтаришингиз ке-

рак эди» дея Сулаймон акага дашном бердилар. Бу масала қарийб бир ой мухокама бўлди. Исмат олифта сохта ҳисобот билан фалон минг сўм ундириб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам гуноҳга ботиради. Ҳаммамиз бир овоздан келишдикки, бас энди, келгуси сафар ҳеч биримиз сохта вараққа имзо чекмаймиз, дедик.

Бошқа бир кечаси яна Сулаймон аканинг иссиғи чиқди. Ди-лиジョン ташқари отилди ва ярим соатларда қишлоқ дўхтирини бошлаб келди. Миктигина дўхтир уни текширди ва: «Ангинангиз бор экан, олдириш керак!» деди. Битта укол қилди. Эртаси Сулаймон ака ҳеч нарса бўлмагандай ишга чикиб кетди.

Биз бирга чигит тўла челакларни галма-гал тракторга етка-зib турардик.

Мен уни яна гапга солдим:

– Нечун бу одамга шунча меҳрибонсиз? Ўзингизни ҳам ўйлайсизми?

У менга мулоим қаради:

– У киши имонли одам!

Унинг бу жавобидан қониқмаган бўлсам-да, лекин ҳар холда бундай йигитларнинг Сулаймон акага ўхшаганларга меҳрибон бўлишларини табиий ҳол, деб қабул қилдим. Одам одамни суюйди, бир-бирига ёрдам беради, албатта. Инсон инсон билан тирик-да!

– Раҳмат, ука, раҳмат. Илоҳим, юзга кир!

Бир куни мен ҳам қишлоқка уйдагиларимдан хабар олгани кетдим. Қайтиб келганимда, сийлик тарқатишётган экан. Ди-лиジョンни қидирдим. Азимбой йўлимни тўсди, қўлида зар хошияли ён дафтар ва чиройли кўк ручка бор эди.

– Буни сизга бериб кетди! – деди у жилмайиб.

– Ким? – дедим хайратланиб, кўнглим бир нарсани сезган-дек ўюшиб кетди.

– Эртага туғилган кунингиз экан-у, қитмир, айтмайсиз ҳам!

Турган жойимда бўғриқдим.

– Ким айтди!

Азимбойнинг овози қулокларим остида ёқимли жаранглади.

– Ким бўларди, Ди-лижонимиз-да!

– Қани ўзи?

– Каергадир кетди, эртага келади!

Мен шунчалик яхши одам ҳам бўладими, деб ўйладим ва уни дунёнинг энг яхши инсони деб атай бошладим.

Лекин...

Бир куни Нодирнинг узуги йўколиб қолди. Арикка чўмилгани кета туриб, Диличонга: «Шу ерда туриб турсин!» дега кўз-кулок бўлиб туришни тайинлаган экан.

Биз тушликка чикқанда, Нодир уни бисотидаги энг антиқа сўзлар билан бўралаб сўкар, у эса бўйини эгиб, хомуш холатда эди.

Сулаймон ака: «Ҳай, Нодир ука, кўп куйинаверма, топилиб қолар!» дега уни юпатмоқчи бўлди аммо у. «Бунинг калласи каерда, караб тур, деб тайинлаб кетган эдим-ку!» дега жавради у.

Биз чор-атрофни тит-пит қилдик, аммо узук ҳеч жойда йўқ эди.

Кечкурун Диличон гойиб бўлди.

Нодир ер тепиниб сўкинди ва: «Ҳаммаларингиз уни эр-калардингиз, башараси очилди, кўрдингларми, аслида у учига чикқан киссавур экан! Узук! Воо, узугим-а! Ўн йил туфтутуфлаб, йиғиб-йигиниб харид қилган эдим-а! Қимматбаҳо эди жудаям!» деди. Биз бир нарса дега олмай, изза бўлганча ер чизиб қолдик. «Бироз шошилмайлик!» – деди Сулаймон ака. Лекин у эртаси ҳам, индини ҳам, ундан кейин ҳам кўринмади. Ҳатто менда ҳам унга нисбатан шубха уйғона бошлади. Нодир бехуда уни ёқтиргмаган шекилли, деган хаёлга ҳам бордим. Одамни билиб бўлмас экан-да!

Биз яна олдинги ҳолатга тушдик: эрталаб ҳамма ланж уйғонар, шийпон атрофи тўзғиб ётар, хонамиз ҳам тартибсиз ҳолда қолар, овқатимиздан ҳам маза қочган эди. Кутимаганда, култивация тракторимизнинг мотори эриб, ишимиз тўхтади, эртаси кечкурунги овқатимизга – шўрвага қаламуш тушиб, иштахамиз ҳам ўлди, Сулаймон аканинг касали кўзғаб, икки кун кўрпа-тўшак килиб ётди. «Диличон бўлганда бир кечада тузатарди», деди тамшаниб. Нодир у кишига кўзини ола қилди. Шу билан қайтиб бу тўғрида гап очмадик.

Орадан икки хафта ўтди. Диличондан тамом кўнгил уздик. Нодирга эса: «Куйинма, биродар, узук топилади!» дейиншдан нарига ўтмадик.

Бу воқеани эшитган Исмат олифтанинг тепа сочи тикка бўлди. «У ярамасни ўшанда орқасига тепсам бўларкан!» деди.

Учинчи хафта тушлик пайтида у тўсатдан пайдо бўлди. Биз овқатланиб ўтирган эдик, мен эндинга бир кошиқ ошни оғзимга солган эдим, ҳайратдан жойимда тахта қотдим, ҳатто кўзларимга ҳам ишонмадим: мен унинг қайтиб келишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

У озиб-тўзиб қорайган, пешанасининг ўнг тарафи тирналган, кўзлари ғамгин эди. Бизларга салом бериб, тўғри Нодирнинг ёнига келди ва ўнг кўйини узатди: қаварган, кизарган кафтида ёкут кўзли узук жилоланиб турарди.

– Ол, ўрток, сеникига ўхшамаса ҳам нархи teng! – деди у.

Нодир, айбдор кимсадек бўйнини кисиб, бизларга каради.

Сулаймон ака ўрнидан турди:

– Қаерларда юрибсан, Диличон?

Дилижон узукни Нодирнинг кўлига тутказди-да:

– Катта бир акахонимизнида кеча-кундуз ишлаб, мана шу узукни сотиб олиб келдим, мени кечиринглар! Нодир, сен мени ноҳак айбладинг, узугингни мен олган эмасман! – деди йигламоқдан бери бўлиб ва ичкари кириб нарсаларини йигиштира бошлади.

Сулаймон ака:

– Яхши иш бўлмади, болалар! – деди хафа бўлиб.

Бир нима дейишга ҳайрон эдик.

Дилижон чарм сумкасини елкасига осиб, ташкари чиқди:

– Хайр, яхши колинглар! Мен сизлардан хафа эмасман!

Жўра ака унга юзланди.

– Бундай қилма, ука!

Сулаймон ака уни бағрига босди.

– Мени ташлаб кетасанми, ука?!

У бошини қуйи эгди.

– Кечиринглар мени. Бу ерда ортиқ қололмайман!

Нодир ўрнидан турди. Дилижон унга ҳатто қайрилиб ҳам бокмади. Сулаймон аканинг кўлтиғидан сирғалиб чиқиб, жадал йўлга тушди.

Орадан икки кун ўтиб, узук топилди. Қаерда экан, денг! Эътибор бермаган эканмиз, полнинг кезагида сичқон кириб

чиқадиган тешик бор экан. Мен столни суриб, хонани тозала-  
ётган эдим, кўзим ўша тешикка тушиб, Нодирни чакирдим ва  
иккимиз таҳтани кўпориб, пол тагига карадик: не кўз билан  
кўрайлики, ёқут кўзли узук сичкон тўдалаган тупрок устида  
«манаман» деб турарди. Ҳай, совуқ матоҳ-а! Совуқ матоҳ-а!  
Биз меҳр кўйиб, у билан мақтамоқчи бўламиз, аслида у ара-  
зимас темир. Бизни шунча кўйга солди-я бу узук, бир яхши  
инсондан айирди-я!

Нодир оғир хўрсинди.

Хонада юрагим қисилиб, ташқари чиқдим: чанг-тўзон ара-  
лаш чўл шамоли юзимга урилиб, нафасим бўғилди.

КУССАНАР



## ҲАЛОВАТ

### I

Шу кунларда Қодир раис азобда қолди: еган-ичгани олдиди, ўғил-қиздан тинган, ҳамма нарса етарли, ҳамма нарса бор, аммо жони қийнокда! Қаёқдан ёпишди бу дард? Қаёқдан келди? Бир тутам оппок соқолини силаганча йўга толаркан, кўзларидаги баҳор ўрнини куз эгаллаб, корачиклар хира туман ичиди қолди. Балки, бирор касалликка йўлиkkандир, ноҳос оёқдан йикитмасайди ишқилиб!

- Ассалому алайкум!
- Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳ!

Чоғроққина хона. Иссик. Ҳали қоронғи тушган бўлмасада, чироқ ёқилган. Чор-атроф сутдек ойдин. Қодир раис Бозор имомдан химмат кутаётгани йўқ, ёқтираслигини яхши билади. Раислик йилларида мачитни ёпиб, уни ҳайдаб юборгани эсида. Калласи қаёқда эди ўша пайтларда?! Мачитнинг унга оғирлиги тушганмиди?! Ёпилсин, йўқ қилинсин, бузиб ташлансин, деган ҳам ўзи. қилғиликни килиб, бугун пушаймонда колган ҳам ўзи! Бирор унга шундай номаъқул ишни қиласан, деб пичок ўқталғанмиди?!

Бозор имом тик боқиб сўрашди:

- Эсонмисиз, тақсир?
- Раҳмат! – Қодир раис дув кизарди. Раҳмат эмиш. Раҳмат эмас, шукр дейиш керак эди. Қовун туширди.
- Ўзингизнинг тани-жонингиз соғми?
- Шукур, Оллоҳ таолонинг паноҳида насибамизни териб юрибмиз.

Қодир раиснинг чакка томирларида игна санчган каби оғриқ турди. Пичинг киляпти. Ҳалиям омонмиз, ўлганимиз йўқ, биз ҳам яшаяпмиз. деганими бу? Яшайверсин! Ҳеч ким унга таъна қилмаяпти! Ўтган ишга саловат: ҳаётда кимдир яхшилик қиласди, кимдир ёмонлик.

– Бемаҳал ташрифингиздан бир мақсадингиз борга ўхшайди, тақсир?

– Худди шундок! – Қодир раис ютинди, томоғи, шиша зарралари ёпишгандек ачишди. «Худди шундок, Бозорвой!» демоқчи эди, аммо номини тилга олишни истамади, номини тилга олса, ўзини камситилган сезди. Яна ютинаркан, дудукланиб, зорланиб деди: – Уч-түрт кундирки, танам олов бўлиб ёнади. Буни бехосият, деб эшитганим бор.

Бозор имомнинг бирор туки ҳам қимир этмади.

– Шундай, тақсир, шундай! – деди «баттар бўл» деган оҳангда.

Қодир раис Бозор имомнинг бежирим мовий салласига ҳавас билан тикилди. У доимо бежирим салла ўрайди. Доимо мовий. Доимо бир хил. Кўлининг доғи тегмайдими?! Қандай тоза сакларкин?

Қодир раис сўзида давом этди:

– Дўхтирга бордим. бир қоп дори-дармон ёзиб берди. Ичувдим, баттар бўлдим, аъзойи-баданим эзилиб кетди... Маслаҳатга келувдим олдингизга!

Бозор имом оппок кўлидаги ола-була донали тасбехни идао қилгандек силкитиб-силкитиб ағдарди:

– Ҳм-м, дори ичиб, ёмон бўлдим денг!

– Ҳа, ёмон бўлдим.

– Бу ҳам бехосиятдир, тақсир!

Умрида факат мактоб гулчамбарлари остида сийланган Қодир раис учун бу гап совуқ хабардек оғир туюлди. Нуқул иддао килади-я, оғзинг тупрокка тўлгур, нима ёмонлик килувдимки, бунча тепкилайди.

Бозор имом бояги совуқ оҳангда давом этди:

– Қуръони Каримда айтиладики, тақсир, ҳар банданинг ихтиёри ўзидадир. Яратган эгамиз яхши ва ёмон йўлларни кўрсатиб кўйгандир, кимнинг қайси йўлдан бориши ўз ихтиёридадир. Ихтиёр – эркинлик, банданинг инон-ихтиёри ўзида бўлмас экан, унинг ҳар қандай ҳалол иши ҳаром ҳисобланур, лекин Оллоҳ таоло кишининг кўнглига солмаса, у бирор нарсага сажда қилолмайди. Худо денг, тақсир, кўнглингиз покланибди. Энди ўзингизни поклашингиз даркор.

Кодир раиснинг бўғзига нимадир тикилди. У бундай кўпол муомалага сира ўрганмаган, ҳар ерда, ҳар жойда одамлар унинг соясидан чўчишиб, куюк сўрашишган. Бу зот эса уни ерга уриб ўтирибди. Нима деса бўлади унга? Сўксинми? Бакирсинми? Лекин буни қарангки, ҳозир кўнглидагини айтишга қийналяпти. Шундай қийналяпти, умрида бирор марта бундай нокулай ахволга тушмаган!

У ҳарчанд ўзини зўрламасин, тили айланмади, гўё музлагандек таққа тўхтади.

Бозор имом аста мингиради:

– Олинг, чойдан ичинг!

Кодир раис буқчайган қаддини кўтарди. Яхшиямки, ўзбекона урф-одатларимиз бор, бўлмаса, шуниям айтмасди. Бозор имом лутф қилди:

– Шириналлардан олинг, тақсир. Бухорои шарифдан келтиришган. Мозорбосди.

Кодир раис печак қанддан бир дона олиб оғзига солди: тилида кордек эриди, таъми ширинроқ экан, чой хўплаган эди, анбар ҳид димогини китиклади. Якин орада бунаقا чой ичмаганди, чойга нимадир аралаштирилган: Бозор имомнинг муридлари кўп, келтириб туришади кучок-кучок совғасаломларни.

– Гап шуки, тақсир, – давом этди Бозор имом, – энди мачитга қатнанг. Мана буни, – у кизил ёстиқ остидан яшил муковали юпқа китоб олди, – мана буни ўкинг, ёд олинг – енгил тортасиз.

Кодир раис хўрсинди. Қанийди, енгил тортса. Жони қийналиб кетди, оловда ёнсанг, бунчалик азобланмайсан. У ўрнидан турди.

– Куллук, тақсир, – чўнтағига қўл тиқаркан, ийманиб сўради: – Бунинг ҳақини...

– Э-э, қизиқмисиз! – Бозор имом юз ўғирди. – Мен сиздан пул сўрайамманми?

Кодир раис эрта пишган олчадек қизарди. Бекор сўради. Сўрамаслик керак эди. Хомкалла. Сендеқ ҳамма пул билан ўлчамайди ҳаётни.

У китобни бағрига босди. Аъзойи бадани яна безгак тутгандек қакшади, оёқларида жон колмади. «Эшикка етмай

йиқилсам керак». Бу ўй коронғи қалбига дақшат оловини пуркади, пешонасидан қайноқ тер қуйилди. У умрида биринчи марта тепага ёлворди: «Ё Раббим, ўзинг шарманда қилмагин!»

Бозор имом қайта тайинлади:

— Эртага, таксир, мачитга келинг, иншооллох, гунохингизни ювсангиз, дардан фориғ бўласиз!

## II

Мачит маҳалланинг кок ўртасида жойлашган; олди кунчикарга караган, киш кунларида, офтоб чикиб кун илиган файзли дақикаларда ичкарида ўтириб намикқан чоллар айвондаги катор турган тахта каравотларни банд килишади: ҳазилмутойиба, бир оз дилкаш, бир оз ғамгин гурунг бошланади.

Қодир раис тириклик моҳиятини бугун тушунганга ўхшайди. Бу моҳият хулоса, балки сўнгги тўғридан-тўғри қарор шуки, шарти кетиб, парти қолган чолларнинг ҳеч бўлмаганда суюнчиғи, овунчоклари бор: ҳаммалари ахил-иноқ, бир-бирларига суюнишади, бир-бирларидан мадад олиб яшашади.

Бир кам дунё!

Қодир раис нимадан қисилади? Нимадан озор чекади? Ўзига шу саволни берса бўлармикин? Қисилади, озор чекади – бу нимаси?! У бирор нарсадан зориқдими? Одамлар кама-камалар даврида тик этган товушдан «қалт-қалт» титраган лаҳзаларда, у оёғини узатиб яшади, душман, кулок, ёт унсур деганинг уйини куйидирди. Шўрога шу маъқул экан, уни кўйнига олди, уруш даврида ҳам қийналмади, ҳамма эркаклар урушга кетиб, кишлоқнинг ягона хўжайнинг айланиб, эҳ-хе, қанча ожизалар билан ош-қатик бўлди. Бугун шуларни эсласа, бадани музлайди, юраги увишади: гуноҳ-гуноҳ, канчалар гуноҳ! Тирногидан сочигача гуноҳга ботган; кўчада унинг корасини кўрган борки, эгасидан таёқ еган ҳўқиздек тиркираб кочарди, у бундан магурланар, мен қанчалик қудратлиман, қанчалик зўрман, савлатимдан от ҳам ҳуркади, дея ўзича осмонларда юрарди. Энди ўша кунларни эсласа, уятдан эти ловуллаб ёнади. «Худойим, ўзинг кечир!» Эрта-кеч шу калима оғзидан тушмайди.

У чоллар билан қүшкүллаб күришди. Ҳеч ким уни масхара килмади, бирор унга олайиб қарамади. Қизик-а, биринчи маротаба бу ерга келяпти, биринчи маротаба мачитга қадам босаяпти. Чоллар мени күриб ё кулишади, ё мазах қилишади, ё ҳайрон бўлишади, деб ўйлаганди. Буни карангки, манови гапдон чоллар пинагиниям бузишмаяпти: гўё ҳеч гап бўлмагандай!

Унинг тик туриб колганини кўрган Бозор имом, нарирок сурилиб, ёнидан жой кўрсатди:

– Келинг, Қодирвой, улуғ даргоҳда ҳаммага жой етади.

Қодир раис умрида биринчи марта ёш боладек нокулай ахволга тушди. Бозор имом қўлидаги олачипор тасбехни ўгира туриб, деди:

– Ахли жамоага маълум бўлсинким, бугундан эътиборан Қодирбой бандай ғофил ҳам руҳларини поклаш мақсадида сафимиизга келдилар.

Чоллар бараварига унга разм солдилар. Нигоҳларда факат бир ҳайрат – куёш каёдан чиқдийкин, деган ўзочир эди.

Қодир раиснинг аъзойи-бадани жимиirlади. Эҳ-хе, канчадан-канча кўз ёшлар, дард-фарёдлар, бакир-чакирлар олдида килт этмаган вужуд бугун қўлидан бир иш келмайдиган, шарти кетиб, парти қолган чоллар олдида нихол баргидек титраб турса-я!

Ҳамиша тагдор гапиравчи Донаев пичинг қилди:

– Одамни ақли кетмасдан инсофга келгани яхши!

Эси кирди-чиқди бўлиб юрадиган Мош тентак бобо:

– Аҳмок кариса сўпи бўлади денг, – деди хириллаб.

Бозор имом уни жеркиб ташлади:

– Тил-забоним бор деб валдираш гуноҳ! Мен сизга неча марта айтдим, ҳар гапга аралашманг, деб. Сатқайи одам кетинг-е!

Мош тентак бобо ўзини оқлашга тушди:

– Шунчаки гап-да бу! Бирорвга... бирорвга тегинтирганим йўқ.

Чоллар пиқир-пиқир кулишди.

Уларга мазза, хоҳлашса кулишади, хоҳлашмаса йўқ. Руҳлари эркин. Енгил. Уники-чи?! Уники икки дунё юки остида.

Сутранг «Жигули» мачит қархисида ғийқиллаб тўхтади... Самад Курбоннинг ўғлинини шекилли. Оқ кўйлак, кизил гал-

стукли, кора чарм куртка кийган, узун бўйли йигит машинадан тушди. «Уша, ўшанинг ўзи! Олифталигини қаранг!» Қодир раис хўрсинди: у ҳам уч ўғлини эркалатиб ўстирди, нима дейишса, муҳайё этди. Одамлар котган нонга зор бўлган лаҳзаларда, улар қўй гўшти, ширмой нон едилар. Э, Худо, топганининг ҳаммаси ҳаром экан: ўғилларининг биронтаси ҳам одам бўлмади, тўнгичига алп йигит бўлсин. дея Азамат деган ном берган эди, афсус, ноқобил фарзанд чиқди, ҳозир аллақаёкларда – Оренбургми, Шоренбургми, гўру балоларда тентираб юрибди. Икки йил бўляпти. Ота-она, кишлоқ ёдига тушмайди. Үрганчаси Содик наша сотиши билан шуғулланаркан, ўн йилга камалиб кетди бурунги йили. Кенжаси Санжар ичгани-ичган, тракторини ўтган ойда авария килиб, бир балодан омон колди. Энди эшикма-эшик юриб, бир шиша ароқ эвазига одамларнинг юмушини бажарип билан овора.

Қодир раиснинг сим-сим оғриб турадиган хаста юраги, она корнида безовталанган ҳомиладек, қаттиқ тепди. Э Худо, шу азоб ҳам бор экан-да! Нима деган одам бўлди! Эл-юрт олдида нима обрўйи колди?

Самад Курбоннинг ўғли ҳамма билан кўришди-да, Бозор имомга қараб деди:

– Бобо, худойи килаёттандим, шунга юрсайла!

Бозор имом ўрнидан кўзгалди.

– Мошинангга сиғамизми, ўғлим!

– Сиғасизлар!

Қодир раис ҳаммадан сўнг ўрнидан турди.

Олдинга ўтишга уялди. Бурунги замон бўлганда. биринчиликни ҳеч кимга бермасди, қарими, ёшли – унга барибир эди, ўйлаб бош котириб ўтирмас, ўзидан бошқани тан олмас, ўзидан бошқани одам ҳисобламасди. Ҳозир уялгани, тортингани ўзига нашъа килди: аслида одам шундай бўлиши керак, орка-олдига қараган адашмайди.

Беш нафар бобой мошинни тўлдирди. Мош тентак бобо билан Қодир раисга жой қолмади.

– Мен пешком бораман, – кўл силтади Мош тентак бобо.

Қодир раисдан сўраб ҳам ўтиришмади, борадими, йўкми. Машина ўрнидан зув қўзғалди-да, кетди-колди.

Қодир раис оғир нафас олди бир неча хафтадан бүён рухига азоб бериб юрган номсиз оғриқ аввал бошини арралади. сүнг жигарини тирнаб ўтди, кейин юрагига чанг солди. Ах, бу нима азоб-а? Бу нима азоб?

Мош тентак бобо қўлини белига ташлаб йўлга тушди.

Қодир раис, кўчада ҳеч ким бўлмаганда. ҳозир дод солиши тайин эди. Кимларга teng қилиб қўйди уни? Кимларга?

### III

Дарвозадан кириши билан юраги қисилди, ҳовли тўла хазонбарг, файзсиз, нима бало, бу уйдан ўлик чикканми?

Кампири – бақалок, бурни катта, чўтири юз аёл сандал ёнида чўзилиб ётарди.

– Ҳа-а-а, бугун кеч қолдингиз, – деди бошини кўтариб, – чой-пой кип қўювдим, зорманда совиб-нетиб қолгандир.

Қодир раиснинг аччиғи чиқди. Кўчада Мош тентакка teng қилишса, уйда совук муомалага дуч келса, нима ўзи бу? Яшамми? Ит ётиш, миরза туришми? Аёл бўлгандан кейин «келдингизми» деса, ўрнидан туриб тагингга кўрпача солса, оркангга ёстиқ кўйса.

– Қайларда санғиб юрувдингиз?

Қодир раис истар-истамас жавоб қилди:

– Худойига борувдим.

Оёгини сандалга тиқди: муздек, совук! Олов ёқиб, чўғилиб солса, ҳаки кетадими бу занғарни!

– Ҳа-а-а, намунча тирсайган-пурсайгансиз?

Қодир раис, «ҳаммасига ўзим айборман», дея эзилиб, хаёлга бериларкан, кампири билан «сан-манга» боришни истамай:

– Ўзим, – деди секингина.

Кампири бир нимадан хавотирлангандай сесканиб сўради:

– Бирор жойингиз оғриятими?

Қодир раис ҳорғин овозда жавоб қилди:

– Йў-ўқ, оғриётгани йўқ ҳеч жойим!

Кампири, «хайрият-э» дегандек, ёнгил тин олди, гўштдор елкалари кўтарилиб тушди.

– Бокқа кириб хабар-пабар олмадингизми? Мол-ҳол кирган бўлса...

Қодир раис киноя аралаш деди:

– Аввал чой-пой олиб ке, суғун сўрарсан-пўрарсан! Ундан кейин тезда жойнамоз тайёрлаб-пайёрлаб кўйгин.

Кампири унга ғалати тикилди:

– Салла-малляям тайёрлаб кўй, дерсиз?!

Қодир раиснинг бир тутам мошкичири соқоли тик котди:

– Э-э, минғиллама кўп, пашиша-машшага ўхшаб!

Кампирнинг жаги очилса, бир соат сайрайди. Сайрамаса, кўнгли жойига тушмайди.

– Вой-бўй, бу эркакка гап қотгину қоч, бир оғиз гапириб хам бўлмайди-я, савил колгур!

Қодир раис оғриниб ўрнидан турди. Кўча – азоб, уй – азоб! Қайси кунларга қолди боши! Келиб-келиб кариганда шу ахволга тушадими?

Бокқа борсинми?

Боғда хузур-халоват борми?

Санжарникидан хабар олгани маъқул эмасми?

Тўқ кўқ рангга бўялган ҳовли дарвозаси ёнидаги қийшайган, бир кулочли тахт ўриндикка мук тушиб ўтирган Қодир раис ўзини кўярга жой тополмас, қаёққа боришини-ю, нима билан овунишини билмасди. Шунча гердайганинг билан топганинг шуми? Қаёққа борасан: кайда умидхонанг бор? Ўғилларми? Биттасиям ярокли чиқмади. Биттасиям-а!!! Шуниси, шу Санжари, жилла қуриса, учаловига қўшилса бўлмасмиди? Бунинг ишларини каранг. Ўтган йили топганини елга совурди. Боғдан... яхшиямки, боги бор. Қишлоқ шўроси раиси бўлган йилларида, бир кунимга яраб колар. деб ўн беш сотих ер олиб қўйганди. Тайёр ер, нон-ош сўраётгани йўқ, анор эккан эди, уч йилда хосилга кирди. Ҳар йили яхши хосил беряпти. Ўтган йили икки тонна анор олди. Килосини икки сўмдан пуллади: кўли пул кўрди. Қанча кўп топса, шунча кувонади. Лекин бадбахт ўғил совурди барини: у ёғидан ўтди, бу ёғидан ўтди, энди ичмайман, дада, тракторимни тузатаман, дея ҳол-жонига қўймади. Ишонди, чипла-чин ишонди унинг гапига! Эҳ, Санжар. Санжаржон! Отангни алдадинг-а? Отангни-я!

Қодир раис тақир ердек тиришган кенг пешонасини си-  
лади. Бунча шүр бўлмаса бу пешона! Яна ўша оғриқ хуруж  
қилиб, оёклари, кўкраги ва бошини каттиқ зиркиратди. Қайдан  
келди бу оғриқ?

Қодир раис беихтиёр туриб кетди. Қандайдир илохий кучуни  
ўрнидан турғазди. Каёқка боради? Битта умидхонаси ўғлиники!  
Яхшиямки, муаллимани келин килган, уни тергаб, эплаб юриб-  
ди. Кўз тегмасин, ақлли ожиза. Борса, ер-кўкка сифмайди, топ-  
ган-тутганини дастурхонга тўқади. Туғишганингдан минг мар-  
та яхши. Санжар-чи? Санжар уялмайди:

– Бобой, мазангиз йўқми?! – дейди бепарда оҳангда. – Пул-  
дан қарашибмайсиз, бобой! Чиритиб нима қиласиз коғозларни. Ё  
мамашкадан кўрқасизми?

Қодир раис «ставба» килади, унга қаттиқ гапиришдан  
ҳадиксирайди, «Худоё худовандо, ўзинг кечир», дейди ичидা.

Келини Наргизахон жонига ора киради: «Уялмайсизми,  
Санжар ака. – дейди ранжиб, – пул сўрайсиз-а, кап-катта одам  
бўлиб!»

Санжарга гап уқтириш осонми?! Хотинининг оғзидағини  
бўғзига тиқади:

– Тийил, узун соч, тумшуғингга тушиб қолмасин тағин!

Қодир раис энсаси қотиб ҳомузга тортади. Бир пайтлар  
кишлокларида ўрис печкачи бўларди. Эр-хотин уйма-уй юриб  
печка куришар, тутун тўлганларини тузатишарди. Ўша ўрис  
хотинини шундай кўпол уришарди.

Қодир раис илон изи ариқ бўйлаб тепага юрди. Йўқ, Сан-  
жарнига бормайди, ўғли яна пул деб хархаша қилади.

Дараҳт барглари чирт-чирт узилиб, оёқ остига тушади.  
Барглар эмас, гўё унинг юраги тўклилаётганга ўхшайди. Умр  
кетяпти. Азоб ўтида кетяпти. Шундай ёниб тугайдими, нима  
бало?! Қариликнинг гашти бўлади, дер эдилар, кани ўша гашт,  
кани ўша хузур-халоват?

Қодир раис зиркираб оғриётган бошини силади. Бу бош так  
этиб деворга тегди, кўр кўзлар ярқ этиб очилиб, хаётни англади!

Уруш йиллари эрсиз қолган ожизаларни қақшатгани,  
бегуноҳ одамларни хўрлагани... барча золимликлари ўзига  
қайтаяпти. Қайтар дунё бу!

Қодир раиснинг кўз ўнгида озгин, заъфарон юзли аёл – Мухаррам гавдаланди. Ўшанда бригадир эди. Мухаррам икки кун ишга чикмади. У пайтларда ишга чиқмаганни жазолаш шарт эди: кўл остингдагини урасанми, сўкасанми, шўро бунга bemalol йўл берарди. Мухаррамнинг боласи касал экан. «Ошпазсан, икки кундан бери колхозчилар иссик овқатсиз қоляпти, эртага ишга чиқмасанг, кўчиритириб юбораман», дея дағдага килди. Бу гапдан Мухаррам қўрқди ва эртаси ишга чиқди. Ка-сал боласи билан. Ўн кун ишлади. Эрталаб боласи шийпонда узилди. Шўрлик эзилиб кетди: бутун шийпонни бошига кўтариб дод солди, бунга чидолмай кенг дала титради, беозор кушлар чиркираб кўкка кўтарилиди.

Қодир раис ух тортди. Ўшанда кўзини парда босиб, Мухаррамга нотўғри зугум килган экан. Муштипар аламзада она билан бевакт ҳаётдан насибаси узилган гўдакнинг охи энди уни кон қақшатяпти, энди уни турли азобларга соляпти.

– Қодирвой, ҳо-о-о, Қодирвой!

Қодир раис бошини кўтарди: Мош тентак бобо, елкасида нимадир солинган унхалта. Олдинда Бозор имом кетиб боряпти. Қаердандир келишяпти. Кимнидир «куф-суф» килишган кўринади.

Бозор имом қўлидаги оқимтири заранг таёғи билан «юринг» дегандек ишора килди:

– Хуфтон намозига якин колди, Қодирвой!

#### IV

Қодир раис факат бир нарсадан – чолларга калака бўлишдан чўчиди. Лекин ҳеч ким унинг устидан кулгани йўқ, аксинча, бир-иккитаси: «Яхши ўйлабсиз, Қодирвой, кўп савоб иш бўпти», дея уни мактади. Бошка бирори: «Оллоҳ денг, гунохлардан соқит бўласиз», деди. Ёмон одамсан, деб кўкрагидан итаришмаганига шукр!

Аммо, ўзга дунёга тушгандек, ўзини нокулай сезяпти, юраги қисиляпти, гўёки қалб мамлакатига тун чўккан, зулмат хукмрон, у катта-катта минбарларда гапириб ўрганганди одам. Курултойларда бутун зални ларзага келтирган, мухтасар айт-

ганды, уч-түрт одам йигилган жойда жиловни қўлга олган. Бу ерда-чи? Бу ерда у соқов. Гапирай деса, хато қилишдан кўркади. Билмаган соҳага бурун сукқандан ёмони йўқ.

Намозга келган чоллар остоңада Бозор имомни кутиб туришибди. Бошқалар ёшига караб бирин-кетин мачитга кира бошлидилар. Мosh тентак бобо кўлини кўксига кўйиб, ҳаммани олдинга ўтказмоқда, Қодир раисга келганда, пихиллаб қулди-да, оёғидаги еттинчи калишни ечиб, ўзини ичкари урди.

Қодир раис тарсаки еган одамдек дув кизарди. «Хаҳ ярамас, – деди ҳасратдан ёниб, – шу тентак ҳам мени менсимади. Бу қандай хўрлик-а?!»

Мачит ичи жуда кенг, оёқ остидаги Хоразм, Сурхон накшинкор гиламлари оловдек товланади, икки қатор оппок устунлар таъмир қилинибди. Хўжаликка раис бўлган йили бу ерни зотдор отлар бокиладиган жойга айлантирган эди. Эсида, ўша йили саман-бедовдан йикилиб, кўли синганда, «Фалокат оёқ остида», дея ўзини юпатди. Бугун ақли кириб, дунё таниганда, бу ходиса шунчаки «фалокат» эмаслигига, хар қалай, фаҳми етяпти.

Тепадан келган майин садо Қодир раиснинг хаёлини бўлди. «Ўзбек бўлганингга шукр кил, гофил банда: ён-атрофингдаги ўз тилингда сўзловчи бандаларнинг андишали, мулоҳазали эканлигига шукр қил! Халқингнинг бағри кенглигига шукр қил!»

Қодир раис беихтиёр бошини лиқиллатди. «Шукур киляпман!»

Бозор имом жамоага хар кунги гапини такрорлади:

– Тахорати йўклар учун иссик сув тайёрлаб қўйилган. Тахоратхонага ўтаверинглар!

Қодир раиснинг мияси автомат ҳисоблагич каби тез ишлади: «Ҳузур-ҳаловат топаман деган киши хар лаҳзада тахорат олмоғи лозим». Лекин у тахорат олишни ипидан-игнасиғача билмайди: пахта, пахта деб юраверибди, дунёнинг бу ишлариниям билиб қўйиш керак экан пайтида.

Кишилар кўз ўнгига тахорат олиб, рисоладагидек ўринлата олмаса, шармандаю шармисор бўлмасмикин?

Мosh тентак бобо уни туртди:

– Тахорат боми? Ҳе-ҳе-ҳе, йўқ бўлса, пашли!

Кодир раис тахоратхонага кирмаган эди. Мош тентак бобо орқасидан судралиб борди. Пастаккина, узунчок бу бинони тиши тўкилган чолларнинг ўзлари бундан тўрт йил олдин хашар йўли билан қуришган. Ўзбек дегани ўта савобталаб халк. Кулогига чалингган эди: биттаси инифер, яна бигтаси тахта, бошқа бирори сомон келтириб берган! Мажалла-қўй ёшлига ҳам қараб туришмаган: ишдан бўш пайтларида пойдеворини қазишган, бетон қуийшган. Курилишга битта Кодир раис келмаган. Келса бўларкан! Энди пушаймонда!

Кодир раис тахорат учун алоҳида-алоҳида жой ажратилганини кўриб енгил тортди: айбини бирор кўрмайди.

Мош тентак бобо:

– Бўла қолинг! – дея овозининг борича бакирди.

Шошилиб қолган Кодир раис оркага тисариламан деб офтобага кокилди, сув қилқиллаб тўкилди.

Мош тентак бобо бобиллаб берди:

– Э-э-э, кўзингизга қарамайсизми? Қанака одамсиз ўзи? Худога ёқмади ташрифингиз!

Кодир раиснинг юрак боғини чақиртиканлар босди. Лабига қўнган пашшани ҳайдаёлмайди-ю, зарда килишини каранг. Ўргилдим сендан. Худога ёқмади эмиш! Сув тўкилса – ойдинлик! Сендақалар вайсайверишади-да билмасдан!

Мош тентак бобо мачит эшиги олдида иззат кўрсатиб, уни ўзидан олдинга ўтказди. Кодир раис мийигида кулди. Хурмат килса бўларкан-ку! Офтоб каердан чикди? Тентак! Чин маънода тентак чол!

Унинг жойнамози йўқ эди. Нима қилишини билмай андак туриб колди. Юрак мамлакатида яна зилзила бошланди. Бу ерга тайёргарликсиз келмаслик керак эди.

Бошқа мачитларда гилам устига ок бўз ташлаб қўйилади: жойнамоз кўтариб юрмайсиз. Бу ерда эса ҳар ким ўзига жойнамоз олиб келиши керак, бу катъий анъянага айланган. Бозор имом ҳам шунинг тарафдори, унингча намоз фақат пок мато устида ўқиласди. Бу биринчи, иккинчиси шуки, соғлиқниям ўйлаш лозим, мингта одам бош қўйган жойга табаррук пешанани текказиш ақлли одамнинг иши эмас!

Бозор имом унинг қаршисида тўхтади.

– Таксир, беҳол кўринасиз!.. Манавини олинг! – кўлтиғидаги оқ матони унга узатди. – Сизга насиб килган экан, Маккан Мукаррамадан олиб келган эдим. Эҳтиёт қилинг, макруҳ тегмасин!

– Раҳмат сизга, катта раҳмат! – Қодир раиснинг юзи тонгда очилган лоладек яшнади.

Бозор имом:

– Яратган эгамизга шукур денг, таксир!

Энди Қодир раис ўсал бўлди.

Бозор имом ундаги ўзгаришни сезиб, нима гаплигини фахмлади шекилли, фикрини тушунтира кетди:

– Мен ҳам сиздек бандаман, таксир! Сиз бандасига раҳмат деманг. Аллоҳга шукур десангиз, савоби ҳаммамизга тегади.

Қодир раис окшомги қўёшдек лов қизарди. Ўр банда! Ўрлигини яна намойиш қилди.

## V

Қодир раис уйга кириши билан кампири жаврай кетди:

– Шунака карийдими киши дегани! Кўчадан бери келмай қолдингиз. Уч кундирки, уйда совун-повун йўқ, киримни ювмаяпсан, деб қулогимни еганингиз ортиқча!

Чарчаган кишига гап ёқмайди. Бу ёғи қариллик. Бир оғиз аччиқ сўз ҳам оғир ботади. Аммо Қодир раис ўзини қўлга олди.

– Нервингни бузма, кампир. Совун бўлса, ҳозир гатоп киласман.

Кампири ҳайратланди.

Қодир раис буни сезди, сезди-ю, мийигида кулиб қўя қолди. Рост-да, кундан-кунга юмшаяпти, бирор каттиқ гапирса, ўзига олади-ю, лекин сиртига чиқармайди. Боя Мош тентак бобо ўлардек масхара қилди, бир нима дедими?! Демади! Ўша билан баробар бўлишдан не фойда?! Айтди-қўйди-да.

Қодир раис кампирига қараб, эрка оҳангда деди:

– Онаси, битта аччиқ чой дамлагин, иккаламиз бир мириқиб ичайлик.

Кампири синиқ кўзойнагини оларкан:

– Кундан-кунга гўдак-пўдакка ўхшаб боряпсиз, – деди аччиқланиб. – Куёв-пуёвликда айтилмаган гаплар энди эсингизга тушаяптими?

Кодир раис гапни ҳазилга бурди:

– Ҳалитдан кари қолдик деб ўйлајпсанми? Энди баҳорга етиб келдик! Ҳали олдинда ёз бор, онаси!

Кампири кулди:

– Кимдан юқди, ҳазил-пазил қилиш?

Кодир раис, ҳазилни эзполмаса-да, кампири олдида изза бўлмаслик учун бор бисотини ковлаб, бир сўз топди:

– Ҳазилнинг этагидан тутдик, онаси, энди коп-коп афанди эшитаверасан.

Кампири қовоғини уйди. Ёқмади шекилли. Кодир раис пар ёстикка ёнбошлаб, хаёлга толди. Ёшлиқ – олов давр. У пайтларда елиб-югуриб чарчамас, белда кувват, билакда куч етарли эди. Далани бир айланса, юзтаси сукланиб қаарди. Худонинг ўзи кечирсинг: гуноҳлари кўп, жуда кўп! Аёл – шайтондай гап. Қош қокканни кўрса, ўзидан кетарди. Ҳамма ухлаганда, шийпонга келарди. Тагида гижинглаган от. Ҳасаннинг хотини... О-о-о, пари эди, оғат эди. Отининг пишкирганини эшитса, бас, югуриб келарди. Момик белидан даст кўтариб оларди-да, сой томон еларді. Шовуллаган сой, ёз кечаси... Нобакор бандангни Ўзинг кечир. Тангрим, Яратган эгам! Шарманда килма дўст-душман олдида.

Кампири дастурхон ёзди, чой-нон келтирди.

– Вараннинг йўқми, онаси?

Кампири тутакиб кетди:

– Варанни қолдими? Қизил жомадонга жойлаб бўлдингиз!

Кодир раис кесатиб деди:

– Фақат биз жойлабмизми?!

– Ади-бади айтиб ўтиришга ҳоли-жоним йўқ, чол бўлиб сиз хам совун-повун, гуруч-муруч топиб кела қолинг!

Кодир раис их-ихлаб кулди.

У кўчага чикди-ю, ўйланиб қолди. Кейинги вақтларда чўнтағида барака йўқ: кампиридан сўрашга уялди, пул бўлганда жавраб ўтирмасди, инқиллаб-синқиллаб бўлса-да, ўзи бориб олиб келарди. Кимдан қарз олса?

Дўкон олдида одам гавжум: бир гурух эркаклар ўзаро гурнглашмокда, баъзилари буркситиб тамаки тутатишяпти, симёғоч остида ўтирган ёшлар қарта ўйнашяпти. Пулга бўлса керак, бақириб-чакириклари оламни бузади. Ёш-яланг, хотин-халаж дўконга кириб-чикиб туришибди. Қодир раис илҳақ бўлиб чор-атрофга кўз югуртириди. Кимдан қарз сўрайди?! У беихтиёр дўконга кирди. Лекин дўкондор кўринмасди, ёрдамчиси савдо билан андармон.

Қодир раис бирордан қарз олмаган шу пайтгача. Ҳозир битта-яримтадан сўраса, қишлоққа достон килмасмикин?! У яна одамларга кўз югуртириди. Кимдан сўрайди? Кимдан?

У дўкон мудири ёрдамчиси – олакўз Шерконга яқин бориб сўради:

– Ўғлим, пенсиягача у-бу қарзга бериб турмайсанми?

Шеркон фаҳм-фаросатли йигит, у ҳам шивирлаб деди:

– Текин акам ҳозир келадилар, менсиз ҳеч нарса берма деганлар.

Қодир раис «тушунарли» дегандек бош силкиди-да, ортга қайтди. Дўкон эшиги олдида Мухаррам кампирга тўқнаш келди. У озиб-тўзиб қолган, қовоклари бўртиб чиқкан, букилиб-судралиб юради. «Кўзим сен бадбахтга тушмасин», дея кўк фаранг рўмоли билан юзини ёпиб ўтиб кетди.

Қодир раиснинг юраги узилди. Қайтар дунё! У фарзандини йўқотган бўлса, Қодир раиснинг уч ўғли ўлик жон. Улarda на иймон, на эътиқод, на фаҳм-фаросат бор! У оғир хўрсинди.

Текин дўкондор пилдираб келмоқда. У хўппа семиз, пишиллаб юради, юзи этик мой суртилгандек ялтирайди. Бунака одамдан яхшилик чиқармикин? Қодир раис кўл силтади. Бу шунчаки бир гап-да! Ҳар нарсага ишониш керак эмас!

Текин дўкондордан арок ҳиди анқиб, чолнинг кўнглини оздирди. Конъякми, виноми, бир бало ичган. Бунча сасимаса!

Қодир раис ишонч билан оғиз жуфтлади: сўраса, йўқ демайди, бир томони қишлоқчилик, кўз-кўзга тушади, шахар эмас-ку бу ер, алдаб кетса!

– Ўғлим, илтимос, – деди у бироз ҳаяжонланиб, – пенсиямни олганим йўқ, қарзга у-бу бериб турсанг!

Текин дўкондорнинг юзи куя теккандек бўғрикиб корайди.

– Ҳамманг бир хил гапирасан: пенсиямни олганим йўқ, ойлигимни олганим йўқ. Бу давлатни дўкони бўлса, рас, бир кун комиссия келиб ревизия қилса, сугун бўйнимга отти калласидай штрафни урса, рас, а, биз виноват, бўп қоламизми, рас! Сендана сассик чоллар камомад кип мелисага тушибди, дейсанларми? Рас шундай экан, тамом, карзга ҳеч нарса бермайман!?

– Инсоф килгин, болам, бу кунлар хам ўтади.

Текин дўкондор иршайди:

– Инсоф? Бе-е-е! Инсофни сиздан сўраш керак. Эркаклар пронтга кетганда, хотинларди иштони ичидаган одамдан инсоф ҳакида эшитиш хотиндан тарсаки еган билан тенг эмасми?

Ҳангоматалаб йигитлар пиқирлаб кулишиди. Гурунглашиб турган эркаклардан бири – яшил бўйинбоғ тақкан зиёлиномо эркак уларни жеркиб ташлади.

– Яхшимас, йигитлар, отангиз тенги одам-а?

Мухаррам кампир дўкондан чиқаркан:

– Дунёнинг хисоб-китоби бор, – деди шанғиллаб. – Кўрсатиб кўйди бу бемаъни одамга. Бизларни не кўйга солмаган бу ноинсоф!

Қодир раис кўрдики, расво бўладиган, ўзини четга олдида, дўкон ёнидаги йўлдан уйга томон шошилди. Шармандаси чиқди. Расво бўлди. Эҳ, хом сут эмган банда! Сўраб нима килардинг? Бир пайтлар дўкондорнинг отасини бир парча қоғоз учун олти ой югуртирганими?! Ўша захоти кўл кўйиб берса бўларди, аммо, нодон банда, ундан бир нима кутди, бекордан-бекорга томорка олиб кетаверадими, атаганини берсинда, деди ва шу йигитнинг отасини, Қайтмас чўлок – ногирон бир одамни роса қийнади. Қилма – топарсан! Отган тошлари ўзига қайтаяпти. Қариликниям ўйлаш керак эди, Қодирбой!

У судралиб келарди. Уйга киришга юраги бетламайди, кампири бобиллайди, еру кўкнинг зорини килади. «Сиз ҳам одамми», дейди, «Ландавур, латтасиз», дейди. Бу замоннинг кампирлари... биз эркаклар айбормиз, ўзимиз сабабчимиз уларнинг шу кўйга тушишларига! Улардаги иффатни, латофатни тортиб олдик, йўқ килдик, натижада, энди улар бизни қийнашмокда.

Муюлишда кампири кўшни аёл билан сухбатлашиб турарди. Қодир раис саломлашиб ўтди.

– Мазалари йўкми? – сўради кўшни аёл. – Бобо ўзларини анча олдириб қўйганга ўхшайдилар.

Кампири хали бу таънани дастак қиласайди, гавдангизни кўтариб юрсангиз бўлмайдими?! Сизни деб изза бўлдим, демасмикин?

У уйга кириб сандалига оёқ тики: хайрият чўғ солибди, иссиккина! Ёстикни олиб, ўнг ёнга чўзилди. боши айланиб кўзи тинди.

## VI

– Ҳов, Азамат! Ҳой, сизга нима бўлди? Касал-пасалмисиз?

Қодир раис чўчиб бош кўтарди. Ҳозир жаврайди: совун кани, гуруч кани, бало қани? Аъзои-бадани қакшаб, юраги санчиб турган бўлса-да, ночор холатини дастурхон қилишни истамай, совуккина деди:

– Шунчаки кўзим илинибди, онаси!

– Дўконда совун бор эканми?

Қодир раис қалтиради:

– Боракан, онаси, қарзга сўровдим, бермади.

Кампири рўмоли учидаги тугунни-еча бошлади:

– Ўзимга айтмайсизми? Уч-тўрт сўм пулим бор!

Қодир раис сандалдан чиқиб, ўрнидан туришга чоғланди.

– Бўлмаса, бориб кела қолай.

– Кўйинг, Азамат, кўчага чиқиб бирор бола-молани топиб юборарман. Аччик чой ичиб, бирпаст дам-пам олинг, мазангиз бўлмабди, юзингиз кул сепгандай.

Қодир раис ўзича суюнди. Ким жағ-жағ кампири қалбига яхшилик уругини сочдийкин?!

Қодир раис битта-битта қадам босиб, зўрга юриб кетаётган кампирининг ортидан караб қоларкан, яхши муомала килса бўларкан-у, дея хаёлидан ўтказди. Қанийди, танасидағи оғриқдан тезда кутулиб, баҳтли-таҳтли чоллар каби кўча-кўйни тўлдириб юрсайди. Текин дўкондор, пиёниста нима деб ҳакорат қилди? Хотинларнинг иштони ичидаги юрган одамдан

инсоф ҳақида эшитиш... Ҳаҳ, ярамас-ей, кўзинг-пўзинг демай шарманда қилди-я! Бетовфиқ! Расво! Келиб-келиб шу алкашдан, шу сассиқдан қарз сўрайдими? Кампирида бор экан-ку қурғур пул дегани! Сўраса бўлмасмиди?! Эх, Қодирвой, нуқул хатога йўл қўйиб, ўзингизни-ўзингиз шармандаю шармисор қилиб юрасиз-а! Етар энди шунча гап-сўзлар!

– Қодирвой-й? Ҳо, Қодирвой?

Мош тентакнинг овози.

Қодир раис шошиб ташқари чикди.

## VII

Мош тентак бобонинг катта ўғли Ўқтамбек, узун бўйли, ияги каттароқ, чуқур кўз йигит, уч йил бўлди, қандолат корхонаси очган, бутун туманни қанд-курс, новвот билан таъминлайди. Қодир раиснинг унга хаваси келади. Ўғилларидан бири шу йигитга ўҳшаганда, бунчалик армон қилмасди. Мош тентак – ўз номи билан тентак, болаларини тўйдириб, едириб-ичиргани йўқ ёки ҳар куни қозон қайнатган эмас, лекин фарзандлари бугун одамларнинг оғирини енгил қилиб, дуо олиб, обрў-эътибор топиб юришибди. «Қарқуноқдан булбул чикибди». Халқ – доно. Халқ билиб сўзлади.

Ўқтамбек кизил дастурхонга ўралган тугунни ичкари олиб кирди, чоғроккина ҳужра хушбўй зираю ошнинг ҳидига тўлди.

Мош тентак бобо ўғлини дуо қилди:

– Умринг узун бўлсин, болам, ошни ман заказ қилгандай пиширган кўринасан. Бай-бай-бай. Ҳидини қаранг, ҳидини!

Ўқтамбек ташқари чиқиб, офтоба, сочиқ олиб кирди. Дастлаб, Бозор имомга юzlаниб: «Қани, бува, марҳамат!» – деди паст товушда.

Бозор имом эгнидаги ок желакнинг енгларини ҳафсала билан қайирди, оёқларини орқароқ олиб эгилди-да:

– Бисмиллоҳир... Қуйинг, ўғлим, – деди жилмайиб, – умрингиздан барака топинг, болам. Топганларингиз яхши кунларга буюрсин, – қўлини ювиб бўлгач, яна дуо қилди: – Отангизга раҳмат, болам, тупроқ олсангиз, олтин бўлсин!

Ўқтамбек қўлга сув куйиш қоидаларини тўла ўзлаштирган кўринади: ўнг қўли офтоба дастасида, чап қўли билан жўмрак остидан тутган, сувни шариллатмасдан секин куяди, атрофга сачратмайди. Сачратса макрух бўлишини яхши билади. Қўлни уч марта ювдиргач, елкасидаги сочиқни тутади. Сочик оппок, топ-тоза.

Кодир раис қўлини ювиб бўлгач, ўзига тегишини сезса-да, тили учидагини айтди-қўйди:

– Ҳар кимнинг ўғли сизга ўҳшасин!

Икки катта сирли товоққа ош солиб, ўртага қўйдилар. Гўштни Бозор имом тўғраб, иликли суюкни Кодир раиснинг олдига қўйди:

– Буниси сизга! Қани, марҳамат!

Кодир раис унинг раъйини қайтармади. Қайтарганида маъно йўқ, иззат қиляпти, шунисига шукур!

У не-не давраларни кўрмади. Манаман деганлар билан еб-ичиб кетаверарди. Шароб чинни косаларда истеъмол қилинар, хуриликолар-у ҳофизлар хизматида шай туришарди. Бир имоси, бир ишорасига муҳтож эди улар...

Кодир раис ошдан бир чимдим олиб оғзига солди, лекин ютолмади. Гўё томогига суяқ тикилиб колгандек эди. Боягина иштаҳаси карнай бўлиб турувди, энди бу нимаси?

### VIII

– Ош жуда зўр бўпти, мазза киб ёдик. – Бозор имом оппок сочикка қўлини артаркан, Мош тентак бобога караб деди: – Отангизга рахмат, тақсир, ўғлингизнинг диди баланд экан!

Мош тентак бобо:

– Ош бўлсин, ош бўлсин! – деди жилмайиб. Унинг бехад хурсандлиги юз-кўзидан билиниб турарди.

Бехосдан мачит деразасига тош тегиб, чил-чил синди. Бозор имом чўчиб сўради:

– Нима гап? Нима бўлди?

Мош тентак бобо ташкарига каради.

– Болалар бўлса керак!

Яна тош отилди: деразанинг иккинчи кўзи ҳам чил-чил синди. Бозор имом:

– Қаранглар, ким экан у? – деди ўрнидан тураркан. Ҳамма унинг ортидан эргашди.

Текин дўкондор мачит дарвозаси олдида тебраниб турар, жигар тусли костюмининг ўнг ёнига лой теккан, кизил бўйинбоги кийшайган, оқ кўйлагининг ёқаси ичига катланиб колганди.

Мош тентак бобо уни тергаган бўлиб деди:

– Уйингга кета қолгин. Эртага гаплашамиз.

Текин дўкондор оғзидан кўпик сачратиб сўкинди:

– Сан манга... манга начайник эмассан, тентак Мош!

Бозор имомнинг жаҳли чиқди.

– Уялмайсизми азиз даргоҳнинг деразасини синдиргани?

Текин дўкондор довдирай-довдирай уларга якин келди:

– Сан... сан сассик чоллар, нега мани ғийбат киласанла?!

Мачитда ўтириб... хик-хик... ғийбат килишга уял... уялмайсанларми?! Ундан... ундан кўра, кампирларингни овутиб... овутиб ўтирсайла бўлмайдими?!

Бозор имом:

– Ҳай, ҳай, таксир, ким сизни ғийбат кипти? – деди аччикланиб. – Бу ерда ғийбатчи йўк!

– Ўзингни гўлликка солма, имом! – ўдағайлади Текин дўкондор. – Сени яхши биламан, сен ҳам бойваччалар минан иш кўрасан. Куф-суфга айтишса, биринчи бўлиб чопасан.

Кодир раис, сабри чидамай, ўртага тушди:

– Ҳов, ука, иззатингни бил, бобонг тенги одамларни ҳакорат килиш – гуноҳ!

Текин дўкондор ердан лой олиб унга отди.

– Хотинбоз, ўргилдим сендақа намозхондан. Биринчи бўлиб, сени қуритиш керак бу ердан!

Икки йигит Текин дўкондорнинг кўлтиғидан олиб, кўчага судрашди. Кодир раис яна ўсал бўлди.

Текин дўкондор йигитларнинг кўлидан чикишга уринди:

– Тўхта, ушлама мени! Қўйвор! Ман... ман бу ювиқсиз намозхонларга кўрсатиб қўяман. Мачит-пачити билан йўқотиш керак. Кейин... кейин ғийбат килишмайди.

Бозор имом ичкари кирди, қолганлар ҳам унга эргашди. Узокдан Текин дўкондорнинг бақиргани ҳамон эшитилиб турарди. Бозор имом:

— Аллоҳ таоло гунохларимизни кечирсин, — деди оппок соқолини силаб. — Текин дўкондор бизни бехудага ҳақорат қилмади. Кимдир уни гийбат қилган. Мачит — фаришталар макони. Жиндаё ёмонлик уларнинг қаҳрини келтиради.

Яқин орада Бозор имомни ҳеч ким бунчалик ҳақорат қилмаганди. Оппок ўsic қошлари пир-пир учиб туради, юпқа лаблари чўччайган эди. Аввал ўнг томонидагиларга, сўнг чап ёнидагиларга назар соларкан, «оғоҳ бўлинг» мазмунида деди:

— Кўнглингиз мендан ранжимасин, тақсирлар, кимда-ким гийбат истаса, бу ерга қадам ранжида қилмасин, камолат сари кетяпмиз, Ҳаққа етмоқчимиз, бу йўлда гунохга йўл бермайлик. Ақл-хушимидан айрилиб, одамларга кулги бўлишдан Худонинг ўзи асрасин!

Кодир раис унинг кўнглини кўтариш учун деди:

— Эртага мен худойи қилсан, йўқ демасангиз!

Бозор имом «маъқул» дегандек бош иргади.

— Кўнглингизда яхшилик юз очаётган бўлса, унга қарши бориб бўлмайди, таксир!

## IX

— Намунча ташвиш-пашвишга тушиб қолдингиз? Бунчалик жонсараксиз, чол? — сўради кампири унинг олдидаги қофозга, ундаги рақамларга кўз югуртиаркан.

— Мачитга ош қилиб бермоқчиман, онаси, — жавоб берди Кодир раис. — Ҳисоб-китоб қилсан, яхшигина бозорчилик зарур экан. Кўй думбасидан керакми? Керак! Нўхат-чи? У ҳам керак. Зиравор ҳам зарур. Хулоса шуки, масаллиқ етарли бўлса, қулинг ўргилсан ош бўлади.

Кампири тўнгиллади.

— Пенсияга чиқиб, тиниб-пиниб қолармидингиз, деб ўйловдим!

Кодир раис захрини ичига ютди. Қариганда ҳам зиқналиги қолмади! Букрини гўр тузатади, дейдилар, бу мижғов кампир

ҳам гүрда тузаладиганга ўхшайди. Илгари бир оғиз түнғилласа, терисини шилиб оларди, энди навбат унга келганга ўхшайди, кўзига кўрсатяпти. Ҳозир оғриниш ўрнига маслаҳат берса бўлмасмиди?

— Кампир, кўпимиз кетиб, озимиз қолди, — узокдан гап бошлиди Қодир раис, — бугун бормиз, эртага йўқ. Нафас пуф чиқиб кетса, чўбир от тайёр, обориб тиқишиди.

— Эзмаланманг кўп, нафасингиз курсин!

Қодир раис кампиригининг бу зарбасига ҳам чап бериб, уни четлаб ўтди.

— Сан мани тўғри тушун, кампир, оғир дард танамни кундан-кунга кемириб боряпти. Қаердан ёпишди бу бало, ҳайронман. Хабаринг бор, дўхтирга учрадим, дори ичдим, фойдаси бўлмади, дардим баттар зўрайди. Чоллар даврасига қўшилиб, ўзимни ўзим овунтириб юрибман. Уларга қўшилмасам, моховга ўхшаб ҳаммадан ажралиб қоламан.

— Ман ош киласман, мosh қиласман, дейсиз, пул-мулни қаердан топасиз. Озрок харажат-маражат керакми?!

Қодир раиснинг кулгиси қистади. У ҳам ҳазил аралаш деди:

— Харажат-маражат чол-полингизнинг елка-пелкасида!

Кампир бу гап:

— Киноянгиздан айланай, гап-матиям қотирасиз, — деди кулиб. Қодир раис чарчаб келиб аччиқ чой ичгандек ҳузур қилди.

— Гап-папти биз қайтармасак, ким қайтаради?

— Яна эзмалик қиласиз-а, чол! Ман боғдан келсан, сиз тогдан келасиз!

Қодир раис яна ҳазиллашди.

— Ман тогдан келганман-да, кампир!

— Ҳай, ҳай, кўпам эзма-пезма бўлаверманг! Ошингизни пулидан гапиринг!

Қодир раис кампиригининг олдида паст кетишни ўзига ор билб деди:

— Бундан сан ғам ема, кампир! Чолингни ўзи хазина эмасми?

Оқшом борликқа ним қора рүмoliniни ёпмокда, ғадир-будир ўркачли Ҳисор тоғлари шудгорланган кенг далаларга, жажжи күлчаларини осмонга узатиб турган яланғоч дараҳтларга мунгайиб карайди. Ҳуфтон ёки шом рангларини тоғлар ҳам хушламайди, қорли тепалари доимо офтоб нурида олтиндең жилоланиб туришини ёқтиришади улар ҳам!

Қодир раиснинг назаридан бугун күш марра сари тез югурди. Намозшомга яқин қолди. Эй, Ҳудойим-ей, энди етсин мақсадига – ошни вактида етказиб бормаса, шарманда бўлади.

Бир корсон ош. Оғир. Ҳовли дарвозасидан чиққунча Қодир раиснинг нафаси бўғзига тикилди. Кучдан қолибди. Қани олдинги кудрат, куч-қувват?

Дарвоза олдидаги тахта ўриндикка корсонни қўйиб, енг учи билан пешонасидаги терни артди. Мачитгача анча масофа бор ҳали. Корсонни кўтариб боргунча она сути оғзига келади. Ҳазил эмас бу иш. Энди нима қилди-я?!

Қодир раис кун бўйи елиб-югуриб туз татигани йўқ, корни ногора chalaypti. Зигир ёғ димогини қитиклайди. Ўрни бўлганда, корсонни очиб, бир ошам оғзига ташлаб олган бўлар эди. Иложи йўқ-да, бу ер кўча, битта-яримта кўрса, уят килади. Ҳалиям ақли кирмабди бу чолнинг, дейди?!

Қодир раис катта кўча томонга қаради. Кўча тепадан пастлаб юкори кетган: уйдум-чукур асфальт, ўнг томондан ариқ оқади, ариқ бўйлаб симёғоч ўрнатилган, ора-оралаб чирок осиб чиқилган. Лекин зог ҳам кўринмайди. Зўр келганда, лаббай ҳам топилмайди-я!

Ош, зигир ёғ ҳиди яна димогини қитиклаб, сўлаги оқди, тамшаниб ютинди. У ошни пахта ёғида тайёрламоқчи эди, кампири уришиб берди. «Уят, – деди зориллаб. – уят, кимсан фалончи хасислик қилибди, деса яхшими? Бундай ўйланг-да».

Қодир раис ўйлаб кўрса, кампирининг жаврашида жон бор! Шу гап баҳона бўлди-ю, беш литрлик каталакни олиб туман марказига тушди. Жалол ошнаси уйида экан, унинг обжувози бор, зигир ёғ тайёрлайди, алдамайди, ишончли одам, ҳозирги кунда зигир ёғ деб олифни сотадиган қаллоблар борки, уларнинг килмишларини эшитиб ёқа ушлайсан киши.

Кўшни қишлоқдан бирори зиғир ёғ ўрнига олифни ишлатиб, куйиб қолди. Олифни қозонга солган заҳоти пуф этиб аланга олган ва чолнинг соқолига ёпишган. Бетовфиқлар, Худодан кўркишмайдиям!..

Қодир раис мачитдан хуноб бўлиб қайтди. Уйга кирган заҳоти кампирини ахволини сезиб, хавотир аралаш сўради:

– Яна нима бўлди, дадаси?

Қодир раиснинг соқоли, киприклари, ҳатто кошлари йиғлади.

– Шарманда бўлдим, кампир, шарманда!

– Ошдан тош-пош чиқдими?

Қодир раис кампирининг оғзидағини юлиб олди:

– Тош чикса майлига эди. Лекин...

– Нима лекин?

– Эшиқдан кираверишда, оп тўла корсон қўлимдан учиб кетса бўладими?

Кампир қурушган лабини тишлади:

– Ошни...

– Ошни ейишолмади. Лой билан битта бўлди.

Қодир раис сандалга оёгини тикди. Унинг юраги увишиб турар, қўл-оёклари қалтираётган эди. Бу яхшилик аломати эмас. Уни аллақандай ҳадик кўркувга солди. Бунча азоб, бунча уқубат! Кўтара олмаса-я!

– Чой-пой ичасизми?

– Шу пайтда томоқдан чой-пой ўтармиди? – Қодир раис ичичидан эзилди. – Бу азоблар охири гўрга тикмасайди.

## XI

Эрталаб. Қор ёққан. Ташкари совук.

Кампир сандалга чўғ солди. Қодир раис йўталди. Ўпкаси фижирлади. Бир неча кунки, кўрпа-тўшак қилиб ётиди. Афтидан, ўша кундаги ноҳушликни кўтаролмади. Устига-устак, мачитда кимдир: «Фалончининг лукмаси ҳаром экан, ёқмади», дебди. Бу таъна унга оғир ботиб, ўша кечаси билан тикан устидаги ётгандек, безовталаниб чиқди. Боши игна санчилгандек азоб бериб, ошқозони, жигари оғриди. Энг ёмони, «шарманда бўлдим, шарманда бўлдим», деб ўзини-ўзи қийнади. Тонгга

яқин күзи илиниб, туш күриб, катта олачипор илон бўйнидан бўғиб, қаттик босинқиради. «Тамом, тамом! – ўйлади кўркувга тушиб. – Энди ўламан! Ажалим шундан экан!» У жон аччиғида бўйнидаги илонни итқитиб ташлашга ҳаракат килди, аммо кучи етмади.

– Ҳай! Ҳай! Ҳай, дадаси! – Кампирининг овози эшигилди.

Қодир раис алаҳсираб кўзини очди. Кампири бошида турар, ранги девордай оқарган эди.

– Одам ҳам шунаقا бўладими? Ўтакамни ёрдингиз, килиғингиз курсин!

Қодир раис оғир нафас олди, кўzlари косасидан чиққудек олайиб, юзи бўғрикди.

– Бундан кўра ўлиб кетсам бўлмайдими?

– Унақа bemаза ният-пият қилманг, чол, ҳали кўрмагандай бўп кетасиз.

– Ахволим оғир, онаси! Омад мендан юз ўғирганга ўхшайди. Бу кунлардаги азоблар хиқилдоғимга келди. Бозор имомни чакиртириб, Ёсин тушириб қўйсин.

Кампири бу сафар уни жеркиб ташлади.

– Совуқ нафасингиз курсин, илойим.

Қодир раис бошини сарак-сарак қилди.

– Ҳех, нодон кампир! Бир умр мени тушунмадинг. Лоақал бокий дунёга кетишимидан олдин бир оғиз ширин сўзингни аямасанг-чи!

Дарвоза гийқиллаб очилди.

– Қодирвой? Ҳо-о, Қодирвой?

Мош тентак бобонинг овозини эшигтан кампири деди:

– Шу тентак-пентак бўлсаям, сиздан зўр! Қаранг, эрталабдан уйма-уй изгиб юрибди...

## XII

– Касаллик ҳам меҳмон, Қодирвой, – деди Мош тентак бобо уни юпатиш ниятида. – Худо денг, ўзи шифо беради. Кечаги воқеадан хафа бўлманг. Бозор имом айтдиларки, ошнинг ерга сочиғани катта ризқ-баракадан нишона эмиш. Айникса, туручнинг мачит ҳоялисига сочилиши яхшилик аломати экан.

Қодир раис яна ўша гапини такрорлади:

— Бозорвой келиб «Ёсин» тушириб кетсин! Бир бало бўлса...

Мош тентак бобонинг пучук бурни керилди:

— Қанақа одамсиз, Қодирвой, ҳеч киши ҳам ўзига ўлим тилайдими?

Куюк яшилга бўялган дераза табақалари тарақлаб ёпилди, ташқарида кучли шамол турди.

Кампири, кўрс эмасми, бирдан шангиллади:

— Мияси айниб қолган бу чолнинг! Шундок кор-бўронли кунда ўлишни хоҳлаб қоптилар. Тавба!

Қодир раис ингради:

— Бедаво азобдан кўра, дунё асалга тўлган бўлсаем, ўлган маъкул!

Мош тентак бобо қўлинни пахса қилиб деди:

— Бигта ошни деб шунақа қулгили аҳволга тушиш уят эмасми?

Кампири яна шангиллади.

— Бу киши уят-путнни биладими?

— Агар шу нарса жуда зарур десангиз, Бозор имомни етаклаб келганим бўлсин. — деди Мош тентак бобо кескин оҳангда.

Қодир раис эзилиб деди:

— Ҳе-е, мияси айнинган кампир, ман ўлай дейман-у, сен...

Мош тентак бобо:

— Икки қари бир-бирини шундай bemaza гаплар билан савалаб турса, уят эмасми? — деди уларни изза қилган бўлиб.

Қодир раис оғринди:

— Мен ўлай деяпман-у, сизлар гўдаклардек устимдан куляпсизлар!

Кечга бориб қор гупиллаб ёға бошлади. Қодир раиснинг аҳволи ҳийла оғирлашди, ўзининг ҳам, кампирининг ҳам бир ташвишига ўн ташвиш кўшилди.

Мош тентак бобо сўзининг устидан чиқди, Бозор имомни олиб келиб, «Ёсин» туширгирди. Бу томондан Қодир раиснинг кўнгли хотиржам тортди.

— Санжарни чакирдингми? Қаерларда юрибди? — сўради у хавотирланиб.

Кампирнинг жаги очилди.

— Бола бўлмади, бало бўлди. Эрталаб айтиб юборувдим, ҳалигача дараги йўқ!

— Келса айт, Азаматга хабар берсин. Содикқа хам хабар юборинглар. Балки жавоб беришар!

— Ўша аристонга-я! Жавоб-лавоб беришмайди. Илҳақ-милхак бўлиб ўтирунг!

— Охирги кунларимда фарзандларим бошимда бўмаса-я, бу нима кўргилик?

Кодир раис кўзини чирт юмди. Ёнокларидан ёш думалади.

— Мени-ку кўмарсан, кампир, — Кодир раис ух тортди. — Аммо сенга ким соҳиблик қиласди? Ҳеч бўлмаса, битта киз топсак бўларкан. Балки кизимиз сан билан манга меҳрибон чикармиди?

— Унақа хомхаёлни каллангиздан чикариб ташланг!

— Йў-ўқ, кампир, энди бепарво бўлолмаймиз. Энди бу ёги оз колди. Эл-юрт, маҳалла олдида шарманда бўлмайлик, пулни нима қиласмиш?

— Бироз йиккан-тиkkаним бор. Олиб берган билагузугингизни сотсам-потсам дейман.

— Майли, кампир!

— Ким сотиб бераркин?

— Мош тентак бобонинг катта ўғли жуда ақлли йигит. Ўшанга ишонса бўлади.

Кампири бу сафар инжиқлик қилмади.

— Майли, чол, сиз эркак кишисиз, биласиз яхши-ёмонни! Тентак бобо келса, маслаҳат солинг, билагузукни сотиб, пулини йигиб-пигиб қўяй!

### XIII

Ташқарида тап-тап оёқ товуши эшитилди.

— Кимдир келяпти, — деди кампири ва ўрнидан туриб сандали устини тузатди.

— Кодирвой! — Мош тентак бобо овоз берди. Кампири эшикни очди:

— Келинг, кираверинг.

Остонада Мош тентак бобо билан, бошига эски пахмок телпак, эгнига пахталари чиқиб турган фуфайка кийган Санжар сўррайиб турарди.

— Кирсанг-чи, — деди Мош тентак бобо уни туртиб. — Сут совиб колди.

Қодир раис бошини күттарди. Ўғлининг озгин, корайган юзига, тириштан пешонасига бокаркан, юраги бир орзиқди.

— Ўғлим, — беихтиёр чикиб кетди оғзидан, — кани, кел!

Санжар:

— Яхшимисиз? — дея сўрашди.

Қодир раис ўғлининг совқотган қўлидан тутаркан, уни ўзига тортиб, бағрига босди: солярка, солидол хиди димоғига аллақандай хуш ёқди, ҳар ҳолда, ўғли ёнида, ҳеч бўлмаса кабрга кўяётганда бошида туради-ку!

Мош тентак бобо қўлидаги бир литрли банкани сандал устига кўйди.

— Иссик сут. Совимасдан қуйиб беринг!

Қодир раис соқолини силади:

— Раҳмат сизга! Мендан қайтмаса Худодан қайтсин.

— Дурустмисиз, Қодирвой? — сўради Мош тентак бобо.

Қодир раис курушган лабларини тили билан ялаб деди:

— Соат сайин мадор кетяпти.

Мош тентак бобо унга шифо тилади.

— Яратганинг ўзи мададкор бўлсин, Қодирвой!

— Айтганингиз келсин!

— Ҳай, ман мачитга борай, Қодирвой, қайтишда кираман.

Хизмат-пизмат бўлса тортинманг.

Қодир раис кампирига каради: «Айтайми?»

## XIV

— Кампир.

— Нима дейсиз?

— Оғзим тахир бўляпти. Олма ё анор йўкми?

— Анор-панор ҳам, олма-полма ҳам йўқ!

Қодир раис юзини девор томон ўгирди. Эрталаб узумга кўнгли кетган эди, энди эса анор-олмага интиқ! Э, Худойим-е, не кунларга қолди-я?! Бирорни касал дейишса, бутун маҳалла, кишлоқ хабар олиб турарди. Неча кунки, кўрпа-тўшак қилиб ётибди, на қариндош-уруг, на ёр-дўстдан хабар бор. Мош тен-

так бобо кайтишда кираман деган эди, нима бўлди?! Ё уни ҳам йўлдан урдиларми?!

– Мosh бобо келмадими?

Кампири энсаси қотиб сайдари.

– Юргандир-да қайларда Бозор имомнинг думи бўлиб! Сиз билан нима иши бор. Вактида сарик чақалик ёрдамингиз теккан бўлмаса!

Қодир раис соқолини силади.

– Келаман деган эди, ўшанга сўраяпман.

– Қў-ӯп жаврамай жим ётинг. Бош-шимни оғритманг, ўзим ҳам гавдамни зўрга кўтариб юрибман.

Кампирининг шартакилиги, олди-орқасига қарамай жавраши Қодир раиснинг юрагини эзди. Касал ётибди, кўнгли яримта, деб ўйламайдиям! Ҳеч бўлмаса кўнглини ўкситмаса садагаси кетадими?! Тушунган кампир бўлганида, бир дона олма, анор топиб келарди. Қўни-қўшни, қариндош-уруги йўқми?!

Қодир раис кўрпани бошига буркади. «Шу кунимдан кўра ўлганим яхши». Қаердандин бир садо келди: «Ўзингга ўлим эмас, соғлик тила».

Қодир раис титраётган қўллари билан қулоқларини беркитди. Ҳеч қандай гапни эшитишга тоқати йўқ. Дод, бу дунёдан!

Кампири зинқиллаб сўради.

– Чой ичасизми?

Қодир раис беҳол ғўнгиллади.

– Йў-ӯ-ӯк!

Зарб билан эшик очилди. Қодир раис кўрпадан бошини чиқарди. Мosh тентак бобоми? Йў-ӯ-ӯк, Санжар экан!

– Она, топдим. Хўп дейишди.

Қодир раис ўғлига қарамади. Кеча она-бала ташқарида анчагина ғивир-шивир қилишиб, нималарни дир маслаҳатлашдилар. Унга оғиз очишмади. У ҳам ота, у ҳам одам-ку!

Эшик тараклаб очилди.

Қодир раис яна умид билан бошини кўтарди. Она-бала ташқарига чиқиб кетишиди. У эзилиб хўрсинди. Майли, билганинни қилишсин! Мosh тентак бобо келса, олма-анор келтириб беришини илтимос қиласи, унинг қўлидан ҳар бало ке-

лади, йўқ демайди. Унга бир гап бўлганга ўхшайди, кимдир йўлдан урган шекилли. Кўнгли сезяпти. **Ушанда...** очарчилик йиллари эди. Шу Мosh тентак бобо укаси билан машоқ тергани чиқди. Иккаласи ярим қопдан буғдойни кўтариб келаётганди, олдидан чиқди. Укаси кўрққанидан копини ташлаб қочди. Мosh тентак эса кўкрак кериб гоз турди. Қодир раис унинг башарасига қамчи солган эди, ўқ тегиб. Ярадор бўлган шердек ўкириб юборди.

Қодир раистуриб ўтирди. **Ўшанда** бекорга номаъқулчиликка йўл қўйган, халкни, бечораҳол кишиларни беҳудага қийнаган экан. Бугун тушуниб турибди. Махалла-кўй уни ажратиб ташлади, яккамоҳов бўлиб ётиби кўрпа-тўшакда! Кўнгли сезяпти, охир-оқибат бир фалокат юз беради.

## XV

— Ана, эшитдингизми? Ана! Билувдим-а! Айтишибдики, Мosh тентакка айтишибдики, аҳмоқ-паҳмоқмисан, ўша Қодирни орқасидан уйига борасан. У хотинбоз моҳов-поҳов бўлиб ётавермайдими, дейишибди.

Қодир раиснинг аъзойи бадани титгради. Аччиқ гап кимга ҳам ёқади?

— Ҳа, ўл-е, совуқ! — бакирди қақшаб. — Ундан кўра ўлдириб қўя қол! Олмами, анор топиб ке десам, садонг чиқмади. Бу менга совғангми?

Кампири инқиллаб-синқиллаб ташкари чиқди.

Қодир раиснинг юраги қаттиқ санчди, боши айланди. «Шум кампир бошимга етмаса гўрга эди». Шу лаҳзада кўнгли ширин чой қўмсади. Эҳ, ўша йиллар, раислигида бир оғиз буйругига мунтазир бўлиб турганлар қанча эди, ширин чой нима, анқонинг уруғини деса ҳам топиб келишарди.

У хавотир аралаш эшикка қаради.

Кампири қаёққа кетди, шу ҳолда ўлиб қолса, нима бўлади? Эл нима дейди? Ишқилиб, сабр берсин! **Ўғиллари** келишсин! Уларга насиҳат қилсин. Болаларим, элдан қолманглар, элдан ажralиб, менинг аҳволимга тушманглар. Эл-юртдан айрилишдан оғирроқ ташвиш, оғирроқ гам йўқ, дея уларга панд-

насиҳат килсин, түгри йўлга бошласин. Бу елкасидаги ҳам карз, ҳам фарз!

У яна эшикка қаради. Девкампир қаёкка кетди? Бир қарасанг, ҳалимдек юшшок, бир қарасанг ундан заҳар аёл йўқ! Ишқилиб, қаттиқ гапирмадими?

Қодир раис оёкларидан жон кетаётганини сезиб, яна безовталанди, умри хунук ниҳоя топмасмикин? Э, Худо, ўзинг сакла бу ташвишдан!

– Чол? Чол? Ҳай, кўзингизни очинг! – Кампирининг хириллаган овози элас-элас қулогига чалинди. – Тинчликми? Юрагимни ёриб юбордингиз-а! Қилингиз курсин!

Қодир раис инқилади:

– Ман ўлай дейман-у, сан қаргадай қагиллайсан!

Кампири унинг зардасига эътибор бермади.

– Олма, анор олиб келдим. Тулинг, чол!

Қодир раис ҳайратланди.

– Гулдек очиляпсан, кампир!

– Ҳазилчи бўлиб қолибсиз, чол.

– Олмадан арч-чи. Оғзим тахир бўлиб кетди.

Кампири унинг орқасига иккита ёстик кўйди.

– Қаерингиз оғрияпти?

– Оғриган жойимнинг тайини йўқ, кампир. Боя юрагим санчиди, бошим айланди, энди бутун баданим кизияпти. Болаларни чақириш керак. Кўзим очикилигига уларга айтадиганларим бор. Мабодо, бу дунёдан кетсам, уларга айт, маҳаллага, элга келиб қўшилсин. Яна айтки, мен дунёни кеч тушундим. Ҳаммасини айт. Неча кунки касалман, аммо ҳеч ким хабар олмаяпти. Тушуниб турибман, кампир, эл олдида гунохларим кўп. Чолларга қўшилиб, гунохимни юваман, деб ўйлагандим. Аллоҳга ҳам, одамларга ҳам бу ниятим ёқмади. Қаерга бормай, пешонам деворга так урилаяпти. Мачитга қатнаб, салдардимни унутаётгандим, буни ҳам кўп кўрди Худо!

Кампири олма узатди:

– Манг, енг, иштаҳангиз очилади.

Қодир раис муштдек олмани бир-икки тишлади-да, кайтарди.

– Ўтмаяпти, кампир.

– Есангиз-чи!

– Йўқ, кампир, кўнглимни беҳузур қилди.

Кимдир йўталди.

– Бирор келяпти, – деди Қодир раис ташкарига нигоҳ ташлаб.

«Оиладан омад кетса, қайтиб келиши қийин. Ҳар кимни, ҳар оилани бундан Ҳудо асрасин!» Қодир раис эшикка илхак бокди. Азаматни ҳам, Санжарни ҳам соғинди, жуда соғинди. Кўриб колса, армони йўқ эди.

Эркак кишининг овози эшитилди.

Кампири:

– Вой, ўлмасам,вой ўлмасам! – дея йиглаб товуш чикарди.

Қодир раис сергакланди: «Яна нима бўлдийкин?!» Дарвоза гийкиллаб ёпилди.

Бир оздан сўнг бир нима гурс қулади, қарға қагиллади. Қодир раис бор қучини жамлаб оёкка турди. Ҳабар олай-чи, нима гап?!

## XVI

Қодир раиснинг ўйлагани рост чиқди. Оиладан омад кетса, қайтиб келиши қийин. Фалокат устига фалокат рўй беряпти, бугун учинчи кун, кампири ётибди, ҳали ўрнидан қўзгалгани йўқ.

Қодир раис уҳ тортди.

– Шу азоб ҳам бормиди-я, кампир!?

Ўша куни ташқари чикса, кампири айвонда чўзилиб ётибди. Ҳай, Қодирвой! Ҳай, баҳти қаро одам-а! Унинг юраги чиқиб кетди. Нима бўлди? Келган ким? Нега бирдан кампирни йикилиб қолди? Уни бир амаллаб уйга олиб кирди. Судраб, худди ўликдек! Олиб киргунча, терлаб пишли, жони хикилдоғига тикилди. Юзига совук сув сепгач, кампирни ўзига келиб, қўзини очди. Қодир раис хавотирланиб сўради:

– Нима бўлди, кампир? Ўтакмни ёрдинг-ку!

– Санжар, Санжар! – деди кампирни ғўлдираб. – Билагузук, пулни олиб кетувди. Сотиб-потиб...

Қодир раис тушундикси, ўша куни она-бала гапни бир жойга кўйган: ўлимликка йигиб кўйган пулинини ҳам, билагузукни ҳам

Санжарга берган. Ҳамма бало Санжар-да! У онасини авраган, алдаган, күндириганды, пулни олган. Маълум бўлдики, уйини мелиса босиб, ҳаммаёкни тинтиб чиқишибди. Келини йиғлаб айтиб берди. Московга жўнаб турган Санжар вокзалда қора дори билан кўлга тушибди. Ўша куни уйга келган участковой кампирга воқеани айтгану кетган. Ҳам ўлимлигидан айрилган, ҳам хунук воқеани эшитган кампири тўсатдан келган зарбани кўтаролмай таппа йиқилган.

Наргиза овкат олиб кирди.

– Бува, бу сизга! – чинни косани узатди у. Уйни райхон хиди тутди. Қодир раис хушбўй, қайноқ шовладан бир-икки кошиқ татиб кўрди.

Наргиза унга зардоли шарбатини тутди.

– Бува, холам ичмасмиканлар?

Қодир раис қўлидаги косани сандал устига қўйди-да, кампири ёнига бориб, унинг бошини кўтарди.

– Онаси, бир ҳўплагин.

Кампири бехол инқиллади.

Қодир раис зўрга бўлса-да, шарбатдан кампирига бир-икки кошиқ ичирди. Лекин, орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, кампир кайт килди. Наргиза қўлидаги оқ рўмоли билан қайнонасининг оғзини артди.

Қодир раис лўқ-лўқ оғриётган бошини ушлади.

– Не кунларга қолдим-а, қизим. Ишқилиб қайнонангга бир гап бўлмасин. Санжар юрагимга доғ солиб кетди.

– Ҳасан носфурушнинг ўғли йўлдан урди уни, – деди Наргиза. – Уйга келавериб қўймади. Олтмиш минг топгин, йўл пули бўлади, қорадорини Московга сотиб келамиз, уч-тўрт миллион ишлаймиз, депти.

Қодир раис бошини чангллади.

– Воҳ, хом болам-а! Воҳ, тентак болам-а!

## XVII

Тизза бўйи кор тушди. Бу яқин орада чол-кампир бундай калин кор кўрмаган эди.

Кампир оғир уҳ тортди.

Қодир раис пиёлада турган пахтани олиб, унинг оғзига сув томизди.

— Онаси, кўзингни очсанг-чи, кўрқитиб юбординг одамни!

Кампири лабларини ялади, бир нималар деб пичирлади.

— Эшитмаяпман, онаси, қаттиқроқ айт! Ҳах, қарилик курсин-а!

Қодир раис ташқарига қаради. Дераза ойнасидан осмоннинг бир парчаси кўриниб тураг, ҳаво очилиб кетган, юлдузлар чараклайди, демак, қаттиқ совук бўлади, ишқилиб шундай кунда...

Кампири яна лабларини қимтиди.

Қодир раис унинг оғзига яна сув томизаркан, аъзойи бадани қалтираётганидан хуноби ошди, йиглагудай бўлиб деди:

— Ҳах, гофил банда-я, кўр кўзларинг энди очилди. Одамларни қийнаган, бирорвга яхшилик килмаган гуноҳи кўп бандага қарилик роҳат-фарогати насиб этмас экан. Буни кеч тушундинг, Қодир, кеч!

Эшик очилди, Қодир раис бошини кўтарди. Олдинда Бозор имом, орқада Мош тентак бобо кўринди. Улар ортидан келини Наргиза сарик идишда бир нима кутариб келмоқда эди. Эсли аёл, овқат бўлса керак, буги чиқиб турибди.

Қодир раис ютинди. Кечадан бўён туз тотигани йўқ. Худо етказди, мадад келди. «У дунёю, бу дунё қасамки, шу балолардан ўтиб олсам, хеш товариму маҳаллам аҳли оёғини ўпиди хизмат қиласман!»

Ташқарида шамол изиллади.

— Қиши қишлигини қилгани маъқул, — деди Бозор имом Мош тентак бобога қараб. — Бу эл-юртнинг ризқ-рўзи. дон-дуни, тақсир.

— Тўғри айтасиз, имом бува, — Мош тентак бобо қўлидаги тугунни чап ёнидан ўнгига олди, — шу ризқ-рўз Қодирвойнинг ховлисига ҳам насиб бўлсин!

Бозор имом оппок соколини силади.

— Иншооллоҳ, тақсир!

1992 йил

## СИЗДАН БОШҚА КИМИМ БОР

### Муқаддима

Майин ёмғир ёғаётган, илиқкина бир кун эди. Бундай пайтларда тоза ҳавода ёлғиз сайд этиш күнгилга хуш ёқади. Ташқари чиқсам, хизмат машинам аллакачон эшик олдига келиб турған экан. Ҳайдовчи Сафар акага пиёда кетмоқчи экан-лигимни айтдим-да, жавоб бердим ва Навоий күчасидан чапга бурилиб, Фуркат күчаси бўйлаб юриб, «Миллний бок»ка етдим. «Истиклол» саройи ёнидаги бекатдан ўтганимдан сўнг кутилмаганда енгил кора машина ёнимга келиб тўхтади. Беихтиёр рулда ўтирган аёлга кўзим тушди. Таниш чехра: қаерладир кўрган эдим, лекин қаерда, эсполмадим. Унинг кийик кошлари остидаги тим кора кўзлари бир оз безовта, ташвишли эди. Оқиш-қизғишилка майил юзи, худди булут соя солгандек, хирадек эди. У олд эшикни очиб. «Кудрат ака, ўтириң!», деди. Исимимни ҳам билар экан. Ҳайрон бўлганча, юмшоқ ўриндикка чўқдим ва саломлашдим. «Мени танимадингиз-а?!» деди у гина оҳангига ва машинани ўрнидан жилдирап экан, жавоб кутмасдан ўзини таништирди. «Мен ўша Марҳабо бўламан!» Бўлди, бўлди, танидим: икки йил бурун қизимнинг битириув кечаси олдидан сочини турмаклатиш учун унинг сартарошхонасига олиб борганимда, у билан танишган эдим. Бу ўша Марҳабо эди. Қаёкка кетаётганимни сўраган эди, «уйга» деб жавоб килдим. Буни карант, пиёда кетаман, деган эдим, бўлмади. Тақдир ҳазилими ёки тасодиф! Кулгинг кистайди. Бу ёгини эшигинг. Йўл бўйи гаплашиб кетдик. Гап орасида ишимни сўради. «Эски тос, эски ҳаммом», дедим. «Мақолаларингизни ўқиб тураман, – деди у, – бошимдан ўтганларни гапириб берсан, ёзмайсизми?!» деб сўради кейин. Сизга зарур бўлса, ёзаман, дедим. «Буни ёзиш керак!» – деди у бироз оғир нафас олиб. – Шундан сўнг, зора, кўнглим енгил тортса. Яна қайдам!» Билдимки, анча дарди бор. Аёл дегани унча-мунчага кўнглини очмайди. «Бирор яхши журналист бўлса, бошимдан ўтганларни ёздирмоқчи эдим», – сўзида давом этди у. «Қулоғим сизда, бир бошдан ҳикоя қилинг», дедим. Сиз ҳам биз билан уни ҳикоясини тингланг. Ким ҳак, ким ноҳақ, ажрими ўзингиздан!

Куз оқшоми эди, ҳаво бироз совук, күнглим ҳам музлаган, ғамгин ҳолда маҳалла оралаб келмокда эдим, уйимиз ёнидаги чинор дарахти остида сержун, кирга ботган кучукчанинг тирсақдек катта сүякни очиқканча ғажиётганини кўриб, негадир ғашим келди. Ёнидан ўтар эканман, менга ёвкараш қилиб, хунук ириллади, ташланиб қолмасин, дея чўчишим ва тез юриб уйга кирдим. Кечаси ҳам тушимда шу ҳолатни кўрдим ва нега кучукча менга ёпишиб қолди, деб ҳайрон ҳам бўлдим. Кейин ўйласам, бу бехуда эмас экан: мен...мен неча ойки, турбатлар майдонида қолдим, бошимда ҳасрат, дардимни тинглайдиган дўстим ҳам йўқ! Ўзи, дўст қолдими менда?! Устозим: «Одамда битта дўст бўлади», деган эди. Тўғри, мен узок кидириб битта «олмос» дўст топган эдим ва унга «девона» юрагимни ҳам ишониб топширган эдим. Лекин у қалбимни ойболта каби нимталааб-нимталааб ташлади. Қидириб-қидириб топганим-а, топганим!

Аёл киши ўттизда ўтин бўлади, дейишади, аммо мен ўттиздан ўтиб, киркка яқинлашган тўрт фарзанднинг онаси ҳали ўтин бўлган эмасдим, ҳар тонг ойнага қарап эканман, гулдай яшнаган юзимга тикилиб, худо бераман, деса, аёл дегани киркида ҳам хусн-таравотини йўқотмас экан, дея хурсанд бўлардим. Лекин мен ёлғиз эдим. Нега ёлғиз, шундай хурликонинг сон мингта ошиғи бўлади-ку, дерсиз. Ошикларим томиримда окаётган коннинг зарраларидан ҳам кўп эди. Сожида дугонам туғилган кун ё байрамларда, зиёфатларда қиттак отиб олса: «Йигит бўлганимда, мендан бошқаси сенга эга чиқолмасди», дея бағрига босарди. Илк севги изхор қилган Баҳром деган синдошим ҳалигача: «Менга тегсанг, оламан, болаларингга ҳам оталик қиласман!» дейди. Ҳар байрамда қимматбаҳо тилла тақинчоқлар совға килишни канда қилмайди. Курсдошим Абдуҳошим ҳозир чет элда ишлаётган бўлса-да, ҳар келганида учрашувга чакиради, бир гал сўнгги модадаги пальто олиб келса, бошқа сафар бош кийим ёки антиқа кўйлак совға килиб, күнглимни олишга ҳаракат қиласми, аммо менга буларнинг сира қизиги йўқ, турли баҳоналар билан

учрашувлардан кочаман, нарсаларини олмайман. Яширмас-лигим керак, дастлабки йилларда ҳар иккиси билан учрашиб, қимматли совғаларини олганим рост, қиз боланинг адашадиган даврлари бўлади, мен ҳам ўша пайтларда адашган эканман, кейин ўйлаб қарасам, бу юришлар-у буюмлардан фойда йўқ экан, уларни қўлга киритиб виждоним кўп қийналди, муз юрагим сира эrimади. Йўлда-чўлда «сени севаман» деб кўнгил изҳор қилганларга эса нафрат билан қарап, ҳали бирор йигитни оташ бўлиб севган, ё кўнгил қўйган эмасдим, кирк ёшга яқинлашар эканман, энди дунёдан шундай ўтсам керак, деб ўйладим. Бошлангич синф ўқитувчиси эдим, жигарим оғриб, шифохонада бир ой ётдим, шукрки, соғайиб кетдим, аммо менга кўп гапириш мумкин эмасди, шу сабабли ишдан бўшаб, олти ой уйда қамалиб ётдим.

Ҳаммаси ана шунда билинди, кўнгил ёлғиз қолса, одамга дунёнинг қизиги қолмас экан: чараклаган офтобли кунлар ҳам, ҳилол ой чиққан кечалар ҳам, ҳатто гулзор ҳам кўзимга файзсиз кўринар, қаёққа қарамай ўлим шарпаси ёнимда кезиб юради, эримнинг янги маъшуқа топганини кўрганимда эса ҳаётдан тамом кўнглим совиди. Аввалига менга нима, деб ўзимни овутиб юрдим, лекин одамга алам қиласр экан, чидолмас экансиз бундай ишларга! Бир куни кўча айлангани чиқиб, бошим оққан томонга кетдим. Гўзалларга гап отувчи суюқ эркакларнинг: «Танишмаймизми, яхши қиз?» дейишларидан ғашим келиб, уларни жеркиб, уришиб, йўлимда давом этдим. Тушгача Отчопар, Чорсу бозорларини айландим. Аёлу қизнинг дарди пул, юраги – бозор. Мен ҳам бу кулликка бегона эмасман. Аммо уларнинг тоифасидан эмас, мен бошқачаман, лекин ўша куни ноиложликдан бозор айландим. Очикиб, ҳолдан тойиб, ошхонага кирганимда, хўрандалар сероб эди, бўш жой қидира туриб, не кўз билан кўрайки, бизнинг самантой хўжайин ориққина хоним билан майшат қилмоқда эди. Таъбим хира тортиб, ортга қайтдим. Кечқурун шу тўғрида гап очсан, у менга қўл кўтарди, кўнглим бир газ чўкди. Бу кунимдан кўра, ўлганим яхши, дедим. Кечаси иккала қизим бағримда ётди. Катта ўғлим уй олиб чиқиб кетган, келиним оғироёқ эди. Тонгтагча ўйлаб ётдим ва мирикиб ухлаётган қизларимнинг бошли-

рини силаб, шу коракўзлар учун яшаш керак, деган тўхтамга келдим, лекин ёлғизлик остонасида турган қалбни ўзимга бўйсундириш учун қандайдир чора топиш кераклигини хам англадим ва э худойим, мушкулимни осон қилгин, имонли бир дўст бергинки, у ҳар нарсадан мени юкори кўрсин, ўзи бошқа эркакларга ўхшамайдиган содда, бир сўзли, зътиқодли киши бўлсин, токи мен уни яхши кўрайин ва унинг кадами билан янги ҳаёт бошлай, дея нола қилдим. Астойдил сўрасанг, Яратган эгам ноумид кўймайди. Шундай инсон ҳаётимга кириб келди.

Уни илк бор ишхонасида кўрдим. Истараси иссик, кулча юзи окиш-қизғиши нурли, қоп-кора киприклари ўртасидаги кўш маржондек чараклаб турган кўзлари бир қарашда одамни ўзига мафтун этарди. Гарчи мен анчайин чиройли, дилбар аёл бўлсан-да, у билан тўкнаш келган заҳотим чиройидан тилим калимага келмай довдираб қолдим. Мени беихтиёр ҳаяжон босди. «Мен қидирган йигит шу!» деган бемаъни фикр ҳаёлимни титиб ташлади. Эҳ, тентак, энди қирққа тўлиб, ошику бекарор бўляпсанми, дея ўз устимдан кулдим... Эрим? Эримми? Отам амакимнинг ўғлига кўярда-кўймай унаштирган эдилар. «Ман отаман. Бахтли бўлишингни истайман, кизим», деганларидан кейин, нима хам дердим. «Ота рози – худо рози», кўндим. Тўғри, куёв ёмон йигит эмасди, аммо унда қалб деган нарса йўқ эди. Ётишни, еб-ичишини, дид билан кийинишни, ул-фатчиликни ўрнига кўяр, аммо ўз жуфти ҳалолининг қалбига кулок солишда «чала мулла» эди. Ўша онда «темиртан эрим» кўз олдимга келиб, иккисини қиёсладим. «Қидирганинг шу йигит», деган фикр яна ҳаёлимни банд этди, лекин қайсарлигим тутиб: «Унга ҳеч қачон ён бермайман», дедим ва шу заҳоти ўзимни таништириб, ундан: «Сиз «Сокин дарё» журналининг бошлиғимисиз?» деб сўрадим. Бу ниҳоятда қўпол сўров эканлигини билсан-да, юмшок ибора ўйлаб ўтирумай, қурук тилда шартта сўрай қолдим. «Келинг, Марҳабо!» деди у ниҳоятда самимий оҳангда. Овози юмшоқ, оҳанги ёқимли эди. Эримнинг бу тарзда ҳурмат билан исмимни тилга олганини сира эслолмайман. Билган гаплари: «хотин», «товукмия», «хашаки», «лўли» каби ибора ва сўзлар. Бу киши эса ниҳоятда на-

фис оҳангда «Марҳабо!» дедилар. Тили ширин инсон экан. Илк таассуротим шундай латофатли эди. Лекин ичимдагини сиртимга чиқармадим ва қўлимдаги жилдни унга тутқаздимда: «Буни дадам бериб юбордилар!» дедим. Жилд устидаги ёзувга кўзи тушиб, ёрқин жилмайди. «Сиз Эркин аканинг қизимисиз?» деб сўради. Мен тасдик ишорасини бердим. Шу билан ажрашдик. Лекин кўнглим ажрашмади. Девона кўнгил. Уйга боргунча қандайдир ғамгинлик соя соглан киёфаси кўз олдимдан нари кетмади: чизилган қирмизи накшдек лаблари кулгига мойил бўлса-да, кўзларида қандайдир ғам бот-бот соя ташлаб турарди. Отам у билан гаплашганимни ва жилдни берганимни эшишиб, ниҳоятда суюндилар. «У шунака яхши дўстки, бунақаси дунёда битта!» деб мақтадилар. Мактov унга бўлган қизикишимни янада орттириди. Одатда мен хар нарсага, янги дўстларга тез кизикаман ва тез меҳрим сўнади. Бу галги қизикишимни ҳам шунга ўхшаш деб ўйладим. Кейинрок унга қаттиқ боғланиб қолишимни қаёқдан билай ахир! Бир кўришда-я! Дугонам Сожидага айтсан, у: «Бунақаси фақат тушда бўлади», деб кулди.

Ишхонамга кўтаринки кайфиятда келиб, юмшоқ ўриндиққа ўтиарканман, йил варакасига кўзим тушди: бугун 13-кун эди, «хосиятсиз ракам», деган сўз кўнглимдан ўтди, аммо юрагимда бирор шубҳа уйғонмади, қалб саройимда осойишталик ҳукмрон эди. Беихтиёр у кишига кўнғироқ қилмокчи бўлиб, кўл телефонимни олсан, 13.3 ни кўрсатиб турарди. Бу нимага ишора, деб ўйладим ва қўнғироқ қилишдан воз кечдим. Ўша кеча ухламадим, соат миллари бот-бот айланар, аммо менга нимадир бўлган, қандайдир бир куч кўзларимдаги уйкуни сурib ташлаган, қалбимда эса ширин ишқий туйгу ёқимли, шовулларди: эй, аёл зоти, бундай онларда одам дегани шоир бўлиб қоларкан, сизга ёлғон менга чин, кора қалам билан оқ қоғозни бир зумда зархалга айлантирудим.

«Эсингиздами, Сизни ilk учратган куним. Кўзларингиз ғамгин эди, билсангиз. Мен ҳам ғамгинлик денгизига фарқ бўлдим ва нечун унинг дарди менга ўтди, дея ҳайронлик чегарасида қолдим. Кунлар ўтаверди. Кўзларингиз ҳамон ғамгин, маъюс ва дардчил эди. Унинг кўзлари кулиб туриши керак, дея

ўйладим илк дафъа ва бундан ўзим ҳам ҳайратландим. Нечу ўн ииллар давомида килт этмаган юрак дарахти негадир сиздек ёш ниҳол олдида илк бор титроққа тушди. Биламан, бу гапга одамларни ишонтириш кийин. Кесак юраклардан нимани ҳам кутиш мумкин?!

Кунлар бизни писанд қилмай елди. Мен эса Сизга яхшилик килишнинг минг битта йўлларини кидирдим. Аввал ҳеч качон бирор эркакка бунчалик яхшилик қилиш ҳакида ўйламаган эдим. Нечун бу ҳолга тушдим, бу ўзимга ҳам коронги эди. Билсангиз, ўша кунлар икки ўт орасида яшадим. Кимга суюнишни, кимга дардимни айтишни билмай овора-ю сарсон эдим. Сиз ҳам мени ёлғизлик гирдобига ташлаб кўйганингизда, билмадим, кайсар юрагим мени яна не кунларга мубтало этарди. Бир кеча тушимга кирдингиз. Боладек қикирлаб кулдингиз, илк баҳорда очилган ғунчадек юзингизни кўриб, баҳри дилим яйради. Сўнг оппок соколли чол пайдо бўлиб, иккимизга дуо берди. Сиз иккиланиб менга караган эдингиз, нуроний: «Хадича онамиз ҳам пайғамбаримиздан анча катта ёшда эдилар!» деди ва шу билан бу тўғрида қайтиб оғиз очмадик. Эртаси сизни тушимда кўрганимдек, фариштадай ҳолда учратдим. Шу куни ўзимни жуда баҳтиёр хис этдим. Нечун? Буни ўзим ҳам билмайман!»

\* \* \*

Мен ўша кунлари «гўзаллик салони» да ишлардим. Салон ўзимники, хусусий эди. Ўқитувчиликни ташлагач, ўйлай-ўйлай гўзаллик салони очиб, ўзимни овутиб юрдим, иккинчи томони, мағрурлигим тутиб, «темиртан» хотинбоз эримдан пул сўрашни ўзимга ор билдим. Топиш-тутишим жойида, олти нафар киз-аёл буйругимга мунтазир туроди.

Кейинги кунларда эрим билан тез-тез ади-бади айтишадиган бўлиб қолдик, у гоҳ кўйлаги ёқасини ўйнашларининг лаб бўёклари билан нақшлар, гоҳида ички кийимларини тескари кийиб келиб, сирини ошкор этиб кўярди. Қайси хотин бунга чидайди? Ҳеч қайсиси? Мен ҳам бунга чидай олмасдим: жанжал, тўполон шундан келиб чиқарди. Қўл остимда ишлайди-

ган икки ёшнинг қарчигайдай-қарчигайдай маъшуқлари бор эди. Уларга ҳавасим келарди. Севмаган кишим билан гаплашиш мен учун тогни ағдаришдан ҳам қийин иш эди. Шу боис ҳам эркаклардан узок юардим.

Абдуҳошим чет элдан қайтган экан, қўнгирик қилиб, зарур гапи борлигини, бир кўрмаса бўлмаслигини айтиб, юз тавалло килди. Шаҳар четидаги «Тож» кафесида учрашдик. У менга нархи фалон минг сўм турадиган туфли олиб келган экан, олмайман, десам ҳам қўймади, очиги, шунака аъло сифат туфлига ишқим кетиб юрган эди, олдим, лекин курсдошим тўсатдан бағрига босиб, мени хафа килди, аразлаб кетиб қолдим. Эрталаб туфлини кийиб чиқкан эдим, эрим эътибор бериб: «Бунақа кимматбаҳо туфлини каердан олдинг?» дея сўраб қолди. Худонинг ўзи кечирсин, «Ишхонамизга олиб келишган эди, карзга олдим», дея ёлгон гапиришга мажбур бўлдим.

Бу номакбул ишим учун кечаси билан тўлғаниб чиқдим, кўз олдимдан Азиз аканинг киёфаси нари кетмас, унга хиёнат килганимдан уятда эдим. Орадан бир ой ўтди, ана шу кунлар ичида унинг мафтункор чехраси кўз олдимдан нари кетмади, сирасини айтганда, қалбим тобора унга мушток бўлиб борар, ҳар кеча қандай баҳона топиб, у билан учрашиш режасини тузардим-у, лекин эртаси кун ёришиб, чопиб ишга борганимда, бемаъни фикримдан уялиб, «аҳмоқ бўлибсан!» дея ўзимни уялтирадим.

Бир кун дугонамга дардимни ёрдим. «Қани, уни менга бир кўрсат!» деди. Шу гапи менга ёқмади ва мен бу тўғрида қайтиб оғиз очмадим. Соҳида ҳар гал: «Қачон кўрсатасан?» дея қисталанг қилганда, мен бу ишни кейинга суравердим. Лекин ҳар гал юрагим ёнар, куяр, жуда ўртанаар эди. Менга нима бўлди, деб хайрон эдим.

Мен худонинг хўшрўй бу йигитини энг покиза одамга айлантираман, дея аҳд қилдим. Лекин бу айтишга осон эди. Кунлар манзил томон елаётган поезд вагонлариdek шитоб билан ўтар, аммо ҳали мен у билан ўшандан бўён учрашган ҳам змасдим. Ҳудойим сийладими ё мендек ғурбатда қолган ожиза бандасига раҳми келдими, бир куни салонда, ўз хонамда зерикиб ўтиргандим, тўсатдан кўл телефонимга отам қўнгирик

қилдилар. «Қизим, бугун уйга күёв билан кел, сен мақоламни олиб бориб берган дүстим бор-ку, ўша келяпти», дедилар. Ўтирган ўрнимдан сакраб турдим, қувончим ичимга сиғмади, лекин ўз қилиғимдан уялиб, жинни бўляпманми, деб ўйладим ва қанақа аёлман ўзи, дея хайрат боғи ўртасида қолдим, аммо қандайдир бир куч «бўл тезроқ!» дея мени олға ундаи. Эримга қўнғироқ қилиб, масалани тушунтирасам, «Отанг таклиф қилди, сен болаларни олиб ўтавер, мен ҳам бораман», деди. «Отанг таклиф қилди» эмиш. Қайнотам, деса, лаби кийшайиб коладими?! Тагин, сиз эрини бунча ёмон кўради бу аёл, дея мени бехуда айбламанг: қўча-кўйда эрини ёмонлаб юрганлардан эмасман, ҳар ҳолда болаларимнинг отаси у. Менга озгина меҳри бўлганда, ўзим билардим уни қанчалик бошимга кўтаришни. Эҳ. Бу дунё, дунё!

\* \* \*

Биз уни остоңада карши олдик. Табассум қўнган юзида жозиба бор эди: мен ана шу оташдан бир чимдим олиб, унга қаарканман, юрагим жиз этди, «қанийди, шу дилбар юзлар менини бўлслайди», дея ич-ичимдан орзу қилдим. Қизиқиш билан кўл телефонимга қарасам, 10.13 ни кўрсатмоқда. Яна ўн уч! Нега бу рақам менга ёпишиб олди, дея ўйладим ҳайрон қолиб. Онам уни илк бор кўриб турган эди. Ошхонада куймалана туриб: «Ойдай йигит экан, ўзи ҳам бамаъни кўринади, отанг ҳам билиб дўст тутади!» дедилар юрагимга чўғ ташлаб. Шу гапдан сўнг унга бўлган меҳрим янада ортди. Уни кўриш учун олдига чой, ҳар хил ширинликлар, овқат ташиб турдим. Учинчи бор кирганимда, у отам билан ёлғиз қолган эди. Отам мени мактади. «Отасини ҳурмат қилган қиз баҳтли бўлади, – деди у менга жилмайиб қараб. – Эркин аканинг дуосини олаверинг!» Бу гап менга майдай ёқди. Қандай яхши инсон экан, деб ўйладим ва адашмаётганимга чин дилдан, ха, ха, чин дилдан ишондим. Учинчи марта кирганимда, у отам билан нима ҳақдадир гаплашиб ўтирас, юзида табассум бўлса-да, кўзига қандайдир ташвиш булути соя ташлаган эди. Шу одамнинг ҳам ташвиши бормикан, деб ўйладим ва ўша кечаси билан

бу түгрида ўйлаб чиқдим. Ва негадир уни яна күргим келди, мен янги дунё топган девонага айланган эдим. Орадан бир ой ўтиб, бир куни уйга борсам, отам журнал учун ёзган мақолани бериб: «Буни Азизга ташлаб ўт, мени вактим йўқ, институтга боришим керак!» дедилар. Ўша заҳоти машинамни илдам елдириб, Азизнинг ишхонасига бордим. Яхшиямки, ишда экан. Юзи ўшандай оловланиб турап, эгнидаги оппок кўйлаги чиройини янада очган, ялтираган кипприк-кошлари кўзимни қамаштирар даражада эди. Ё менга шундай кўринаётган эдими, билмадим, юрагим беҳуда жиз этмаганини сездиму, зrim, болаларим нима бўлади, деб ўйладим, устига-устак, Азиз мендан ўн ёш кичик эди. Мен мақолани бериб, тезда ортга қайтмоқчи эдим, у қўярда-қўймай бирпас ўтиришимни сўради. Аммо ичимда мен аввал унинг юрагини поклайман, деб қасам ичдим. Кулогим остида хузурбахш овоз янгради: «Ҳаммасига чидайсанми?» Ичимда «чидайман» дедим. «Бу йўл оғир!» деди у яна. «Ҳаммасига бардошим етади», дедим. У менга қаҳва дамлаб берди. Кон босимим паст бўлгани учун мен доимо қаҳва ичиб юрардим. Қаердан билди ё бу тасодифми, деб ўйладим. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Унинг гапларидан сездимки, менга кўнгли бор. Вактинчаликми ёки... менга вактинчалик меҳринг кераги йўқ эди.

Орадан бир соат ўтди. Энди ўрнимдан турмасам бўлмасди. Уят ҳам керак-да. Кетишга ижозат сўрадим. У кўлини узатди. Юрагим тез-тез уриб, аъзойи баданимдан ўт чиқди. Тезгина хайрлашиб кўчага отилдим. Кушдек енгил, баҳтини эндиғина топган аёлдек шод эдим. Ажабо, шунақаси ҳам бўлар экан-да! Эртаси тушликда у тўсатдан салонимизга кириб келди. Ёнида ширингина қизча тортиниб турарди. «Опаси, шунинг сочини чиройли турмаклаб қўйинг. Эртага мактабида шеър айтар экан!», деди. Ўн ёшлардаги қизча сара оқ гулдай ҳавасни келтирар, эгнидаги этаги кенг оқ кўйлаги ўзига жуда ярашган эди. «Сиз ишдан қолманг. Мен ўзим уни айтган жойингизга олиб бориб қўяман!» дедим ва унинг йўқ демаслигини тиладим. Азиз кўнди. Қизчанинг исми Лобар экан. Ўзи ҳам лобар экан, дея унга термилиб карадим. У камгап, секин гапирав, ўнта савол бериб, битта жавоб олардим. Шунақа қизлар менга ёқади.

Махоратимни ишга солиб, сочини турмаклар эканман, ундан онаси, акалари ва опаси ҳакида сўрадим ва: «Сиз кимни яхши кўрасиз?» деб сўрадим гап олиш учун. «Дадам билан ойимни, акаларимни, опамни!» деда жавоб қилди у. Бундан қониқмай саволни ўзгартирдим ва: «Ким сизга кўпроқ эътибор беради?» деб сўрадим. Бола-да, илмоққа олганимни сезмади. «Кўпроқ дадам менга эътибор берадилар», деда у. «Демак, дадангизни кўпроқ ҳурмат қилас экансиз-да!» деб сўрадим ва унинг «ҳа» деб жавоб беришини кутдим. У бўйинни ичига тортиб, «ҳа» дегандай имо қилди. Ойиси ҳакида сўрасам: «У киши бувимникида!» деда. Билдимки, эр-хотин орасида қанакадир низо ўтган. Демак, Азиз хам куйғанлардан экан. Бундай эркаклар аламини кўчага сочишади. Мен уни бу йўлдан қайтаришим керак, деб ўладим.

Лобарни ўз машинамда олиб бориб, Азизга топширдим. Бу гапларни очик ёзаётганим учун мени минг бор кечиринг ва тўғри тушунасиз, деб ўйлайман. Жума куни эди, аниқ эсимда, Азиз кўнғироқ қилиб қолди: «Мен «Шаршара»даман, тез етиб келинг, бирга тушлик қиласиз!» деда. Олдинига иккиландим, сўнг эса осмон узилиб ерга тушмас, деб ўйладим-да, розилик бердим. Борсамми ёки йўқ, деган хаёл билан соатга карадиму, 13.13 ракамларига кўзим тушиб, тош котдим. Нималар бўляпти ўзи?! Бутун дунё бу ракамлар олдида зир титрайди. У эса мени таъкиб этяпти. Охири, баҳайр бўлсин. Юрагим «тур, ўрнингдан!» деб ундаи. Иккиланиш тоги эса елкамдан босмоқда эди. Юракка қулоқ солиш керакми ёки унга?! Юрак менга умрим охиригача керак. Шундай хаёллар билан елкамдаги юкни отиб юбордим-да, хонадан чикиб, айтилган манзил томонга йўл олдим.

Ҳайкириб пастга отилаётган шаршара ёнида бир зум турдим, сув шамоли аралаш майин оқ заррачалар юзимга урилиб, томирларим оралаб мумиё оқди гўё, хузур билан енгил нафас олдим, танам ҳам енгил тортди, ўзим орзу қилган баҳтнингелиб келаётганини хис этиб қувондим. Демак, ҳар тонгни интиқлик билан кутиб оладиган кунларим яқин, демак, хаётим бошқача тус олиши мумкин. Эҳ, бу кунларни қанчалик кутдим!

Ялтираган оқ мармар зинадан енгил қадам ташлаб, ёш кизларга хос чакқонлик билан пастга туша бошладим. Хўран-

далар кўп. Тепадан ҳайкириб тушаётган сув кенг ва катта ҳовузга қуйилгач, пўртанага айланиб, кичик қувурга кириб кетарди. Бўлганинг шу экан-да! Балки мен ҳам... кўнглимга келган шубха карғасини умид таёғи билан хайдаб солдим: йўқ, унақа бўлмайди. Кўм-кўк сув. Дилингиз яйрайди. Ҳовуз атродидаги жойлар деярли банд. Азизни қидирдим. Ғовур-ғувур авжида. Ҳамма менга қарайди. Эгнимда калта қизгиш кўйлак, бўйнимга оқрўмолча илиб олганман. Ёнимдан ўтиб-қайтаётган эркаклар сукланиб тикилишади, димоғдор хонимчаларнинг ҳасад билан қарашаётганини ҳам сезаман. Юракларинг ҳасрат ўтида ёняттими, дейман ичимда ва Азиз тезрок топила колса-чи, дея бетоқатланаман. Алдаган бўлса-чи?! Уни қанақалигини қўриб қўйинглар, дея мазах килиш учун чақирганмикан? Балки суратга олишаётгандир. Вой, шарманда-а-а!

– Кимни қидиряпсиз, яхши қиз?

Таниш овоз бутун вужудимни титратиб, кўнглимдаги шубҳа куртларини тўкиб ташлади. Азиз қаршимда юзма-юз турар, ундан таралган хүшбўй атири ҳидидан баҳридилм очилди. У жилмайиб туриб, қўлимга оқ гулларни тутқаэди. Оқ гулларни яхши қўришимни қаердан сездийкин? Ёки кимдир унга маслаҳат беряптими?

Шу дамда унга бўлган меҳрим товланиб кетди-ю, уни кучоқлаб юз-кўзидан ўпгим келди. Аёл...мендек тошқаттиқ аёл эрига ҳам бу меҳрни раво кўрмайди. Аммо хозир бутунлай бошқа оламга айланган эдимки. Азиз нима деса, шунга рози бўлишим аниқ эди.

У мени ҳовузнинг ўнг томонидаги хонага бошлаб кирди. Ўзим ҳам чеккароқ жой бўлса деб турган эдим. Стол устида шафтоли шарбати, нон ва чой қўйилган. Бека қиз ортимииздан югуриб келди, Азиз менга қаради: «Мен товуқкабоб буюрдим. Сиз-чи?..»

Айланиб кетай Азизимдан, мен ҳам товуқкабобни яхши кўраман.

– Сиз нима есангиз шу! – дедим чайналиб.

– Кўнглингиз истаганини айтинг, балки...

– Йўқ, йўқ, менга ҳам шундан. Товуқкабобни яхши кўраман! – дедим. Бека қиз эшикни ёпиб чиқиб кетди. Сукунат

чүкди. Азиз ҳол-ахволимни сүраб, бироз ҳангома қилғач, гап мавзусини кизи Лобар томон бурди.

– У сизни ёқтириб қолган күринади. Кече: «Бундан кейинн сочимни турмаклашга опачамнинг олдига олиб борасиз, дадажон!» деди. Ойинг уришмайдиларми, деб сўрасам, елкамга осилиб, қулогимга шивирлаб: «Ойижонга ҳеч гапни айтмайман, дадажон!», деди. Бир кун уни айлантириб келсангиз, жуда хурсанд бўларди.

– Майли, Азиз ака, бирор кун олиб көлинг. Ўзим ҳам шу қизингизни ёқтириб қолдим! – дедим учрашиб туриш учун баҳона топилганидан хурсанд бўлиб. У бир лахза ўйланиб қолди. Кўзларида яна ўша ғамни кўрдим ва бундан негадир ўзим ҳам эзилдим. Лекин шу заҳоти унинг кўзларидаги ғамни ҳайдайман, ҳайдаб соламан, деган қатъий карорга келдим. Кечкурун Сожида кўнғирок қилиб:

– Кўчага чик, юрагим қисилиб кетди, бироз сухбатлашайлик, – дея таклиф килди. Эрим футбол кўраётган эди, уйда ўтиргим йўқ эди, кийиниб кўчага отландим. Эрим хўмрайиб караган эди, тўғрисини айта қолдим. Индамади.

Аёл зоти борки, мактанишни яхши кўради. Сожидага бугунги воқеаларни қўшиб-чатиб ҳикоя қилиб берган эдим, ноз билан арз қилди. «Шунақа яхши инсонни топибсан, менга бир ёрдам кил! Болаларимни боколмай қийналиб юрибман, унга айт, менга бир иш топиб берсин!», дея ҳол-жонимга кўймади. «Бўпти, гаплашиб кўрай-чи!» дедим. Эртаси Азизга кўнғирок қилиб, шу тўғрида оғиз очган эдим, «Сиз илтимос қиласиз-у, ерда қолдириб бўладими, келсин!» деди.

\* \* \*

Орадан бир ҳафта ўтгач, Сожидани баҳона қилиб, кўнғирок қилдим. «Яхши дугонангиз бор экан, бинойидек ишляяпти!» деди. Шундан сўнг у билан тез-тез кўнғироклашиб турадиган бўлдик. Мен билан доимо самимий гаплашар, турли латифалар айтиб берар, лекин кўнглим учун бўлса-да, севги-мухаббат ҳакида гап очмасди.

Менда тоқатсизлик бошланди. Кейинги кунларда қандай қилиб у билан учрашсам, деган ўй сира тинчлик бермай қолди,

адашмасам, ўша куни ҳам 13 -число эди. Туман ҳокимлигидан кўнгирок бўлиб, халқаро танловда иштирок этишимни айтишиди. Пойтахтдан факат менинг номзодим тавсия этилган экан. Самаркандга борсам, меҳмонхонада тунаб қолишим керак. Шу боис, кимнидир йўлдош тутиш хақида бош котирдим. Кимни? Хаёлимда факат Азиз аканинг телефон ракамлари жонланди. Беихтиёр, юмшок тугмачаларни шошиб, ҳаяжонланиб, титраб босдим.

– Ассалому алайкум?

– Ваалайкум ассалом, Марҳабо, яхшимисиз?

Ҳол-ахвол сўрашгандан сўнг дардимни айтдим. У дарҳол рози бўлиб: «Икки йилдан буён Самаркандга боролмаётган эдим. шу баҳона Амир Темур бобо, Бибихоним момони зиёрат қилиб келамиз!» деди хурсанд ҳолда. Мен кийикдек осмонга сакрадим. Хурсандчилигимнинг чеки-чегараси йўқ эди. Онамга шу тўғрида маслаҳат солсан: «Яхши қилибсан, қизим, уй ва иш деб қисилиб кетдинг, бориб юрагингни ёзиб кел! Азизга келсак, уканг тенги яхши йигит, машинасида олиб кетса, яна ҳам яхши! Эрингга ётиғи билан тушунтир. Халқаро танлов экан. Агар ишинг битса, кечқурун қайта қол!» дедилар. Йўл бермайдиларми, деб йўлаган эдим. Бу гапларидан сўнг Азизга бўлган меҳрим яна ҳам ошди. Ўзимча хўрсиндим: ундан бир ёпи кичик бўлганимда, уйланаман, деса, йўқ демасдим, деган хаёлга ҳам бордим.

Мен учун танловнинг аҳамияти йўқ эди. Қандай катнашаман, нечанчи ўринни оламан, хаёлимга келтирган эмасман. Йўл-йўлакай гаплашиб, гоҳида бозорчалар ёнида тўхтаб, битта иссик нон, карсиллаган олма, нок, ё бир шингил узум еб, хузур-ҳаловат билан кўхна Самаркандга етганимизни ҳам сезмай қолдик. Шаҳар кўчаларининг четларида экилган ям-яшил дарахтлар, айникса, оқ, сарик, қизил гуллар завқ-шавқ улашиб, меҳримни янада оширади. Соатга қарасам 10.13. Беихтиёр кулдим.

– Нимага куляпсиз? – деб сўради Азиз. Уни алдагим келмади. Севиб қолган кишингизни алдашни истамайсиз. Тўғрисини айтган эдим, у:

– Мени ҳам шу ракам таъкиб этади! – деди кулиб.

— Ёқадими? — деб сўрадим унинг бежирим юзига кўз тикиб.

— Ёқади! — жавоб килди у. — 13 ёшимда йўлимни танлаганман. 13 нафар дўстим бор. 13 та мукофот олганман. Сиз билан 13 числода танишганман. Мана, роппа-роса 13.00 да сиз билан дунёнинг энг кадим ва улуғ шахри, учта буюк салтанатлардан бирининг бетакрор пойтахти Самарканда турибман. Яна кандай изоҳ керак. Худо хоҳласа, яна бирорта ўн учда ишимиз ўнгидан келади. — У менинг қўлларимни беозоргина қисиб кўйди. «Сизга омад тилайман. Бу халқаро танлов. Бутун мамлакат аҳлининг кўзи сизда бўлади. Шуни унугманг!»

Танлов ҳакида ўйлаганим йўқ, бу кеча у билан коламанми ё она шаҳримга етиб келамизми, деган хаёлда эдим. Амир Темур мақбарасининг икки минораси ва мовий гумбази кўзимни камаштириди. Бир гурух фаранг сайёхлари билан ичкари кирдик. Айлана гумбаз ичидаги олтин нақшларнинг товланиши мени янада ажаблантириди. Коровул чирокни ёккан эди, мақбара ичи заррин нурга тўлди. Ҳаяжонга тушган фарангларнинг овози жаранглаб акс-садо берди. Ўртада қоратош. Босида катта мармар қабр. Атрофда яна бир нечта мармар қабр тошлари. «Ҳакиқий қабр пастда, ертўлада!» деди Азиз ва мени ташқарига, айвон томон етаклади. Бир аёл билан гаплашди. Аёл ўнг томондаги нақшинкор ёғоч эшикни очиб, ташқарига бошлади. Биз ховлига чиқдик. Ертўла эшиги ёпиқ эди. Аёл уни ҳам очди-да: «Сизлар зиёрат килиб чиқинглар!» деб ўзи ортга кайтди. Биз тор ва ним қоронги йўлакдан пастга тушдик. Ёғоч тўсикдан ўнг томондаги ўриндиқка чўқдик. Ундан пастда, ерга қалишган мармар қабр тошлари. Ўртада жуда кенг ва оқчилил мармар қабр. Азиз тиловат қилгач:

— Буюк Амир Темур ором топган жой шу! — деди кора кабрга ишора килиб. Мен худди туш кўраётгандек эдим, танамни аллақандай сирли туйғу эгаллаб олган, гўёки Кўксарой ичиди Амир Темур ва Бибихоним ёнида эдим, ташқари чиққанимда ҳам шу холатда бўлдим.

Биз турфа хил гуллар барк урган, дов-дараҳтзор, соя-салқин бокка кириб, ўнгга бурилдик ва бирордан сўнг кўплаб машиналар турган катта кошона олдида тўхтадик. Бир неча мамлакатларнинг байроқлари орасида юртимиз байроғи жуда

гўзал ҳилпирамоқда. Байроқка тикилиб қолдим, юрагим аввал ширин орзиқиб, сўнг титрокка тушди. Танловда довдираб қолсам, бир тийин бўламанми?! Ўлаш керак эди! Турли-туман қиёфаларда акс этган сартарош хонимларнинг суратлари мени янада ҳаяжон ва ташвишга солди. Ишқилиб... Улар орасида ўзимнинг суратимни кўриб, «Ё тавба!» деб юбордим. Азиз яна қўлимни қисиб: «Дадил бўлинг!» деди.

Ёнимда улкан тоғим борлигини ҳис этиб, «дадил бўл!» дедим ўзимга ўзим. Мендек аёлга бир оғиз ширин сўзу, жиндек меҳрдан бошқа нима керак?! Аёл зоти борки, доимо меҳр излаб юради, лекин ҳамиша ҳам уни тополмайди, аммо ҳозир мен ҳаётда ҳакикий суюнчиғимни топган ва қанот ёзиб, бутун олам шодлигини қалбимга жойлаб, юксакларда парвоз этаётган эдим. Руҳи баланд бўлса, одам жуда кўп яхшиликларни амалга оширади. Ўша дамда юкори ўринлардан бирини эгаллайман, деган тўлиқ ишонч бор эди менда. Тушдан сўнг танлов бошланди. Исм-шарифим ўқилганда ёшлар хайкирганча қарсак чалишди. Олдинги каторда ўтирган Азиз бош бармоғини кўтариб, «зўр» дегандек ёқимли жилмайиб имо қилди: руҳим кўтарилиб, дадиллашдим, ўз юртимдаман, дедим ва чаққон юриб, саҳнада ўрнимни эгалладим. Соатга карасам, 13.13 ни кўрсатиб турибди. Бу рақам менга омад келтиради, деб ўйладим. Кенг саҳнада олти стол кўйилган бўлиб, унда олти нафар киз ўтирас, барчаларининг соchlари тартибсиз ҳолга келтирилган эди. Бошловчи танлов шартларини эълон қилди. Маълум соатда сочни чиройли турмаклаш керак экан. Рухсат берилгач, ишга киришдим.

Мени яна ҳаяжон босди. «Э худо, юртдошларим олдида шарманда қилма! Не-не аёлларнинг соchlарини турмаклаганман. Тошкентнинг ман деган қизлари, аёллари факат менинг соч турмаклашимга ишқивоз. Пулни аяшмайди. Лекин мен ҳеч қачон тарифдан ортиғини олмайман. «Инсофи борнинг баракаси бор», дейишади. Отам менга одамийликдан яхши дарс берганлар. «Кизим, мол-дунёга, ялтур-юлтур кийимларга қизикма, одамлар орасида манманлик қилма, чунки сода, самимий кишиларни тез дўст тутадилар. уларнинг атрофида барака, омад кезиб юради», деган ўйтлари доимо хаёлим

чўнтағида туради. Соч турмаклайпман-у, куз олдимда дунё давлатлари байроқлари орасида хилпираб турган байроғим; Сирдарё, Амударё, ўлкамизнинг кумуш водийлари, пурвиқор тоглари; гўзал Тошкентим, уйим, ота-онам, болаларим ва уларнинг ёнига суюкли инсоним бўлиб қўшилган Азиз жонланиб турди. Шаркираб оқаётган сув ҳам мени олқишлияпти, деган фикр хаёлимдан кечди: қандайдир ишончли куч танамга кириб, бажараётган ишимга ёрдамлаша бошлади, соч турмаклашим бироз осонлашди, назаримда, ҳали бунақа усулни бирор жойда қўлламаган, ҳали бунақасини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, кимдир кулогим остида «Дунё турмаги» деб секин шивирлади. «Дунё турмаги?!» Яхши ном. Номини ҳам топдим. Кайфиятим янада кўтарилди: ўшандан шунга Азиз мени олиб келди, ана, кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирибди, маҳоратимни ишга солишим керак, аввал худо, ўзи қўлласа, ҳеч гап эмас. «Ўйлашни бас қил, тез бўл!» деди яна ўша овоз. Сесканиб атрофимга қарадим. Ҳамманинг кўзи менда эди. Ишимни тугатиб, сочни котираётган эдим, ҳайъат аъзоларидан бири – нозиккина аёл атрофимни айланди. Ойнага қарапканман, менинг мижозим – талаба қиз дунёнинг энг гўзал маликасига айланган эди, унинг бўлиқ сочи пешанасига, елкаларига тушиб турар, чироқ нурида олтиндек жилоланиб, кўзни қамаштиromoқда эди.

«Ёқдими?» сўрадим ундан. У майин жилмайиб: «Ҳали бунақасини кўрмаган эдим», деди. Мен шу заҳоти залга қараб таъзим қилдим. Гулдурос қарсаклар янгради. Рақибларим эса ҳали ишда давом этар, менга ўқрайиб карашарди, факат япон қиз кулиб, бош эгди. Ҳамма мени кузатаётгандек эди, лекин турли-туман нигоҳлар ва кўзлар таъқибларига ўрганиб кетган эдим, ортиқча туйғуларга зътибор бермай ўрнимга ўтиарканман, устимдан тоғ ағдарилгандек руҳимда енгиллик сездим. Бир соатдан сўнг Ҳайъат аъзолари саҳнага кўтарилишди. Бошловчи йигит билан қиз халқаро танловнинг йилдан йилга обрўси ошиб бораётгани, бу йил мазкур танловда жаҳоннинг ўнга яқин давлатидан вакиллар иштирок этаётгани-ю, ниҳоят, ғолибларни тақдирлаш пайти ҳам етиб келганини зълон қилди.

Юрагим, дengиз юзидағи қайиқдек, бир кўтарилиб тушди. «Наҳотки, ҳеч қанақа ўрин ололмасам!»

Рағбатлантирувчи ўринларни эълон қилишди. Қарсаклар янгради. Юзим тарсаки тушгандек ловиллади. Учинчи, иккинчи ва биринчи ўринга сазовор бўлган ғолиблар ҳам саҳнага чикиб, мукофотларини олишиб, шод ҳолда таъзим қилишди. Ох урди юрагим. Учинчи ўринни олган малайзиялик кичкина кизалокқа қўзим тушиб, баттар ўсал бўлдим, ҳатто шунчалик бўйолмадим-а, деган оғир ўй юрагимни тирнади. Иккинчи ўринни олган америкалик негр хоним менга ғижиниб қаради, биринчи ўринни олган япон киз эса ёркин жилмайиб, таъзим қилди. Мен ҳам унга ўлганнинг кунидан таъзим қилдим, лекин ўзимдан ўтаётганни ўзим билардим, холос. Бўйним қисилиб, бутун танамни қуюк тер босди. Ён-атрофимда шивир-шивирлар кўпайди, ҳатто Азизга қарашга ботинолмай колдим. Бир куйи, залдан чикиб кетмокни ҳам қўзладим, аммо яна гап-сўз кўпаймасин, дея жойимда михландим. Бу мен учун жуда катта азоб... азоб эди. Танловга келмасам бўларкан, деган пушаймон ҳам юрагимни кемириб борар, нега менга ўрин беришмади. ғирромлик бўлди, деган фикр жаҳлимни қўзгатган эди. Нега ўрин беришмади, нега, дея ҳайқирди юрагим. Бошловчи йигитнинг: «Нихоят, олий ўрин сохибасини саҳнага таклиф эта-миз!!!» деган гапидан сўнг ўзимга келдим. Бошловчи кизнинг: «Дунё турмаги!» деган сўзи вужудимни ёндириб юборди. Бошимни кўтарганимда, аллақачон номим эълон қилиниб бўлган ва ҳамманинг нигоҳи яна менга қадалган эди. Бошловчилар номимни қайта эълон қилишди, энди ўрнимдан турмасам бўлмасди, назаримда, юзимдаги зулмат ўрнини чароғон нур эгаллаган, бу нур нафақат танлов ўтаётган кошонани, балки бутун ота юртни ҳам оппок нурга тўлдирган эди. «Бугунги ҳалқаро танловнинг олий ўрин сохибасини кутиб олинг!»

Йигилганлар ўринларидан туриб, мени олкишлашди. Бетакрор мадхиямиз янграб, байроғимиз кўтарилаётган пайтда кўзларимдан ёш чикиб кетди. Э худойим, ўзингга шукур! Шарманда қилмадинг, ўзингга шукур, дедим. Юрагим бўзлар, кўзларимдан шашқатор ёш окар. фотоаппаратларнинг чикирчикирлари, ярқ этган нурлар кўзимни қамаштириб, қалбимга титроқ соларди. Саҳнадан тушаётганимда Азиз бир кучоқ гул билан кутиб олди. Эрим эмас, шу бегона эркак ёнимда

турди-я, деган фикр юрагимни чакнатиб ўтди-ю, беихтиёр унинг қучогига сингиш истагида қолдим, аммо ўзимни босдим, хар ҳолда нима деб ўйлаши мумкин. Танловдан сўнг «Самарқанд» ресторанига бориб, товуккабоб едик. Ёккан жойи шу бўлдики, у ичимлик ҳақида оғиз ҳам очмади. Одатда, бундай пайтда кўп эркаклар «яримта»ни ишга солишади. Азиз кўзимга туғишганимдай якин туюлди ва унга бўлган меҳрим яна бир баҳя ошди. Ўтириш пулини ўзим тўладим. Йўлга ҳам бироз пул олиб қолдим. Лекин ўша куни Азизга бир нималар олиб беришим керак эди. Лоакал, Самарқанд нонидан икки дона ҳам олиб бермабман. Ҳали-ҳали шу ҳақда ўйласам, ўшанда нодонлик қилганман, дея ўйлаб қоламан. Кеч тушганда ўзимизнинг сўлим ва бебаҳо Тошкентимизга етиб келдик. У «Истиқлол» саройи ёнида тушиб қолди. Ойна ортидан унинг ой кўнган юзига, Зухро юлдузидек порлаган кўзларига караб, ич-ичимдан кувончга тўлдим. Ажабо, унинг шод ва хурсанд бўлганидан шунчалик қувонишимнинг сабаби нимада?! Ҳалигача бунинг моҳиятига етолмайман. Ҳалигача ёркин, нурафшон, шод чехраси кўз олдимдан кетмайди. Нега? Негалигини ўзим ҳам тушунолмайман. Аммо мен худонинг бир бандасини хурсанд қилдим. Юзига файз киритдим. Шуниси менга роҳат багишлайди.

\* \* \*

Энди иккаламиз ҳам бир-биrimizga якин бўлиб қолдик. Эрталаб турган захотим ишни унга қўнғироқ қилишдан бошлардим, назаримда, мен учун азоблар тугаб, роҳат дамлари бошланган, мен янги дунёда, роҳат-фарогатда яшамоқда эдим. Кеч келган бўлса-да, мужаббатимни топдим, деб ўйладим. Ишларим юришиб, шаҳарда обрўйим орта борди. Қаерга борсам, иззату хурматда эдим. Лекин менинг дардим фақат Азиз эди, ҳатто бора-бора ўртамиздаги фарқка ҳам зътибор бермай қўядиган бўлдик. Бир куни Амир Темур хиёбони бурчагидаги кафенинг иккинчи қаватига чиқиб, чеккарокда, хўрандалар сийракроқ жойда қарама-қарши ўтирдик. У ҳаворанг кўйлак кийган, тиник юзида билинар-билинмас мовий нур ўйнар, унга кўз ости би-

лан завқланиб тикилганимда «қанийди, шу йигит күча аёлла-рига карамаса, ўзим каби ёлғиз қалбнинг гадоси, яъни факат меники бўлсайди», дея ният қилдим. Лекин бу ўйларимнинг хомхаёл эканини ҳам англар, аммо унга қулок солишга бўйин эгмасдим. Йўқ, у менга нисбатан доимо самимий бўлади, у хеч қачон мени алдамайди, дея ишонардим. Лекин бу янги дунёни бир кун ўзим чилпарчин қилишимни хаёлимга ҳам келтирган эмасдим. Албатта, «ёпиқлик козон ёпиғлигича қолмайди». Бир куни мижозлар кўпайиб, соат ўн иккиларда уйга келдим. Эримнинг қоши – чаённинг думи, юрагим шув этди. «Азиз ким?» – дархол ҳужумга ўтди у. Озгина хато қилсан, сиримни опкор қилишим аниқ эди. «Қайси Азиз?» – дедим хеч нарса билмагандай. Эркак зоти аёлни мот қиласман, деб ўйлайди. Ғашим келса-да, тишимни тишимга қўйдим.

Эримнинг кўллари мушт тугилди.

- Қайси Азиз бўларди, ҳар эрта қўнгироқ қиласидиган ким?!
- Ҳай-ҳай, дадаси, уят-а! Уят! – дедим босиклик билан. – Укам тенги бола у. Ўз жуфти ҳалолингизни шунака ҳақорат қилишга уялмайсизми?!
- Укам эмиш?! – тишини қайради хўжайн.
- Кўпчилик билан ишлайман, биронни ука, биронни опа деймиз, нотўғри тушунманг! Жуфти ҳалол билан кўчани ара-лаштириб юборманг; сизга ярашмаяпти, дадаси! – дедим дадил охангда.

Манаман деб турган шер эрвой бир зумда ҳовуридан тушди.

- Майли санга ишонаман, хотин! – деди бўйнини эгиб. Ичимда «мен санга ишонмайман», дедим. Кўчада мингта ўйнаши бор. Унга мумкин. Бизга эса битта кўнгил одами ҳам мумкин эмас. Кайфиятим бузилиб, юрагим қисилди, нима қилишга ҳайрон эдим. Кеч тушаверса, негадир диққинафас бўласиз, ўртанасиз, бирор гап, бирор сўз ҳам ёқмай қолади. Ўша куни эрим уйга кириб, телевизор ёнида «козик қокди». Мен-чи?! Мен нима қилишим керак эди?! Ёрилиб ўлишим ке-рак эдими?! Ногоҳ қўнгироқ жиринглади. Кўнглим «бу ўша» дея сезди. Таниш рақамларни кўриб, жуда қувондим.

– Нега сөвозинг суст, рухингни кўтар! – деди у. – Ташқари чик, ҳозир бўраман!

Ичкари уй эшигини очиб, футбол томоша қилаётган бепарво эримга қарадим. – Күчага чиқмокчиман! – дедим ва жавоб бермаса керак, деб ўйладим. У менга лоақал қиё ҳам бокмади. «Борсанг-боравер» дегандек қўл силкиди. Ана эр! Ҳолинг калай, нима гапинг бор, деб сўрамади ҳам. Кўнглим ундан қолган эди, буниси ортиқча бўлди.

Коронги тушган, майнин, ёқимли шабада эсиб турарди. У мени кулиб қарши олди ва қўлимга нимадир тутқазди: қарасам, катта, оқ нок; кичкина кўчага кириб, ўнгга бурилдик ва анча юриб, анхор ёқасига чиқдик, сув шабадаси юзимга урилиб, енгил тортдим, юрагим ҳам ёзилди, лабимга кулги қўниб, рухим енгиллашди. Ҳозир уйда бўлганимда, эрим билан, албатта, уришиб қолган бўлардим. Жанжалдан тўйдим ўзи.

Баланд арча дарахти остидаги ўриндиқ бўш эди. Биздан ўн метрлар наридаги дарвоза тепасига ўрнатилган чироқдан ёруғлик тушиб турар, бу ер сокин, битта-яримта ўтиб-қайтар, деярли ҳеч ким халақит бермаслигига кафолат бор эди.

– Сиз футболга қизиқмайсизми? – сўрадим уйда ёнбошлаб ётган тош эримни кўз олдимга келтириб.

– Футболга қизиқмаган эркак борми? – деди у жилмайиб. – Лекин овозингизни эшитиб, дунёнинг шундай фаришта аёли хафа бўлиб турса-ю, бу ёқда футбол кўриб ўтирсам, фойдаси борми, деб ўйладим-да, куёнчамни излаб келдим!

Ҳазил гап жуда завқимни келтирди.

– Ҳали мен сизга куёнча бўлдимми? – дедим эркаланиб.

– Бўрига ҳамиша қийин бўлган! – деди у ҳазил оҳангда.

– Куёнча доим зўр чиққан!

– Ҳа, шундай! – тан олди у. – Яхшиси, бўри бўлмай қўя қолай!

– Унда фил бўлинг! – деб кулдим. У ҳам кулди. Шу билан губоримиз ёзилди. Унинг яна бир гапи хотирамда нақшланди. «Хафа бўлиб турганимда, кўнгироқ қилсангиз, дардимни унтиб, енгил тортаман!» деди у. Бу гапга ишонмаслик мумкин эмасди. «Менда ҳам шундай бўлади», дедим. Бу рост эди, аммо нечундир у гапимни шубҳа билан қабул қилди назаримда. Лекин мен учун бунинг аҳамияти йўқ эди, энг муҳими, у

күнги оқларимдан енгил тортар экан, шунинг ўзи кифоя эди. Соат ўн биргача чакчақлашиб ўтиридик. Вакт жуда тез ўтди назаримда. Яхши эркак билан дунёда роҳат қилиб яшайсан. Қанийди, шу эрим бўлганда, бутун меҳримни бермасмидим. Афсус, нега кеч туғилмадим?! Кеч келган турналар. Баҳордан нега кечга қолдингиз?! У мени уйимгача орқамдан кузатиб келди. Келманг, десам ҳам кўнмади. «Сизни ёлғиз юборолмайман», деди. Эшиқдан киришим билан кўнги оқ килиб: «Яхши кириб олдингизми?» деб сўради. Идеал эркак, дедим ва уйга кириб, эримдан хабар олдим. У энди жангари фильм томоша қилаётган эди. Нима дейсиз бу эркакка?!

Баҳор келди.

Биз деярли ҳар куни учрашиб турдик. Мен чиндан баҳтиёр эдим. У менга шунчалик меҳрибон, шунчалик жонкуяр эдики, нима десам, йўқ демас, доимо «майли, сиз айтгандек бўлсин» дея гапларимга кўниб қўя коларди. Эркак ҳам аёлга шунчалик меҳрибон бўладими, дея ҳайратда эдим. Туғилган кунимда у менга кичкина тахта филча совға қилди. Нари борса, икки минг турадиган совға эди, лекин бу совға Баҳром билан Абдуҳошим ҳадя этган қимматбаҳо буюм ва кийимлардан аъло эди. Филча кўзимга иссик кўринди. Уни ётоғимдаги ойнанинг ёнига кўйдим ва ҳар кеча, ҳар тонг унга меҳр билан қаарканман, юрагим завққа тўлиб, лаззат олардим.

Бир куни эрим ичиб келди. Ундан қимматбаҳо атири хиди анқимокда эди. Қовоғимни уйиб: «Яна қайси ойимчангиз меҳмон килди?!» дедим. У бўғриқди, қизарди ва: «Бир пиёла чой бериш ўрнига ёқамдан олишинг нима?!» дея айюҳаннос солди. Мен ҳам жим турмадим. Иккаламиз жиққамушт бўлдик. Болалар: «Жим бўлсангизлар-чи! Улмайсизларми?!» деганидан сўнг, улар олдида нима деган одам бўлдим, дея изтироб ўтида ёндим ва алам билан кўчага чиқиб кетдим. Дўконларни айландим, йўлаклар бўйлаб юрдим, бекатда анчагача ўтиридим, эрим ортимдан келганда, албатта, уйга кирган бўлардим, аммо у кўлтелефонимга сим ҳам қоқмади, азбаройи эзилганимдан ўзимни автобус тагига ташламоқчи ҳам бўлдим, кутилмагандада Азиз кўнги оқ килиб қолди, ҳаяжон босиб, юрагим дук-дук урди, дудукланиб, талмовсираб, салом бериб сўрашдим, ово-

зим шикаста чиқди шекилли, нима бўлганини, қаердалигимни сўради, мен бор гапни айтдим. У тезда етиб келди. Кўлида катта нок ва писта бор эди. Нокни яхши кўраман, писта чақиш эса досимий одатим. Нокни иккига бўлиб, ярмини унга узатдим. Кўп қаватли уйлар оралаб ўтиб, ним коронғи йўлакка кирдик. Азиз бошқа болаларга ўхшаб, шилкимлик қилмас, кайфиятимга, авзойимга қараб иш тутар, менга унинг ҳамма қиликлари, ҳамма ҳаракатлари ёкарди.

Ўша кеч ҳаво майин. йўлаклар сокин, ажойиб бир палла эди. Сухбатлашиб айланиб юрдик. Бир зумда икки соат ўтиб кетганини ҳам сезмай қолдим. Эримни унутдим, бош оғригиму қисилганим ҳам эсимдан чиқиб кетди. Аввал йўлдош, сўнгра йўл, деган ҳикмат бор. Тўғри гап. Йўлдошингиз кўнглингизга қараса, ўзингизга мос бўлса, вакт ўтганини ҳам сезмай қолишингиз тайин, иккинчи томони, ҳар қандай бош оғрикни ҳам унутасиз. Тошкент курантлари соат ўн иккига бонг урганда, мен Азиздан уялиб, энди уйга кирай, дедим. «Кеч бўлди, уйдагиларингиз хавотир олмасин. борақолинг!» деди ва уйимгача кузатиб келди.

«Мен сиз ҳақингизда китоб ёзаман», деди у. «Нима деб ёзасиз?» деб сўрадим атайлаб. «Сиз ҳақингизда ёзаман», деди. Мен бу гапга ҳам ишондим ва ёза олиши мумкин, дея янада хурсанд бўлдим. Бу орада Лондонга танловга чақиришди. Йўлини қилиб, уни ҳам олиб кетдим. Бир ҳафта давомида то-моша қилмаган жойимиз, кирмаган кафемиз қолмади хисоб. Лекин на у ва на мен ортиқча хисларга берилмадик. У тўрт эркак билан, мен олти аёл билан бирга юрдик. «Азизбек, хозирча гап-сўз бўлишимизнинг кераги йўқ, ўзимизнинг Тошкентда гаплашармиз», дедим. Лекин Тошкентга келиб ҳам бирон ножӯя ишга кўл урмадик. Факат бир гал Чимёнга борганда, у ҳаддидан ошди. Қулоғим остида «мумкин эмас» деган садо бўлгач, унинг бағридан чиқиб кетдим. У хафа бўлиб, бир ҳафтагача гаплашмади. Ўзим кўнгироқ қилиб, яна ярашиб олдим. Бу ҳолат яна уч бор такрорланди. Нимадир менга йўл бермаётган эди: ўз севганимнинг васлига етишдан маҳрум эдим, бу мени азобга солар, кийнар эди. Шундай қунларнинг бирида у Германияга ижодий сафарга кетди. Аллақайси журнал улар-

ни ҳамкорликка чақирган экан. Уч кунда жинни бўлаёздим. Лекин у мени ёлгизлатиб кўймади. Ярим кечада ҳам «нома» лар жўнатиб турди.

Тилайман хайрли тун,  
Ором олинг тонг кадар.  
Багрингиз тўлиб бутун,  
Уйғонинг эрта сахар.

Бир шоир мени шу даражага етказган муҳаббатга минг шукр, деган экан. Бунисини ўкиб, роҳатланар эканман, кейингиси юрагимдаги бор зардолларни тўкиб ташлади.

Ширин сўзлар айтиб доим силадинг бошим,  
Кўзларимдан артиб туриб ҳар томчи ёшим.  
Захарларин тозаладинг еб турган ошим,  
Нечун сени ардоқламай, ёлғиз сирдошим?!

Менга келган зарбаларга мардона туриб,  
Камонлардан келган ўқни ҳар ёна буриб,  
Асраб келдинг сен ёнимда пинҳона юриб,  
Нечун сени ардоқламай, ёлғиз сирдошим?!

Бир дўст бўлса, сенча бўлар, англаб етдим мен,  
Тор юрагим ўшал ондан сенга қилдим кенг,  
Дўст-душманга келганда қил устида тенг,  
Нечун сени ардоқламай, ёлғиз сирдошим?!

Бу шеър менга жуда ёқди. Үнга мамнунлик билан жавоб ёзарканман, чинакамига баҳтиёргигимни ҳис этдим. Бир аёл учун бу катта баҳт, катта мукофот деб ўйладим. Тош қалб билан муҳаббатсиз ўтаман, деган армонда эдим. Армоним қолмаган эди. Э худо, ишқилиб бу баҳтга кўз тегмасин, дер эдим. Шуларни ёзса ҳам бир достон бўлади, деб ўйладим. Ухлаш олдидан шунчаки соатга қарадим: миллар 00.13 ни кўрсатмоқда эди. Дунёни ларзага солган рақамлар, биз учун хосиятли келармисиз, дея сўрадим. Жавоб йўқ эди. Балки тушимда аён бўлар,

деб ўйладим, аммо... декабрнинг охирги ўн кунлиги эди. У касалхонага тушиб қолди. Юрагининг мазаси бўлмабди. Ёш йигитнинг юраги оғрийдими, деган ўйга бордим. Ҳар куни кечқурун хотини, болалари келиб-кетиши билан ҳолидан хабар олиб турдим. Ўн кунлардан сўнг у соғайиб чиқди ва биз яна тез-тез учрашиб турдик. Энди хаётим шу тарзда баҳтли кечади, деган ўйда эдим. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши коронги эканлигини хаёлимга келтирмаган эканман. Орадан уч ойлар ўтди. Бир куни Сожида билан кафеда кабоб еб ўтирган эдик, томоғимнинг ўнг томонида нўхатдек бир нарсани ёпишганини сезиб, кайфиятим бузилиб, кабобни зўрға ютдим.

Сожида:

– Ҳайронман, сенга ўшанинг нима кераги бор. Ёш, ношуд бир нарса. Гап-сўз бўлганинг қолади, – деди илмоқли гап ташлаб.

– Мингта ошнанг бор, аралашмаяпман-у! – дедим хафа бўлгандек. Аммо унинг гаплари асабимга таъсир қилиб, Азизнинг бир-икки кўнғироқларига жавоб бермадим. Ҳатто бир куни эrim билан жанжаллашиб турганимда кўнғироқ қилиб қолди. «Мени тинч қўйинг!» деган гап оғзимдан чиқиб кетганини билмай қолдим. Шундан кейин Азиз ўзгарди.

Бир куни кўлимда ишлайдиган Ҳалима опа, семиз, йирик кўз аёл: «Ана у танишингизни тунов куни Сожида билан бизнинг домдан чиқиб кетаётганини кўрдим!» дея етказди. Аъзойи баданимдан тер чиқиб кетди. Сожидани чакирдим. У келди. Ясан-тусанганини кўриб, оғзим очилиб қолди: эгнида ҳаворанг кофта-юбка, қулогида олмос кўзли кимматбаҳо зирақ, оппок бўйнида тилла занжир, фалон пул туради, бунақасини бир йиллик маошга ҳам сотиб олиш қийин. Оёғида бойвучча аёллар киядиган асл чарм кора туфли. Роза ўзгарибди, бунча пулни қаёқдан топганига ҳайрон бўлдим.

Кайфиятим йўклигини сезиб, кўнгил сўради, лекин мен сир бой бермадим, шошма, кўнглингдаги ҳамма кирдикорларингни билиб оламан, дея аҳд килдим.

– Кўринишинг зўр-у, дугонажон, анча бойвучча бўлиб қолган кўринасан! – дедим мен ҳам уни илмокка олиб.

– Кесакка ўғит тушди, – дея мугамбirona кулди у. – Ўзингчи, ўзинг! Нега хомушсан?

— Асабимни бузишди, юр. кафега борамиз! — дедим.

У жон деб рози бўлди. «Дунё саройи» ресторанига бордик. Ҳақиқий, дунё саройи: икки қаватли, ичи ложувард нурларга тўла, ҳар бир олтин нақш ҳайратингизни оширади, ранг-баранг чироклар ёнганда, нурлар дунё гўзаллиги ҳакида куйлади. Сожида саройни кўриб, ҳайратга тушди. «Во, ана, ресторан, ана фантазия!» деди у ёқасини тутиб. Ресторан хўжайнини мен билан таниш эди. Хос хонасига олиб кириб, ўзи меҳмон килди. Ҳар чиқиб турганида Сожида: «Жуда бой одам экан!» дея тамшанди. Билиб турибман, таништириб кўй, демокчи-ю, лекин тортингапти. Бир шишани унга устма-уст куйиб бердим, биринчи овқатни еб бўлар-бўлмас, гирт масти бўлиб колди. Гапни айлантириб келиб, Азизга тақадим.

Сожида:

— Сенга ўшанинг нимаси қизик?! Фишт де, всё! — деди пешанасини тириштириб. — Сени аҳмок килиб юрган бўлмасин тағин?

— Бирорга тухмат килиш яхши эмас! — дедим аччикланиб.

— Мен... мен тухмат килмаяпман! Унга ишониб, чув тушиб қолмагин, дугонажон. Мен сени жон ўртогингман, юрагим ачийди сенга!

Бошим гир-гир айланди. Негадир бўзлагим келди. Мен бунга ишонмасдим, ишонолмасдим. У мен учун бокира, ягона дунё. Йўқ, йўқ, мени аллаб юрган бўлиши мумкин эмас.

Сожида анча масти бўлиб колган, лаблари осилиб, кўзлари сузилмоқда эди: «Чакир, ўшанингни, чакир, гаплашиб кўймиз!» деди.

Мен кўл силкидим, ортиқча ғалванинг кераги йўқ эди. Шу куни уйга судралиб келдим, бутун танам зирқираб оғрир, елкамдан оғир тоф босгандек зил-замбил эдим. Дунё кўзимга коронғи туюлди. Наҳотки, наҳотки. Сожида ҳак бўлса, дея ўйлар, юрагимга ўткир пичок қадалгандек. оғриқ, азобда ўртамоқда эдим.

Эрталаб эрим ишга кетди. Кўчага чикким йўқ эди, бирорни кўришни ҳам истамасдим. Абдуҳошим кўнгирок килиб колди. Таътилга келибди. «Чика колинг, сизни деб атайин келдим», деди. Қандай кийиндим, қандай кўчага чиқдим,

сира эслолмайман. Абдухошим машинада келган эди, қаёкка борамиз, деб сўраганим ҳам йўқ. Ҳамма нарса мен учун энди барибирдек эди. Шахар четидаги данғиллама ҳовлига бордик. Ичкари уйдаги стол безатилган эди. Менга олмос кўзли узук совға килди. «Рахмат жуда чиройли экан», дедим совуқкина оҳангда. Абдухошим нималарни гапирди, нималар деди, бирортаси эсимда қолмади. Ўзига конъяқ, менга вино қўйди. Мен караҳт эдим. Қандай ичдим, қай холатда кетма-кет кадаҳларни бўшатдим ва охири, ўзимни бошқаролмай колганимни элас-элас эслайман. Кўзимни очганимда, иккаламиз ҳам юмшоқ тўшакда эдик. Бошим зиркираб оғриб, кайфиятим тушиб кетди. Дарҳол кийиниб, кетаманга тушдим. «Нима иш қилиб кўйдим», дея вижданан қийналдим. Уйга келганимда, эрим ишдан қайтмаган эди. Ётокхонада ечиниб, ойнага қараган эдим, беихтиёр гандираклаб, тирсагим билан филча устига йикилдим, тахта филча тақ ерга тушди. Ух, деб юбордим. Филчанинг тумшуғи синган эди. Юрагим оркага тортди. Бир кори хол рўй беради энди, дедим ва беҳол ўтириб қолдим. Бирдан эрим кириб келди, кўзларида ғазаб ўти бор эди.

– Ким билан санқиб юрган эдинг? – дея саволга тутди.

Мен:

– Ҳеч ким билан санқиганим йўқ.– дея ўзимни оқлашга тиришдим.

Эрим сочимдан бураб олди.

– Ўртоқларим айтди, сени бир эркак билан кўришибди. Яна ўшами?

Тилим ўлгур тез айланди.

– Ўзи бошимни отритиб юрибди!

У мени силтаб ташлади.

– Бор, йўкол, кет! Кўзимга кўринма!

Мен атайин кўз ёши қилдим.

– Мен...мен ҳеч нарса қилганим йўқ.

Эрим баланд товушда ўшқирди.

– Йўкол, кўзимга кўринма!

Кўчага чикиб кетдим. Аёл бошига ташвиш тушганда ўзини йўқотиб кўяди. «Энди нима қиласан? Эрим билан ажрашсан, болалар, қариндошлар нима дейди? Ишхонамдагиларнинг

олдида нима деган одам бўламан?!» деган ўйлар каршисида ожиз колдим ўшанда.

Ярим тунда ортга қайтганимда, эрим диванда ухлаб қолган экан.

Эрталаб Сожидага қўнғироқ қилиб:

– Учрашайлик, муҳим гап бор! Тушликни бирга қилсак бўладими?! – дедим.

– Ҳозирча зарур ишим бор! – деди у.

Нафратим келди. Ўзини тарозига соляпти, дея ижирғандим. Кутаман, бошқа илож қанча!

Ишхонага бориб, ходимларим билан ҳол-ахвол сўрашгач, бошим оғриётганини баҳона қилиб, дам олиш хонасига ўтдимда, устимдан қулфлаб, диванга чўзилдим. Қани энди уйқу келса: дам у ёнга, дам бу ёнга ағдарилиб, тинкам куриди. Вакт имиллаб ўтар, ҳар замонда соатта карайман, денг. Телевизорни ёқдим, «Телба» фильмини беришаётган экан, биринчи марта киприк қокмай томоша қилгандим, бу сафар эса кўргим ҳам келмади. Ҳамма нарса кайфиятга боғлиқ-да! Соат ўн бирда Сожида қўнғироқ қилди. Иши битиби, қаёққа борамиз, деб сўради. Бирор жойга борармиз, дедим чучмал оҳангда. «Ёшлар» хиёбонида учрашиб, ўша ердаги кафега кирдик. Мен дарҳол мақсадга ўтиб, вазиятни тушунтиргач: «Ёрдам бермасанг, эрим хайдаб юборади, дугона!» – дедим кўзимга ёш олиб. «Нима қилиш керак?» сўради у. Бека қиз бошимизда тик котди. Нима буюрамиз, деган маънода унга карадим. «Балиқ еймиз!» – деди у. Бека қиз дафтарчасига биз буюрган ҳамма таомларни ёзиб олди-да, кетди. «Гапир, дугона!» дея мени туртди Сожида. Мен мақсадимни айтдим. У шу захоти эримга сим қоқди. Аввал хиринглаб ҳол-ахвол сўради, сўнг сайрай кетди. «Жўшқин ака, сизга бир гап айтсан майлим? Ҳа, бир ўзим. Ёнимдами? Ҳеч ким йўқ. Марҳабони.. ишда бўлса керак. Нега хафасан, деб сўрасам, кўз ёши қилди. Тинчликми? Э-ҳа, уми? Азизми? У дугонамнинг тирногига ҳам арзимайди. Сожидани яхши биламан. Сизга шунчалик вафодорки... билмайсиз-да: кўй оғзидан чўп олмаган покиза аёлингиз бор. Ман биламан-ку. Шунча йил дугона бўлиб, бирор ёмонлигини кўрган эмасман. Нуқул сизни дейди. Ор-номусли, тўғрисўз,

ишбилиармон, шаҳарнинг олд аёлларидан. Сиз бирорларнинг гапларига ишонманг. «Любойи»га фишт дейди. Фаришта у, фаришта! Хафа килманг-а, уят бўлади. Азиз биланми? Ҳа, ишляяпман. Ҳаммани ахмоқ қилиб юради у! Тутуриги йўқ унинг! Хотини ҳам қайси куни нолиб келди. Бир яхшилаб пўстагини кокиб қўйинг, кайтиб гапирмайди. Ман у билан ишлаб, кимлигини билиб олдим. Ҳа, шундай! Ана! Ана бу бошқа гап: дугонам тилла, асл тилла! Қадрига етинг, хўпми? Ёмон ўйларга борманг. Менга ишонинг! Ҳўп, хўп. Чикинглар ўзларинг ҳам!»

Сожида телефонини сумкаласига жойлагач, елкамга қоқди:

– Энди сени етти букилиб кутиб олади. Эркакларга ана шунақа гапириш керак! Қани, олдик!

Кечкурун эрим бир даста оқ гул билан кириб келди. «Эй, яхшилар, у мени сизлади, денг!»

– Кечиринг мени, Марҳабо, билмай ранжитиб қўйдим!

Танамдаги изтироблар хазонбарглар каби шитирлаб тўкилди. Ўша кеча унинг эркалашларидан лаззатга тўйдим.

\* \* \*

Шундан сўнг Сожида билан апок-чапок бўлиб юрдик. Мен ундан жуда хурсанд эдим, лекин қўйнимда илон асраб юрганимни билмаган эканман.

Азиз неча марта қўнғироқ килди, қанча ялинди, қулок солмадим. Бечора адойи тамом бўламан, дея нола қилса-да, бўйин бермадим. Дунём коронғи эди, ўтиб кетади, дея ўзимни алдаб юрдим.

Содда эканман, калта фикрлаганимни кейинрок англадим.

Ўша куни... Ўша куни нега Сожида билан ошхонага бордим, нега бегона эркак билан гаплашдим. Эҳ, мен ношуд банда, нималар қилиб қўйдим. Эрталаб Сожида қўнғироқ қилиб, бир таниши таклиф этаётганини, ҳамроҳ бўлишимни сўради. Йўқ, дея олмадим. Кўчага отланаётганимда, яна Азиз қўнғироқ қилиб қолди. «Эрим уйдалар, кейинрок ўзим телефон қиласман», деб уни алдадим.

Аммо дераза ортидаги гўзал чехра, шаршара, Самарқанд, пойтахт оқшомлари, соғинч мактублари, ширин туйгуларга

тўла шеърлар...буларни унутиш мумкин эмасди. Лекин ҳар гал юрагим ўша ширин дамларни орзикканда, мен уларни узиб олиб, ташқари отар, буларнинг бари ёлғон, дея ўзимни ишонтироқчи бўлардим.

Сожида билан ўша куни бирга овқатландик. Таниши Отабек деган бизнесмен экан. Ичиб олгач, менга суйкала бошлади. Сожида: «Бу киши сенга ошиқ бўлиб қолдилар», дея қулди. Мен, хом сут эмган банда, бундан жуда мағурландим. Содда, эҳ мен содда! Келиб-келиб, бир шилқим эркакнинг суйкалганидан мағурланаманми?!

Кўчага чиқканимизда, Отабек мени қўлтиқлаб олди. Кўйиб юборинг, десам. Сожида: «Бунча нозланмасанг, бу киши сени хурмат киляптилар!» деди. Бу гапга ҳам лаққа ишонибман, денг.

Мармар зинадан пастга тушдик. Не кўз билан кўрайки, бечора Азиз йиғламоқдан бери бўлиб турарди. Эсим чиқиб кетди. Яқинимга келиб: «Мен ҳали тирикман!» деди ғамгин оҳангда. Танам музлаб, қўл-оёғим қалтиради. «Мен ўлганим йўқ-ку, ўлмай туриб, бу нима бевафолик!» дегани эди бу. Ер ёрилмади, ерга кириб кетсам. Бизни ким сотди, бу ердалигимизни ким унга етказди, дея ўйладим. Ким сотиши мумкин? Одамнинг оласи ичидаги бўлади, деб рост айтган эканлар. Мен буни кейинроқ англадим.

Душанба куни, соат ўн бирлар чамаси эди. Ҳалима опа хонамга кирди. «Айланай, бир гап эшитдим, шуни айтиб қўймасам бўлмас!» деди. Юрагим зир титради. Унча-мунча гап бўлса, опа миқ этмайди. «Жоним ачияпти сизга, кўнглингиз тоза аёлсиз, айланай!» – Ҳалима опа «ўтирсан майлими?» дегандек имо қилди.

– Нима гап, опа? – деб сўрадим.

– Сиздан айланай, қизим, мани тўғри тушунинг, ганимларингиз ичингизда экан!

– Тушунтириброк айтинг! – дедим сабрим чидамай.

Опа хижолат чеккандек жойида букчайди:

– Кеча овсинимниги борган эдим. Қизларини унаштирди.

– Муборак бўлсин!

– Тўйларга буюрсин, айланай! Ҳалиги...ҳах, Сожида деган ўртоғингиз бор-у, ўша сизни ғийбат қилибди мани овсиним-

га. «Азиз, Азиз, дейди, мингтасини бошини айлантиради. Ман ҳам қўяманми, иккаласини жиққамушт уриштириб қўйдим», деганини эшилдим. Бирга овқатлангани борганларингда, Азизга: « Марҳабо Сизни ташлаб, бошқасини топган, фалон жойга боринг, ўз кўзингиз билан кўрасиз!» деган экан. Вой-й. буни эшилиб, оғзим очилиб колди. Сиз унинг гапларига ишонгансиз, айланай, соддалигингизга боргансиз! Нотўғри гапирган бўлсам, узр! Биз ҳаммамиз сизни яхши кўрамиз. Ғамхўр раҳбарсиз, сиз билан ишлаб кам бўлаётганимиз йўқ, айланай!

Бошимга бирор гурзи билан ургандек, хаёлим кўкка учди. Наҳотки, наҳотки?!.. «Раҳмат, опа, раҳмат!» дедим йигламоқдан бери бўлиб. Ҳалима опа минг бора узр сўраб чикиб кетгач, дарҳол Сожидага сим қоқдим. Ўғлининг овози эшитилди. Онасини сўрадим. «Ойим касалхонага тушиб колдилар, машина туртиб кетибди!» деди ўпкаси тўлиб.

Кечаси билан ухлолмай чиқдим. Азиз тушимга кирди. У коронгиликда эди. Нимага коронгиликда юради? Бу нимага ишора, дея ўйладим, аммо саволимга маънили жавоб тополмадим.

Эрталаб ишга жўнаётганимда, остоңада ўша суюк ғажиётган итга дуч келиб, таъбим тирриқ тортди. Телефонимни олиб, Азизга «нома» юбордим: «Мени кечира оласизми!»

Суюк ғажиётган ит нега мени таъқиб этасан? Нега? Қайси гуноҳим учун уйқумдаги ҳаловатни ҳам ўғирладинг!

\* \* \*

Кунлар мени қақшатиб ўтаверди: на ётишимда ҳаловат бор эди, на ейишимда, икки ой ичиде чўпдек оздим, ишларим оркага кетиб, сартарошхонадан ҳам файз кўтарила борди, бир куни бойвучча аёллардан бирининг сочини куйдириб қўйиши. Бўлди тўполон, бўлди ғавғо. Ялиниб-ёлвориб, уни аранг шаштидан тушириб, ўзим сочини турмаклаб, гап-сўзни босди-босди килдим. Яна бир куни келинчаклардан бирининг оқ либосига кора бўёқ тўкилиб, яна ғавғо кўтарилди. Қиммматбаҳо кўйлакнинг пулини тўлаб, бу сафар ҳам бош оғриқдан, ғавғодан зўрга кутулдим, аммо шундан сўнг гап-сўзлардан кутула олмадим. Миш-мишларни эшилиб, юрагим тилка-пора бўлаёзди:

мен оёги суюк эмишман, ходимларим ҳам бетайин эмишлар, ишхонам иллатга ботган эмиш. Ана сизга бир олам ташвиш. Бунисиям, майлику-я, шундан сўнг мижозларим сони кескин камайиб кетди. Айборд ходимларни ишдан бўшатдим, ўзим ҳакимда яхши гап-сўзларни кўпайтиришга ҳаракат килдим, аммо бариси фойдасиз бўлди. Соликларни, газ, электр ҳакларини тўлолмай карзга ботдим, гўё Азиз ортидан барака ҳам кетиб қолгандек эди. Бунинг устига уйда ҳам ҳар куни арзимас гап-сўзлар туфайли жанжал чикиб, тинкам куриб, асабларим жуда қакшади, икки марта касалхонага ётиб чикишим ҳам фойда бермади, гўё мен абадий азоблар ўлкасига тушиб қолгандек эдим. Мени суядиган, дардимга шерик бўлиб, суюнчик бўладиган кишининг ўзи йўқ эди. Азизга қилган тухматим ўзимга урган эди. Шуни англаб етдиму, зор-зор йигладим. Бирорга ноҳақ тухмат қилишнинг қанчалик азоб эканлигини энди тушунган ва азобини тортаётган эдим. Ҳаммаси тугади, тамом, деб ўйладим ва асабларим дош беролмай, бу сафар ўзимни сувга ташласамми, деган васвасага йўлиқдим.

Ишхонамда энди икки нафар ходим қолган, онда-сонда битта-яримта мижозлар зарурат юзасидан кириб туришар эди.

Уйга келаман. Кўз ёши тўкаман, ишга бораман, хонамда ичимни ит тирнайди. Нега энг суюкли инсонимга тухмат килдим, нега? Шундан бошқа тадбир-чора йўқмиди? Энди олдингидек, чўнтағим пулга тўлмас, гоҳо кунлари машинамга бензин олишга кучим етмай, уйда қолардим. Эрим берган чойчака тушлик овқатимга ҳам етмасди. Оҳ дедим, воҳ дедим, юз тавалло қилдим, лекин туриш-турмушимнинг яхши томонга ўзгаришидан дарак йўқ эди.

Ўша куни тушда ёмғир ёғди. Иштаҳам йўқ эди, овқатга чикмадим. Энди нима қиласман? Кувончили дунём қайтармикин?

Эшик оҳиста тақиллади.

– Киринг, – дедим хушламай.

Қўлида оппоқ гул тутган Лобар, Азиз акамнинг қизи жилмайиб ичкари кирди:

– Опа, туғилган кунингиз билан!

Мен ўзгача меҳр билан уни бағримга босдим. Азизнинг хиди гуп димогимга урилиб, киприкларим намланди.

- Дадангиз қани? – деб сўрадим беихтиёр.
- Дадам кўчада бизни кутиб турибдилар! – бийрон тилда жавоб килди қизча.

Танамдаги дард сирғалиб ерга тушди. Эх, канча кийналдим-а? Ўзимни ўзим азобга қўйдим-а! Азизга-чи, канча азоб бердим унга ҳам.

Лобарнинг қўлидан етаклаб, кўчага отилдим. Азиз машинасиға суяниб туарар, бу мен билган аввалги Азиз эмасди: у ҳам қоқсуюк тортиб, озиб-тўзган, пешанасини ажин босиб, кўзлари сарғайган, ранги заҳил эди. Чиндан-да, унга раҳмим келди. Мехрибон инсонни шунчалик қийнайдиларми-а, шунчалик ғамга ботирадиларми?! Эх, содда Марҳабо! Содда Марҳабо! Энди кечирим сўра ундан, кечирим сўра!

У мен билан икки оғиз гаплашди, туғилган куним билан табриклади. Аввалги эҳтирос, аввалги гап-сўзлардан асар йўқ эди. «Ўзингизга каранг, рангингизни кўриб, ўзимнинг ҳам раҳмим келди сизга!» деди ва эркаланиб суйкалаётган қизини қўлидан тутиб, машинаси томон кетди.

Мен уни кайтиб келди, аввалгидек муносабатимиз давом этади, деб ўйлаган эдим. Билсан, одамгарчилик юзасидан туғилган куним билан табриклагани келган экан. Балки, Лобар оёқ тирагандир. Яна ким билади, дейсиз.

Сизга тўғрисини айтсан, Азиз олдида юзим шувут, юзим кора. У билан аввалгидек очилиб гаплашолмадим. Учрашган жойларимда бўлганимда, юрагим ўша ширин паллаларни кўмсади. Гўзал Самарқандни, йўлдаги воқеаларни, унинг чараклаган чехрасини эслаб, юрагим куяди. Қўлимга кўнган шундай баҳтни ўзим учирив юбордим. Инсон бу дунёда калби ихтиёр этган баҳтдан мосуво бўлса, бундан ортиқ азоб йўқ экан.

Ёмғир мени аямай савайди, томчилар лабларимни тирнаб ўтади. Эх, Марҳабо, дейман ўзимга ўзим, нима килиб қўйдинг! Ўша кунлар қайтармикин, Азиз кечира олармикин мени?!

Эрталаб хомуш уйғондим: юзим тиришган, кўзларим ёнларида билинар-билинмас майда ажинлар пайдо бўлган эди. Дод деб юборишимга оз қолди. Бир соат беҳол ўтирдим. Телефоним жиринглади. Нотаниш ракамлар. Беихтиёр қизил тугмачани босдим.

**Жарангдор аёл овози эшитилди:**

– Мен, синглим, «Тўмарис» аёллар уюшмасининг раҳбари Мехрихонман. Азизжон деган укам сизни тавсия этдилар. Эртага эллик нафар хотин-қизлар чет элга саёҳатга кетишмоқчи. Бир кунда уларнинг соchlарини турмаклашга улгурасизми? Пулини бугунок ўтказиб бераман, сингилжон!

Юрагим ўйнаб кетди. Азиз? Азиз акам тавсия қилибдиларми?

Яқин орадан булбулнинг овози эшитилди. Бу яхшиликнинг бошланишими?

– Хўп опажон, Азиз акам айтган бўлсалар, бугунок... бугунок бажарамиз! – дедиму, хўрлигим келиб, йиғлаб юбордим. Азиз ака, Азиз ака! Сиздан бошқа кимим бор?! Эҳ, мен Марҳабо, Марҳабо! Мени кечиринг. Сизни жуда орзикиб соғиндим! Жуда соғиндим!

2011 йил

*Тўлқин ҲАЙИТ – самараи ижод қилиб келаётган адабиатимиздан бири. Унинг «Мени кечир, болажон!», «Даинобод ҳангомалари», «Бойвуччанинг қизи», «Одамларнинг яхшиси» ҳикоя ва қиссаларини, «Шоҳи Зинда», «Улуг Амир ўғитлари» каби шлмий рисолаларини, «Турон тунлари», «Вафо маликаси», «Қора шаҳзода» романларини ўқигансиз.*

Унинг узоқ йишик меҳнатлари оқилона баҳоланиб келмоқда. Болалар ва ўсмирлар учун ёзилган «Амир Темур ҳақида ҳикоялар» асари Республика «Энг улуг, энг азиз – 2009» кўрик-танловининг галиблигини қўлга киритган бўлса, мустақшалигимизнинг 20 йиллиги арафасида унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилди.

Хозирда у «Бақо гули» асари устида қишлоғидан оқишиб келмоқда.

---

## МУНДАРИЖА

Биздан кандай яхшилик колади? (Сўзбоши ўрнида) ..... 3

## ХИКОЯЛАР

|                                  |     |
|----------------------------------|-----|
| Асалбог .....                    | 6   |
| Етимчанинг қалами .....          | 11  |
| Эски дўппи .....                 | 15  |
| Кор гуллаган кун .....           | 18  |
| Бахтили киз бўласан .....        | 36  |
| Котиба .....                     | 41  |
| Ота ўғил .....                   | 53  |
| Ҳасрат момо .....                | 60  |
| Шубҳа .....                      | 69  |
| Одамнинг яхшиси .....            | 73  |
| Жинқарча .....                   | 82  |
| Сабрина хоним .....              | 88  |
| Тилҳат .....                     | 104 |
| Хожа Абдулкодир .....            | 108 |
| Олифтанинг хотини .....          | 118 |
| Анатольнинг отасига раҳмат ..... | 124 |
| Чўли полвон .....                | 132 |
| Дилижон .....                    | 143 |

## ҚИССАЛАР

|                              |     |
|------------------------------|-----|
| Ҳаловат .....                | 160 |
| Сиздан бошқа кимим бор ..... | 194 |

*Адабий-бадиий нашр*

## **Тўлқин Ҳайит**

### **СИЗДАН БОШҚА КИМИМ БОР**

*Хикоя ва қиссалар*

Мухаррир *Илҳом Зойиров*

Бадиий мұхаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*

Техник мұхаррир *Татъяна Смирнова*

Мусаххих *Доно Тўйчиева*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишига 12.11.12 й. да рухсат этилди.

Бичими 84x108  Times гарнитураси. Офсет босма.

16.80 шартли босма тобок. 14.0 нашр тобоги. Адади 1000 нұсха.

475 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «Dream media» МЧЖда тайёрланды.

100129. Тошкент. Навоий күчаси, 30.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Шайхонтохур күчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz), e-mail: [ipidgulom@sarkor.uz](mailto:ipidgulom@sarkor.uz), [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)